

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИ
(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

ТОШКЕНТ – 2013

Ушбу ўқув қўлланма Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Халқаро муносабатлар факультети Ўқув-услубий кенгашида 2013 йил 24 декабрь куни муҳокама қилинган ва нашр этиш учун тавсия этилган (2-сонли баённома).

Муаллифлар: т.ф.д., проф. Раҳмон Фармонов,

с.ф.д. Қодир Жўраев

Такризчилар: т.ф.н., доц. Ш. Эргашев

т.ф.н., доц. Т. М. Бобоматов,

Мазкур қўлланма Амир Темур давридан то Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви давридаги Халқаро муносабатлар тарихини қамраб олган.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси гуманитар йўналишидаги Олий ўқув юртларнинг шу жумладан ЖИДУ Халқаро муносабатлар факультетининг учинчи босқич талабаларига мўлжалланган.

“Халқаро муносабатлар тарихи” фанидан тайёрланган ушбу ўқув қўлланма намунавий ҳамда ўқув ишчи дастурларида кўзда тутилган талабларни ўзида акс этади. Қўлланмада ёритилган мавзулар бакалавр йўналишида таълим олаётган талабалар ўзлаштириши лозим бўлган долзарб масалаларга бағишланган. Таълим олиш жараёнида мазкур фан юзасидан талабалар тизимли билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
Халқаро муносабатлар тарихи ва унинг предмети	5
I БОБ. АМИР ТЕМУР ДАВРИДАН ХVIII АСРНИНГ СЎНГГИ ЧОРАГИГАЧА БЎЛГАН БОСҚИЧДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР	11
1. Халқаро муносабатлар тарихида Амир Темур ва темурийлар давлатининг тутган ўрни	11
2. Халқаро муносабатлар тарихида Уйғониш, Реформация ва денгиз йўлларининг очилиш даври	17
3. Нидерландларнинг мустақиллик учун кураши. Ўттиз йиллик уруш. Англияда фуқаролар уруши ва унинг оқибатлари.	28
II БОБ. ХVIII АСРНИНГ СЎНГГИ ЧОРАГИДАН ХIX АСРНИНГ ОЛТИМИНЧИ ЙИЛЛАРИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР	41
1. Шимолий Америкада мустақиллик учун олиб борилган кураш ва АҚШнинг ташкил топиши	41
2. Англияда саноат тўнтарилиши ва унинг тарихий аҳамияти	45
3. Буюк француз инқилоби ва Наполеон урушлари даврида халқаро муносабатлар	49
4. Вена конгресси ва унинг қарорлари. 1815–1847 йиллардаги халқаро муносабатлар	57
5. 1848–1851 йиллардаги халқаро муносабатлар	63
6. ХIX асрнинг 50–60 йилларидаги халқаро муносабатлар	72
III БОБ. ХIX АСРНИНГ 60 ЙИЛЛАРИДАН ТО БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ТУГАГУНГА ҚАДАР БЎЛГАН ДАВРДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР	80
1. Бисмарк дипломатияси ва унинг халқаро муносабатлардаги роли ..	80
2. ХIX асрнинг 70–90 йилларида халқаро муносабатлар	84
3. ХIX аср охири – ХХ аср бошларида халқаро муносабатлар	88
4. Биринчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари	94
5. ХIX аср охири – ХХ аср бошларида алоқа воситаларининг такомиллашуви	98
IV БОБ. 1918 ЙИЛДАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ТУГАГУНГА ҚАДАР БЎЛГАН ДАВРДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР	101
1. 1918–1923 йилларда халқаро муносабатлар	101
2. Барқарорлашув йилларида халқаро муносабатлар	112

3. Жаҳон иқтисодий инқирози ва уруш ўчоқларининг вужудга келиши.....	115
4. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги халқаро вазият.....	121
5. Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқаро муносабатлар.....	127
V БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ВА УНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ	137
1. Совуқ урушнинг келиб чиқиш сабаблари ва 1946–1960 йилларда халқаро муносабатлар.	137
2. XX асрнинг 60-80 йилларида халқаро муносабатлар.....	142
3. Мустамлакачиликнинг барҳам топиши ва империяларнинг кулаши.....	146
4. Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви	151
ХУЛОСА.....	161
Халқаро муносабатлар тарихидаги муҳим саналар.....	165
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	174

КИРИШ

Халқаро муносабатлар тарихи ва унинг предмети

Маълумки, халқаро муносабатлар тарихи предмети ҳар бир мамлакатнинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Чунки уни ўрганиш орқали нафақат мураккаб тарихий воқеалар шоҳиди бўлиш мумкин, балки мамлакат ташқи сиёсати ва дипломатияси стратегиясини тўғри танлаб, уни изчиллик билан амалга оширишни таъминлаш мумкин.

Айтиш жоизки, мустабид шўролар тузуми даврида Ўзбекистон олий ўқув юртларида халқаро муносабатлар, дипломатия тарихи, сиёсатшунослик каби предметлар ўрганилмас эди, ҳатто, табиий, аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанларга оид дарсликлар ёки ўқув қўлланмаларни ёзиш ва нашр этиш марказнинг ином-ихтиёрида эди. Қолаверса, Москва давлат халқаро муносабатлар институтини битириб юртимизга қайтган ва халқаро муносабатлар соҳасида фаолият кўрсатган ўзбекистонликларнинг сони бармоқ билан санарли даражада эди. Фақатгина мустақиллик туфайли Ўзбекистонда бир қатор академия ва олийгоҳлар ташкил этилди ҳамда халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик, дипломатия асослари, дипломатия тарихи, халқаро муносабатлар тарихи каби предметларнинг ўқитилиши Ўзбекистон давлат таълим стандартлари тизимига киритилди.

Халқаро муносабатлар тарихи, унинг предмети, ўзига хос хусусиятлари, бошқа предметлар билан боғлиқлиги нималарда намоён бўлади? Мазкур предмет, авваламбор, сиёсий тарихнинг узвий қисми бўлиб, турли мамлакатлар, цивилизациялар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганади. Шу билан бирга, халқаро муносабатлар тарихи жаҳон тарихидаги иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий омиллардаги узвий боғлиқликни давлат ҳамда жамоат арбоблари фаолияти билан чамбарчас боғлаб тадқиқ этади. Ўз навбатида, халқаро муносабатлар тарихи предмети хилма-хил ғоялар, турли-туман халқларнинг менталитетлари, уларнинг урф-одатлари, миграцияси, жуғрофий омилларнинг халқаро муносабатларга қандай таъсир этишини синчиклаб ўрганади. Жамоавий менталитет, жамоавий психология, демографик омиллар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг турли вазиятлардаги ўзаро таъсири ва алоқадорлиги масалаларига халқаро муносабатлар тарихи алоҳида урғу қаратади.

Агар биз ҳар бир халқнинг менталитетига эътибор берадиган бўлсак, қуйидаги ўзига хос хусусиятларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Англо-сакслар, хусусан, америкаликлар учун ишбилармонлик, ташаббускорлик, прагматизм хислатлари хос бўлса, руслар учун эса жамоатчилик, ҳис-туйғуларга эрк бериш, янгидан-янги кашфиётларга қўл уриш, баъзида бошлаб қўйган ишини ўз ниҳоясига етказмаслик ҳолатлари тез-тез учраб турадиган одатий бир ҳодисадир. Немислар учун эса ўта тежамкорлик, темир интизом, ҳар бир ишни ўз ниҳоясига етказиш сари қатъий ирода ва чидамлилик характерлидир. Французлар ўта мулоҳазакор бўлиб, ақл-

идрок доирасида иш тутишга уринадилар, мантикий изчиллик, таҳлил қилиш ва ғояларни аниқ таснифлаш уларга хос хусусиятлардир. Ўзбеклар бўлса вазминлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, заҳматкашлик, қизиқувчанлик ва болажонлик каби фазилатлар билан ажралиб турадилар. Президент И.А. Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида япон ва корейс халқларининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиб, қуйидагиларни таъкидлайди: «Япон ва корейс халқи асрлар давомида шаклланиб, қайта бунёдкор кучга айланган ўзига хос миллий маънавияти ҳисобидан ҳам ривожлангани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун «Япон мўъжизаси» ёки «Корейс мўъжизаси» ҳақида гап кетганда, таниқли эксперт ва мутахассислар ҳам биринчи галда «Япон характери», «Корейс табиати» деган ибораларни тилга олади. Табиийки, улар бу ўринда, аввало, мазкур халқларга мансуб маънавий фазилатларни назарда тутди. Яъни, бу халқларнинг ички дунёси ва иродаси маънавият негизида тобланган, камолга етган»¹.

Агар Франциянинг таниқли сиёсатшуноси Раймон Арон ўзининг 1962 йилда чоп этган «Миллатлар ўртасидаги уруш ва тинчлик» асарида сиёсий муносабатлар ўртасидаги амалиётларни таснифлашга уринган бўлса, биз немис файласуфи Макс Вебер асарларида халқаро муносабатларда фалсафий ва ижтимоий ғояларнинг қандай аҳамият касб этганлигини англаб оламиз. XX асрнинг истеъдодли француз тарихчиси Фернан Бродель ўз тадқиқотларида цивилизациянинг халқаро муносабатларда тутган бекиёс ўрнини кўрсатиб беришга муваффақ бўлди.

Халқаро муносабатлар тарихида бир-бирига карама-қарши турган коалициялар, сиёсий етакчилар, мутафаккирлар, маданият ва санъат намояндалари, адиблар, олимларнинг салмоқли ўрни бор. Соҳибқирон Амир Темури, Уйғониш даври мутафаккирлари, Людовик XIV, Буюк Фридрих II, Оливер Кромвель, Жорж Вашингтон, Наполеон, Пётр I, Алишер Навоий, Вильям Шекспир, Сервантес, Моцарт, Бах, Ж. Байрон, А. Ламартин, В. Гюго, Оноре де Балзак, Гёте, Гейне, Шиллер, А. Пушкин, А. Мицкевич, Т. Шевченко каби давлат арбоблари, маънавият юлдузлари, буюк мутафаккирлар, ёзувчи-ю шоирлар ҳамда бастакорларнинг номларини узоқ давом эттириш мумкин. Уларнинг мероси, халқаро муносабатлар тарихида амалга оширган ишлари, таҳлил намуналари келгуси авлодлар учун бетакрор ёрқин тимсоллар сифатида асрий-азалий, анъаналаримизга айланиб қолди.

Халқаро муносабатлар тарихидаги муҳим омиллардан яна бири бу макон ва замон омили бўлиб, у ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эгалигини билдиради. Масалан, XIX аср халқаро муносабатлари учун, энг аввало, давлатлараро муносабатлар муҳим аҳамият касб этган бўлса, XX аср халқаро муносабатлари учун, айниқса,

¹ И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б. 27.

унинг иккинчи ярми учун глобализм, глобал муаммолар, яъни французлар тили билан айтганда, мондиализм ёки дунёвий муаммолар алоҳида аҳамият касб эта бошлади.

II жаҳон урушидан кейин кўпгина демократик мамлакатларда у ёки бу турдаги долзарб масалалар бўйича жамоатчилик фикрини аниқлаш учун сондажлар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ҳар бир давлат раҳбари турли жабҳаларда, айниқса, ташқи сиёсат масалаларини юргизишда жамоатчилик фикрини инobatга олишга уринарди. Халқаро муносабатлар тарихи бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, 1815–1945 йиллар давомида Европада юз берган уруш ва тинчлик шартномалари бу ҳудудни халқаро муносабатларнинг ҳақиқий марказига айлантириб юборди. «Халқлар ўртасидаги муносабатлар, – деб ёзган эди Пьер Ренувен, – буюк ҳарбий кризислар таъсирида мисли кўрилмаган даражада ривожланди, кишилик жамиятининг тадрижий ривож ва цивилизациялар шаклини кескин ўзгартириб юборди»².

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, халқаро муносабатлар тарихи цивилизациялар тарихининг ажралмас қисмидир. Шу билан бирга, ҳар бир давлат раҳбари ўз сиёсий режимини легитимлаштиришга уринади. XX аср тоталитар тузумларига мансуб бўлган Германиядаги нацизм, Италиядаги фашизм ва собиқ СССРдаги коммунизмни уларнинг дохийлари мозий билан боғлаб, ўша ўтмишдаги воқеликнинг тадрижий қисми эканлигига жамоатчиликни ишонтирмоқчи бўлдилар. Масалан, Гитлер III Рейхни минг йилликнинг маҳсули, деб баҳолаган бўлса, Муссолини учун фашистик Италия «Қадимги Рим империясининг XX асрдаги кўриниши», Сталин эса Россия тарихини унинг фақат чет эл босқинчиларига қарши олиб борилган мардонавор кураши тарзида талқин қилган эди.

Халқаро муносабатлар тарихида жамоатчилик фикрини, тарихий ўтмишини талқин қилишда конструктив ёндашув устун бўлган ҳолатлар ҳам бир талай. Масалан, люксембурглик металлург Эмиль Мейрих 1926 йилдаёқ Европада пўлат ишлаб чиқариш картелини барпо этиш ташаббуси билан чиққан бўлса, 1952 йилда Европада кўмир қазини ва пўлат ишлаб чиқиш бирлашмаси вужудга келди. Бугунги кунда Европа Иттифоқининг асосчилари ёки оталари бўлган француз Жан Монне ҳамда немис давлат ва жамоат арбоби Конрад Аденауэр Европадаги интеграциявий жараёнларда Франция ва Германиянинг локомотив ролини ўйнаши тўғрисидаги ташаббуси билан чиқдилар.

Бугунги кунда халқаро муносабатлар тарихида оммавий ахборот воситаларининг роли тобора ошиб бормоқда, улар моддий ва маънавий омиллар билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, бироқ ўзларининг нисбий мустақилликларига эга. Француз мутахассиси Жан Баптист Дюрозелнинг

² P.Renovin. Histoire des relations internationales I du Moyen age a 1789. – P., 1994. – P. XXI.

таъкидлашича, инсоният тарихи диалектик йўл билан ҳам, доиравий ёки даврий асосда ёки бошқача аниқ белгиланган йўл билан ривожланмайди, балки турли муқобил ҳаракатлар ва бунёдкорлик асосида тараққий этади. Бу фикрлар Ж. Дюрозелдан юз йил олдин яшаган рус мутафаккири Н.Г. Чернишевскийнинг «Тарих фақат Нева шоҳбекатидан иборат эмас» деган фикри билан ҳамоҳангдир. Халқаро муносабатлар ўз тарихида турли босқичларни ўз бошидан кечирган бўлиб, цивилизациялар ана шу босқичларнинг маҳсулидир.

Халқаро муносабатлар ривожидида иқтисодий, техник, мафкуравий ва коммуникатив омилларнинг роли тобора ошиб борганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга, 1950–1990 йиллар мобайнида икки система ўртасидаги кураш ва қарама-қаршиликлар халқаро муносабатлар тарихида чуқур из қолдирди, ўз навбатида, бу тизимлар ўртасидаги қарама-қаршилик «учинчи дунё» деб аталмиш ривожланаётган мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймади.

Анъанавий халқаро муносабатларнинг асосий субъектлари ҳукуматлар бўлиб, улар сиёсий манфаатларни ўзларида акс эттирганлар. Сиёсий манфаатлар ҳавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг қудратини ёки салоҳиятини халқаро муносабатларда намойиш этиш ва бу юмушларнинг барчасини дипломатик усуллар орқали амалга оширишдан иборат бўлган. Демак, давлат арбоблари ва уларнинг ҳамкорлари хизмат пиллапоялари асосида ва ўз лавозимларига кўра давлат манфаатларини халқаро миқёсда амалга оширганлар. Бу юмушларнинг самарадорлиги давлат арбоблари, вазирлар ва уларнинг қўл остида ишловчи ходимлардан ҳар бирларининг шахсий қобилиятлари, касбий салоҳияти, уларнинг характерлари, муваффақият ва камчиликлари билан узвий боғлиқ бўлган, кўп ҳолларда анъанавий халқаро муносабатларда зарур ахборотга эга бўлиш, шунингдек, ўз соҳасидаги амалиёт ва билимга эга бўлиш ҳам катта аҳамият касб этган.

Замонавий халқаро муносабатлар шароитида эса нафақат давлатлар, балки бошқа субъектларнинг (халқаро ташкилотлар, ноҳукумат ташкилотлари ва ҳаракатлар, сиёсий партиялар, халқлар ва ҳ.к.) ўрни ва нуфузи тобора ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Демак, замонавий халқаро муносабатлар илгариги сингари фақатгина давлатлараро муносабатлар характерига эга эмас. Шу билан бирга, замонавий халқаро муносабатларда моддий омиллар қатори маънавий омилларнинг роли ҳам тобора ошиб бормоқда. Ўз навбатида, халқаро муносабатлар соҳасидаги мутахассислар жуғрофий муҳит, моддий турмуш тарзининг шарт-шароитлари, жамият иқтисодий структурасининг такомиллашуви ва цивилизацияларнинг характерига катта эътибор қаратмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, ушбу омиллар халқаро муносабатларнинг ҳал қилувчи унсурларига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда халқаро муносабатлар мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, уларнинг моҳиятини ахборот-статистик жадваллар, турли чизмалар ёхуд диаграммалар билангина очиб бериб бўлмайди. Аксинча, бу предметнинг моҳияти «тарихий куч», яъни турли халқларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг жамоавий турмуш тарзи, ҳис-туйғулари ва эҳтиросларида мужассамлашган. Албатта, мазкур омиллар халқларнинг темпераментлари, анъаналари ва фикрлаш тизимлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг замирида моддий манфаатдорлик мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, анъанавий халқаро муносабатларнинг субъектлари сифатида асосан сиёсий элиталар гавдаланган бўлса, эндиликда халқаро муносабатларнинг субъектлари таркиби янги-янги ижтимоий гуруҳлар ҳисобидан кенгайиб бормоқда. Замонавий халқаро муносабатларда инсон омили ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бироқ ушбу тенденция давлат арбобларининг халқаро муносабатлардаги етакчилик мавқеига эга эканлигини инкор этмайди.

XV–XVI асрларда юз берган мисли кўрилмаган техникавий тараққиёт уруш қуроллариининг анча такомиллашувиға олиб келди, XIX асрга келиб, дунёнинг қудратли давлатлари ўзларидаги жуда кўп ресурсларни уруш воситаларига айлантириб юбордилар. Ўз навбатида, демографик омиллар ва аҳоли миграцияси масалалари ҳам қитъалар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни бутунлай ўзгартириб юборди. Шу билан бирга, XIX аср охирига келиб, дунёни Европа ва Шимолий Америкадаги етакчи давлатлари томонидан тақсимлаб олиш жараёни ҳам ўз ниҳоясига етди. Натижада, етакчи мамлакатларнинг икки ҳарбий империалистик блока бўлиниш жараёни бошланди. XX аср бошигача давом этган ушбу жараён, ўз навбатида I жаҳон урушини келтириб чиқарди.

Шу тариқа, халқаро муносабатлар тарихининг фазовий доираси анча кенг. Бизнинг мақсадимиз давлатлараро, халқаро муносабатларни ўрганиш доирасида уларнинг трансформациясини ҳамда бу ўзгаришларнинг манбалари сифатида қайси кучлар намоён бўлганлигини аниқлашдан иборат. Маълумки, ҳар қандай тараққиётнинг бош омили қарама-қаршилик ва зиддиятларнинг ўзаро курашидан иборат ёки ривожланиш – бу тадрижий тараққиёт маҳсули демакдир. Тараққиёт ёки трансформациянинг манбаини моддий ёки маънавий омиллар ташкил этади. Халқаро муносабатлар тарихи негизини иқтисодий ва ижтимоий тарих, ғоялар ва институтлар тарихи ташкил этади. Албатта, бунда жуғрофий муҳит, молиявий ва иқтисодий манфаатлар, қуролли кучларнинг техникавий салоҳияти, жамиятнинг ижтимоий структураси, демографик жараёнлар, диний қарашлар, халқларнинг куч-қуввати, темпераменти ва маънавий салоҳияти ҳам халқаро муносабатлар ривожига катта таъсир кўрсатади.

Мазкур ўқув қўлланма олийгоҳларнинг халқаро муносабатлар факультети бакалавр босқичида таълим олаётган талабалар учун

мўлжалланган. Бу фан талабаларда халқаро муносабатларнинг давомли тарихи тўғрисида изчил билимларни шакллантиришга яқиндан ёрдам беради, деб умид қиламиз. У давлатлар, ҳукуматлар, халқлар, уларнинг раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, партиялар, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари, ер юзидаги цивилизациялар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий, маданий муносабатлар тизимини ўргатади. Маълум маънода, бу фан гуманитар илмлар – тарих, фалсафа, иқтисод, дипломатия тарихи ва асослари, сиёсатшунослик фанларининг синтези ёки мантиқий ягоналигини тақозо этади. Бу фанни ўрганишда дунёнинг яхлитлиги, ер юзидаги барча халқлар ва цивилизацияларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги ва таъсири масалаларига катта эътибор бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур фан учун ажратилган маъруза соатлари ва амалий машғулотлар учун белгиланган аудитория соатлари жами 72 академик соатни ташкил этади. «Халқаро муносабатлар тарихи» деб номланган ўқув курси икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм Амир Темур ва темурийлардан бошлаб то I жаҳон урушигача бўлган даврдаги халқаро муносабатлар тарихини қамраб олган.

Ўқув курсининг Амир Темур ва темурийлар давридан бошлаб ўрганилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихида Амир Темур марказлашган ўзбек давлатчилигини янги босқичга кўтарди. У, ҳатто, европаликлар орасида «Европа халоскори» деган номга сазовор бўлди. Қолаверса, Марказий Осиё минтақасида Амир Темур давридан бошлаб, Иккинчи Уйғониш даври бошланди, кейинчалик бу жараён Европада ўзининг юксак палласига кўтарилди.

Мазкур ўқув курсининг иккинчи қисми I жаҳон уруши тугагандан сўнг, яъни 1918 йилдан бошланиб, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиши ва унинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви жараёни, қолаверса, XXI асрнинг илк ўн йиллиги, яъни бугунги давргача бўлган халқаро муносабатлар тафсилотларини қамраб олади.

Халқаро муносабатлар тарихи предметининг манбалари, унинг методологик асосларини Президент И.А. Каримов асарлари, Республика Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа сиёсий етакчилар асарлари, шунингдек, бу соҳага оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари, фундаментал илмий тадқиқотлар ташкил этади.

I БОБ. АМИР ТЕМУР ДАВРИДАН XVIII АСРНИНГ СЎНГГИ ЧОРАГИГАЧА БЎЛГАН БОСҚИЧДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

1. Халқаро муносабатлар тарихида Амир Темури ва темурийлар давлатининг тутган ўрни.

Режа:

- 1. Темурийларнинг жаҳон тарихида тутган ўрни.*
- 2. Темурийлар даври ташқи сиёсати ва дипломатияси.*

1. Темурийларнинг жаҳон тарихида тутган ўрни.

Амир Темури (1336–1405) Муҳаммад Тарағайнинг ўғли, Мовароуннахрнинг Кеш вилоятига қарашли Хўжа Илғор қишлоғида ўзига тўқ ва маърифатли оилада дунёга келди. Бугунги кунда бу қишлоқ Қашқадарё вилоятининг Яққабўғ тумани таркибига киради. Амир Темури оилада яхши тарбия олди, болалигидан бақувват, иродали, бир сўзли, қатъиятли, хотираси ўта кучли бўлиб вояга етди. Ўз она тили – туркийдан ташқари форс, араб тилларини мукаммал ўрганди. Маълумки, ўша пайтда Мовароуннахр мўғуллар истибдодида бўлиб, Чигатой улуси деб аталар эди.

Амир Темури ёшлигидан мўғул босқинчиларига қарши нафрат руҳида тарбия топди, ўз замонида яхшигина маълумотга эга бўлиб, айниқса, ҳарбий соҳанинг сир-асрорларини тўлиқ ўрганди. У сиёсат майдонига 1350 йилларнинг иккинчи ярмида, тахминан 20 ёшлигида кириб келди. 15 йил давомида турли ҳарбу зарб ишларида фаол иштирок этди, жангларда бир неча марта яраланди ва охир-оқибат 34 ёшида ўз Ватани – Туркистонни мўғуллар истибдодидан озод этиб, пойтахти Самарқанд бўлган марказлашган давлат тузишга ҳамда истиқлол туғини баланд кўтаришга муваффақ бўлди.

Амир Темури ва темурийлар ҳукмронлик қилган давр ўзбек давлатчилиги тарихидаги энг шонли, ёрқин ва бетакрор саҳифаларни ташкил этади. Амир Темурининг бунёдкорлик ишлари халқаро муносабатлар тарихида янги даврни бошлаб берди. У қисқа вақт ичида буюк давлат барпо этди, қонунлар ва адолатга асосланган бошқарув тизимини жорий этди. Диний муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг негизини ташкил этган ўрта асрлар шароитида у ўз даври чегараларидан ўтиб, ягона макон ғояларини илгари сурди.

Президент И.А. Каримов Амир Темурининг 660 йиллик юбилеи муносабати билан ЮНЕСКО бош қароргоҳи бўлган Париж шаҳрида сўзлаган нутқида Амир Темурининг тарихий роли, айниқса, халқаро муносабатлар тарихидаги оламшумул фаолияти ҳақида шундай деган эди: «Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихида

биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканлигини хис этди. Бу фақат улкан афзалликда эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди»³.

Амир Темур ўз даврида бир-бирига қарама-қарши цивилизацияларнинг ўзаро яқинлашуви ва интеграциялашувининг илк ташаббускори, узоқни кўра билувчи буюк давлат арбоби сифатида ҳам Шарқ, ҳам Ғарбга танилди. У турли дин, ирқ ва бошқа тоифадаги кишилар ўртасидаги манфаатларни уйғунлаштирувчи сиёсий арбоб сифатида фаолият юритди ва жаҳон халқлари тарихида ўчмас из қолдирди. Амир Темур Осиё ва Европа халқларининг ҳар соҳада ўзаро ҳамкорлиги учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратди. Шу сабабли, унинг умумбашарий цивилизация тараққиётидаги ўрни беқиёсдир⁴.

Амир Темур даврида Марказий Осиёда Иккинчи Уйғониш даври юз берди ва фан, санъат ҳамда маданият гуллаб-яшнади. Ўз навбатида, Европадаги Уйғониш жараёнига Марказий Осиё Уйғониши туртки берди ҳамда умумжаҳон тараққиётига кўмаклашди. Амир Темур давлати Усманийлар империясининг Европага қаратилган тажовузларини ярим асрга тўхтатиб қўйди. Европанинг қоқ маркази бўлмиш Парижда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилганлиги ва унга «Европа халоскорига» деган сўзлар ёзиб қўйилганлиги бежиз эмас. Зеро, Европа Уйғонишида Амир Темур катта роль ўйнади.

Соҳибқирон Амир Темур илк сиёсий фаолиятидан то вафотига қадар ўз қудратининг ўндан тўққиз қисмига дипломатик санъати орқали эришган. Унинг ворислари Мироншоҳ, Шохруҳ, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро каби йирик давлат арбоблари ички ва ташқи алоқаларда Амир Темурнинг халқаро муносабатлардаги мероси ва анъаналарига асосланиб иш кўрдилар.

Хусусан, Амир Темур ҳукмронлик қилган давр Марказий Осиё халқаро муносабатлари ва тарихида энг гуллаган давр бўлди. Бу даврда халқаро муносабатлар ва дипломатия илмининг назарий асослари янги меъёрлар амалиёти билан уйғунлаштирилди. Тинчлик, ўзаро ҳурмат, рақибга раҳм-шафқат қилиш, унга имкониятлар яратиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам элчини қадрлаш, дипломатия қоидаларига қатъий риоя қилиш, инсон ҳаётининг дахлсизлиги, гуманизм Амир Темур дипломатиясининг асосий хусусиятларини ташкил этади.

Амир Темур адолатли, мустаҳкам қонунчиликка таянган давлатчилик асосларини барпо этди, Амир Темур ва темурийлар қисқа вақт ичида жуда катта бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар ва темурийлар Ренессанси даврига асос солдилар. Бугунги кунда биз ҳақли равишда ўзбек

³ Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. – Т., 1998. – Б. 28.

⁴ Қаранг: Ўлжаева Ш.М. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. – Т., 2005. – Б.4-5.

миллий давлатчилиги тарихидаги энг юксак ва ёрқин давр – Амир Темур ва темурийлар даври деб тўлиқ ишонч билан айта оламиз.

Амир Темур дипломатик муносабатларда ҳам ташаббусни ўз қўлига олиб, халқаро алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга интилди. Унинг дипломатияси тенглик, эгилувчанлик, зарур бўлганда – ён босиш, тантлиқ каби умуминсоний ғоялар билан суғорилган эди. Унинг фикрича, инсон ирқи, насл-насаби, миллати, қаерда яшашидан қатъи назар, ер юзи барча учун муқаддас ҳисобланиши лозим. АҚШ олими Ричард Нельсоннинг илмий тадқиқотида кўра, Амир Темур Ислом дини ва тамаддунини бошқа халқларга мажбуран тиқиштирмади. Аксинча, у турли маданиятларни ўзаро мужассамлаштирувчи Евроосиё ғоясини биринчилардан бўлиб олдинга қўйган тарихий шахс ҳисобланади.

Амир Темур Тўхтамиш, Барқуқ, Боязид ва бошқа йирик давлат арбобларидан фарқли ўлароқ, бир динни бошқа динга, бир мафкурани бошқа мафкурага қарши қўймай ҳар икки зиддиятли тарафнинг ижобий ечимини ва улар орасидаги ривожланиш тизимини қўлга олишни асосий масала деб билди. Ҳозирги даврдаги Марказий Осиё, ягона Туркистон ва бошқа интеграциявий жараёнларга тўсқинлик қилувчи сунъий омилларни бартараф этиш йўлида Амир Темур жонбозлик кўрсатди. Буюк Ипак йўлидаги тўсиқлар ҳам охир-оқибат 1402 йилда Анқара тўқнашувига олиб келди. Бу урушда Амир Темур стратегияси Евроосиё маконидаги Буюк Ипак йўлидаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаб, Шарқ билан Ғарбни бирлаштиришга қаратилган жиддий қадам эди.

Амир Темурнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ғоялари толерантлик, байналмилалчилик ва тинчлик мақсади билан уйғунлашган, у догматик, бир томонлама ақидалардан воз кечган. У дипломатия соҳасига мафкуралар, динлар, миллатлар, ирқлар, халқларнинг ҳолатини ҳисобга олиб, уларнинг барчаси бир-бирларини ҳурмат қилишлари ҳамда миллий ва диний ғурурларига тегмасликларининг тарафдори бўлган.

Амир Темур дипломатиясига хос хусусиятлар қатъият, мақсадга интилиш, тиришқоқлик, имкониятдан мукаммал ва тўғри фойдалана билиш, юксак ахлоқий қадриятлар, музокара олиб бориш орқали масалани тинч йўл билан ҳал қилиш, тезкор ҳаракат қилиш, рақибига пайт пойлаб зарба беришдан иборат бўлган. Унинг дипломатияси маслаҳат ва кенгашга асосланган. Амир Темур «Етти ўлчаб, бир кесиш» нақлига амал қилган ҳолда, машварат ва кенгаш ҳулосаларига таяниб қатъий қарорлар қабул қилган. Унинг дипломатик тактикалари ва ғояларида дипломатия ҳукуқи ҳамда ўз даври ташқи сиёсатининг тафаккури, назарий ва амалий ғоялари уйғунлашиб кетган.

Амир Темур тўғри таъкидлаганидек, ғалаба ҳарбий кучлар, қўшиннинг сифати ёхуд таркибига эмас, аввало, тўғри кўзланган тадбирга боғлиқдир.

Р. Нельсоннинг фикрича, ютқазмаслик мақсади Темур даҳосининг асосини ташкил этган. У, ҳатто, доналари икки баробар кўпайтирилган махсус

шахмат тахтасини ўйлаб чиққан бўлиб, бундан асосий мақсад ўйин муддатини чўзишдан иборат бўлган⁵. Тарихчи замондошлари Амир Темурнинг ана шундай шахмат тахтасида дона сурганлиги унинг Анқара жангида ғолиб чиқишини таъминлаб берган омил бўлганлигини қайд этганлар.

Амир Темурнинг мазкур шахмат доналари нафақат онглари кураши ёки тафаккур жангида, балки сиёсат майдонида ҳам зафарли юришлар қилиш учун имкон яратган ва унинг дипломатия соҳасидаги юксак маҳоратини намоён этган.

2. Темурийлар даври ташқи сиёсати ва дипломатияси.

Амир Темур Шарқ ва Ғарб халқлари ўртасидаги маънавий ҳамда маданий-мафкуравий тафовутлар мавжудлигига қарамай, ўзининг дипломатик маҳорати туфайли турли мафкуралар, динлар, маданиятлар, қолаверса, цивилизациялар ўртасида кўприклар барпо қилишга муваффақ бўлган тарихий сиймодир.

Амир Темурнинг халқаро муносабатлар ва алоқаларни ривожлантиришдаги яна бир буюк хизмати – элчиларни танлаш масаласига жуда катта эътибор берганлигидир. У энг мураккаб дипломатик вазиятларда турли дин ва мазҳабларга мансуб бўлган машҳур авлиё ва шайхларни элчи қилиб тайинлар ҳамда муҳим элчилик миссияларини уюштиришда ўз даврининг мафкуравий руҳиятини ҳисобга оларди. Амир Темур Европа мамлакатларига Муҳаммад Кеший билан бир қаторда, Византия архиепископи Иоанн Шни элчи қилиб жўнатди. Элчиликка тайинланадиган кишилар билимли, турли хорижий тилларни яхши биладиган, зийрак, дунёвий илмларни яхши эгаллаган, ҳар қандай мураккаб вазиятларда тўғри тадбирларни қўллаш оладиган оқил ва доно кишилар орасидан танлаб олиниб, улар махсус тайёргарликдан ўтказилган.

Амир Темур тажрибали элчилар захирасини тузишга муваффақ бўлган. Амир Темур даврида халқаро дипломатия йўриқлари ва тартиб-таомиллари (дипломатик протокол ва этикет) ишлаб чиқилган ва уларга қатъий риоя қилинган. У «элчига ўлим йўқ» принципига қатъий риоя этган ҳолда ташқи сиёсат юритган.

Амир Темур элчилари турли миллат ва элатларнинг энг кўзга кўринган салоҳиятли, иродали, жисмонан бақувват, хушбичим, келишган вакиллари бўлиб, Амир Темурга, Ватанга садоқат билан хизмат қилганлар. Тарихий манбалар ва солномаларда ёзилишича, Амир Темур элчилари Алқа Тавочи, Жилорти, Амир Довуд, Ёдгор Барлос ва Узун Улжойту (Хоразмда), Шамсиддин Алмолиқий (Олтин Ўрдада), Шайх Соважий, Подшоҳ Баврон (Мисрда), Муҳаммад Кеший, Архиепископ Иоанн Ш (Европада) халқаро алоқаларни мувофиқлаштиришга катта хизмат қилганлар⁶.

⁵ Нельсон Р. Амир Темур улкан стратег ва сиёсатдон сифатида // “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни” мавзусидаги халқаро конференция тезислари. – Т., 1996. – Б.33.

⁶ Қаранг: Ўлжаева Ш.М. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. – Т., 2005. – Б. 182.

Масалан, ўз даврининг машҳур элчиси Муҳаммад Кеший Амир Темур салтанатидаги эътиборли зотлардан бири бўлиб, у темурийзода Жаҳонгирнинг фармонида биноан Кастилия қироли Генрих III ҳузурида Амир Темур давлатининг мухтор вакили сифатида иш олиб борган. Ўша даврдаги Шарқ ва Ғарб ўртасидаги халқаро муносабатлар эътиборга олинса, Муҳаммад Кешийга қанчалик масъулиятли вазифалар ишониб топширилганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Амир Темурдан сўнг темурийлар даврида ҳам ушбу дипломатик анъаналар давом этди. Абдураззоқ Самарқандий Шохруҳ ҳукмронлиги ва ундан кейин ҳам кўп вақтини темурийлар сулоласи ҳукмронлигининг хорижий давлатлар билан олиб борган дипломатик ёзишма ва элчилик алоқаларига оид юмушлар билан шуғулланган эди. 1442 йилда уни Шохруҳ Ҳиндистондаги порт шаҳар Калькуттага ва Вижаянагар давлатига элчи қилиб юборади. У Миср султони ҳузурига ҳам элчи қилиб юборилган. Шохруҳ вафот этгач, у хуросонлик темурийларнинг бир қатор дипломатик топшириқларини бажаради, давлатлараро мураккаб сиёсий муаммоларни ҳал этишда ўта эҳтиёткорлик, чуқур билимдонлик ва донолик билан иш кўрди. Темурийлар элчиларидан яна бири Ғиёсиддин Наққошнинг ҳам бу борада муҳим роль ўйнаганини эслатиш жоиз. 1991 йилда шарқшунос олимлар А. Ўринбоев, О. Бўриев ҳамкорликда Ғиёсиддин Наққошнинг «Хитой сафарномаси» мемуар асарини замонавий ўзбек тилига ўгириб нашр этдилар⁷.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатида элчилар дахлсиз ҳисобланган ва ҳар қандай вазиятда ҳам уларнинг хавфсизлиги кафолатланган. Элчилар тўхтаган манзилларда уларга алоҳида иззат-икром кўрсатилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, меҳмонхона билан таъминланганлар. Сўнгра уларга тухфанинъомлар ҳадя этилган ва кейинги манзилга тезроқ етиб олишлари учун от-улов берилган.

Юқорида таъкидланганидек, Амир Темур салтанатида элчилар захираси ташкил этилган бўлиб, унга ҳар томонлама етук, маълумотли ва бир неча тилларни биладиган кишилар кирган. Улар турли мамлакатларнинг вакиллари билан музокаралар олиб боришда иштирок этишган. Дипломатик захира вакиллари, ҳатто, Амир Темур ҳарбий юришлари даврида ҳам фаолият олиб боришган бўлиб, Соҳибқирон номидан турли музокараларда иштирок этишган.

Амир Темур ва темурийлар даврида дастурхон безаш ва овқатланиш одоби ҳам юксак санъат даражасига кўтарилган эди. Зиёфатдан сўнг турли давлат элчиларининг совғалари намоиш этилган. Дипломатик тадбирларда аёллар ҳам қатнашишган, ҳатто, бу маросимларда аёлларнинг кириб келиши ва қаердан жой олиши ҳам алоҳида маҳорат билан ўрнатилган тартиб-таомиллар асосида бажарилган.

⁷ Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Наққошнинг «Хитой сафарномаси». – Т., 1991.

Элчиларга зардўзи тўн, анъанавий сарпо ва бошқа миллий кийимлар ҳамда анжомлар ҳадя этилган. Шуниси диққатга сазоворки, юртимизга ташриф буюрган юксак мартабали хорижий меҳмонларни сийлаб, зардўзи тўн кийдириш анъанаси миллий давлатчилик тарихида бугунги кунгача сақланиб қолаётган анъаналардан бири ҳисобланади.

Оддий овқатланишдан тортиб, давраларда ўзини тутиш, ёрликлар алмашиш, йирик маросимларни ташкил қилиш тадбирлари пухта ишлаб чиқилган ва улар махсус қонун-қоидалар ва тартиб-таомиллар асосида бажарилган⁸.

Темурийларнинг ташқи сиёсати ва дипломатияси халқаро муносабатлар тарихида алоҳида ўрин тутди. Амир Темурнинг дипломатик мероси темурийлар томонидан давом эттирилган бўлиб, хусусан, Шохруҳ, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро каби забардаст темурий ҳукмдорлар хорижий давлатлар билан муносабатларда ижобий натижаларни қўлга киритганлар.

Айниқса, Шохруҳ Мирзо таниқли дипломат бўлиб, Ҳиндистон, Хитой, Миср каби давлатлар билан дипломатик муносабатларни юқори даражага олиб чиқишга муваффақ бўлган эди. Бошқа бир темурийзода Султон Ҳусайн Бойқаро даврида фаолият кўрсатган буюк мутафаккир Алишер Навоий нафақат улуг адиб, балки истеъдодли давлат арбоби ва моҳир дипломат ҳам бўлган. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий нафис қалами, ўлмас бетакрор асарлари орқали юзлаб шоҳ ва шахзодаларнинг қалбини забт этган. У деярли қирқ йил давомида Хуросоннинг гуллаб-яшнаши, темурийлар даври маданиятининг турли соҳаларидаги муҳим кашфиётларнинг ташаббускори бўлган эди.

Амир Темур ва темурийлар Шарқ давлатлари билан бир қаторда, Европа қироллари ва ҳукмдорлари билан ҳам яқин алоқаларни ўрнатдилар.

Амир Темур европаликларни усмонийлар тажовуздан халос этиб, Европа халоскорига айланди. Европаликлар унинг бу тарихий хизматини юқори баҳолаб, ҳозиргача ёдда сақлаб келмоқдалар. Масалан, XV аср бошларида Париж кўчаларининг бирида Амир Темурга қўйилган ҳайкал XVIII асргача сақланиб келган бўлиб, француз темуршуноси Люсьен Керен томонидан бу ҳайкалнинг расми топилганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Амир Темур ва темурийларнинг Европа мамлакатлари билан мисли кўрилмаган даражада кенг миқёсдаги дипломатик ёзишмалар мажмуаси юзага келди⁹.

Шундай қилиб, Амир Темур ва темурийлар халқаро муносабатлар соҳасида ўз салтанатлари эришган жаҳоншумул муваффақиятларнинг

⁸ Қаранг: Ўлжаева Ш.М. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. – Т., 2005. – Б.185.

⁹ Юнусов Ҳ. Европа Иттифоқи ҳукуқи. – Т., 2007. – Б.477.

улкан хиссасига, асосан, ўзларининг дипломатик тадбирлари ва ташаббуслари туфайли муваффақ бўлдилар.

2. Халқаро муносабатлар тарихида Уйғониш, Реформация ва денгиз йўлларининг очилиш даври.

Режа:

- 1. Европа Уйғониш даврида.*
- 2. Европада Реформациянинг пайдо бўлиши ва ёйилиши.*
- 3. Денгиз йўлларининг очилиши.*

1. Европа Уйғониш даврида.

Ўрта асрлар сўнггида бошланган танглик охир-оқибатда Уйғониш даврига олиб келди. Уйғониш Италия худудида бошланган бўлиб, бу ерда алломалар ўз эътиборларини қадимги Юнонистоннинг маънавий бойликларига қаратдилар. Уйғониш – ҳаётнинг барча жабҳаларида юз берган бўлиб, авваламбор, у айниқса, Шимолий Италия шаҳарларида ёрқин намоён бўлди.

XIII аср охири – XIV аср давомида Флоренцияда Данте ва Петрарка каби буюк даҳолар ижод қилдилар. Улар, ўз ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ, латин тилида эмас, балки ўз она тиллари бўлмиш итальян тилида ижод қилдилар. Ушбу буюк шоирлар итальян тили бойлигини дунёга ҳар томонлама намоёниш этдилар. Флоренция шаҳрида илм-фан ва маданият билан бирга, савдо-сотиқ ҳам шиддат билан ривожланиб, мазкур шаҳар Европанинг молиявий-иқтисодий пойтахтига айланди. Флоренция кичик республика тизимига эга бўлиб, унда бадавлат кишилар ва савдогарлар истиқомат қилишарди. Айниқса, XV асрнинг иккинчи ярмида Флоренция дунёга уч буюк ижодкор – Леонардо да Винчи, Микеланжело ва Рафаэлни етиштириб берди.

Микеланжело ҳайкалтарош бўлиб, мармар тошлардан ҳайкаллар ясар ва бош меъмор сифатида ҳашаматли бинолар қуришга раҳбарлик қилар эди. Римдаги муқаддас Пётр Ибодатхонаси ҳам маълум маънода Микеланжело ғояси асосида қурилган эди. Микеланжело қарийб 90 йил умр кўрди. “Инсон қўллари билан эмас, балки онги орқали расмлар солади”, деган машҳур ибора айнан Микеланжелога тегишлидир.

Леонардо да Винчининг (1452–1519) ёши Микеланжело ва Рафаэлдан каттароқ бўлиб, у умумбашарий цивилизацияга беқиёс ҳисса қўшди. У ҳайкалтарош, меъмор бўлиш билан бирга, машҳур олим ва буюк мутафаккир ҳам эди. Леонардо да Винчи ҳар бир ҳодисани чуқур таҳлил қилар экан, унинг моҳиятини тўла англаб олишга интиларди. У болалигидан мустақил билим олишга қизиқар, ўн уч ёшлигида латин тили ва математикани мустақил ўрганишга киришган бўлиб, кейинчалик ушбу соҳаларда катта муваффақиятларга эришди. Леонардо да Винчи муҳандис

бўлиш билан бир каторда, биринчилардан бўлиб инсон танасидаги хужайралар ва қон айланиш системасини ўрганди. Леонардо да Винчи табиат билан мулоқот қилишни яхши кўрар, ҳайвонлар, қушларга озор бермас, аксинча, бозорга бориб қафасдаги қушларни сотиб олиб, уларни қўйиб юборар эди. Унинг яна бир қизикқан соҳаси самога парвоз қилиш бўлиб, у бу соҳада ҳам кўплаб тажрибалар ўтказди.

Бугунги кунда Флоренцияда ҳар учала буюк аллома қўллари билан яратилган маҳобатли скульптуралар, кўркам бинолар, ажойиб тасвирий санъат асарлари кишини ҳайратга солади.

Шундай қилиб, XIV–XV асрларда Италияда бошланган ва гуллаб-яшнаган Уйғониш даври аста-секинлик билан бошқа мамлакатларга ҳам кенг ёйилди.

XVII асрда Голландиядаги Уйғониш Рембрандт каби буюк рассомни дунёга келтирди. Айнан шу даврда Испанияда моҳир рассом Веласкес фаолият кўрсатди. XV асрдан XVII асргача бўлган давр мобайнида илм-фан ҳам тез суръатларда ривожланиб борди. Фан кўпроқ тажрибалар ўтказишни, диний хурофотлар ва черковнинг ғайриилмий ақидаларига қарши кураш олиб боришни тақозо этар эди. Черков ақидаларига кўра, Ер – оламнинг маркази, Қуёш унинг атрофида айланади, юлдузлар эса осмондаги кўзгалмас нуқталардан иборат. Кимда-ким ушбу ақидани инкор этса, черковнинг жазосига тортилар ва даҳрий, ғайридин деб эълон қилинар эди.

Черковнинг ушбу ғайриилмий ақидасини Европада биринчи бўлиб инкор этган одам – поляк олими Николай Коперник эди. Николай Коперник (1473–1543) черков таъқибидан зўрға омон қолган бўлса, италиялик Жордано Бруно ўзининг «Ер Қуёш атрофида айланади» деган фикри учун черков аҳли томонидан 1600 йилда ўтда ёқиб ўлдирилди. Унинг замондоши италиялик Галилей телескопни ихтиро этди, Бруно ғояларини ёқлаб чиқди, бироқ черков зуғумидан қутулиш учун кўпчилик руҳонийлар олдида ўз кашфиётларидан расман воз кечганлигини юзаки бўлса-да, эътироф этишга мажбур бўлди. Ҳатто, шундан кейин ҳам, у умрининг охирига қадар черков томонидан таъқиб этилди.

Таъкидлаш жоизки, Европа олимларидан тахминан юз йил олдин ватандошимиз Мирзо Улуғбек (1394–1449) Самарқандда замонавий астрономик асбоблар билан жиҳозланган расадхонани барпо этди. Мирзо Улуғбек ўз тажрибаларини умумлаштирган ҳолда машҳур асари “Зижи жадиди Кўрагоний”ни яратди ва унда мингдан ортиқ юлдузлар ва сайёралар ҳаракатини кузатиб, йил фаслларининг алмашинуви, Қуёш, Ой, сайёралар ва юлдузлар ҳаракати қонунларини аниқлашга муваффақ бўлди. Улуғбек аниқ фанлар соҳасида янги мактаб – Академияга асос солди. Улуғбек расадхонаси ўзининг мукамаллиги билан Шарқ ва Ғарб обсерваторияларидан ажралиб турар эди. Улуғбек Академиясида Қозизода

Румий, Гиёсиддин Жамшид, Али Кушчи, Мавлоно Нафис, Журжоний каби етук олимлар етишиб чикдилар.

Улуғбекнинг илм-фан соҳасидаги янги мактаби, унинг кашфиётлари, тажрибалари Европа Уйғониши учун катта роль ўйнади.

XVI асрнинг буюк олимларидан бири англиялик Гарвей бўлиб, у инсон танасидаги қон айланиш тизимини батафсил исботлаб берди. XVII асрда бошқа бир инглиз олими Исаак Ньютон буюк математик бўлиши билан бирга, жисмларнинг тортишиш қонунини кашф этди.

Уйғониш даври адабиёт соҳасида ҳам чуқур из қолдирди. Шу даврга қадар латин тили черков ва насронийлик тили сифатида Ғарбий Европада ҳукмрон эди. Юқорида таъкидланганидек, Италияда Данте, Петрарка, Бокаччолар ўз она тилларида ижод қилдилар. Шу билан бирга, Европадаги Уйғониш даври француз, инглиз, испан ва, ниҳоят, немис тилида ижод қилувчи бир қатор шоир, ёзувчи ва драматурглар плеядасини етиштириб берди.

Агар италияликлар бу соҳада пешқадам бўлган бўлсалар, XVI асрдан бошлаб французлар ўз она тилларида ижод қила бошладилар. Улар орасида, айниқса, Ронсар алоҳида ажралиб турди. Шундай қилиб, Европа тиллари яратилган янгидан-янги асарлар ҳисобига бойиб борди.

Англияда бу анъанани шоир Чосер бошлаб берган бўлса, кейинроқ Уильям Шекспир (1564–1616) инглиз тилида ўзининг буюк саҳна асарларини яратди. У, айниқса, сонет жанрини ривожлантирди. Шекспирдан сўнг кўзи ожиз шоир Мильтон “Йўқолган жаннат” асарини ёзди.

XVII асрда Францияда буюк файласуф Декарт ва катта давлат театри бўлмиш “Комеди Франсез”ни яратган Мольер яшадилар, улар француз тили равнақига катта ҳисса қўшдилар.

XV асрда яшаган немис Иоганн Гутенбергнинг 1445 йилда китоб чоп этиш дастгоҳини ясаши халқаро муносабатларда оламшумул аҳамият касб этди. XV аср охири – XVI аср бошларидан бошлаб Европа мамлакатларида китоб, газета, журнал, варақалар нашр этилиши кенг йўлга қўйилди. Эндиликда улар юзлаб, минглаб нусхада нашр этиладиган бўлди. Бу ҳолат жамиятда кишилар саводхонлигининг ошишига олиб келди.

Флоренциялик яна бир аллома – Н. Макиавелли XV–XVI асрларда яшаб ижод этди ва ўзининг тарихий асарларидан ташқари, машҳур “Ҳукмдор” номли рисоласини ёзди. Бу асарда давлат раҳбари қандай ҳислатларга эга бўлиши, мамлакатни идора қилиш усуллари, диннинг давлатни идора қилишдаги ўрни каби йўриқномалар кўрсатиб берилган.

Шундай қилиб, XIV асрда Италияда бошланган Уйғониш даври бошқа Европа мамлакатларига кенг тарқалди ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида чуқур из қолдирди.

2. Европада Реформациянинг пайдо бўлиши ва ёйилиши.

Реформациянинг ғоявий жихатдан келиб чиқиши ўрта асрларга бориб тақалади. Черков хизматчиси, айти пайтда, Оксфорд университетининг профессори Уилкиф биринчилардан бўлиб XIV асрда черковни эркин танқид қилишга жазм этди. У “Инжил”ни илк бор инглиз тилига таржима қилганлиги билан ҳам машҳурдир. У тириклигида черков қаҳрига учрамади, бироқ вафотидан сўнг 31 йил ўтгач, 1415 йилда черков йиғини унинг қабрини очиб, суяқларини ёқиб юборишга қарор қилди. Шунга қарамай, Уилкифнинг ғоялари кенг тарқалди. Бу ғоялар Богема (ҳозирги Чехия худудида) аҳолисига ҳам катта таъсир кўрсатди. Прага университети ректори даражасига кўтарилган Ян Гус Уилкиф ғояларини ривожлантирди ва кенг тарғиб қилди. Прагада Ян Гусни жазолашнинг уддасидан чиқа олмаган черков уни алдов йўли билан Швейцариянинг Констанц шаҳрига келишга мажбур қилди. Констанцдаги черков йиғини пайтида руҳонийлар Ян Гусдан ўз ғояларидан воз кечишни сўрайдилар. Бироқ мард ва жасур Ян Гус ўз ғояларига содиқ эканлигини маълум қилди. Шундан сўнг у 1415 йилда черков руҳонийлари томонидан тириклай ўтда ёндирилди.

Ян Гус сўз эркинлиги, виждон ва эътиқод эркинлиги учун олиб борилган кураш қурбони бўлди. Унинг номи ҳозирги кунда ҳам Чехияда ҳурмат билан тилга олинади.

Бу даврда Рим папасининг салоҳияти ўта кучли эди, Оддий католик деҳқондан то князгача ўз даромадининг ўндан бир ҳиссасини черковга тўлашга мажбур эди. Бундан ташқари, Рим папаси хазинасига катта даромад келтирувчи яна бир манба бу епископлик ва аббатлик лавозимларига тайинлаш тартиби эди. Рим папасининг амалдорлари кўп сонли бўлиб, уларнинг кўпчилиги пора олиш билан шуғулланар эдилар. Рим папаси томонидан зиёратчиларга бериладиган индульгенциялар, яъни ёрлиқлар пулга сотилар эди. Бу ёрлиқлар қимматбаҳо бўлиб, уларни сотиб олган кишилар гўёки содир этган ва келажақда содир этадиган гуноҳларидан фориғ этилганлар. Барча жамоат жойларида: бозорларда, ярмаркаларда, черковларда ана шу ёрлиқларни сотиш тадбирлари кенг уюштирилар эди.

XVI аср бошларида католик руҳонийларининг бу кирдикорлари Европада кенг халқ оммасининг турли табақалари орасида норозилик келтириб чиқарди. Айтиқса, бу норозилик сиёсий жихатдан тарқоқ бўлган Германия аҳолиси орасида кучли эди. Германиядан фарқли ўлароқ, Франция марказлашган давлат бўлиб, бу ерда қирол маълум маънода ўз фуқароларининг сиёсий ҳамда диний муаммоларини ҳимоя қила олар эди. Германия эса, аксинча, Реформациянинг асосий марказига айланди, Реформацияни бир қисм князлар, шаҳарликлар ва деҳқонларнинг кўпчилик қисми қўллаб-қувватладилар.

Айниқса, Мартин Лютер (1483–1546) ақидалари Европада Реформациянинг ривожига асосий ғоявий омил бўлди.

Лютернинг аждодлари деҳқонлар бўлиб, у қатъиятлик, чидамлилиқ ва энг оғир шароитда ўзини йўқотмаслик каби хислатларни улардан мерос қилиб олган эди. Ўз уйида ва мактабда қаттиқ интизом асосида тарбия олган Мартин Лютер 18 ёшида Эрфурт университетига ўқишга кирди ва диний эътиқодларга қатъий риоя қилган ҳолда таҳсил олди. Тез орада у монах лавозимиغا эришди ва Германияда машҳур диний арбоб сифатида шуҳрат қозонди.

1517 йил 31 октябрь куни Виттенберг университети ўқитувчиси, монах Мартин Лютер черков эшикларига “95 тезис” номли ҳужжатни ёпиштириб чиқди. Уларда индульгенция, яъни папа ёрлиқларини сотишга қарши эътирозлар билдирилган эди. Бу тезислар латин тилидан немис тилига таржима қилинган бўлиб, бутун Германия аҳолисини тўлқинлантириб юборди.

1520 йилда Мартин Лютер ўз талабалари иштирокида Рим папасининг Лютернинг черковдан четлаштирилганлиги тўғрисидаги буйруқномасини оловда ёқиб юборди. Орадан бир йил ўтгач, 1521 йилда Мартин Лютер Вормс шаҳрида бўладиган император судига чақирилди. Лютернинг дўстлари ва тарафдорлари унинг ҳаёти хавф остида қолганлигини ҳисобга олиб, унга Вормс шаҳрига бормасликни маслаҳат бердилар. “Мендан ҳамма нарсани сўрашингиз мумкин, фақат Вормсга бормасликни эмас, зеро, мен кўрқоқ номини олишни истамайман”, деди Мартин Лютер ва: “Агар Вормс йўлида гулханлар ёқилиб, уларнинг олови осмонни чулғасалар ҳам, агар бу ердан то Вормсгача бўлган хонадонларнинг тепасида биттадан яъжуж-маъжуж турганда ҳам, мен Вормсга, албатта, бораман”, деб қатъиятлилиқ кўрсатди.

1519 йил немис князлари Мукаддас Рим империяси императорлигига Испан қироли Карл Ҳини сайладилар. У католик қироллари Фердинанд ва Изабелланинг набираси бўлиб, эндиликда Карл V номини олганди. Карл V қўли остида энди Испания, Нидерландия, немис ерларидан иборат Германия, Неаполь, Сицилия ва Америкадаги мустамлакалар бор эди. Айнан Карл V нинг императорлик суди Мартин Лютерга жазо тайинлаши керак эди. Лютер Вормсга борар экан, йўл-йўлакай аҳоли уни олқишлар, у эса ўз диний қарашларини одамларга баён қилар эди. Лютернинг аҳоли ўртасида янада шуҳрат қозониши, айниқса, Вормс суди ўтказилган давр, яъни 1521 йилга тўғри келади. У ўз чиқишида мажлис аҳлига қарата оташин нутқ сўзлади ва уни қуйидаги сўзлар билан якунлади: “Менинг қарашларим ана шулардан иборат, мен улардан асло воз кечмайман. Мен бошқача йўл тутолмайман. Худо менинг ёримдир. Омин”.

Суд маҳкамасидан сўнг кўпчилик Лютернинг тақдири Ян Гус каби тугайди, деб ўйлаган эди. Бироқ Саксония князи Фридрих Лютерга ёрдам қўлини чўзди, хуфёна тарзда Лютерни қочириб, ўз қасрларидан бирига

Георг исмли жангчи номи остида яшириб юрди. Бу ерда Мартин Лютер Инжилни немис тилига ўгириш билан машғул бўлди. У қасрда яшар экан, Виттенберг ва бошқа немис музофотларида католицизм черковининг таъсирига чек қўйилди. Реформация бошланди, энди протестантлар, яъни католицизмга протест эълон қилиб, яъни уни инкор этиб, эътироз билдирувчилар фақат Рим папаси ва унинг тарафдорларигагина эмас, балки Германия ҳудудидаги князлар ҳокимиятига ҳам қарши курашга аҳолини даъват қила бошладилар.

Лютер князларга Германия ҳудудидаги черковлар устидан ўз назоратини ўрнатишни маслаҳат берди. Лютер таълимотига кўра, черков ва руҳонийлар одамлар ва худо ўртасида воситачилик қила олмайдилар. Черковнинг вазифаси одамларга Инжилнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва бошқа муқаддас китоблар таълимотини ўргатишдан иборат. Лютернинг ақидасига кўра, руҳонийлар эл қатори турмуш қуриши, бошқа фуқаролар каби оддий кийиниши, узоқ давом этадиган тоат-ибодатдан халос бўлиши лозим. Ўз навбатида, лютеран черкови дунёвий ҳокимият ҳисобланган князлар ва император ҳокимиятига бўйсунishi лозим. Шундай қилиб, черков ислоҳоти билан боғлиқ тарзда амалга оширилган чора-тадбирлар доирасида монастирларнинг ерлари князликларга бўлиб берилди. Германия шимолий ҳудудлари ҳамда марказий Германиянинг баъзи бир князликларида лютеранлик, яъни протестантизм жорий этилди. Бироқ жанубда католик черкови ҳамон хумронлик қилар эди.

Таъкидлаш жоизки, Германияда бошланган Реформация тез орада бошқа Европа мамлакатларига ҳам кенг ёйилди. Айниқса, Англия, Франция, Дания, Норвегия, Нидерландия ва Швейцария мамлакатларида бу ғоялар кенг қулоч ёзди. Хусусан, Швейцарияда протестантизмнинг яна бир йўналиши бўлган кальвинизм вужудга келди. Бу ерда шаҳар-республикалар мавжуд бўлиб, уларни ўрта табақага мансуб аҳоли бошқарар эди.

Жан Кальвин (1509–1564) Францияда туғилган бўлиб, кейинчалик протестант ғояларини қабул қилганлиги учун католиклар таъқибидан қочиб Женевадан бошпана топди ва “Женева папаси” номига сазовор бўлди. Кальвин ўқимишли ва замонасининг юксак савияли инсонларидан бири эди. У католицизмнинг қотиб қолган диний догмаларига қарши чиқди. Кальвин таълимотига кўра, худо ҳар бир одамни яратишдан олдин унинг қисматини ҳам олдиндан белгилаб берган. Кимдир доимий азобда бўлса, кимдир роҳатда бўлади, шу сабабли, ҳар бир кишининг ўз вафотидан сўнг дўзахга ё жаннатга бориб тушишини олдиндан билиб бўлмайди. Худо барча нарсага қодир, ҳеч бир одам танқиддан қочиб қутулолмайди. Агар кишининг иши ўнгидан кела бошласа, уни худо қўллаб-қувватлаган бўлади, мабодо кишидан омад юз ўгирса, демакки, худо ҳам ундан юз ўгирган бўлади.

Кальвин таълимоти шахсинг ривожига, унинг бахту саодат учун курашига қаратилган эди. Унинг таълимоти бўйича исрофгарчиликка йўл қўймаслик, меҳнат қилиш, ҳисоб-китоб асосида иш юритиш худога ҳам, бандаларга ҳам хуш келади.

Кальвин жорий этган тартиблар Реформация черковига жуда қўл келди. Черков жамоаси ўз раҳбарларини сайлар ва уларни назорат қилар эди. Роҳиблар ва старшина-пресвитерлар дин ишларини бошқарар эдилар. Шу сабабли, кальвинизм черковини Англия ва Шотландияда пресвитеранлар номи билан ҳам юритишади. Бу черков жамоалари ўзларининг умумий съездлари бўлмиш синодларга йиғилиб, муҳим диний масалаларни ҳал қилар эдилар. Кальвин таълимотига кўра, эътиқод қилувчилар ўз ҳукмдорларини алмаштириш ҳуқуқига эга. Агар ҳукмдор худо томонидан белгиланган қоида-қонунларни бузса ёки уларга итоат этмаса, унда христиан аҳли уларни алмаштиради.

Кальвин фақат католицизмга қарши кураш билан чегараланмасдан, файласуфларни ўз таълимотининг ашаддий душманлари деб эълон қилди. Кальвин ўз таълимотига қарши чиққанларни таъқиб остига олар эди. Испан олими Мигель Сервет Кальвин таълимотига қарши чиққани учун “Женева папаси”нинг фармонида биноан 1553 йилда айнан Женевада ёқиб юборилган эди.

Кальвин Женевада қаттиқ тартиб ўрнатди. Халқ байрамлари, карнаваллари бекор қилинди. Йил давомида ўтказиладиган байрамларнинг сони кескин қисқарди. Аҳоли “Тоат-ибодат қилиш ва меҳнат қилиш”дан иборат қатъий тартибга риоя қилиши керак эди.

Ана шундай зерикарли ҳаётдан чарчаган женеваликлар Кальвинни шаҳардан чиқариб ҳайдадилар, бироқ бир неча йил ўтгач, парокандалик оқибатида уни яна чақиртириб олишга мажбур бўлдилар.

Кальвинизм таълимотидаги тежамкорлик, бойлик орттириш ўрта табақа, яъни буржуа синфига, айниқса, қўл келди ва бу ғоялар бутун Европа бўйлаб кенг тарқалди. Англияда Реформация ҳаракати мустақил инглиз черковининг ўрнатилишига олиб келди. Бу ерда ўрнатилган янги тартибга кўра, черков бошлиғи инглиз қироли ҳисобланар эди. Францияда протестантлар католикларга қарши кураш олиб бордилар. Энди Рим папаси томонидан барча протестантлар еретиклар ёки ғайридинлар, деб эълон қилинди.

Реформация ҳаракатига қарши курашиш мақсадида Рим папаси 1540 йилда “Иисус жамияти” ёки Иезуит Орденини (лотинча Иисус сўзидан) таъсис этди. Иезуитлар олдида “адашган аҳолини” черковга қайтаришдек аниқ мақсад қўйилган бўлиб, “адашган аҳоли” сифатида протестантизм мазҳабини қабул қилганлар назарда тутилган эди. “Иисус жамияти” ташкилотчиси испан дворяни Игнатий Лойола (1491–1556) эди. Лойола ёшлигидан ҳарбий бўлишни орзу қилган ва Карл V нинг Францияга қарши урушларида қатнашган эди. Урушлардан бирида у оёғидан яраланди ва

бир умрга чўлоқ бўлиб қолди. У оёғини даволаш давомида кўп кироат қилди, асосан динга оид китобларни мутолаа қилди ва дин соҳасида қаҳрамонлик кўрсатишни истаб қолди. У 1523 йил Иерусалимга зиёратга борди, қайтишда Парижга келиб, ўз маълумотини ошириш ишлари билан банд бўлди. У қашшоқликда кун кўриб яшаса-да, тоат-ибодат қилишдан воз кечмади. Лойола ўз ҳаёти давомида босиқ-вазмин, эътиборли ва ўз сўзини ифода этишдан олдин ўйлаб, шошилмай хулоса чиқарар эди. У янги тўғарак тузиб, уни Иезуитлар ордени деб атади. Ушбу янги орденнинг низомида Рим папаси ҳокимиятини кенгайтириш масаласи мақсад қилиб қўйилган эди. Иезуит бўлиш ҳаётдан кечиш эмас, балки ҳукмдорлар ва ашрофларнинг ишончини қозониш, уларнинг обрў ва нуфузларини ҳамда католик черковининг таъсир доирасини кучайтиришдан иборат эди. Иезуитларнинг бир қисми қироллар, князлар ва амалдорларга хизмат қилувчи руҳонийларга айландилар, бинобарин, қирол, князь ва амалдорларнинг динга нечоғлик эътиқод қилишлари тўғрисида Рим папасига тегишлича хабар бериб турдилар.

Қисқа фурсат ичида иезуитлар кўпгина бадавлат кишиларни ўз томонларига ағдариб олишга муваффақ бўлдилар. Ҳатто, уларнинг бойликларини орден ҳисобига ўтказиш учун улардан васиятномалар ёздириб олар эдилар. Шу йўл билан орден анча бойиб кетди.

Иезуитлар яхши миссионерлар ҳам эдилар, улар бепул мактаблар очиб, болалар ва ўсмирларни ўқитиш, динни тарғиб қилиш ва олимлар билан мунозаралар ўтказиш билан шуғулландилар.

Иезуитлар орденига бўйин эгмаган кишиларни улар зўравонлик йўли билан таслим қилишган. Шу мақсадда улар ўзлари билан заҳар ва қилич олиб юришган. Орден таомилига кўра, одам ўлдириш гуноҳ ҳисобланмаган. Каттароқ лавозимдаги иезуит масъулиятни ўз бўйнига олиб, кичик лавозимдаги иезуитнинг одам ўлдирганлиги учун гуноҳини кечирарди. “Барча нарса худони шарафлаш йўлида содир этилади” сўзлари иезуитларнинг асосий шиори ҳисобланган. Улар орден қондасини ҳам яхши ўзлаштиришган бўлиб, бу қонданинг мазмуни қуйидагича эди: “у ёки бу нарса кўзимизга оқ бўлиб кўринса-да, агар уни черков қора деса, биз ҳам ўша нарсани қора деб қабул қилишимиз керак”. Орден Рим папасининг итоатгўй қуролига айланган эди.

Реформация оқибатида Европа мамлакатларида католиклар мавқеи сусайгач, Рим руҳонийлари ўз бойликларининг манбаи бўлган десятинали қайтариб олиш учун Реформацияга қарши кураш бошладилар. Ҳатто, иезуитлардан бири Франциско де Суарес “Папанинг монархларни тахтдан ағдариб ташлашга ҳам ҳақ-ҳуқуқи бор” деб исботламоқчи бўлди.

Католик черкови Италия ва Испания ҳудудида инквизициядан тез-тез фойдаланиб турди. Инквизициянинг ёнғини гоҳ у ер, гоҳ бу ерда аланга оларди. Масалан, 1600 йилда буюк олим Жордано Бруно ўтда ёндирилди. Галилео Галилейнинг ҳам ёндирилишига бир баҳя қолди. Католик черкови

томонидан илғор илмий ва фалсафий ғоялар ҳам таъкиб остига олинди. Рим папаси тақиқланган китоблар рўйхатини эълон қилиб, уларни ёқиб юборишга фармон берди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Реформацияга қарши курашни Карл V нинг ўғли – Испания қироли Филипп II (1556–1598) бошқарди. Филипп калта бўйли, ташқи кўринишидан касалманд бўлишига қарамай, жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан қатъиятли қирол эди.

Унинг империяси таркибига Испания, Португалия, Италиянинг бир қисми ҳамда Жанубий Америка ва Африкадаги мустамлака ерлар кирар эди.

Филипп II фармонига кўра, Мадрид атрофида Эспориал номли ҳашаматли меъморий комплекс қад кўтарди. Ушбу қаср, сағана ва монастирни ўз ичига олган бўлиб, қирол қароргоҳи ҳам шу ерга кўчирилди. Мамлакатдаги энг бой кутубхона ҳам шу ерда жойлашган эди. Филипп II шу ердан туриб улкан империяни идора қилар эди. У ўз фармонларини канцелярияга жўнатган ёзма тарздаги буйруқлари асосида амалга оширар эди.

Филипп II Англия, Германия, Франция католикларига ёрдам қўлини чўзди ва протестантларга қарши курашда уларни қўллаб-қувватлади. Филипп II нинг талабларига биноан, ҳар бир католикнинг пушти тоза, камида тўрт аждоди испан бўлиши керак эди. Агар католикларнинг аждоди мусулмон ёки яҳудий бўлса, бундай одамлар ўлимга ҳукм қилинар эдилар. Филипп II нинг фикрича, улар ғайридин ҳисобланишган. Филипп II кўплаб жангу-жадаллар олиб борди, ҳатто, Туркия устидан ғалаба қозонишга муваффақ бўлди. Сон-саноксиз урушлар натижасида солиқлар кўпайди, аксарият деҳқонлар, ҳунармандлар, мануфактура эгалари хонавайрон бўлдилар.

XVII асрда Испанияда иқтисодий инқироз вужудга келди, диний қарама-қаршиликлар ва урушлар натижасида Испания иккинчи даражали давлатлар қаторига тушиб қолди.

Шундай қилиб, католик черковининг инқироzi натижасида юзага келган Реформация ҳаракати протестантизмнинг ривож топиши ва кенг ёйилишига олиб келди. Реформация туфайли Скандинавия, Англия, Шотландия, Шимолий Германия, Голландия ва Франциянинг бир қисм аҳолиси Рим папасининг таъсир доирасидан чиқиб кетди.

Реформация тарихда чуқур из қолдирди ва кишиларнинг маънавий, иқтисодий ҳамда сиёсий дунёқарашларида катта ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди.

Реформация туфайли миллий черковлар пайдо бўлди, дунёвий ҳокимият мустаҳкамланди, миллий давлатларнинг равақ топиши учун кенг имкониятлар яратилди. Кейинчалик Англиянинг таъсир доирасида бўлган Шимолий Америка аҳолисининг кўпчилик қисми ҳам христиан динининг протестантлик мазҳабини қабул қилдилар.

3. Денгиз йўлларининг очилиши.

Ўрта асрларнинг сўнгги босқичи ва янги даврнинг бошланиши янгича тартибларнинг ўрнатилишига олиб келди. Одамларнинг эски тартиблардан норозилиги, уларнинг турмуш шарт-шароитларидан қониқмаслиги, дунёга ўзгача назар солиши янгича тараққиёт ва ривожланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Норозилик барча табақалар ва гуруҳларни камраб олди. Энг асосий зиддият бу феодал табақалар ва ривожланиб келаётган ўрта, кичик мулкдорлар табақаси ўртасидаги зиддият эди. Агар ўрта асрларда асосий бойлик – ер эгалиги ҳисобланган бўлса, эндиликда бойлик манбаи ҳам ўзгариб борди. У саноат ва савдо-сотиқдан иборат эди.

Шарқий Европада ҳам анча вақтгача феодализм системаси сақланиб қолди, бироқ ўрта табақа, яъни буржуазия Ғарбий Европада илк бор шаклланди ҳамда феодаллар, дворянлар ва уларнинг ҳомийси бўлган қироллик тизимига қарши кураш бошлади. Ана шундай вазиятда Ғарбий Европада Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ҳиндистон ва Хитойда мавжуд бўлган олтин ва бошқа қимматбаҳо бойликлар тўғрисида афсоналар кенг тарқалди. Шарқ мамлакатларининг бойликлари тўғрисида Марко Поло ва бошқа сайёҳларнинг ҳикоялари ва афсоналари Ғарбий Европа аҳолисини жунбушга келтиради. Айнан шу пайтда, яъни 1453 йилда турклар Константинополни эгалладилар, улар Европадан Осиёга боровчи энг қисқа масофадаги денгиз ва қуруқлик йўлларини назорат остига олдилар. Турклар савдо ишларини унчалик хуш кўрмас ва бу йўллар орқали европаликларни ўтказишга йўл бермас эдилар. Ўз навбатида, туркларнинг бу кирдикорларидан савдогарлар ва сайёҳлар норози эдилар. Улар Осиёга элтувчи янги денгиз йўлларини қидира бошладилар.

Денгиз йўлларини очиш мақсадида олиб борилган саъй-ҳаракатлар Европада Уйғониш даврига тўғри келди. Аҳоли ўртасида черковнинг нуфузи пасайиб, илму фанга бўлган қизиқиш ошиб борди. Астрономия ва бошқа фанлардаги кашфиётларга таяниб, одамлар Ернинг думалоқ шаклда эканлигига ишонч ҳосил қилдилар ҳамда Хитой ва Ҳиндистонга Ғарб орқали сузиб боришни режалаштира бошладилар. Баъзи кишилар, ҳатто, Ҳиндистонга Африкани айланиб ўтиш орқали боришни орзу қила бошладилар. Аммо Сурия ва Мисрнинг турклар қўлига ўтиши натижасида, Ўрта Ер денгизидан Қизил денгизга карвон йўллари орқали ўтиш янада мураккаблашди.

Ҳиндистон бойликларига бўлган қизиқиш европалик корчалонларга тинчлик бермас эди. Испания ва Португалия давлатларининг раҳбарлари янги денгиз йўлларини қидириб топишга бел боғладилар. Айнан шу пайтда испанлар Гринададан маврлар ёки сарацинларни ҳайдаб чиқардилар. Арагонлик Фердинанднинг кастилиялик Изабеллага уйланиши пайтида ягона кучли христиан Испанияси вужудга келди.

Португалияликлар 1445 йилда Африканинг Яшил Бурун номли қирғоғига сузиб бордилар. 1486 йилда португалиялик Бартоломей Диаш Африканинг жанубий қисми бўлган Эзгу Умид бурунига сузиб борди. Бошқа бир португалиялик Васко де Гама ана шу йўл орқали 1498 йилда Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳри ва Малабар қирғоғига сузиб борди. Шу тариқа, португалияликлар Ҳиндистонга боришнинг янги йўлини кашф этдилар.

Аммо дунёнинг бошқа бир чеккасида ҳам буюк воқеалар юз берди. Испаниядан Ғарбга томон сузган Христофор Колумб 1492 йилда Америка қирғоқларига бориб етди. Х. Колумб Генуядан чиққан камбағал шахс бўлиб, унинг фикрича, Ер шари думалоқ шаклда ва, шу сабабли, Ғарб орқали Япония ва Ҳиндистонга сузиб бориш мумкин. Колумб бир неча Европа қироллари ва ҳукмдорларига мурожаат этди. Испания қироли ва қироличаси Фердинанд ва Изабелла Колумбнинг режасига ишониб, унга учта кичик кема, озиқ-овқат ва сафар тадориғи учун 88 кишидан иборат денгизчиларни ажратди. Бу кемалар 69 кун сузгач, Колумб бошчилигидаги денгизчилар куруқликка дуч келдилар. Колумб ўзини Ҳиндистонга келдим, деб ўйлади, бироқ ушбу куруқлик Америка қирғоқлари эди. Ана шу англашилмовчилик туфайли ҳозиргача Американинг маҳаллий аҳолиси ҳиндулар деб аталади.

Колумб ва Васко де Гаманинг денгиз йўллари кашфиётлари Европада катта шов-шувларга сабаб бўлди. Португалия ва Испания яқин ерлар устидан ҳукмронлик ўрнатиш учун ўзаро рақобатлашишни бошлаб юбордилар. Рим папаси бу ишга аралашиб, 1493 йилда булла, яъни қонун ишлаб чиқди ва унга кўра, Шимолий ва Жанубий Америка – Испанияга, Ҳиндистон, Хитой, Япония ва бошқа Осиё ҳудудлари – Португалияга бериладиган бўлди.

Португаллар бирин-кетин Осиё қитъасида ҳукмронлик ўрнатишга киришдилар, аммо бунини амалга ошириш анча мушкул эди. 1510 йилда улар Гоага, 1511 йилда Малайя ярим оролидаги Малаккага кириб бордилар, кейинроқ улар Ява оролида пайдо бўлдилар. 1576 йилда эса португаллар Хитой қирғоқларига етиб бордилар.

Португал денгизчилари орасида, айниқса, Фердинанд Магелланни эслаш мақсадга мувофиқдир. У португалиялик хўжайинлари билан чиқиша олмай, Испания фуқаролигини қабул қилди. Магеллан Африка жануби орқали Ҳиндистонга сузиб келди. Энди у Ғарбга қараб сузиб, Америкага боришни мақсад қилиб қўйди, унинг фикрича, Колумб очган ер бу Осиёга тегишли эмас.

1519 йилда Магеллан Ғарбга томон сузишни бошлади. Бу унинг энг узоқ муддатли денгиз саёҳати бўлиб, унда жами 5та кема ва 270 киши иштирок этди. Магеллан Атлантика океани орқали Жанубий Америкага етиб келди ва жануб томон сузишда давом этиб, Жанубий Американинг энг қуйи соҳилларига етиб борди. Магелланнинг бир кемаси тўфонда

нобуд бўлди, яна бир кемасидаги одамлар уни ташлаб кетишди. Жанубий Америка орқали у катта Океанни сузиб ўтди, бу Океанда сузувчилар тинч сузганликлари сабабли, Магеллан уни Тинч океани деб атади. Шундай қилиб, Магеллан илк бор Ер куррасини 14 ой ичида айланиб чиқди. Сафар давомида саёхатчилар, ҳатто, Филиппин оролларига ҳам етиб боришди. Бу ерда Магеллан қабилалар ўртасидаги можароларга аралашганлиги учун ўлдирилди. Магеллан кемаларидаги бошқа кўплаб испанлар ҳам оролликлар томонидан ўлдирилдилар. Узоқ сафар натижасида Испанияга атиги битта кема 18 киши таркибида қайтиб келишга муваффақ бўлди. Бу ҳодиса 1522 йилда содир бўлди.

Магеллан ўз саёхати билан банд бўлган пайтда Испания парламенти, яъни Кортес аъзолари Мехикога бостириб кирдилар ва ацтеклар империясини 1519 йилда босиб олдилар. Испанлар 1530 йилда Жанубий Америкадаги инклар империясини ҳам босиб олдилар.

Янги қитъа Колумб томонидан кашф этилган бўлса-да, бироқ Америго Веспуччи номига қўйилди. Бу италиялик тарихий шахс Испания хизматида ўтган бўлиб, кашф этилган ернинг янги қитъа эканлигини ва Осиёга мансуб эмаслигини исботлади. Ҳозиргача Европага қарама-қарши ўлароқ, Американи “Янги дунё” деб ҳам аташади.

Шундай қилиб, Португалия ва Испания давлатларининг янги денгиз йўллари очишдаги муваффақиятлари бошқа Европа мамлакатлари, айниқса, Франция, Англия, Голландия ва Шимолий Германия аҳолисини хайратга солди. Дунё эндиликда европалар учун анча тор ва чегаралангандай бўлиб қолган эди.

3. Нидерландларнинг мустақиллик учун кураши. Ўттиз йиллик уруш. Англияда фуқаролар уруши ва унинг оқибатлари.

Режа:

1. Нидерландларнинг мустақиллик учун кураши ва Голландия Республикасининг эълон қилиниши.

2. Европадаги Ўттиз йиллик уруш ва Вестфаль сулҳ шартномаси.

3. XVII асрдаги Англия буржуа инқилоби ва бозор иқтисодиётига асосланган жамиятнинг шаклланиши.

1. Нидерландларнинг мустақиллик учун кураши ва Голландия Республикасининг эълон қилиниши.

Халқаро муносабатлар тарихида ҳар учала тарихий жараён: нидерландларнинг мустақиллик учун узоқ йиллар давомида олиб борган кураши, Европадаги Ўттиз йиллик уруш (1618–1648) ва Англиядаги фуқаролар уруши (1642–1648) бирин-кетин юз берган бўлиб, уларда муҳим бир муштараклик мавжуд эди. У ҳам бўлса, ҳар учала тарихий жараён диний ниқоб остида олиб борилди. Аммо диний кўринишдаги

мазкур жараёнлар замирида аслида турли кучлар ва давлатларнинг манфаатлари ётар эди. Шу билан бирга, бу урушлар ўрта асрлар даврида ҳукмрон бўлиб келган диний хурофот, феодал тарқоқлик, маъмурий буйруқбозлик, қолаверса, эски тузумдан янги жамиятга ўтиш учун бўлган жиддий уринишлардан иборат эди.

Нидерландия Голландия ва Бельгияни ўз ичига олган бўлиб, унинг маъноси чуқур ёки қуйи ер демакдир. Голландия сўзи (hollow-бўш, ташландик, бекор) “қаровсиз ер” деган маънони англатади. Дарҳақиқат, бу мавзенинг катта қисми денгиз сатҳидан анча қуйи бўлиб, Шимолий денгиздан катта дамба ва деворлар билан тўсилган аҳолининг доимо денгиз тўлқинлари ва сув босимига қарши курашишига тўғри келади. Одамлари жасур, денгизчи бўлганликлари сабабли, улар кўпроқ савдо-сотик билан шуғулланиб келганлар. Улар жунли матолар тўқиб, ҳар хил кийим-кечаклар ишлаб чиқарар эдилар. Улар денгиз орқали Шарқдан нафис буюмлар келтириб тижоратчи сифатида ҳам шуҳрат қозондилар. Натижада, Брюгге, Гент ва Антверпен каби бой шаҳарлар қад кўтарди. Айниқса, Антверпен бандаргоҳида 2,5 минг савдо кемалари бир вақтнинг ўзида лангар ташлар ва бозорда бир кунда беш минг атрофида савдогарлар тўпланар эдилар. XVI асрда Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотик ишлари анча ривожланган бўлиб, савдогарлар табақаси кўпчиликини ташкил ётар эди.

Ушбу даврга келиб, Нидерландия шимолида протестантизм ғоялари тез тарқалди. Мамлакат Испан Габсбурглари давлати таркибига кирган бўлиб, олдин Карл IV, кейин унинг ўғли Филипп II маҳаллий халқларнинг озодлик ғояларига қарши эдилар ва протестантларни таъқиб остига олдилар. Филипп мамлакатга ҳоким сифатида герцог Альбани жўнатди. У ўзининг золимлиги ва шафқатсизлиги билан ном чиқарган бўлиб, қисқа фурсат ичида Нидерландияда инквизицияни таъсис этди. Минглаб протестантлар оловда ёндирилди, аммо маҳаллий аҳоли испан босқинчиларига бўйсунмай курашни давом эттирди. Халқ ўз раҳбари Вильгельм Оранский атрофида жипслашиб, герцог Альба ва унинг шерикларига қарши уруш эълон қилди. Инквизиция 1568 йил ўз қарорларидан бирида бутун бир халқни ўлимга маҳкум этди, маҳкум этилганлар деярли барча нидерландларни ўз ичига олган бўлиб, 3 млн. кишини ташкил ётар эди. Халқ ҳаракатини маҳаллий дворянлар ҳам қўллаб-қувватлаб турдилар. Уруш диний тус олди, чунки Альба бошчилигидаги испан босқинчилари католиклар мазҳабига мансуб бўлса, нидерландларнинг кўпчилиги протестантизм тарафдори эдилар. Нидерландлар озчилик бўлишларига қарамасдан, жуда қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Айниқса, испанлар томонидан қамал қилинган Лейден аҳолиси узок вақт давомида қаршилик кўрсатди, аҳоли денгизни тўсиб турган дамба ва деворларни тешди, сув тошқинидан испанлар даҳшатга тушдилар ва Лейдендан чиқиб кетишга мажбур бўлишди. Лейден

химоячилари шарафига 1575 йилда машхур Лейден университети таъсис этилди.

Мамлакат ҳимоячилари, асосан, Шимолда истиқомат қилувчи голландлардан иборат эди, Жанубий нидерландияликлар эса католиклар бўлиб, улар испанларни қўллаб-қувватладилар. Ана шундай вазиятда Вильгельм Оранский Нидерландия Генерал штатларига, яъни мамлакат миллий мажлисига мурожаат қилиб шундай деди: “Нидерландларни нидерландлар ҳалок этишмоқда. Герцог Альба кимга таяниб мақтанчоқлик қилмоқда? Албатта, озчилик нидерландлар ёрдамида у бизнинг устимиздан ҳукмронлик қилмоқчи. У кемаларни, яроғ-аслаҳаларни, пулларни, аскарларни қаердан оляпти? Буларнинг барчасини у Нидерландия аҳолисидан олмоқда”¹⁰.

Ана шу омиллардан усталик билан фойдаланган испанлар Нидерландиянинг каттагина қисмини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар, бу мавзе бугунги кунда Бельгия деб аталади. Аммо испанлар Голландияни тобе қила олмадилар. Уруш сўнгида голландлар Испания қироли Филипп II дан воз кечиб, қиролликни Вильгельм Оранскийга таклиф этдилар, аммо Вильгельм тахтга ўтиришга рози бўлмади. Охиروқибат, Голландия мустақилликка 1609 йилда эришди. Голландияда республика давлат тизими қарор топди. Голландия салоҳиятли, денгизда ҳукмронликни қўлга киритган давлатга айланди. Бу ерда капитализм тез суръатларда ривожланиб борди. Мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий кучқудрати ошиб борди ва у Узоқ Шарқда ўз мустамлакаларига эга бўлди. Голландиядан ажралган Бельгия эса испанларга қарам бўлиб қолаверди.

Шундай қилиб, католицизмга эътиқод қилувчи испанларга қарши протестантизм мазҳабиغا мансуб голландлар узоқ кураш олиб бориб, мустақилликка эришдилар ва Республика тизимига асос солдилар.

2. Европадаги Ўттиз йиллик уруш ва Вестфаль сулҳ шартномаси.

Германиядаги диний урушлар, яъни католиклар ва протестантлар ўртасидаги уруш Ўттиз йиллик (1618–1648) уруш номини олди. Германия ҳудудидаги князлар ва курфюрислар, яъни йирик князликлар ўзаро ва императорга қарши уруш ҳаракатларини олиб бордилар.

XVII аср бошларидаги Россиянинг ички ва ташқи низолари Швеция ва Польша давлатларини Марказий Европа воқеаларидан чалғитди. 1618 йилда Империя ҳукмдорлари Чехия протестантларига берган имтиёзларини бекор қилдилар. Бу ҳолат Чехия ва империя ўртасида урушни келтириб чиқарди. Католик лига таркибига кирган князликлар ва Австрия Габсбурглари испаниялик иттифоқчилари билан биргаликда чех қўшинларини тор-мор этдилар. Чехиядан ўн минглаб протестантлар қувғин қилинди. Чехияда аксилреформация амалга оширилди. Протестантларнинг ерлари ва мол-мулклари маҳаллий ҳамда немис

¹⁰ Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. 2. – М., 1989. – С. 42.

католикларига олиб берилди. Чехия ерларининг $\frac{3}{4}$ қисми қайта тақсимланди. Католик лига қўшинлари Германия шимолига юриш қилиб, немис князликларидаги протестантларни аёвсиз жазоладилар, мол-мулкларини тортиб олдилар. Айна пайтда, юқорида айтиб ўтганимиздек, Испания Голландияга қарши уруш ҳаракатларини бошлаб юборди.

1625 йилда Габсбургларга қарши протестантлик мазҳабига мансуб бўлган Дания ва унинг қироли Кристиан IV (1577–1648) уруш очдилар. Католиклар Данияга қарши 100 минглик армияга қўмондон этиб А. Валленштейнни тайинладилар. Уруш дахшатли тус олди, ҳар икки мазҳабга мансуб бўлган аскарлар бир-бирларини аёвсиз қирдилар. 1629 йилда Дания мағлуб бўлди ва урушдан чиқди. Империя ҳудудида чиқарилган фармонга биноан, реституция қабул қилинди. “Реституция” тушунчаси қайтариб бериш маъносига эга бўлиб, илгари протестантлар томонидан мусодара қилинган католик черкови ерлари яна уларга қайтариб берилди.

Габсбургларнинг кучайиши Францияни ташвишга солди ва Франция, Швеция ҳамда Польша ўртасида битим тузилишига кўмаклашди. Франция швед қироли Густав II Адольфга маблағ ажратиб, уни Германияга қарши урушга тайёрлади.

Ўттиз йиллик урушда 1630–1635 йиллар швед уруши номи билан тарихга кирди. Интизомли ва яхши қурулланган швед армияси католик лига ва император армиясига қатъият билан зарбалар берди. Швед армияси, ҳатто, католицизмнинг асосий таянчи бўлган Бавария ерларига ҳам бостириб кирди. Ана шундай мураккаб вазиятда католик мазҳабига мансуб Польша империяга ёрдам қўлини чўзди. Бир вақтнинг ўзида 1632–1634 йиллар давомида Польша Россияга ҳам қарши уруш олиб борди. Россия бу урушда енгилди, бироқ Польша шахзодаси Владислав Россия – Польша битимига мувофиқ, Россия тахтига даъвогарликдан воз кечди.

1635 йилда шведлар бу жангда ҳолдан тойдилар ва мағлубиятга учрай бошладилар. Бир қанча протестант князликлари император билан сулҳ тузиш йўллари қидира бошладилар. Айна шу вазиятда Франция Габсбургларга қарши уруш эълон қилди. Францияни бу урушда итальян католик давлатларидан Мантуя, Савойя ва Венеция қўллаб-қувватлади. Ўттиз йиллик уруш сўнгида урушнинг диний характери барҳам топди. Франция католик империяга қарши уруш ҳаракатларини олиб борди. Франция ва Швеция Габсбургларга қарши курашаётган бир пайтда Дания империя тарафида туриб уруш олиб борди. Урушнинг сўнги босқичида мисли кўрилмаган қурбонликлар юз берди. Германиянинг 60-75% аҳолиси, яъни 15 млн. киши қурбон бўлди, Чехиянинг 2,5 млн. аҳолисидан атиги 700 минг киши тирик қолди¹¹.

¹¹ Загладин В.Н. Всемирная история. – М., 2006. – С. 212.

1648 йилда имзоланган тинчлик шартномаси Вестфаль шартномаси номини олди. Бу уруш натижасида Франция ва Швеция кучайди ҳамда улар Европанинг энг салоҳиятли давлатларига айландилар. Швеция деярли барча Болтиқ денгизи ҳудудларини ўз назоратига олди. Эльзас Францияга қўшиб олинди ва империянинг ўнлаб шаҳарларини Франция ўз назоратига олди. Вестфаль сулҳ шартномасига биноан, Швейцария ва Голландия республикалари ташкил топди ва халқаро миқёсда эътироф этилди.

Протестантизм мазҳабига мансуб бўлган Бранденбург ва Саксония князликлари ҳудуди кенгайди. Эндиликда империя ҳудудида католиклар, лютеранлар ва кальвинистлар тенг ҳуқуқларга эга бўлдилар. Германиянинг тарқоқлиги кучайди. Муқаддас Рим империяси ва император номигагина сақлаб қолинди. Бироқ Испания ва Франция ўртасидаги уруш яна 10 йил давом этди ва, охир-оқибатда, Франция Лотарингияни ўзига қўшиб олишга муваффақ бўлди.

Ўттиз йиллик урушдан кейин диний омилларнинг таъсири заифлашди. Эндиликда халқаро муносабатларда иқтисодий, дипломатик ва геосиёсий омилларнинг аҳамияти ошди.

3. XVII асрдаги Англия буржуа инқилоби ва бозор иқтисодиётига асосланган жамиятнинг шаклланиши.

Англия Буюк Британия ороллариининг ўрта ва жанубий қисмида жойлашган бўлиб, у шимолда Шотландия, ғарбда – Уэльс билан чегарадош, шарқда – Шимолий денгиз, шимолий ғарбда– Ирландия денгизи ва Атлантика океани билан ўралган.

Англиянинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, бу ерда XIII асрдан бошлаб парламент вужудга келди. Мамлакат ривожланиши билан бир пайтда парламент ҳам такомиллашиб борди ва сиёсий ҳаётда тобора муҳим ўрин эгаллай бошлади.

Парламент олдин бир палатали ва XIV асрдан бошлаб икки палатадан иборат бўлиб, қуйи палата – вакиллар палатаси ва юқори палата эса – лордлар палатаси номи билан юритилар эди.

Англиянинг Европадаги диний низо ва урушлардан четда туриши ҳам тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилди. Қирол Генрих VIII давридаёқ мамлакат Рим папаси таркибидан чиқиб, бу ерда англикан черковига асос солинди. Англикан черкови католицизмдан кўра протестантизмга яқинроқ бўлиб, энди ривожланиб келаётган ўрта табақаларнинг дунёқарашига жуда мос келар эди.

XVII асрнинг 20-30 йилларида Англияда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик тез суръатлар билан ривожланиб борди. Бу эса, ўз навбатида, натурага асосланган айирбошлашни бекор қилиш ва ёлланма меҳнатни жорий қилишни тақозо этарди. Ўрта асрга хос сиёсий тизим қиролнинг чекланмаган ҳокимиятини ҳамда катта ер эгалари – лендлордларнинг манфаатини ҳимоя қилар эди. Лендлордлар, қироллик, рицарлик ва уларнинг тарафдорлари эски тизимни сақлаб қолишга

интилар эдилар. Улардан фарқли ўлароқ, хунармандлар, жентри – янги дворянлар, савдогарлар эса – эски тизимни янгилаш тарафдорлари эдилар.

Шу тариқа, XVII асрнинг 20–30 йилларида Англия жамиятидаги қарама-қарши кучлар ўртасидаги зиддият ниҳоятда кескинлашди. Парламент қироллик ва унинг тарафдорларига қарши ўз ҳаракатларини бошлаб юборди. Қирол Карл I 1625 йилда тахтга ўтиргач, вазият янада мураккаблашди. Парламент 1628 йилда тайёрлаган ҳуқуқлар тўғрисидаги машҳур ҳужжатида қиролнинг мутлақ ҳокимияти бекор қилинди. Унга биноан, қиролнинг фуқароларга қонунсиз солиқлар солишга ва уларни қамоққа олишга ҳаққи йўқ эди. Бундан норози бўлган Карл I парламентни тарқатиб юборди ва мамлакатни парламентсиз идора қила бошлади. Аммо бир неча йил ўтгач, қирол янгидан-янги ҳаражатлар учун пулга муҳтожлик сизди, натижада у янги парламентни чақиришга мажбур бўлди. Бу воқеа 1640 йилда юз берди.

Икки йил ўтмай мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб кетди. Қирол, уни қўлловчи кўпчилик дворянлар, армия парламентга қарши уруш эълон қилишди. Парламентни янги дворянлар, бадавлат савдогарлар ва Лондон шаҳри аҳолиси қўллаб-қувватлади. Уруш бир неча йил давом этди. Фуқаролар уруши кўринишидаги ушбу инқилоб мутлақ ҳокимиятни ва феодал тартибларни тугатиш мақсадида олиб борилди. Қирол армиясини тор-мор этишда парламент аъзоларидан Оливер Кромвель (1599–1658) катта жонбозлик кўрсатди. Кромвель ҳарбий кўмондон сифатида моҳир ташкилотчи, “темир” интизом тарафдори ва ўзи олиб бораётган курашнинг адолатли эканлигига чуқур ишонган жасур раҳнамолардан бири эди.

Кромвелнинг ташкилотчилиги, айниқса, унинг “Янги нусха” номи билан машҳур бўлган армияни тузишида яққол намоён бўлди. Кромвель кўмондон сифатида урушнинг энг оғир, хавфли жойларида пайдо бўлар, жангчиларни илҳомлантириб, уларда куч-қувват, жасурлик ҳамда ғалабага ишонч руҳини туғдирар эди. Кромвелнинг “Темир биқинлар” деб аталган суворийлари қиролнинг отлиқ қўшинларини кетма-кет мағлубиятга учратди.

Кромвель янги дворянлар табақасидан чиққан бўлиб, серғайрат, мустаҳкам иродали, қатъиятли, зўр нотик ҳамда ишнинг “кўзини биладиган” инсон эди. У парламент армиясининг энг истеъдодли саркардасига айланди. У отлиқлардан иборат қўшинга ҳарбий ишни пухта ўргатди. Кромвелнинг чавандозлари қилич, найзалар билан қуролланган бўлиб, темир совут кийиб жангга кирар эдилар.

Мазкур ғалабалар туфайли Кромвель катта обрў қозонди. Унинг парламент топшириғи билан тузилган “Янги нусха” номли армияси чинакам янги, инқилобий армия бўлиб, Кромвель ташаббуси юзлаб ёш, истеъдодли зобитларни ўз ичидан етиштириб чиқарди. Айнан шу янги армия уруш тақдирини ҳал этди. Нейзби қишлоғи ёнида 1645 йил июнь ойида бўлган жангда бу армия қирол армияси устидан тўла ғалаба қозонди. Қирол Карл I зўрға қочиб қутулди, кўплаб тўп-замбараклар, от-улов ва бир неча минг асир

қўлга олинди. Бу уруш ҳаракатларининг режасини пухта чизган ва ғалабани қўлга киритишда жонбозлик кўрсатган ҳам Оливер Кромвель эди.

Нейзби қишлоғи ёнидаги бу ғалаба натижасида қиролнинг махфий ёзишмалари ҳам Кромвель армияси қўлига тушди. Ёзишмалардан Карл I нинг Франциянинг яқинда тахтга ўтирган ёш қироли Людовик XIV га мурожаат қилиб, ундан ёрдам сўраганлиги маълум бўлди. Парламент Карл I нинг бу хатти-ҳаракатларини ҳақли равишда “хоинлик” деб баҳолади.

Парламент ичида ҳам қирол билан келишиб иш кўришни истайдиган депутатлар бор эди. Кромвель ва унинг тарафдорлари қиролни инглиз халқининг ашаддий душмани деб билар ва унга қарши қаттиқ жазо кўришни талаб қилмоқда эдилар. Англия зобитларидан бири полковник Прайд ўзининг қуролланган кичик гуруҳи билан парламент биносига кириб, қирол Карл I билан келишиб иш кўрмоқчи бўлган депутатларнинг барчасини ҳайдаб чиқарди. Бу ҳодиса парламентни “Прайд тозалаши” номи билан Англия тарихига кирди. Шундан сўнг парламентнинг жамоалар палатасига мансуб Прайд томонидан “тозаланган” қисми иккинчи палата – лордлар палатасининг қаршилигига қарамасдан, Карл I ни парламент томонидан Олий судга топширди. Суд уни “Ўз халқининг золими, хоини, жаллоди ва душмани” сифатида қатл қилишга ҳукм чиқарди.

1649 йил 30 январь куни Лондон шаҳрининг Уайтхолл қасрида ва парламент аъзолари иштирокида Карл I нинг боши танасидан жудо этилди. 1649 йил 19 майда Англия илк бор республика деб эълон қилинди. Кромвель армияси – республиканинг ҳимоячиси, Кромвелнинг ўзи эса амалда Англиянинг Олий ҳукмдори – диктаторига айланди.

Оливер Кромвель ҳукмронлиги даврида Англияда бозор иқтисодиётига асосланган жамият жадал суръатлар билан ривожланди. Англиянинг денгиз флоти Голландия, Франция ва Испания ҳарбий денгиз флотларини чекинишга мажбур этиб, Европадаги энг кучли денгиз салтанати мавқеини қўлга киритди.

Англиянинг тараққий этиши ва унинг ҳарбий кудрати янги ерлар ва мустамлакаларнинг босиб олинишига олиб келди. Ирландиянинг шарқий қисмини Англия аллақачон босиб олган эди, бироқ у ерда Англияга қарши кўзғолон кўтарилди, миллий қарама-қаршиликларга диний адоват ҳам қўшилди, чунки ирландлар христиан динининг католик мазҳабига мансуб эдилар.

1649 йилда Кромвель бошчилигидаги армия Дублинга етиб борди, ирланд қўшинлари билан бир қаторда бу армия кўплаб тинч аҳолини кириб ташлади, минглаб ирландлар бошқа мамлакатларга кўчишга мажбур бўлдилар. Ирландияга қараган ерларнинг катта қисми тортиб олиниб, бой инглиз дворянларига ва буржуазияга сотилди. Ирланд дехқонлари лендлордларга қарам ижарачиларга айландилар.

1652 йилда Кромвель армияси Шотландияга бостириб кирди. Марҳум қирол Карл I қўшинларини қўллаб, уларга ёрдам бериб келган маҳаллий

феодаллар кўшини тор-мор қилинди. Шотландия Англия томонидан забт этилди.

Бироқ Англия республикаси узоқ яшамади, қирол Карл I қатл этилганидан сўнг, у, бор-йўғи, ўн бир йилгина сақланиб турди. О. Кромвель 1658 йилда вафот этгач, икки йилдан сўнг республика тузуми ҳам қулади. Англия инқилоби даврида хорижда бошпана топган Карл I нинг ўғли Карл II номи билан қайтадан тахтга ўтказилди. У қироллик қилган даврда Англиянинг халқаро маъқеи бироз сусайди. Кромвель давридаги Англия эга бўлган ўринлар қўлдан кетди. Карл II парламент билан келишиб, жуда эҳтиёткорлик билан иш юритди. У ўз умрини маишат, кўнгилхушлик ва бекорчи ишлар билан ўтказди. У Франция қироли Людовик XIV тайинлаган яширин маош ҳисобига кун кўрди.

Қирол Карл II нинг вориси, унинг укаси Яков II 1685 йил тахтга чиқиши билан унинг парламент билан муносабатлари кескинлашди. Яков II католик мазҳабига мансуб бўлиб, Англия аҳолисини Рим папасининг маънавий ихтиёрига топширишни ўз олдига мақсад қилиб олди. Аммо инглизларнинг кўпчилиги дин тўғрисида кам маълумотга эга бўлишларига қарамай, Рим папаси ва унинг диний тартибларини ёмон кўришар эди. Шу сабабли, қирол Яков II инглиз халқининг протестантликка яқин бўлган ўзига хос диний урф-одатларига қарши бирон бир иш қила олмас эди. Яков II нинг хатти-ҳаракатларидан ғазабга келган кўпчилик парламент аъзолари қиролга лаънатлар ёғдирдилар. Яков II Францияга қочиб кетишга мажбур бўлди. Парламент бу сафар тинч йўл билан, ҳеч қандай фуқаролар урушисиз қирол устидан ғалабани қўлга киритди. Аммо Англия республика деб эълон қилинмади. Англия тахти бўш бўлиб, парламент янги қиролни тахтга ўтқазиш учун номзод кидира бошлади. Кўп ўтмай шундай номзод топилди. Бу одам Оранскийлар сулоласига мансуб Голландия ҳукмдори Вильгельм Оранский эди. Унинг инглиз қироллиги хонадонидан чиққан Марияга уйланганлиги ҳам инглиз қироллигига номзод бўлишининг асосий сабабларидан бири эди. 1688 йил охирида Вильгельм ва Мария катта шов-шув ва тантаналар билан шоҳона безатилган кемада Голландиядан чиқиб, қирол ва қиролича сифатида инглиз тахтини эгалладилар.

Ана шу тарихий воқеадан кейин Англияда сиёсий ҳокимият узил-кесил парламент қўлига ўтди. Парламент тобора инглиз халқининг тимсолига айлана борди. Шу тариқа, XVII аср инглиз инқилоби ўз ниҳоясига етди. 1688–1689 йиллардаги тинч йўл билан ўтказилган бу инқилоб халқаро муносабатлар тарихида “шонли инқилоб” номини олди.

Англия инқилобининг бу ғалабаси Европа қитъасида капитализмнинг қарор топиши ва ривожланиши учун ҳал қилувчи роль ўйнади. Мутлақ феодал ҳокимият устидан қозонилган ушбу ғалаба натижасида қишлоқ хўжалиги гуркираб ривожланди, саноат ишлаб чиқаришидаги “тўнтариш” га кенг йўл очилди. XVIII–XIX асрларда Англия бошқа барча мамлакатлардан анча ўзиб кетди ва биринчи ривожланган саноат мамлакатига айланди.

4. 1688–1775 йилларда халқаро муносабатлар.

Режа:

- 1. XVII аср охирида ва XVIII аср бошларида Европада кучлар нисбати.***
- 2. XVIII асрда буюк давлатлар ўртасида мустамлакалар учун курашнинг авж олиши.***

1. XVII аср охирида ва XVIII аср бошларида Европада кучлар нисбати.

1688–1689 йилларда Англияда “шонли инқилоб” натижасида қирол Яков II мамлакатдан қувиб юборилди ва кураш парламент ғалабаси билан ўз ниҳоясига етди. Халқаро муносабатлар учун масъулиятни Англия қиролининг ўрнига парламент ўз зиммасига олди. Англиядан ташқари Швейцария ва Голландияда ҳам парламентларнинг нуфузи юқори эди, чунки бу ҳар икки мамлакатда республика тизими ҳукм сураб эди.

Аммо дунёнинг кўпчилиқ мамлакатларида абсолютизмга асосланган монархия тизими ҳукмрон эди. Айниқса, Франция қироли Людовик XIV га бошқа монархларнинг тақлид қилиши яққол кўзга ташланар эди. “Буюк монарх” Людовик XIV га барча монархлар эргашар, қиролликнинг юксак намунаси сифатида унга иззат-икром кўрсатишар эди. Дарҳақиқат, халқаро муносабатлар тарихида XVII асрни Людовик XIV асри деб ҳам аташади. Людовик XIV Францияни 1643 йилдан то вафот этгунга қадар (1715 йил), яъни 72 йил давомида бошқарди. Европада XVII аср давомида бир қатор кучли марказлашган давлатлар мавжуд бўлиб, уларни монархлар бошқарар эдилар. Франциянинг Людовик XIV давридаги бош вазирлари Ришелье ва Мазарини давлатни бошқаришда катта роль ўйнадилар.

XVII асрда диний эътиқодга устуворлик берилган жамиятлар ўрнини миллийлик ва ватанпарварлик ғояларига асосланган жамиятлар эгаллади. XVII аср ақл-заковат асри бўлиб, замонавий билимлар шаклланиб, ривожлана бошлади. Шу билан бир қаторда, XVII асрда жаҳон бозори вужудга келди ва бунинг натижасида Европанинг эски иқтисодиёти ўз ўрнини бозор иқтисодиётига бўшатиб берди. Ўз навбатида, илм-фаннинг ривожини ҳам бозор эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эди.

Вестфаль сулҳ шартномасидан сўнг Европадаги халқаро муносабатларда Пруссиянинг нуфузи тобора ошиб борди. Пруссияни идора қилаётган Гогенцоллернлар Австрия Габсбургларининг ҳақиқий рақибларига айландилар. 1740–1786 йиллар давомида Пруссияни қирол Фридрих II бошқарди ва замондошлари орасида у “Буюк Фридрих” номини олди. Фридрих II файласуф монарх сифатида ҳам машҳур эди. У буюк француз файласуфи Вольтер билан дўстлашиб, ўзини рационалист деб биларди. Континентал Европанинг монархлари, сарой аҳллари француз тилини мукамал билишар ва француз тили, адабиёти ва санъат асарларини севиб ўрганар эдилар. XVII асрдан бошлаб француз тили ва

маданияти Европада ҳукмронлик қиларди XVIII асрда француз тили ва маданиятининг нуфузи янада ошди. Ушбу даврда, айниқса, Вольтер жуда машҳур бўлиб, бу асрни “Вольтер асри” деб ҳам аташади. Француз адабиёти бутун Европада севиб ўқиларди. Айнан XVIII аср халқаро муносабатларда “Маърифатпарварлик асри” деб аталади. XVIII аср бошларидан бошлаб Англияда замонавий романчиликка асос солинди. Жонатан Свифт “Гулливёрнинг саёҳатлари”, Даниел Дефо “Робинзон Крузо” романларини ёзишди. Айнан XVIII асрда Вольтернинг кичик замондоши – ёзувчи, мутафаккир Жан-Жак Руссо баракали ижод қилди. Унинг, айниқса, “Ижтимоий битим” асари давлат моҳиятини шарҳлаб беришда жиддий қадам бўлди. Агар сиёсат фалсафасида XVII асрда Англиянинг “шонли инқилоб”ини муроса-ю мадора асосида инглиз олими Жон Локк шарҳлаган бўлса, унинг ғояларини француз мутафаккири Шарль Монтескье XVIII асрда ўз асарларида ривожлантирди. Айниқса, унинг “Қонунлар руҳи ҳақида” асари маълум ва машҳурдир. Жон Локк ҳокимият тақсимооти тўғрисида гапириб, қонунчилик ва ижроия ҳокимиятларини шарҳлаб берган бўлса, Шарль Монтескье ҳокимият тақсимоотида суд ҳокимиятининг алоҳида ўрнини кўрсатиб берди.

Халқаро муносабатлар тарихида Франция пойтахти Парижда “Энциклопедия”нинг нашр этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. XVIII асрда яратилган янги бир тарихий асар – “Рим империясининг таназзули ва қулаши” инглиз тарихчиси Эдуард Гиббон қаламига мансуб бўлиб, кенг жамоатчилик орасида тарихий асарларга бўлган қизиқишнинг ортишига сабабчи бўлди.

2. XVIII асрда буюк давлатлар ўртасида муштамлакалар учун курашнинг авж олиши.

1715 йилда Франция қироли Людовик XIV вафот этгач, унинг набираларидан бири Людовик XV тахтга ўтирди. У ҳам катта буваси каби узок вақт, яъни бир кам 60 йил давомида ҳукмронлик қилди. Людовик XV замонида сарой ва мамлакатда порахўрлик, фисқу фасод авж олди. Агар Людовик XIV “давлат – бу мен», дея ўз ҳокимиятини давлат ҳокимияти билан уйғунлаштирган бўлса, Людовик XV бундан-да ошиб тушди. У бу ҳақда шундай деган эди: “Суверен ҳокимият фақат менинг шахсимда мужассамлашган. Қонун чиқариш ваколатлари тўлалигича менга тегишли. Мен жамоат тартиботининг ягона йўриқчисиман, барча ҳокимият тизгинларини ўзимда мужассамлаштирганман. Халқни мендан ажратиб бўлмайди. Халқнинг ҳуқуқ ва манфаатларини мендан ажратиб бўлмайди. Улар менинг манфаатларим ва ҳуқуқларим билан чамбарчас боғланган ва мен уларни ўз қўлимда сақлайман”¹².

¹² Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. 2. – М., 1989. – С. 96.

Людовик XV мамлакатни 1715 йилдан то 1774 йилгача бошқарди. Бу давр мобайнида Испания Франция билан узоқ вақт рақобатлашди, бироқ у заифлашди. Шунга қарамай, аксарият мустамлакалар ҳали-ҳануз Испания қарамоғида эди. Унинг мустамлакалари Америка ва Филиппин оролларида жойлашган эди. Узоқ вақт давомида Австрия Габсбурглари Европада етакчи роль ўйнаган бўлсалар-да, XVIII асрда Австрия иккинчи даражали давлатга айланиб қолди. Чунки энди Австрия империяси ҳудудида Пруссия етакчилик қилмоқда эди. Австриядаги тахт ворислиги учун олиб борилган кураш ҳам уни анча толиқтириб қўйган эди. Бунинг устига узоқ вақт Австрияни аёл киши – Мария-Тереза бошқарди.

Пруссиядан Шарқда Россия жойлашган бўлиб, у ўз ҳудудларини кенгайтирмоқда эди. Ўз навбатида, Россиянинг қўшниси бўлган Хитой ҳам ўз ҳудудларини кенгайтирмоқда эди. Россия ўз ҳудудларини Сибирь орқали Тинч океанигача кенгайтирди ва, ҳатто, Аляскани ҳам эгаллаб олди. XVII аср охирида Россия тахтига кучли, иродали шахс – Пётр I ўтирди. У мамлакатни европалаштириш мақсадида пойтахтни Москвадан ўзи асос солган Санкт-Петербург шаҳрига кўчирди. Санкт-Петербург Нева қирғоғида жойлашган бўлиб, у Москвадан бутунлай фарқ қилар, у кўпроқ Ғарбий Европа шаҳарларига ўхшаб кетар эди. Санкт-Петербург Россияда “ғарбчилик” оқимининг тимсолига айланди.

Пётр I Россиянинг қиёфасини бутунлай ўзгартирди, аёлларни уй қамоғидан озод қилиб, жамоат ишларига жалб қилди. Пётр I Ҳиндистонга ўз диққатини қаратиб, халқаро муносабатларда унинг ўрни нақадар катта эканлигини кўрсатиб берди. У бу тўғрида шундай деб ёзган эди: “Ҳиндистондаги савдо-сотиқ жаҳон савдоси ҳисобланади. Кимки Ҳиндистон билан савдо-сотиқ ишларини ўз назоратига олса, Европа устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатади”¹³. Дарҳақиқат, айнан Англиянинг Европадаги ҳукмронлиги унинг Ҳиндистон билан савдо-сотиқ ишлари устидан ўз назоратини ўрнатиши билан боғлиқ. Ҳиндистон устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган Англия дунёдаги энг қудратли давлатга айланди.

Пруссия, Австрия ва Россия ўртасида Польша жойлашган бўлиб, у аграр мамлакат ҳисобланар эди. Унинг аҳолисини, асосан, камбағал деҳқонлар ташкил қилар, улар, асосан, қишлоқларда истиқомат қилишар, катта шаҳарлар эса мавжуд эмас эди. Польша конституциясига кўра, қирол феодал зодагонлар томонидан сайланар эди. Айнан поляклар Венанинг 1683 йилда усмоний турклар томонидан босиб олиншидан сақлаб қолишди. 1683 йилдан бошлаб Туркия ўз ҳудудларини ҳимоя қилишга киришди, бироқ ушбу мудофаа тактикаси усмонийлар империясининг аста-секин заифлашиб боришига сабаб бўлди. Шунга қарамай, XVIII асрда ҳам Туркия Европанинг жануби-шарқидаги энг кучли мамлакат ҳисобланар эди.

¹³ Дж. Неру. Взгляд на всемирную историю. 2. – М., 1989. – С. 98.

Италия тарқоқ бўлиб, Рим папаси илгаригидек халқаро муносабатларда етакчи роль ўйнамай қўйди. Вақт ўтиши билан Европада буюк давлатлар тизими шаклланиб борди. Одамлар шу даврдан бошлаб ўз мамлакатлари устида кўпроқ бош қотира бошладилар. Айнан XVIII асрдан бошлаб Англия, Франция, Пруссия, Россия, Италия давлатларининг обрў-нуфузи ошиб борди. XIX асрга келиб кишилар онгида она-Ватан туйғуси ўзгача ҳиссиёт, ўзгача муҳаббат бағишлайдиган бўлди. Одамлар она-Ватан учун барча азоб-уқубатларга тайёр туриб, ҳатто, ўз жонларини фидо қилишга ҳам рози эдилар. Ана шундай ҳис-туйғулар французларда XVIII асрда пайдо бўлган бўлиб, кейинчалик бошқа мамлакатларга ҳам тарқалди. Француз файласуфлари ана шу жараёнга кўмаклашдилар, ўз асарларида ватанпарварлик ва миллий ғояни кенг тарғиб қилдилар.

XVIII аср бошларида Франция, Англия, Австрия, Пруссия ва Россия буюк давлатлар деб аталадиган бўлди. XVIII аср бошларида Испанияни ҳам буюк давлатлар қаторига киритишларига қарамай, у таназзулни ўз бошидан кечираётган эди.

Европада, айниқса, Англиянинг бойлиги ва нуфузи ошиб борди. Унинг аҳолиси XVII асрда 6 млн кишини ташкил қилар эди, аммо парламент инқилобидан сўнг Англия ҳар томонлама ривожланди, аҳоли сони ҳам ортиб борди. Голландия ҳам Испания зулмидан озод бўлгач, тез суръатлар билан ривожланди.

XVIII асрда буюк давлатлар ўртасида Америка, Осиё қитъаларидаги мустамлакалар учун кураш авж олди. Бу курашда барча етакчи Европа давлатлари қатнашган бўлсалар-да, бироқ асосий рақобат Англия ва Франция ўртасида кечди. Англия Америкада ҳам, Ҳиндистонда ҳам Франциядан устунликни қўлга киритди. 1756 йилдан 1763 йилгача Англия ва Франция ўртасидаги уруш гоҳ Европада, гоҳ Канадада, гоҳ Ҳиндистонда юз бериб турди ва у халқаро муносабатлар тарихида Етти йиллик уруш номини олди. Ҳиндистонда ҳам, Канадада ҳам Англия Франция устидан ғалаба қозонди. Европада эса Англия бошқа давлатлар воситасида Францияни мағлубиятга учратди. Англиянинг Европадаги иттифоқчиси Буюк Фридрих эди.

Етти йиллик уруш Англияга катта фойда келтирди. Эндиликда Ҳиндистонда ҳам, Канадада ҳам унга тенг келувчи рақиб йўқ эди. Шундай қилиб, Англия дунёдаги давлатлар ўртасидаги етакчиликни қўлга киритди. Пруссия ҳам кучайиб бормокда эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Европада нисбатан осойишталик ҳукм сурган бўлса-да, бироқ Австрия, Пруссия, Россия Польшани тақсимлаш билан машғул эдилар.

Польша қироллиги ҳар учала давлатларга қарши якка ўзи дош бера олмас эди. Улар Польшани бир неча марта тақсимлаб, уни узил-кесил бўлиб олдилар ва сиёсий харитада XVIII аср охирига келиб Польша мустақил давлат сифатида ўз фаолиятини тўхтатди.

Саволлар ва топшириқлар

1. Амир Темур ва темурийлар дипломатиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Амир Темурнинг Ғарб ҳукмдорлари билан олиб борган алоқалари нималарда кўринади?
3. Амир Темур ташқи сиёсатда нималарга алоҳида эътибор қаратди?
4. Мустақиллик йилларида темуршунослик мактаби қай даражада ривожланди?
5. Халқаро муносабатлар тарихида Уйғониш даври қайси даврга тўғри келади?
6. Реформация тушунчасига таъриф беринг.
7. Уйғониш давридаги фан, маданият ва санъат соҳалари қай даражада ривожланди?
8. Европада Реформация даври қайси даврни ўз ичига олади?
9. Мартин Лютер қандай ғояларни илгари сурди? Жан Кальвинчи?
10. Нидерландларнинг мустақиллик учун олиб борган курашлари нималарга олиб келди?
11. Ўттиз йиллик уруш ва Вестфаль сулҳ шартномаси ҳақида гапириб беринг.
12. Испания ва Португалия мустамлакаларига қайси ҳудудлар кирар эди?
13. Англиядаги фуқаролар урушининг оқибатлари нималардан иборат?
14. Оливер Кромвель ҳақида сўзлаб беринг.
15. “Шарафли инқилоб”нинг моҳияти нимада?
16. Европанинг қайси мамлакатларида парламентлар мавжуд эди?
17. XVII аср охири ва XVIII асрда кучлар мутаносиблиги қандай бўлган?

II БОБ. XVIII АСРНИНГ СЎНГГИ ЧОРАГИДАН XIX АСРНИНГ ОЛТМИШИНЧИ ЙИЛЛАРИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

1. Шимолий Америкада мустақиллик учун олиб борилган кураш ва АҚШнинг ташкил топиши.

Режа:

1. Америка қитъасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар.

2. Колонизаторлар ва мустамлакалар ўртасида кураш.

“Мустақиллик декларацияси”нинг қабул қилиниши.

1. Америка қитъасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар.

XVIII аср охири халқаро муносабатлари уч буюк ходиса билан машхурдир. Уларни уч хил шаклдаги инқилоблар деб ҳам номлаш мумкин. Улар ўз моҳияти ва характериға кўра уч хил шаклдаги революциялар бўлиб, **сиёсий, саноат ва ижтимоий** революциялар эди. Сиёсий революция Шимолий Америкада содир бўлди. Бу ходиса у ердаги Англия мустамлакалари аҳолисининг кўзғолони билан боғлиқдир. Кўзғолон натижасида янги давлат вужудға келди, у Англиядан ажралиб чиқиб, ўзини республика шаклидаги Америка Қўшма Штатлари деб эълон қилди. XIX–XX асрлар давомида Лотин Америкаси, Осиё, Африка қитъаларида ҳам бундай сиёсий революциялар юз берган бўлиб, ўнлаб мамлакатлар ўз сиёсий мустақилликларига эға бўлдилар ва ўз миллий давлатларини барпо қилдилар.

Саноат инқилоби эса илк бор Англияда бошланди ва кейинчалик Ғарбий Европа ва бошқа ҳудудларға кенг ёйилди. Саноат революцияси тинч йўл билан амалға оширилди. Саноат инқилоби катта машинанинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши ва жамиятни саноатлаштиришдан иборат эди.

XVIII аср охирида Францияда бошланган буюк инқилоб ижтимоий характерға эға бўлиб, монархларнинг якка ҳукмронлиги ва ҳукмрон давлатларнинг адолатсиз имтиёзларига чек қўйди. Ижтимоий инқилоб янги синф ва страталарнинг келиб чиқиши учун кенг имкониятлар яратди. Ҳар учала шаклдаги инқилоб ҳам универсал характерға эға бўлиб, жаҳоннинг барча халқлари бу ҳодисаларни турли вазият ва кўринишларда ўз бошларидан ўтказдилар.

Америка қитъаси Колумб томонидан кашф этилганидан сўнг, бу ерға европаликлар кириб кела бошладилар. 1607 йилда Шимолий Американинг Атлантика соҳилидаги ҳиндулар яшайдиган ерлар ўрнида илк инглиз мустамлакаларига асос солинди. Кўчиб келганлар билан ерли аҳоли ўртасида муносабатлар дастлаб яхши бўлса-да, кейинчалик келгиндилар ҳиндуларнинг ерларини эғаллаб олиши ва қитъа ичкарасига кириб бориши

натижасида кескинлашди. Ҳиндулар уруш ҳаракатларини бошладилар, аммо “оқ танли” келгиндиларнинг ўқ отувчи қуролларига қарши ҳеч нарса қила олмадилар. Натижада, кўпчилик ҳиндулар қириб ташланди ва уларга тегишли бўлган ерлар зўравонлик билан тортиб олинди.

Кўчиб келганлар ҳиндулардан маккажўхори ва тамаки етиштиришни ўргандилар. Улар орасида данияликлар, голландлар, немислар, французлар ҳам бор эдилар, аммо инглизлар кўпчиликти ташкил этар эди.

Келгинди инглизлар Англия қироли ва парламентини эътироф этган ҳолда ўз ватанлари билан алоқада бўлдилар. Келгиндилар икки тоифага ажралган бўлиб, улар ўртасидаги фарқ шундан иборат эдики, шимолий колонияларда кўпроқ қирол ва парламентдан норози ва/ёхуд Англияда иши юришмай, омади келмаган одамлар жойлашдилар. Жанубий колонияларда эса қиролга яқин бўлган ва, асосан, катта ер эгаларига мансуб бўлган зодагонлар жойлашдилар.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, Шимолий Америка қитъасининг Атлантика қирғоғида 13та инглиз мустамлакаси ташкил топди. Унинг шимолида Канада, жанубида эса – Испания ҳудуди мавжуд эди. Голландия, Дания ва бошқа Европа давлатлари ўзлаштирган ерлар ҳам Англия назоратида бўлиб, шу 13та мустамлакага қоришиб кетган эди. Шунини айтиш керакки, бу мустамлакаларнинг барчаси Атлантика қирғоғида бўлиб, ғарбдаги ерларнинг кўпчиликти қисми ҳиндулар қўлида эди. Ҳиндуларнинг кўпчилигини ирокезлар қабиласи ташкил этар эди.

Айни пайтда, дунёнинг бошқа минтақаларида мустамлакалар учун Англия ва Франция ўртасида кескин кураш кетаётган эди. Етти йиллик уруш натижасида (1756–1763) Франция Канадани Англияга беришга мажбур бўлди.

Шимолий Америка Англия мустамлакаси бўлгач, ишчи кучига бўлган эҳтиёж кучайди. Айниқса, жанубий колониялар учун ишчи кучи жуда зарур эди, чунки у ерда тамаки плантациялари мавжуд бўлиб, ишчилар ниҳоятда етишмас эди. Илгаригидек испанлар, португаллар ва инглизлар Африка аҳолисини ваҳшийларча “овлаб”, қул қилиб, Америка қитъасига келтириб заминдор (плантатор)ларга сотар эдилар. Африкадан тутиб келтирилган занжилар, айниқса, жанубий колонияларнинг эгаларига кўплаб сотилди. Виржиния, Каролина, Жоржия штатларида қулларнинг катта қисми феодал хўжалиги плантацияларида оғир меҳнат билан банд эдилар.

“Қизил танли” ерли аҳолининг аксарияти кўчманчи бўлиб, ўтроқ яшашни ва плантацияларда ишлашни истамас эди. Улар келгинди “оқ танли” аҳолига бўйсунмаганликлари учун деярли қириб ташланди.

Шимолий штатларда аҳвол бошқачароқ эди. Бу ерлардаги хўжаликларнинг 80%и кичик фермалар бўлиб, плантациялар мавжуд эмас эди. Бу кичик фермаларда қул ёки ишчи кучига эҳтиёж йўқ эди. Ҳар бир ферманинг эгаси бу ишларни ўзи бажарарди. Шимолий штатлардаги аҳоли

ўртасида хайрихоҳлик, бир-бирларини қўллаш ғоялари кенг тарқалган эди. Энг асосийси, Шимолий штатларда ернинг кўплиги ва ҳар бир кишининг ўз ерига ўзи хўжайин бўлиш туйғуси кучли ривожланган эди.

Шундай қилиб, Англиянинг 13 мустамлакасида икки хил хўжалик юритиш тизими вужудга келди: шимолда озми-кўпми тенгликка асосланган фермер хўжалиги ва жанубда катта тамаки плантацияларида қўлланиладиган куллар меҳнати. Аммо ҳиндулар учун на Шимол ва на Жанубда яшаш учун ўрин қолмади, улар ўзларининг ерларидан ғарбга томон сиқиб чиқарилди ва кўплари мустамлакачилар томонидан ваҳшийларча қириб ташланди.

Инглиз мустамлакачилари бойлик орқасидан қувиб, айниқса, жанубий ерлардан катта даромад олиш мақсадида бу ердаги аҳолига кўп солиқлар солдилар. Улар Англиядан бошқа мамлакатлар билан савдо-сотик қилишни тақиқлаб қўйдилар. Келгинди аҳоли Англия ҳукуматининг янгидан-янги солиқларига, бошқа мамлакатлар билан алоқа қилишни тақиқловчи ҳаракатларига қаршилик кўрсата бошладилар.

1773 йилга келиб, вазият ниҳоятда кескинлашди. Англия ҳукумати Ост-Индия компаниясига қарашли чойни бу ерга ташиб келтириб, фойдасини ўзи олишни мўлжаллаган эди. Бу компания акциялари инглиз боёнларига тегишли бўлиб, улар сотиладиган чойнинг фойдасидан манфаатдор эдилар. Ўз навбатида, бу чой савдоси америкалик савдогарларнинг манфаатларига зид эди. Шу сабабли, америкалик савдогарлар чойни кемадан туширишга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Ҳиндулар кийимини кийиб олган бир неча колонист юк кемасига чиқиб олиб, чой қутиларини сувга улоқтирди. Бу воқеа тарихда “Бостон чойхўрлиги” номини олди. Колонистларнинг бу хатти-ҳаракати Шимолий Америкада Англия ҳукуматининг ваколатини очикдан-очик тан олмасликни билдирар эди.

2. Колонизаторлар ва мустамлакалар ўртасида кураш.

“Мустақиллик декларацияси”нинг қабул қилиниши.

1775 йилда Англия билан унинг Америкадаги мустамлакалари ўртасида уруш бошланиб кетди. Колонистлар армия тузиб, унинг қўмондони этиб виржиниялик плантатор, полковник Жорж Вашингтонни (1732-1799) тайинладилар. Мустамлакалар ўзларининг Англиядан ажралиб чиққанликларини эълон қилдилар. Филадельфияда уларнинг вакиллари йиғилиб, конгресс ўтказдилар. Унда кўпчилик аҳолининг талаби билан 1776 йил 4 июлда “Мустақиллик декларацияси” қабул қилинди.

Декларацияда мустамлакаларнинг Англиядан ажралиб чиққанлиги ва тўла мустақиллиги тўғрисидаги баёноти акс эттирилган эди. Декларация тарихий ҳужжат бўлиб, унда Америка Қўшма Штатларининг янги бир давлат сифатида пайдо бўлганлиги эълон қилинди. Шу пайтдан бошлаб,

хар йили 4 июль куни АҚШ халқининг миллий байрами ҳисобланади ва у тантанали тарзда кенг нишонланади.

Бу тарихий ҳужжатнинг асосий муаллифи Америка инқилобининг таниқли намоёндаси ва илғор жамоат арбоби, виржиниялик плантатор, адвокат, республикачи, инсон тенглигини ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатлари билан ном чиқарган Томас Жефферсон (1743–1826) бўлган. “Мустақиллик декларацияси” ўз ғоясига кўра, монархияга ва мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган, ўз даври учун жуда муҳим сиёсий ҳужжат эди. Унда халқ ҳокимиятнинг асосий манбаи деб эълон қилинган.

Бу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, у мустақиллик учун курашда мустамлака аҳолисини бирликка ва озодликка чақирди. Курашаётган аҳолини бир байроқ, бир давлат остида бирлаштирди.

Уруш давомида АҚШ дан 100 мингга яқин инглиз аристократияси ва уларнинг оила аъзолари қочиб кетдилар ёки ҳайдаб юборилдилар. Уларга тегишли бўлган ер ва мол-мулк мусодара этилди.

Англия қанчалик куч-қудратга эга бўлмасин, унинг қудратли флоти армияни қурол-яроғ ва мадад кучлари билан нечоғлик таъминламасин, ғалаба қозониши қийин эди.

Ажралиб чиққан мустамлакалар Англиянинг азалий душмани Франция ва Испания билан иттифоқ туздилар. Ўзаро ёрдам тўғрисида музокаралар олиб бориш учун Парижга ўз элчилари, таниқли олим ва жамоат арбоби Бенжамин Франклинни юбордилар.

Франциялик илғор жамоат арбоблари америкаликларнинг озодлик курашига хайрихоҳлик билдирдилар. Аристократ Жорж Лафайет ўз маблағига кема сотиб олиб, уни жиҳозлаб Америкага жўнаб кетди. У урушда қатнашиб, америкаликларнинг армияларидан бирига қўмондонлик қилиш шарафига муяссар бўлди ва Жорж Вашингтоннинг энг яқин дўсти бўлиб қолди.

Франция каби Испания ҳам Англияга уруш эълон қилди. Франция, Испания флотлари денгизда Англия савдо кемаларига ҳужум қилиб, уни танг аҳволга солишди. Америкаликларнинг мустақиллик учун олиб борган кураши узоқ чўзилди. Ниҳоят, 1783 йилда Парижда АҚШ ва Англия ўртасида сулҳ битими имзоланди. Шундай қилиб, Англиянинг Америкадаги 13та мустамлакаси мустақил ягона республикага бирлашди ва бу давлат Америка Қўшма Штатлари номини олди. Кўп йиллар давомида ҳар бир штат бошқа штатга нисбатан ўзини мустақил деб ҳисоблаб келди. Бироқ, кейинчалик, фуқаролар ўртасида аста-секинлик билан ягона миллий муштараклик вужудга келди ва улар ўзларининг келиб чиқишлари, ирқлари, миллий-этник мансублигидан қатъи назар, “америкаликлар” номи остида бирлашдилар. Бу давлат янги намунадаги замонавий республика бўлиб, ўша пайтда унга ўхшаш кичик давлат — Швейцария Конфедератив Республикаси мавжуд эди. Голландияда гарчи

республика тузуми бўлса-да, у аслзода аристократлар томонидан бошқарилар эди.

АҚШда Жанубий штатлардаги плантацияларда куллар меҳнатини ҳисобга олмаганда, на дворянлар ва на монархия мавжуд эди. Ўрта табақаларга мансуб бўлган фуқароларнинг кўпайиши ва ривожланиши учун ҳеч қандай монелик йўқ эди.

1787 йил Таъсис конвенцияси АҚШ Конституциясини қабул қилди, у давлат тузуми тўғрисидаги асосий қонун бўлиб, жуда катта тарихий аҳамият касб этди. Мазкур Конституция ўзининг мазмуни ва, айниқса, давлат тузумининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-прокуратура органларига бўлиниши, улар ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик жиҳатидан амалий аҳамият касб этди. Бу ўз замонасининг энг илғор ва демократик конституцияси бўлиб, киритилган 30га яқин ўзгартиришларга қарамай, 220 йилдан ортиқ вақт давомида АҚШнинг асосий қонуни вазифасини ўтаб келмоқда.

1789 йилда Жорж Вашингтон АҚШнинг биринчи Президенти этиб сайланди. Ўша даврнинг улуғ сиймолари Томас Пейн, Бенжамин Франклин, Патрик Генри, Томас Жефферсон, Самуэл Адамс ва Жеймс Медисонлар АҚШ давлатини ташкил этиш, уни идора қилиш анъаналарига асос солдилар.

2. Англияда саноат тўнтарилиши ва унинг тарихий аҳамияти.

Режа:

- 1. Англиядаги инқилоб натижалари ва парламент монархияси.***
- 2. Англияда саноатнинг тўқимачилик, темирчилик ва кўмир қазиб олиш тармоқларининг ривожси.***

1. Англиядаги инқилоб натижалари ва парламент монархияси.

XVII аср инглиз инқилоби натижасида сиёсий ҳокимият қирол қўлидан икки палатали парламентга ўтди. Вакиллар палатаси сайлаб қўйиладиган орган бўлиб, унинг роли тобора ошиб борди. Парламент қабул қилган қонунлар ҳамма учун, шу жумладан, қирол учун ҳам мажбурий эди. Қирол парламент сайловларида кўпчилик овоз олган партия вакиллари лавозимларга тайинлаши одат тусига кира бошлади. Агар партия бўлғуси сайловларда кўпчилик ўринларини йўқотса, ҳукумат қирол олдида эмас, балки парламент олдида жавоб берар эди.

XVIII аср давомида Англияда бу давлат учун кейин ҳам характерли бўлган парламент монархияси вужудга келди. Парламент депутатлари ер эгалари ва бой савдогарлар ичидан чиққан бўлиб, катта ёшдаги 5 млн. аҳолидан фақатгина 250 мингдан камроқ киши овоз бериш ҳуқуқига эга эди. Англия сиёсий тизимининг такомиллашиб бориши мамлакатда

ўтказилган аграр ислохот ва саноат тўнтариши билан чамбарчас боғлиқ эди.

Аграр ислохот натижасида XVIII аср давомида парламент ерларни ўраб олишга ижозат берадиган 1,5 мингга яқин қонун қабул қилди. Жамоа экинзорларидан маҳрум бўлган деҳқонлар ер ва экинзорларни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. XVIII аср охирига келиб, Англияда кўпчилик деҳқонлар қишлоқ хўжалигининг ёлланма ишчиларига айландилар. Эндиликда ерларнинг деярли барчаси лендлордлар қўлида жамланиб, улар қишлоқ хўжалигини эркин бозор муносабатлари асосида бошқарар эдилар. XVI асрда бошланган аграр тўнтариш XVIII аср охирида ниҳоясига етди. Англия қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатлари ғалаба қилди. Аграр тўнтариш савдо-сотиқ ва саноатнинг тез ривожланишига имкон берди.

Йирик саноатнинг ривожланиши учун иккита зарурий шарт мавжуд эди: булар, аввало, бўш ишчи кучлари, яъни ёлланиб ишлайдиган ишчи кучлари ва иш ҳақи тўлаш, хомашё, асбоб-ускуна сотиб олиш, ишлаб чиқариш бинолари қуриш учун корхона эгасининг қўлида тўпланган катта маблағлар эди. Бир томондан, аграр тўнтариш ёлланма ишчи кучини кўпайтириб юборган бўлса, иккинчидан, лендлордлар ва заминдорларга катта маблағ тўплаш учун кенг имконият яратди. Ташқи савдо ривожини ва мустамлакаларни қўлга киритиш ҳам катта бойлик келтирди. Протекторат йилларида Англия Ямайка оролини Испаниядан тортиб олди. Бу ердаги шакарқамиш плантацияларида қуллар меҳнат қилар, даромад эса британиялик қулдорлар ва савдогарлар ҳамёнига келиб тушар эди.

XVIII аср мобайнида Англия Францияга қарши мустамлакачилик урушларини олиб борди ва Етти йиллик уруш давомида Канадани ҳамда Ҳиндистоннинг шимоли шарқий қисмида жойлашган Бенгалияни ундан тортиб олишга муваффақ бўлди.

Ҳиндистондан газлама ишлаб чиқариш учун пахта, олтин ва қимматбаҳо тошлар ўмариб келинардики, буларнинг барчаси инглиз буржуазияси ва амалдорларини анча бойитиб юборди. Африкадан Америка қитъаси мамлакатларига ҳар йили ўрта ҳисобда 20 минг занжилар келтирилиб, қул қилиб сотиб юбориларди. Турли йўллар билан орттирилган бойликларни инглиз корхона эгалари мануфактурага сарфлар эдилар. Мануфактурада меҳнат тақсимотидан кенг фойдаланилар эди: яъни ҳар бир ишчи битта, баъзан жуда кичик операцияни мукамал эгаллаб оларди, бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилди.

Англия тараққиётининг асосий омилларидан яна бири унинг Европада юз берган кўпгина урушлар ва диний низолардан четда турганлиги эди. Ушбу ҳолат унинг бошқа мамлакатларга нисбатан тинч-барқарорлиги ва осойишталигини таъминлади. Европада диний мазҳаблар ўртасидаги урушлар натижасида кўпгина протестантлар ўз ватанларидан қочиб, нисбатан тинч бўлган Англиядан бошпана топдилар, Испания

босқинчилари Нидерландия қўзғолонини бостиргач, бир канча ҳунармандлар Нидерландиядан Англияга кўчиб келишди. Улардан 30 минг киши Англиянинг шарқий қисмидан бошпана топди. Ҳатто, қиролича Елизавета уларга Англияда истиқомат қилиш шарти сифатида инглизлардан камида ҳар уйда биттадан шогирд тайёрлаш зарур эканлигини уқтирди. Бу эса, ўз навбатида, Англиянинг ўзида мовут ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Мовут ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан кейин Англия Нидерландия газмолларини олиб келишни тақиқловчи қонун қабул қилди, кейинчалик Англия мовутлари Нидерландияга сотиш учун жўнатила бошланди.

Шундай қилиб, Бельгиядан келган валлонлар инглизларга мовут ишлаб чиқаришни, Франциядан келган муҳожир гугенотлар, яъни протестантлар эса шоҳи газлама тўқишни ўргатдилар. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Европадан Англияга муҳожир бўлиб келган қўли гул усталардан инглизлар қоғоз, шиша ишлаб чиқаришни, болалар учун митти механик ўйинчоқлар, деворий (осма) ва ҳамён соатларини ясашни ўргатдилар.

Ёлланма ишчи кучига асосланган илғор демократик жамият ишлаб чиқариш кучлари ривожини ниҳоятда жадаллаштирди. Инсон қўл меҳнاتини машина билан алмаштириш энг долзарб муаммога айланди. Шу сабабли, тўқувчилар, йигирувчилар, механиклар ва бошқа касб эгалари кўпгина янги техника ижодкорларига айландилар.

Тўқув дастгоҳи такомиллаштирилганлиги саноат тўнтаришига асос солган муҳим ихтироларнинг бири бўлди. Дастлаб тўқувчи, кейин механик бўлиб ишлаган Жон Кей 1733 йилда учар мокини ихтиро қилди. Кейнинг ихтироси эни кенгроқ газлама тўқиш билан бирга меҳнат унумдорлигини икки баравардан зиёд оширди. Энди дастгоҳ ёнида бир киши эмас, балки икки киши ишлайдиган ва моки тезроқ ҳаракат қиладиган бўлди. Шундан сўнг калавага бўлган эҳтиёж ошди. Тўқувчилар, йигирувчилар, механиклар бу муаммога чора топишга киришдилар. Тўқувчи ва дурадгор Жеймс Харгрисс 1765 йилда чарх ипини тортиш ва пишитишни айна бир вақтда таъминлайдиган механизм яратди ва уни ўз қизининг номи билан “Женни” деб атади. Натижада, йигирувчининг меҳнат унумдорлиги 18–20 баравар ошди. Ричард Аркрайт, Эдмунд Картрайтлар яратган тўқув дастгоҳлари туфайли меҳнат унумдорлиги бир неча марта ошди. Тўқувчилик саноатидаги бу янги ихтиролар кейинчалик жун, газлама ишлаб чиқариш саноатида ҳам қўлланила бошланди.

Жеймс Уатт 1765 йилда ўзининг буғ машинасини ихтиро қилди, кейинчалик, 1784 йилда уни янада такомиллаштирди. Фан-техника тарихида бу ихтиро жуда катта аҳамият касб этди.

Ушбу ихтиро туфайли фабрика ва заводларда буғ кучи ишлатила бошланди. Янгидан қурилаётган кўплаб фабрикалар учун кўмирга эҳтиёж ошди ва бу ҳолат, ўз навбатида, кўмир саноатини янада ривожлантирди.

Кўмир темирни эритиш ва тоза металл ишлаб чиқаришда жуда қўл кела бошлади. Темирдан ясалган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, уй-рўзгор буюмлари саноати ҳам жадал ривожланди.

2. Англияда саноатнинг тўқимачилик, темирчилик ва кўмир қазии тармоқларининг ривожси.

Англияда айниқса, саноатнинг уч тармоғи: тўқимачилик, темирчилик ва кўмир қазиб олиш ниҳоятда тез суръатларда ривожланди. Кўмир конлари жойлашган ва бошқа қулай ерларда янги заводлар қад кўтарди. Англиянинг қиёфаси ҳам тобора ўзгара борди. Қишлоқларнинг ям-яшил масканлари ўрнига фабрикалардан чиқаётган тутунлар атроф-муҳитни ифлослантира бошлади.

Завод-фабрикаларнинг қад кўтариши, янгидан-янги машиналарнинг ихтиро этилиши саноатчилар, янги корхоналар эгалари билан бир қаторда, саноат ишчилари синфини ҳам вужудга келтирди. Эндиликда машиналар ва механик дастгоҳлар ишчи кучини сиқиб чиқара бошлади. Бу ҳодисалар айрим ишчиларни барча айб машиналарда деган нотўғри хулосага олиб келди. Ишчилар машиналарни бузиб, уларни синдириб ташлай бошладилар. Бу ҳаракат қатнашчилари гўё биринчи марта дастгоҳни мажаклаб ташлаган афсонавий ишчи Лудд номи билан ўзларини лудчилар деб атадилар. Бу исёнлар қаттиқ жазолашларга қарамасдан тез-тез такрорланиб турди. Лекин вақт ўтиши билан ишчилар айб машиналарда эмаслигини тушуниб етдилар. Завод, фабрикаларнинг пайдо бўлиши кўпдан-кўп янги касбларнинг вужудга келишига олиб келди. Кўплаб ишчилар ўзларининг эски касбларини ташлаб, завод, фабрикаларга ишга кириш учун янги-янги касб-ҳунарларни ўрганишлари зарур эди. Оммавий ишсизлик, ўз навбатида, ишчилар ўртасидаги рақобатни кучайтириб юборди.

1814 йилда яратилган Стефенсон паровози Англияда темир йўллар ўтказишни кенг йўлга қўйди. Машиналар бутун мамлакат бўйлаб ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб борди. Инглизларнинг бошқа мамлакатлардан илгарилаб кетишининг асосий сабаби шуки, улар мамлакатни саноатлаштиришга барча миллатлардан олдинроқ киришдилар. Саноатлаштиришдан тўғри хулоса чиқариб, катта фойдалар олишга муваффақ бўлдилар.

Саноат тўнтариши натижасида оғир қўл кучи билан бажариладиган меҳнат машиналар иши билан алмаштирилди.

Эндиликда инсоннинг машиналарни бошқариши ва иш жараёнида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатнинг бир-бирига боғлиқлиги кучайди. Саноат тўнтариши қўл меҳнатини сиқиб чиқариши билан бир қаторда, Англия географиясини ҳам ўзгартириб юборди. Шаҳарларда аҳоли сони ошди, кўплаб саноат корхоналари дарё ва табиий бойликлар жойлашган ерларда қад кўтарди. Янгидан-янги ҳунармандлар, ишчилар

мавзелари вужудга келди. Мамлакат сиёсий ҳаётида шаҳарлар, шаҳар типигаги аҳоли масканлари, йўллар, замонавий алоқа воситалари, транспорт воситалари муҳим аҳамият касб эта бошлади. Шу билан бир қаторда, китобнинг босма усулда чоп этилиши, газета ва журналларнинг оммавий нашр қилиниши, умумий бозор вужудга келиши жараёнининг ниҳоясига етиши мамлакат тараққиётининг муҳим омиллари бўлиб хизмат қилди. Англияда XVIII асрнинг иккинчи ярмида бошланган саноат тўнтариши жараёни бир неча ўн йилликни ўз ичига олиб, XIX асрнинг 30 йилларигача давом этди.

Саноат тўнтариши Англиядан сўнг Франция, АҚШ, Россия, Япония, Германия, Италия ва бошқа мамлакатларда бошланиб, XX асргача давом этди.

3. Буюк француз инқилоби ва Наполеон урушлари даврида халқаро муносабатлар.

Режа:

1. Буюк француз инқилобининг келиб чиқиш сабаблари ва эволюцион босқичлари.

2. Франция Республикасининг Европадаги монархия давлатларига қарши олиб борган урушлари.

3. Наполеон урушлари даврида халқаро муносабатлар.

1. Буюк француз инқилобининг келиб чиқиш сабаблари ва эволюцион босқичлари.

Буюк француз инқилоби кенг маънода Ғарбий Европани Ўрта асрлардан янги даврга олиб чиқди. Эски жамиятнинг сиёсий тартибларига инқилобий йўл билан барҳам берилиб, замонавий, модернизациялашган янги европача сиёсий тизимга асос солинди. Бироқ Францияда фуқаролар уруши ва чет эл интервенцияси узоқ вақт давом этди, катта қурбонликлар берилди.

1774 йилда қирол Людовик XV вафот этиб, унинг ўрнига набираси Людовик XVI тахтга ўтирди. У эса қирол сифатида ўта лаёқатсиз ва ҳафсаласиз кимса эди. Людовик XVI нинг хотини, қиролича Мария-Антуанетта Австрия императорининг синглиси эди. Қирол Людовик XVI иродасиз бўлганлиги учун ҳам бутунлай қиролича Мария-Антуанеттанинг таъсирига тушди.

Тез орада хазина бўшаб қолди ва қирол ҳамда қиролича халққа янгидан-янги солиқлар сола бошладилар. Мария-Антуанетта халқ орасида “дефицит хоним” лақабини олди. Людовик XVI халқдан қандай қилиб пул ундириш йўлларини излаб, 1789 йил май ойида Генерал штатларни чақиришга мажбур бўлди. Ўз вазифаси ва моҳиятига кўра Генерал штатлар Англия парламентига ўхшаб кетарди. Бироқ улар ўртасидаги фарқ шундан иборат эдики, Англия парламенти вақти-вақти билан чақирилиб, бир неча

юз йиллардан бери фаолият кўрсатиб келар, Генерал штатлар эса тез-тез чақириб турилмасди. Агар Англия парламенти икки палата, яъни вакиллар палатаси ва лордлар палатасидан иборат бўлса, Генерал штатлар бир палатадан иборат бўлиб, рухонийлар, дворянлар ва ўрта табақаларга мансуб депутатлар гуруҳларидан таркиб топган эди.

1789 йил 4 майда қирол Людовик XVI Версалда Генерал штатлар мажлисини очди. Аммо учинчи тоифага мансуб бўлган депутатлар инглиз парламентининг қирол Карл I га қарши олиб борган кураши ҳамда Шимолий Америка Конгрессининг Англия қироли ва парламентига қарши кураши тажрибаларига таяниб, қиролдан Генерал штатларнинг ижозатисиз халқдан солиқ йиғишни ман қилишни талаб қилишди. Бу Людовик XVI учун қаттиқ зарба эди. Қирол депутатларни залдан ҳайдаб чиқаришни буюрди, аммо учинчи табақа депутатлари конституция ишлаб чиқилмагунча тарқалиб кетмасликка тантанали қасамёд қилдилар. Дворянлардан сайланган депутатларнинг илғор қисми учинчи табақа депутатларига қўшилди. 1789 йил июнь ойида учинчи табақага мансуб депутатлар ўзларини Миллат мажлиси деб, кўп ўтмай Таъсис мажлиси деб эълон қилдилар. Аммо Людовик XVI зимдан хорижий давлатлар ҳукуматлари ва монархлари билан тил бириктириб, чет эл қўшинлари ёрдамида ўз халқига қарши уруш йўлларини қидира бошлади. Қиролнинг ошкор ва хуфёна барча олиб борган хатти-ҳаракатлари халқнинг сабр-косасини тўлдириб юборди.

1789 йил 14 июлда Париж аҳолиси Бастилия қамоқхонасини қўлга киритди ва у ердаги маҳбусларнинг барчасини озод қилди. Бу Францияда халқ инқилобининг бошланиши эди. Тарихда Буюк француз инқилоби номини олган мазкур инқилоб 1789 йилдан то 1794 йилгача уч босқични босиб ўтди: **мўътадил либераллар** ёки конституцион монархия тарафдорлари ҳукмронлиги; **жирондистлар** (бу гуруҳнинг асосчилари Франциянинг Жиронда мавзеидан бўлганликлари учун шундай деб ном олдилар) ҳукмронлиги даври бўлиб, улар мўътадил республика тарафдорлари эдилар; ва ниҳоят **қатъий республикачилар** ҳукмронлиги даври. Қатъий республикачилар **якобинчилар** номини олди, чунки бу клуб тарафдорлари Париждаги муқаддас Яков черковини эгаллаб, ўз мажлисларини шу ерда ўтказар эдилар. Ҳар бир гуруҳ, клуб ўз раҳбарига эга бўлиб, уларнинг орқасида муайян кучлар, оломон, халқ оммаси, парижликлар турар эди.

Миллат ёки миллий мажлисда катта роль ўйнаган ва зарур иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислохотларни ўтказган либераллар партияси бўлиб, унинг раҳбари жасур, машҳур сиёсий арбоб ҳамда улкан нотик **Оноре де Мирабо** эди. Бу партия 1789 йилдан 1791 йилгача миллий мажлисда ҳукмронлик қилди. 1791 йил 4 август куни миллий мажлис феодал, дворян ва бошқа барча имтиёзли унвонларни бекор қилиб, деҳқонларни барча қарамликлардан озод қилди.

Миллий мажлис “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясини” қабул қилди. Бу баённома АҚШ “Мустақиллик декларациясининг” мазмунига ҳамоҳанг ҳужжат бўлиб, унда халқ, миллат олий ҳокимият манбаи деб эълон қилинди.

Ҳужжатда инсон ҳуқуқлари, барча фуқаролар тенглиги, эркинлиги ва бахт-саодати эътироф этилган эди. Бу ҳужжат ўз замонасида чинакам жасурлик ва инқилоб тимсоли бўлиб, кейинги 100 йил давомида Европа демократлари ва либераллари учун асосий қонунлар мажмуаси бўлиб келди.

Табиийки, бундай тарихий ҳужжат қирол Людовик XVI га ёқмади ва у бу ҳужжатни тасдиқламади. Қирол ҳали ҳам Версалда яшар, “отдан тушса-да, эгардан тушмаган” эди. Бу Париж аҳлини ғазабга келтирди. Оломон аёллар бошчилигида Париждан Версалга юриш қилиб, қасрга бостириб кирди ва қиролни бу ҳужжатни тасдиқлашга мажбур қилди. Людовик XVI ни Версалдан ҳайдаб чиқариб, Парижга олиб келдилар. Таъсис ёки Миллий мажлис яна бир қанча ислохотлар ўтказди. Франция черкови мулклари мусодара қилиниб, давлат ихтиёрига ўтказилди. Франция янги 80 департаментга бўлиниб, маҳаллий мавзелар ташкил этилди. Бу идора қилиш усули ҳозиргача давом этиб келмоқда. Янги суд маҳкамалари ташкил этилди, улар олдингиларидан анча пишиқ ва мукаммаллаштирилган эди.

1791 йил 21 июнда бўлиб ўтган ҳодиса инқилобнинг кейинги тақдирини ҳал қилди. Қирол Людовик XVI ва қиролича Мария Антуанетта ўз либосларини ўзгартириб, чўрилар кийимини кийиб фойтунда Франция чегарасигача етиб олишга муваффақ бўлдилар. Аммо уларни француз деҳқонлари Верден яқинидаги Варьен деган жойда таниб қолиб, Парижга қайтардилар. Қирол ва қиролича бу хатти-ҳаракатлари билан ўзларини ўлимга маҳкум этдилар. Халқаро муносабатлар тарихига бу ҳодиса Варьен кризиси номи билан кирди.

1791 йил сентябрь ойида Таъсис мажлиси ўз ўрнини қонун чиқарувчи мажлисга бўшатиб берди, чунки ушбу мажлис парламент депутатлари 1791 йилда қабул қилинган Конституция асосида сайланган эдилар.

Европа аҳолиси Франциядаги бу воқеаларни кузатиб борди. Россия, Пруссия ва Австрия Польшани тақсимлаб олиш билан банд эдилар. Шу сабабли, Франциянинг бу давлатлар билан муносабатлари кескинлашди, 1792 йилда Франция, Австрия ва Пруссия билан уруш ҳолатида бўлиб, Бельгия Австрия томонидан босиб олингач, Франция Австрия империяси билан чегарадош бўлиб қолди. Хорижий давлатларнинг армиялари Францияга бостириб кириб, француз қўшинларига зарбалар берди.

1792 йилнинг сентябрида француз қўшинлари мамлакатга ҳужум қилган пруссияликлар ва австрияликлар устидан биринчи ғалабани қўлга киритдилар. Бу тўқнашув Вальмда юз берди: ушбу жанг унчалик катта бўлмаса-да, аммо салмоқли аҳамиятга эга эди, чунки французлар

ўзларининг бу ғалабалари билан инқилоб натижаларини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар.

1792 йил 21 сентябрда **Миллий Конвент** ўз мажлисларини бошлаб юборди. Миллий Конвент Таъсис мажлиси ва қонун чиқарувчи мажлисдан иборат бўлиб, унинг депутатлари Францияда илк бор тенглик ҳамда барча 21 ёшга тўлган эркакларнинг умумхалқ сайловларга овоз бериш ҳуқуқлари асосида сайланган эдилар.

Конвент ўз фаолиятини Францияни Республика деб эълон қилишдан бошлади. Кўп ўтмай, қирол Людовик XVI устидан маҳкама жараёни бошланди. Суд қиролни ўлим жазосига ҳукм қилди, 1793 йил 21 январда гильотина воситасида қирол кўпчилик аҳоли ўртасида қатл этилди.

2. Франция Республикасининг Европадаги монархия давлатларига қарши олиб борган урушлари.

Инқилобдан сўнг Франция Республикаси Европанинг бошқа монархия давлатларига қарши уруш олиб боришига тўғри келди. Франция Республикаси барча халқларни ўз дўсти, монархларни эса – ўз душмани деб эълон қилди. Франция Озодлик, Тенглик, Биродарлик тимсолига айланди. Француз халқи дунё меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни ўз мамлакатларидаги мустабид тузумларни афдариб ташлашга даъват этди.

Ана шундай бир пайтда Страсбургда “Рейн армиясининг жанговар қўшиғи” дунёга келди. Бу қўшиқ илк бор Марсель Миллий гвардиячилари томонидан жангга кетаётиб ижро этилди. Унинг сўзлари ҳам, мусиқаси ҳам ёш зобит, капитан Руже де Лилл томонидан яратилди. «Марсельеза» номини олган мазкур қўшиқ ҳозирга қадар Франциянинг миллий мадҳияси ҳисобланади.

Француз қўшинлари кўп қийинчиликларга қарамай, мардонавор жанг қилиб, душманларга қақшатқич зарбалар бердилар. Улар биргина Францияни эмас, балки жанубий Нидерландияни ҳам австриялик босқинчилардан озод қилдилар. Европанинг яхши курулланган, ҳарбий таълим кўрган армиялари ҳам Франциянинг ёш, асосан, деҳқонлардан тузилган инқилобий армиясига қарши курашишга дош бера олмади. Франция армияси уруш давомида жанговар ҳаракатлар олиб бориш санъатида, стратегия ва тактика соҳасида ҳам инқилоб ясади. Уруш энг янги усуллар асосида олиб борилди. Франция Республикасининг армияси замонавий армия бўлиб, унинг шиори, Ж. Дантон айтганидек, “Ватан душманларини енгиш учун жасурлик, жасурлик ва яна жасурлик керак” сўзидан иборат эди. Уруш тобора авж оди. Англия ўзининг флоти туфайли Франция Республикасининг энг қаттол душманига айланди. Франция қуруқликда катта армия тузишга муваффақ бўлди, аммо унинг денгиз флоти заиф, кучсиз эди. Британия оролларида туриб, француз мухожирлари – роялистлар Франция Республикаси ҳудудига сохта пуллар келтириб, давлатнинг иқтисодиётига путур етказиб, унинг мағлубиятини тезлатмоқчи бўлдилар. Франция учун ташқи урушлар энг асосий хавф-

хатар бўлиб, республиканинг барча маблағлари, кучи, қуввати ана шу урушга сарфланмоқда эди.

Буюк француз инқилобининг халқаро муносабатлар тарихидаги аҳамияти бекиёс. Унинг натижасида Францияда бозор иқтисодиётига асосланган жамият қурилиши бошланди, мутлақ ҳукмронликка асосланган ва 1000 йилдан ортиқ узоқ вақт давомида яшаб келган қироллик тузуми ағдалириб, Республика бошқаруви жорий этилди. Францияда феодализмга асосланган жамиятга чек қўйилди. Ҳуқуқ, қонун олдида барча тенг, озод деб эълон қилинди.

Буюк француз инқилоби демократик инқилоб бўлиб, ундаги Тенглик, Озодлик, Биродарлик ғоялари бутун дунё бўйлаб кенг тарқалди. Буюк француз инқилоби феодаал тартибларни, имтиёзли унвонларни бекор қилди ҳамда саноат, савдо ва қишлоқ хўжалигини тез ривожлантириш йўлини очди.

1794 йил июль ойи охирида норозиликлар ва омма аҳволининг ниҳоятда ёмонлашуви оқибатида Максимилиан Робеспьер бошчилигидаги якобинчиларнинг зўравонликка асосланган ўта сўл диктатураси ағдалириб ташланди. Кўп ўтмай, 1795 йилда янги Конституция қабул қилинди. Сайлаб қўйиладиган қонун чиқарувчи корпус таъсис этилди, ижро ҳокимияти эса беш аъзодан иборат Директорияга топширилди.

3. Наполеон урушлари даврида халқаро муносабатлар.

Директория ҳукмронлиги даврида (1795–1799) ички кураш билан бир қаторда, Франция Европадаги феодаал монархиялари ва Англияга қарши уруш олиб боришига тўғри келди. Раҳбарлар ичида айёр, иғвогар Баррас алоҳида ажралиб турар, ҳокимиятнинг бошқарув тизимлари ҳам унинг қўлида эди. Аммо халқ орасида республика ғоялари кенг тарқалиб, француз қўшинлари ташқи душманлар устидан бирин-кетин ғалабаларни қўлга киритаётган эдилар. Франция илғор ижтимоий тузуми, ривожланаётган саноати эркин деҳқонлардан тузилган доимий армияси туфайли Европадаги феодаал қиролликлардан ҳарбий устунликка эришмоқда эди. Рейн дарёсининг сўл соҳили билан Бельгия Францияга қўшиб олинди, Голландия эса қарам республикага айлантирилди.

Франция қўшинлари қаерда бўлсалар, ўша ерда ўрта табақалар, деҳқонлар ва ҳунармандлар ёрдамида кўпгина феодаал тартибларни тугатиб, янги буржуа тартибларини ўрнатдилар. Мамлакат ичкарасида эса ҳамон Директория ҳокимиятига қарши илгаригидек исёнлар тез-тез бўлиб турар эди. Ана шундай исёнлардан бири Парижда юз берди. Бу исённи бостиришда ёш генерал Наполеон Бонапарт ўзининг ҳарбий маҳоратини намойиш этди.

Франциянинг Европа қироллик давлатларига қарши олиб борган урушлари аста-секин босқинчилик ва бойлик орттириш урушларига айланиб кетди. Уруш натижасида пул, озиқ-овқат захиралари, нодир расмлар, ҳайкалчалар, санъат асарларини тортиб олиш авж олди. Бу

нарсалар ўлжа сифатида Парижга ташиб келтирилар эди. Ички ва ташқи урушлар натижасида армия ҳамда ҳарбий генералларнинг Директорияга таъсири кучайди.

Наполеон Бонапарт (1769–1821) Корсика оролида камбағаллашган дворян оиласида дунёга келди. Бонапартлар оиласида 8 фарзанд бўлиб, улар 5 ўғил ва 3 киз – Жозеф, Наполеон, Люсьен, Элиза, Луи, Полина, Каролина ва Жеромдан иборат эди. Наполеон оилада иккинчи фарзанд бўлган, уни отаси ҳарбий билим юртига ўқишга берди. Наполеон билим юртини лейтенант унвони билан тугатиб, ҳарбий хизмат пиллапоёсида жасурлиги, ишбилармонлиги, ўта билимдонлиги ва тиришқоқлиги туфайли шуҳрат қозонди ҳамда 24 ёшидаёқ генерал унвонига сазовар бўлди.

Наполеон Австрия қўшинлари эгаллаб турган Шимолий Италияга юришга тайёрланаётган армияга қўмондон этиб тайинланди. Бонапарт армияси Шимолий Италияга бостириб кириб, Австрия қўшинларини тор-мор этди. 1797 йилда Наполеон Австрияни таслим бўлиш сулҳини имзолашга ва Франциянинг ғалабасини тан олишга мажбур этди. Шундан сўнг Италия Францияга қарам бўлган бир неча кичик республикаларга бўлиниб кетди. 1798 йилнинг май ойида Наполеон 30 мингдан ортиқ кишилиқ армия билан 350 та кемада Мисрга йўл олди. Қуруқликда француз қўшинлари Миср отлиқ армияси устидан ғалаба қозондилар. Аммо тезда инглиз флоти Миср соҳилларига етиб келиб, француз кемаларини ёндириб юборди. Наполеон қўшинлари Франциядан ажратиб қўйилиб, ҳалокатга маҳкум этилди. Сурияга қилинган ҳужум араблар билан турк қўшинларининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Шу пайтнинг ўзида А. Суворов қўмондонлигидаги рус армияси Шимолий Италияда француз қўшинларини мағлубиятга учратди. Наполеон ўз армиясини ташлаб, пойтахт – Парижга шошилди; у ҳокимият учун курашда асосий даъвогарлардан бири эди. Наполеон Францияга қайтган пайтда мамлакатда вазият оғир эди. Директория ўз обрўсини йўқотиб, кўпчилик Наполеон Бонапарт шахсида ўз нажоткорини излаётган эди. У армия ва халқ ўртасида катта обрўга эга эди.

Наполеон Францияга қайтиб келгач, орадан бир ой ўтар-ўтмас, 1799 йилнинг 9 ноябрида Директория аъзоларининг истеъфо беришларига эришди. Эртаси куни ўз укаси, депутат Люсьен Бонапарт ёрдамида садоқатли қўшинлари билан қонун чиқарувчи корпусни қуршаб олди. Депутатларга ҳокимиятни Наполеон бошчилигидаги **уч консулга** топшириш тўғрисидаги талаб тақдим этилди. Тез орада янги Конституция лойиҳаси ишлаб чиқилди ва консуллар ичида Наполеон кенг ваколатларга эга бўлиб, у 10 йиллик муддат давомида шу лавозимни эгаллаб туриши керак эди.

Конституция ва Наполеоннинг биринчи консулликка тайинланиши умумхалқ овозига қўйилди ва кўпчилик, яъни 3,5 млн. киши уни ёқлаб

овоз берди. Консуллик даврида давлат тизими анча мустаҳкамланди, ҳарбий диктатура сиёсати давом эттирилди.

1804 йилда Сенат Наполеон Бонапартни Наполеон I номи билан Франция императори деб эълон қилди, мамлакатда монархия тизими қайтадан тикланди. Бироқ мазкур монархия феодаллар, дворянлар, руҳонийларга эмас, балки тобора ривожланиб келаётган ўрта табақалар, банкирлар, зодагонлар, армия ва амалдорларга таянувчи ҳарбий бюрократик монархия эди. Мулк, оила, савдо тўғрисидаги қонунларнинг мажмуалари, жиноят кодекси тузиб чиқилди. “Наполеон кодекси” деб ном олган “Фукаролик кодекси” уларнинг энг муҳими эди. Ҳар қандай микдордаги хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқини мустаҳкамлаб бериш бу кодекснинг асосий вазифаси бўлди.

Наполеон орқа-ўнгига қарамай ҳаракат қилиб, Европада янги-янги ерларни босиб олаверди. Унинг фармонида биноан, Пьемонт ва Генуя Францияга қўшиб олинди. Бонапарт Англияга десант тушириш режасини тузди, бунда у туманли об-ҳавога ва Испаниянинг ёрдамига умид қилди.

Аммо Англия билан бирга Австрия ва Россия Наполеонга қарши чиқдилар. Наполеон Англияга десант туширишни тўхтатиб, ўз қўшинлари билан Рейндан ўтиб, генерал Мак бошчилигидаги Австрия армиясини Ульм шаҳрида қуршаб олди. Австрия қўшинлари жангсиз таслим бўлдилар. Аммо Трафальгар бурни яқинида 1805 йил октябрь ойида Франция ва Испаниянинг деярли барча кемаларини инглиз эскадраси ёндириб, ғарқ қилиб юборди. Эскадрага қўмондонлик қилаётган истейододли инглиз адмирали Нельсон шу денгиз жангида қаттиқ яраланди. Унга ғалаба нашидасини суриш насиб этмади: у тезда вафот этди.

Аммо француз армияси қуруқликда катта муваффақиятларни қўлга киритди, 1805 йил 2 декабрда Наполеон Аустерлиц ёнида Австрия ва Россия армиялари устидан ҳал қилувчи ғалаба қозонди. Биринчи империя (1804–1814) тузуми ўн йил давомида Францияда ҳукмронлик қилди. Шу давр мобайнида Европанинг турли бурчакларида Наполеон ҳарбий санъат нуқтаи назаридан ажойиб ғалабаларни қўлга киритди. Ҳатто, биргина унинг номини эслаш ёки тилга олиш Европа монархларини ва уларнинг атрофидаги зодагонларни даҳшатга солар эди.

Ульм, Аустерлиц, Иена, Эйлау, Фридланд, Ваграм – бу жойларда Наполеон қўшинлари юксак маҳорат билан ўз душманлари устидан қатор ғалабаларни қўлга киритдилар. Бу ғалабаларни таъминлашда жонбозлик кўрсатган, француз армиясига қўмондонлик қилган, ҳарбий режаларни ишлаб чиққан, қўшинни руҳлантирган шахс ҳам Наполеоннинг ўзи эди.

Наполеон, унинг қўшинлари ва генераллари Англия устидан ҳал қилувчи ғалабани қўлга кирита олмадилар. 1805 йил 21 октябрь Трафальгардаги денгиз мағлубиятидан сўнг Наполеон I Англияга нисбатан қамал эълон қилди. Англия учун Европанинг барча бандаргоҳлари беркитилиб, у билан савдо-сотик қилиш Францияга тобе бўлган барча

давлатлар учун тақиқланди. Шу йўл билан Наполеон I Англия ва унинг раҳбарларини таслим қилмоқчи бўлди, аммо Англиянинг ривожланган иқтисоди ва кучли денгиз флоти ҳамда геосиёсий ўрни Наполеонга олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун йўл бермади. Иқтисодий тазйиқ Англиядан кўра Франциянинг ўзига катта зарар келтирди. Бундан ташқари, Англия ҳукумати ўз олтинлари ва айғоқчилари ёрдамида Наполеон Ини тез-тез чалғитиб турди.

Англиянинг Наполеон Франциясига қарши ишлатган яна бир қуроли – бу тарғибот эди. Франция ва, айниқса, Наполеон шахсига қарши турли бўҳтонга тўла адабиётлар Англияда француз тилида нашр этилар ва Франция худудида халқ ўртасида тарқатилар эди. Бу адабиётлар мақола, памфлет, варақа, карикатура шаклида бўлиб, ёлғон бўлса-да, французларга салбий таъсир кўрсатар эди. Англиядан Франция худудига тарқатилган сохта хотиралар ҳам куруқ ёлғон ва тухматдан иборат бўлиб, асосан, Наполеон шахсига тегувчи уйдирмалар эди.

Шундай қилиб, ташқи сиёсатда Наполеон I Европада Франция ҳукмронлигини ўрнатиш учун урушлар олиб борди. 1810–1811 йилларда бошланган бу урушлар француз аскарлари ва ҳукмрон доираларнинг тинка-мадорини қуритди. Наполеон I урушлари узил-кесил босқинчилик урушларига айланди.

Наполеоннинг 1812 йили Россиядаги уруши Биринчи империя армиясини ҳалокатга олиб келди. Наполеон I 1812 йил 7 сентябрда бўлган Бородино жангидан сўнг Москвани қўлга киритган бўлса-да, Россияни таслим бўлишга мажбур қила олмади. Наполеон I янги қўшин тўплаш учун Россияда қўшинларини ташлаб Францияга жўнаб кетди. Инглиз қўшинлари Наполеон армиясини Испаниядан ҳайдаб чиқардилар. 1813 йил октябрь ойида Лейпциг яқинида иттифоқчиларнинг 300 минг кишилиқ қўшини уч кунлик жангда Наполеон қўшинларини тор-мор қилди. 1814 йилда иттифоқчиларнинг қўшинлари Парижни ишғол қилдилар. Наполеон тахтдан воз кечди ва Италия соҳили яқинидаги Эльба оролига сургун қилинди.

Францияда Бурбонлар сулоласи тикланиб, қатл этилган Людовик XVI нинг укаси Людовик XVIII номи билан тахтга ўтирди. Дворянлар эски ҳуқуқларини тиклашни ва мулклари қайтариб берилишини талаб қилдилар. Бу буржуазия ва деҳқонларнинг норозилигини кучайтирди. Армияда хизмат қилган 20 мингдан зиёд зобит ишдан бўшатилади.

Наполеон Эльба оролидан туриб, Франциядаги сиёсий вазиятни диққат билан кузатиб борди. Франция аҳолисининг кўпчилигини ташкил этган деҳқонлар Бурбонларга нафрат билан қарар эдилар, армия, зиёлилар ўртасида норозилик кучайди. Наполеон яна ҳокимиятни қўлга киритишга қарор қилди. У 1000 кишидан иборат кичик отряд билан бир неча кичик кемаларда Франция соҳилларига келиб тушди ва Парижга йўл олди. Унга қарши юборилган қўшинлар, зобитлар, генераллар, маршал Ней бирин-

кетин Наполеон тарафига ўта бошладилар. Қирол Людовик XVIII ва саройдагилар қочиб кетдилар. Наполеон яна тахтга ўтирди, аммо у мамлакатни бор-йўғи 100 кун идора қилишга муваффақ бўлди. Унга қарши дарҳол коалиция тузилди, коалиция жуда кучли эди. Наполеон ўз қўшинларини Бельгияга қараб йўналтирди.

1815 йил 18 июнда **Ватерлоо** яқинидаги сўнгги катта жангда Англия ва Пруссия қўшинлари Наполеон армиясини тор-мор қилдилар. Наполеон инглизларга асир тушди. Уни инглиз фрегатиди Атлантика океанидаги олис Муқаддас Елена оролига сургун қилишди. 1821 йил 5 майда Наполеон 52 ёшга етмасдан вафот этди. Ордан 150 йил ўтгач, тарихчилар табиблар ёрдамида Наполеонга инглизлар секин-аста таъсир этадиган заҳар берганликларини аниқладилар.

Наполеон устидан қозонилган ғалабадан дворянлар ва монархия тарафдорлари бўлган ҳукумат аъзолари фойдаландилар. Европада бир неча йил давомида мутаассиб кучлар ҳукмронлиги бошланди. Дворянлар ва эски сулолаларнинг имтиёзлари тикланди.

4. Вена конгресси ва унинг қарорлари. 1815–1847 йиллардаги халқаро муносабатлар.

Режа:

1. Вена конгресси ва унинг қарорлари.

2. 1815–1847 йилларда халқаро муносабатлар.

1. Вена конгресси ва унинг қарорлари.

1814 йилда Наполеон устидан қозонилган ғалабадан сўнг Венада Европа давлатларининг конгресси ўтказилди. Унда Россия, Англия, Австрия ва Пруссия асосий роль ўйнадилар. Конгресс 1814 йил сентябрь ойида бошланиб, 1815 йил июнь ойигача давом этди. Конгрессда қатнашган делегатлар сони 100 дан ошди. Махфий кенгашларга Франция вакили ҳам киритилди. Рус подшоси Александр I, Англия бош вазири Каслри, Австрия канцлери Меттерних, Пруссия намояндаси князь Гарденберг ҳамда Франциядан вакил бўлмиш Талейран Европа харитасини туздилар. Европа харитасини 1789 йил ҳолатига келтириш учун бир қанча муаммоларни ҳал қилдилар, чунки Наполеон ўз ҳарбий юришлари ва ғалабалари билан чегараларни Франция фойдасига кенгайтириб юборган эди. Конгресс қарорига мувофиқ, Англия **Мальта** қироллиги ва Голландиянинг собиқ мустамлакалари **Кап вилоятини** олди. Ҳиндистон яқинидаги **Цейлон ороли** ҳам Англияга ўтди. Англиянинг қудратли душмани бўлмиш Франция заифлашиб қолди.

Россия Польшанинг каттагина қисмини ўзига тобе қилиб олди.

Германия парчаланишига бирмунча чек қўйилди. 200дан кўп майда давлат ўрнига 39 давлатдан иборат Германия иттифоқи тузилди. Муқаддас Рим империяси тугатилди.

Германия Иттифоқининг расмий ҳукумати ҳам, пули ҳам, армияси ҳам, халқаро ишларга таъсири ҳам йўқ эди.

Бой ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган Рейн ва Вестфалия Пруссия ерлари каторига қўшилди. Бу ерларда Наполеон даврида жорий этилган янги буржуа тартиблари сақлаб қолинди. Польшанинг ғарбий ерлари ҳам Пруссия таркибига кирди.

Австрия ҳудуди ҳам анча кенгайди. Унга Италиядаги олдинги ерлари ва бошқа бир қанча янги ерлар олиб берилди. Пьемонтда олдинги сулола қайта тикланди. Шимолий Италиядаги кичик давлатларда яна австриялик герцоглар ҳукмронлиги ўрнатилди.

Папанинг Рим вилояти устидан дунёвий ҳокимияти қайта тикланди. Неаполь қироллигида эса аввалги Бурбонлар сулоласи тахтга чиқарилди. Рим папаси билан Неаполь қироли швейцариялик ёлланма аскарларга таяниб ҳукмронлик қилар эдилар.

Испанияда мутлақ монархия ва инквизиция қайта тикланди. Бельгия Нидерландия қироллигига қўшиб юборилди.

Швейцария Италияга бориладиган тоғ йўллариини ўзига қайтариб олди ва доимий бетараф давлат деб эълон қилинди, у Альп республикаси деб ҳам аталарди.

Сардиния қироллигининг ҳудуди ҳам анча кенгайтирилди. Турин шаҳрини ўз ичига олувчи Пьемонт унинг асосий қисми бўлиб қолди.

Франция 1815 йили тузилган сулҳ шартномаларига мувофиқ, 1789 йилги чегараларига қайтарилди. Францияга 700 млн. франк жарима – ўлпон солинди. Шу маблағ ундириб олингунча Франциянинг шимоли-шарқий қисмини иттифоқчиларнинг қўшинлари ишғол қилиб туриши керак эди.

Англия, Россия, Австрия, Пруссия ғарбий иттифоқи қайтадан тикланди. Францияда бонапартчилар сулоласи тикланишига йўл қўймаслик ҳамда Европада Наполеон урушидан кейинги тартибни муҳофаза қилиш учун иттифоқчилар ўзларига хос Вена системасини вужудга келтирдилар. Улар вақти-вақти билан конгресслар ўтказишга келишиб олдилар.

Европа монархлари учун хос бўлган легитимизм мафкураси қабул қилинди. Бу мафкура Франция, Испания ва Неаполь қиролликларида Бурбонлар сулоласини, Австрияда – Габсбурглар, Россияда – Романовлар, Туркияда – Усмонийлар сулоласини қонуний деб билишар ва шуни халқларга қайта-қайта уқтирар эдилар. Бонапартчиларга ноқонуний, босқинчи, золим ва ҳоказо номлар билан салбий тус берилар эди.

Европа монархлари абсолютизм тартибларини мустаҳкамлаш, инқилобий ҳаракатларга қарши курашиш учун рус подшоҳи Александр I нинг “Муқаддас иттифоқ” деб аталган уюшма тузиш ҳақидаги таклифини қабул қилдилар. Унинг қатнашчилари инқилобларни биргаликда бостириш,

христиан динини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини олдилар. “Муқаддас иттифок” тўғрисидаги битимни Австрия, Пруссия, сўнгра Европа давлатларининг деярли барча монархлари имзоладилар.

Англия “Муқаддас иттифокқа” расман қўшилмаса-да, аммо инқилобларни бостириш сиёсатини қўллаб-қувватлаб турди.

Шундай қилиб, Вена конгрессининг қарорлари катта аҳамиятга эга эди. Айнан Вена конгрессидан кейин Ғарбда элчихоналар ва элчилик қилиш замонавий тус олди. Эндиликда элчихоналар ва элчилар доимий тарзда фаолият кўрсатадиган бўлди. Вена конгресси натижасида белгиланган чегаралар ёки, бошқача қилиб айтганда, 1814–1815 йилларда тузилган Европа сиёсий харитаси 100 йил давомида, яъни то 1914 йилгача деярли ўзгармай келди. Бу, ўз навбатида, Вена конгресси қарорларини амалда ижро этилиши Евроосиё қитъаси барқарорлигини таъминлади.

2. 1815–1847 йилларда халқаро муносабатлар.

Қироллар ва императорлар XIX аср бошларида Европада, Ғарбда бўлган улкан ўзгаришларни тан олгилари келмас эди. Улар Буюк француз инқилоби ва Наполеон ҳукмронлигининг қайта такрорланишини асло истамас эдилар. Барча ҳукмдорлар “Муқаддас иттифок”қа бирлашиб, “монархиялар” худонинг иродаси орқали яратилган, деб барча халқларни ишонтирмоқчи бўлар эдилар. Монархия ва дин ўртасидаги иттифок бирмунча вақт давомида мустаҳкамланди. Рус подшоси Александр I ана шу иттифокнинг илҳомчиси эди. Россия қолоқ бўлиб, у ҳали саноатлашмаган ва ўрта асрларга хос бўлган даврни ўз бошидан кечирмоқда эди. Бироқ Россиядан фарқли ўлароқ Ғарбда ўрта табақага мансуб аҳолининг сони кун сайин ошиб бормоқда эди. Англияда парламент қирол ҳокимлигини чеклаш учун кураш олиб борди. Аммо 1815 йилдан кейин Европада реакцион кучларнинг таъсири кучайди. Шарқий Европада, Италияда чет элликларнинг ҳукмронлиги кучайди, бу ҳолат миллий-озодлик кучларининг норозиликларига олиб келди. Шу сабабли, 1820 йилларда бир қанча ижтимоий чиқишлар ва кўзғолонлар содир бўлди.

Вена системасининг вужудга келишида бир рамзий маъно ҳам бор эди. У ҳам бўлса, ижтимоий ағдар-гўнтар ва ур-йиқитларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймасликка қарши қаратилган эди. Албатта, юқорида қайд этганимиздек, “Муқаддас иттифок” легитимликка асосланган бўлиб, кўпроқ эски феодал тартибларни реставрация қилишга қаратилган эди. Фақатгина ғолиб мамлакатларгина эмас, балки пентархия (бешлик): Англия, Россия, Австрия, Пруссия ва Франция Европанинг тақдирини ҳал қилишлари керак эди.

Энг мураккаб масала – бу инқилобларни жиловлаш масаласи бўлиб қолди. 1819 йилда ана шундай инқилобий чиқишлар Испания, Португалия ва бошқа ҳудудларда бўлиб, феодал абсолютизм тартиботларига қарши қаратилган эди. 1819 йил 1 августда Австрия ва Пруссия давлатлари

ўртасидаги махфий конвенция немис радикаларини катагон қилишга қаратилган эди. Гап шундаки, 1813–1815 йиллар давомида немис давлатлари монархлари конституциявий ислохотлар ўтказиш тўғрисида ваъда берган бўлсалар-да, бу ваъдалар бажарилмади.

Аммо Испания, Португалия ва Неаполитания қироллигида 1820 йилги юз берган инқилоблар туфайли бу мамлакатларда аҳоли қиролларни янги конституциялар қабул қилишга мажбур этди. Мазкур инқилоблар пентархияни ваҳимага солди. Шу сабабли, улар 1820 йил Троппау (Опава)да конгресс чақиришди ва конгресс 1821 йилда ҳам ўз ишини давом эттирди. Конгресс қарорига биноан, Австрия қўшинлари Неаполитания инқилобчиларини бостириши керак эди. Шу билан бирга, Англия ва Франция Австрия қўшинларининг у ерда кўп қолиб кетмаслигини талаб қилишди. Шу пайт рус подшоҳи Александр I Австрия бош вазири Меттернихдан Неаполитанияда инқилоб бостирилгач, Жанубий Италияни Австрия қўшинлари ташлаб чиқиб кетиши учун кафолат олди.

Конгресс сўнгида 1821 йил май ойида уч давлат – Россия, Австрия ва Пруссия вакиллари ҳар қандай инқилобий чиқишларни аёвсиз бостириш тўғрисида қарор қабул қилишди. Бу қарор “Муқаддас иттифок” аъзоларига ҳар хил баҳоналар билан давлатларнинг ички ишларига аралашиш имконини берар эди.

1822 йил октябрь ойида Шимолий Италиянинг Верона шаҳрида III конгресс иштирокчилари йиғилдилар. Инқилобий кучларни бостиришда эндиликда Австрия, Россия, Пруссия билан бир қаторда Франция ҳам фаол қатнашиши назарда тутилган эди. Аммо Англиянинг бу масаладаги нуқтаи назари сал бошқачароқ эди. Унинг жуғрофий жойлашуви ва Британия оролларидаги мавқеи хавфсизликни таъминлаш учун қулай эди. Бир томондан, Англиянинг Шарқ мамлакатлари бўйича Россия билан рақобати мавжуд бўлса, иккинчи томондан, Пиреней ярим оролида ва Лотин Америкаси мамлакатларида Англия ва Франция ўртасидаги зиддиятлар кескинлашди. Ўз навбатида, Лотин Америкаси мамлакатларидаги миллий-озодлик ҳаракатлари ва урушлари Испания ва Португалияга қарши қаратилган бўлиб, бу ерда Англия ва Франциянинг таъсир доиралари кучайиб бормоқда эди.

Верона конгрессида асосий масала Испания ва Португалия инқилобини бостириш масаласи эди. Янги полициячилик миссияси Францияга топшириладиган бўлди. Чунки Франция жуғрофий жиҳатдан Испаниянинг қўшнисидир эди. Англия бўлса, Франциянинг Пиреней ярим оролидаги мавқеининг кучайишига қарши эди. Англиянинг норозилигига қарамасдан, 1822 йилда IV конгресс қатнашчилари бўлмиш Россия, Австрия, Пруссия ва Франция Пиреней ярим ороли инқилобига қарши интервенция ташкил этишга қарор қилдилар. 1823 йил баҳор фаслида француз экспедицион корпуси Мадридни эгаллади ва инқилобчилар

қаттиққўллик билан жазоландилар. Шундан сўнг Англия, айниқса, унинг янги ташқи ишлар вазири Ж. Кеннинг пентархия сиёсатидан бош тортди. Англия ўзининг анъанавий сиёсати бўлмиш “эркин қўллар” сиёсатини давом эттириб, пентархияга қўшилмади. Бу сиёсат Европа монархлари ўртасида кескин ихтилофларни келтириб чиқарди.

Шу билан бирга, Европа монархлари ўртасидаги муносабатларда Усманийлар империяси ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланар эди. Бу пайтга келиб, Европа Шарқида Туркия анча заифлашиб қолди. Аста-секинлик билан танглик ҳолатини ўз бошидан кечираётган Усманийлар империяси тобора тарқаб бормоқда эди. Миср Туркия мустамлакаси ҳисобланса-да, бироқ у ярим мустақилликни қўлга киритган эди. 1821 йилда Туркияга қарашли бўлган Грецияда миллий-озодлик ҳаракати бошланиб кетди. Бу озодлик уруши 8 йил давом этди ва, ниҳоят, Англия, Франция ва Россия ёрдамида Греция мустақилликка эришди. Бу урушда Англиянинг энг машҳур шоири лорд Байрон иштирок этди ва ўзининг бир қанча гўзал ва нафис шеърларини Грецияга, унинг латофатли, барно қизларига бағишлади. Шоирнинг ўзи ҳам бу урушда ҳалок бўлди.

1830 йилни кўзғолонлар йили, десак хато қилмаган бўламиз. Бошқа Европа мамлакатларида, айниқса, Германия, Италия ва, асосан, Польшада кучли кўзғолонлар вужудга келди. Польша кўзғолони қаттиққўллик билан Россия, Пруссия ва Австрия давлатлари томонидан бостирилди. Польшадаги қатағон шунчалик кучли эдики, ҳатто, поляк тилида гаплашиш ман этилган эди. 1830 йилги Польша кўзғолони 1848–1849 йиллардаги Европада бўлган революцияларнинг даракчиси эди.

Маълумки, Наполеон ўз акаси Жозефни Испания тахтига ўтказгач, Испания мустамлакаларида, яъни Жанубий Америкада миллий-озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди.

Симон Боливар Жанубий Америка халқининг энг машҳур қаҳрамони сифатида майдонга чиқди. Уни одамлар либертадор, яъни халоскор деб аташган. Жанубий Америкада Боливия республикаси унинг исми билан аталади. Боливар Европанинг илғор мамлакатлари халқларига мурожаат этди, уларни мустамлакачиликка қарши курашга чорлади. Унинг даъватидан сўнг ирландлар, инглизлар, немислар, итальянлар, поляклар, руслар Боливар ҳузурига ёрдамга келдилар.

1819 йил Венесуэла мустақил деб эълон қилинди. Гренада Венесуэла билан бирлашди ва Боливар бирлашган Буюк Колумбия Президенти бўлди. У бир қанча ислохотлар ўтказди, ҳиндулардан олинадиган ўлпонни бекор қилди, йирик помещикларнинг ерлари мусодара қилинди.

Хосе Сан Мартин кўмондонлигидаги қўшинлар Аргентинани озод қилдилар.

1824 йилда Боливар армияси Перуни мустақилликдан маҳрум қилмоқчи бўлган Испания армиясини тор-мор қилди ва 1825 йилда янги республика – Боливия ташкил топди. Ана шундай вазиятда АҚШ

президенти Монро Америка китъасида АҚШ ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини акс эттирувчи доктринани ишлаб чиқди. Унинг моҳияти “Америка америкаликлар учун” шиорига асосланган эди. Бу билан АҚШ Лотин Америкаси ишларида Европа давлатлари аралашмасликларини талаб қилди.

1799–1804 йилда Гаити оролида қора танли қуллар қўзғолон кўтариб, озодликка эришдилар ва мустақил давлат ташкил этдилар. 1819 йилда янги Гренада эндиликда Колумбия номи остида мустақил бўлди.

1821 йилда Мексика ва Перу мустақил бўлди.

1822 йилда Бразилия Португалиядан ажралиб чиқди ва мустақил давлатга айланди.

1822 йилда эса Эквадор мустақилликни қўлга киритди.

1830 йилга келиб, жанубий америкалик барча халқлар ўз мустақилликларига эришдилар.

Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда эса Россия ва Англия ўз мустамлакаларини кенгайтириб боришга муваффақ бўлдилар. Бу вазият улар ўртасидаги зиддиятни кескинлаштирди.

1830 йилларнинг бошларида Европа ҳукмрон доиралари ичида кескин кризис бошланиб кетди. 1830 йилда кетма-кет Франция ва Бельгияда инқилоблар юз берди. 1830 йил 26 июлда Париждаги кўча намоёнчилиги қўзғолонга айланди. Қўзғолончилар қирол қасри бўлган Тюильрини қўлга киритдилар, Карл X хорижга қочиб кетди. Баррикадаларда фаол қатнашган Бурбонларга қариндош бўлмиш принц Луи Филипп Орлеанский тахтни эгаллади. Янги Конституция қабул қилиниб, унда буржуазиянинг кўпчилиги сайловларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ушбу Конституция орқали Францияда конституцион монархия сиёсий тизими ўрнатилди.

Франциядаги бу ижобий ўзгаришлар Бельгия аҳолисини жунбушга келтирди. Бельгиянинг кўпчилик аҳолиси католиклардан иборат бўлиб, улар протестантизм мазҳабига мансуб бўлган Нидерландия қироллигига мажбуран қўшиб олинган эдилар. Нидерландиянинг бож ва солиқ сиёсати бельгиялик савдогарлар ва саноатчилар манфаатларига қарши қаратилган эди. 1830 йилнинг август ойида Брюсселда бошланган қўзғолон бутун мамлакатни қамраб олди. Голландлар армияси қўзғолончиларнинг қаршиликларига дош беролмай, Бельгия ҳудудларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Брюсселда йиғилган Миллий Конгресс Бельгияни Конституцион монархия деб эълон қилди.

Франциянинг янги қироли Луи Филипп Орлеанский кўпроқ Англия ҳукуматига таяниб иш кўра бошлади. Ҳар иккала давлат Англия ва Франция 1830 йилда бўлган Бельгия инқилобини тан олиб, унинг Голландиядан ажралиб алоҳида давлат бўлишини ёқлаб чиқдилар. Бельгия жуда муҳим стратегик ҳудудда жойлашганлиги учун Англия ва Франция унга буфер давлат сифатида қараётган эдилар.

1830 йилда Франция ва Бельгияда юз берган инқилоблар подшо Николай Iни чўчитиб юборди. Подшо бу инқилобларни бостиришга шайланган пайтда 1830 йил ноябрь ойида Россияга қарашли Польша ҳудудида кўзғолон бошланиб кетди. Бу миллий-озодлик кўзғолони 1830–1831 йиллар давомида рус хукмрон доиралари томонидан шошилинич чораларни қўллашни талаб қилди. 1831 йил сентябрь ойида рус қўшинлари генерал Паскевич бошчилигида бу кўзғолонни бостирдилар. Англия ва Франция ўзларини полякларнинг ҳомийлари қилиб кўрсатсалар-да, бироқ полякларга ҳеч қандай амалий ёрдам бермадилар.

Шундай қилиб, 1815–1847 йиллардаги халқаро муносабатларда Муқаддас иттифоқ бир қанча инқилобий ҳаракатларни бостирган бўлса-да, ўзи ҳам аста-секинлик билан таназзулга учради. Англия бу иттифокни амалда тарк этди. Айнан ана шу даврда, аниқроғи XVIII аср охири–1830 йилга қадар Лотин Америкаси мамлакатлари ўзларининг қаҳрамонона курашлари натижасида бирин-кетин мустақилликни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. 1830 йил июль-август ойларида Франция ва Бельгияда юз берган инқилобий ҳаракатлар Францияда конституцион монархиянинг ўрнатилишига олиб келган бўлса, Бельгияда эса унинг Нидерландия қироллигидан ажралиб, мустақил давлатга айланишига сабаб бўлди. 1830–1831 йиллардаги Польшадаги миллий-озодлик кўзғолони мағлубиятга учраган бўлса-да, бироқ бундай халқ ҳаракатлари полякларнинг ўзлигини англаши ва миллий ғояларини ривожлантиришга кучли туртки бўлди.

5. 1848–1851 йиллардаги халқаро муносабатлар.

Режа:

1. 1848–1849 йилларда Европа мамлакатларидаги инқилобий жараёнлар.

2. 1848–1849 йилларда Европа мамлакатларида халқ кўзғолонларининг халқаро муносабатларга таъсири.

1. 1848–1849 йилларда Европа мамлакатларидаги инқилобий жараёнлар.

1848–1849 йилларда Европанинг деярли барча мамлакатларида инқилобий воқеалар юз берди. Бир вақтнинг ўзида юз берган бу инқилоблар Европа мамлакатлари ўз тараққиёти жиҳатдан бир-бирларига жуда ҳам яқин эканлигини яна бир бор исботлади.

Маълумки, XVII–XVIII асрлардан бошлаб, эркин бозор Европа қитъасида тобора етакчилик қилаётган эди, аммо жамиятда ҳали феодализм қолдиқлари мавжуд эди. Шу сабабли, 1848–1849 йилларда бошланиб кетган бу инқилоблар эскилик қолдиқларини тугатишга қаратилган. Шу билан бир қаторда, бу инқилоблар саноатлашаётган

тузумнинг жадал суръатлар билан ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб бериши керак эди.

1848–1849 йилларда Европа мамлакатларидаги инқилобларнинг ўхшаш жиҳатлари билан бир қаторда, ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд бўлган. Италия ва Германияда ижтимоий муаммолардан кўра миллий муаммо, яъни ҳар икки мамлакат халқини миллий давлатчилик асосида бирлаштириш масаласи турар эди. Австрия империясида бўлса ҳар бир халқ ўзининг миллий мустақиллигига эришиш учун Габсбурглар сулоласи ҳукмронлигига қарши курашга бел боғлаган эди.

Францияда эса аҳвол янада бошқачароқ бўлган. Франция асрлар давомида марказлашган миллий давлат бўлиб, ижтимоий муаммолар инқилобнинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланар эди. 1848 йилнинг февраль оyi охирида бошланиб кетган инқилоб Францияда ўз даврида энг демократик Республиканинг ўрнатилишига олиб келди. 1848 йилда қабул қилинган Конституция анча илғор конституция бўлиб, унда асосий ҳокимият тизимлари бўлмиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд-прокуратура органларининг вазифа ва ваколатлари аниқ белгиланган эди. Француз ҳуқуқшунослари, олимлари, мутафаккирлари 1848–1851 йилларда ҳукм сурган Иккинчи республика давомида жуда кўп ижобий ишларни амалга оширдилар. Қисқа муддатда сайлаш ва сайланиш, давлат органларини халқ сайловлари асосида ташкил этиш, партияларнинг жамиятдаги фаолиятини таъминлаш, парламент тизимини яхшилаш, президентлик бошқарувини жорий этиш каби бунёдкорлик ишларини биринчилардан бўлиб французлар йўлга қўйдилар. Ўша пайтда катта ёшдаги аҳоли ўртасидаги саводхонлик анча юқори бўлиб, у 50% ни ташкил этарди. Францияда барча фуқароларнинг умумий овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритиш ғояси халқ орасида кенг тарқалди. Инқилоб натижасида 21 ёшга етган ва ундан ошган барча эркаклар сайловда қатнашиш ҳуқуқини олдилар. Натижада, сайловчилар сони 250 мингдан 9 млн. га кўпайди. Конституцияда виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги қатъий белгилаб қўйилди. Тинч намоёнлар ўтказиш, ижтимоий-сиёсий иттифоклар тузиш французларнинг узвий ҳуқуқларига айланди. Бир қанча клублар тузилди, юзлаб газеталар нашр қилина бошланди, цензура бекор қилинди. Иш куни Парижда 10 соат, Франциянинг қолган ерларида – 11 соат қилиб белгиланди.

Англия парламенти 1832 йилдаёқ метрополия ва ўз мустамлакаларида қулларнинг олди-сотдисини бекор қилган бўлса, Францияда бу иш 1848 йилда амалга оширилди. 1848 йилда қабул қилинган Конституция мамлакатда президентлик тизимини илк бор жорий этди. Айтиш жоизки, 1848 йилги инқилобий ҳаракатлар туфайли Швейцарияда ҳам президентлик бошқарувига ўтилди.

1848 йил декабрь ойида муқобиллик асосида ўтказилган президентлик сайловларида Наполеон Бонапартнинг жияни — 40 ёшли Луи Наполеон Бонапарт Франциянинг биринчи президенти этиб сайланди, унинг рақиблари Кавеньяк, Ледрю-Роллен, Ламартин ва бошқа президентликка номзодлар анча кам овоз олдилар. 1849 йил май ойида бир йил олдин сайланган Таъсис мажлиси ўз ўрнини Миллий мажлисга бўшатиб берди.

Таъсис мажлиси, Миллий мажлис фаолияти давомида Францияда “Тартиб-интизом” партияси, “Янги тоғ” партияси ва бошқа партия ҳамда клублар, сиёсий-ижтимоий ташкилотлар фаолият кўрсата бошлади. Аммо Францияда аксарият аҳолининг ҳали сиёсий жиҳатдан етук эмаслиги, деҳқонларнинг кўпроқ монархистик тузумга мойиллиги, республикачилик анъаналарининг заифлиги, ўрта табақаларга мансуб бўлган аҳолининг тарқоқлиги туфайли Иккинчи республика ва ундаги парламент тизими узок давом этмади. 1851 йил 1 декабрдан 2 декабрга ўтар кечаси Луи Наполеон Бонапарт томонидан содир этилган давлат тўнтариши туфайли Иккинчи республика кулади. Европадаги инқилобларнинг тақдири Франция инқилоби тақдирига боғлиқ эди, 1848 йил июнь ойи охирида француз ишчиларининг кўзғолони бостирилгач, инқилоб Европанинг барча мамлакатларида чекина бошлади ва мағлубиятга учради.

1848 йилда Швейцарияда мамлакат ягоналигига қарши бўлган исён икки ҳафта ичида бостирилди ва Марказий ҳокимият ғалабасидан сўнг Конституция қабул қилинди.

Швейцария таркибидаги кантон-давлатларининг мўрт, конфедератив иттифоқи ягона, бирлашган федератив давлатга айланди. Ҳуқуқ ва ваколатлари анча чекланган Сейм ўз ўрнини икки палатали Иттифок мажлисига бўшатиб берди.

Иттифок мажлиси мамлакатнинг қонун чиқарувчи Олий органи вазифасини бажара бошлади. Мамлакат пойтахти қилиб саноатлашган Берн шаҳри белгиланди. Швейцария кантонларидаги оғирлик, узунлик, ҳажм ва ҳоказо ўлчовлар бир умумий қолипга келтирилди. Пул бирлиги, Марказий почта ва телеграф, умумий божхона ташкил этилди. Йўл ва кўприк учун олинадиган божлар бекор қилинди. Французларга ўхшаб пул бирлиги франк жорий этилди. Бу чора ва тадбирларнинг барчаси Швейцариянинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жадал суръатлар билан ривожланишига кенг йўл очиб берди.

1848 йилги Конституцияда барча аҳоли учун сайловларда умумий овоз бериш ҳуқуқи, арзу дод қилиш ҳуқуқи, виждон, матбуот эркинлиги, мажлисларга эркин қатнашиш ва иттифоқлар тузиш каби ҳуқуқлар ўз аксини топган эди.

1848 йилги инқилоб Германия ерларини ҳам қамраб олди. Ислохотлар ўтказиш учун бўлган жанглар Пруссиядан ташқари Саксония, Баден, Бавария ва бошқа немис ўлкаларида ҳам юз берди.

Хунармандлар, ишчилар, зиёлилар ва талабалар Берлин шаҳрининг турли мавзеларида йиғилишлар ўтказиб, меҳнат вазирлиги тузилишини, барча ишга лаёқатли кишиларнинг иш билан таъминланишини, умумий сайлов ҳуқуқи берилишини талаб қилдилар.

Пруссияда Миллат мажлисига сайловлар ўтказилди, бу мажлис Конституция, яъни янги қонунлар лойиҳасини тузиш билан шуғулланди. Ишлаб чиқилган Конституцияга мувофиқ, бўлажак давлат тузуми конституциявий монархия бўлиши керак эди. Аммо баъзи гуруҳлар ислохотларни парламент йўли билан амалга оширишни истамас эди. Натижада, ҳукумат қўшинлари билан қўзғолончилар ўртасидаги тўқнашув юзага келди ва у пировардида инқилобий ҳаракатнинг мағлубиятига олиб келди.

Пруссиянинг поляклар яшайдиган ерларида миллий-озодлик ҳаракати жонланди. Хусусан, 1848 йил баҳорида Познань вилоятида полякларнинг қўзғолони бошланди. Пруссия қўшинлари қўзғолонни шафқатсизлик билан бостирдилар. Қўзғолончи деҳқонлардан қаттиқ ўч олинди, уларнинг кўпчилиги жойида отиб ташланди ёки найза санчиб ўлдирилди, поляк қишлоқларига ўт қўйилди.

Германиядаги 1848–1849 йиллардаги инқилобнинг натижаларидан бири шу бўлдики, 1848 йил май ойида Франкфурт-Майнда маҳаллий ибодатхона биносида жамоатчилик ташаббуси билан умумгерман парламенти иш бошлади. Депутатлар жамоатчилик асосида сайланган бўлиб, улар орасида профессорлар, адвокатлар, ўқитувчилар ва турли касб эгалари ҳамда зиёлилар кўпчиликлари ташкил қилар эдилар. Франкфурт парламенти Германияни конституциявий монархия асосида бирлаштиришни мақсад қилиб қўйган эди.

Парижда ишчиларнинг 1848 йил июнь қўзғолони бостирилганидан кейин, Пруссияда қирол ва дворянлар аксилинқилобий давлат тўнтариши ўтказишга тайёргарлик кўра бошладилар. 1848 йил декабрь ойида қирол Пруссия Миллат мажлисини тарқатиб юбориш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Депутатлар халқни қаршилик кўрсатишга даъват этмадилар ва ўзлари ҳам итоаткорона тарқалиб кетдилар.

Ҳар ҳолда қирол ҳам конституция ишлаб чиқиш тўғрисида фармойиш берди. Конституцияга биноан, дворянларнинг кўпгина ҳуқуқи сақланиб қолди. Қирол Конституцияда кўзда тутилган қонун чиқариш муассасаларининг ҳар қандай қарорини бекор қилиш ҳуқуқини сақлаб қолди.

1849 йилнинг май ойида Саксония қироллигининг пойтахти Дрезден шаҳрида ва Баден герцоглигида умумгерман парламенти Франкфурт-Майнда ишлаб чиқилган ва немис монархлари тан олмаган “Империя конституцияси”нинг демократик моддаларини ҳимоя қилиб, қўзғолон кўтаришди. Бу конституцияда кўзда тутилган империя парламентида сайловлар ўтказишда умумий сайлов ҳуқуқи, шахс эркинлиги, озодлик

ғоялари жамоатчилик диққатини жалб қилди. Дрезденда хунармандлар, ишчилар, ўрта табақага мансуб аҳоли, зиёлилар мазкур конституцияни ёқлаб, кураш майдонига чиқдилар. Кўзғолончиларга қарши Пруссия қўшинлари юборилди, оқибатда, кўзғолончилар тор-мор этилди ва бутун Германиядаги инқилоб ҳам мағлубиятга учради.

Италиядаги 1848–1849 йиллардаги инқилоб ҳам кўп жиҳатдан Германиядаги инқилобга ўхшаб кетади. Сиёсий тарқоқлик, кичик-кичик давлатларнинг мавжудлиги, феодализм қолдиқлари демократиянинг ривожига ғов бўлиб турган эди.

Италиядаги инқилобнинг яна бир ўзига хослиги шундан иборат эдики, Ломбардия ва Венеция вилоятлари Австрия империяси таркибида бўлиб, Парма, Модена ва Тосканада ҳам ҳокимият Габсбурглар сулоласидан чиққан герцоглар қўлида эди. Бу герцогликлар ҳам амалда Австрия зулми остида эдилар. Рим вилояти папанинг қўл остида бўлиб, у ҳам Италиянинг миллий жиҳатдан бирлашувига тўсқинлик қилар эди.

Европанинг бошқа мамлакатлари каби Италияда ҳам ҳосилсизлик ва иқтисодий танқислик инқилобий вазиятни вужудга келтирди. Инқилобий чиқишлар 1848 йилнинг январь ойида Неаполь қироллигида бошланиб, бутун Италия ҳудудига ёйилиб кетди. Март ойида Австрия империясининг Италиядаги ерларида миллий-озодлик кўзғолони бошланди. Шундай қилиб, Италия ерларидаги Австрия ҳукмронлигига қарши олиб борилган миллий-озодлик ҳаракати демократик инқилоб билан қўшилиб кетди. Бироқ миллий кучларнинг тарқоқлиги, итальян давлатларининг бир-бирлари билан келишмаганликлари оқибатида Австрия қўшинлари Пьемонт армиясини тор-мор этди. Ўз навбатида, Италиядаги аксилинқилобий кучлар ҳам Австрия қўшинларига ёрдам кўрсатишди.

1849 йил бошларида Римда кўзғолон кўтарилиб, кўзғолончилар Рим папасини ҳайдаб юборишди, аммо папа ёрдам сўраб Франция президенти Луи Наполеонга мурожаат қилди. У эса Рим республикасига қарши француз қўшинларини юборди. Мадзини бошчилигидаги Рим республикачиларини халқ қаҳрамони Жузеппе Гарибальди отряди қўллаб-қувватлади ва улар Рим Республикасини мудофаа қилдилар. Аммо кучлар тенг эмас эди. Шу сабабли, 1848–1849 йиллардаги Италия инқилоби ўз ниҳоясига етказилмади, Австрия қўшинлари ҳайдаб чиқарилмади ва Италия ягона давлат атрофида бирлашмади. Шундай бўлса-да, ягона давлат тузиш учун бўлган кураш италияликларни озодлик ва миллий мустақиллик ҳаракатлари доирасидаги тажрибаси билан бойитди.

Австрия империясида 34 млн. аҳоли бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроғини славянлар (чехлар, словаклар, поляклар, хорватлар, словенлар, серблар, украинлар ва мусулмон мазҳабидаги бошқа славянлар) ташкил этар эдилар. Яна 5 млн. венгер ва шунча итальянлар ҳамда валахлар бор эди. Бутун империяда кўпгина феодал тартиблар сақланиб қолган эди. Империя таркибидаги энг ривожланган саноатга эга бўлган ўлкалар

Астрия ва Чехия бўлиб, у ерда саноат эгалари, хунармандлар, ишчилар ва зиёлилар сони анчагина. Саноат ривожига жихатидан Чехия империянинг энг илғор ҳудуди бўлса-да, чех ўрта ва кичик буржуазияси австриялик йирик капитал эгаларига қарам эди. Чехияда аристократия ва йирик буржуазия австрияликлардан иборат ёки улар немислашиб бораётган чехлардан чиққан эдилар. Ўз навбатида, венгер помещиклари миллионлаб серб ва бошқа славян деҳқонларининг устидан ҳукмрон бўлиб, айна вақтда, уларнинг ўзлари австриялик маъмурларга қарам эдилар. Австрия империясининг ўзига хос хусусиятлари бу миллий, диний, синфий зулмларнинг бир-бири билан қўшилиб кетганлигида эди.

Вена ҳукуматига 30 йилдан кўпроқ давр мобайнида Меттерних бошчилик қилди. У империяда ўрта асрларга хос феодал тартибларни сақлаш, славянлар ва венгерлар устидан австриялик зодагонлар ҳукмронлигини сақлаб қолиш тарафдори эди. Мактабларда, судларда, барча муассасаларда немис тили ҳукмрон бўлиб, ёзиш-чиқиш, ҳисоб-китоб ишлари ҳам фақат немис тилида олиб борилар эди.

Аҳолининг кўпчилигини деҳқонлар ташкил қилар эдилар. Улар шахсан озод бўлсалар-да, аммо ер эгалари фойдасига бир қанча мажбурий ишларни бажарар эдилар. Шу тариқа, империяда Габсбурглар сулоласи бошчилигидаги австриялик дворянларнинг вакиллари ҳукмрон эдилар.

1848–1849 йиллардаги инқилоб Австрия империясида ўзига хос хусусиятга эга эди. Бу инқилобнинг олдида турган вазифа Габсбурглар сулоласи ҳукмронлигига чек қўйиш, феодал ва миллий, диний зулмни тугатиш, мазлум халқларнинг миллий мустақиллигини таъминлашдан иборат эди.

Австрия Габсбургларининг миллий зулмига қарамасдан, венгерлар, славян халқлари ва мусулмонлар ўз миллий маданиятларини сақлаб қолишга ва, ҳатто, ривожлантиришга муваффақ бўлдилар. Бу халқлар орасида ўз-ўзини бошқариш, миллий тиллардаги адабиёт ва мамлакатларни ривожлантириш учун ҳаракат кенг кулоч ёзди.

Чехияда миллий маданиятни ривожлантириш байроғи остида миллий-озодлик ҳаракати авж олди. Ёзувчи ва олимлар чех халқи ва адабиётига оид, унинг тили ва санъатини ривожлантириш тўғрисида муҳим асарлар яратдилар, миллий мактаблар очиш учун кураш олиб бордилар.

Серблар ва хорватлар орасида ҳам миллий уйғониш бошланди.

Табиатнинг инжиқлиги туфайли икки йил сурункасига ҳосил бўлмаганлиги ва 1847 йилда бошланган иқтисодий инқироз Австрия империяси халқларига ҳар томондан катта зарар келтирди.

1848 йил январь ойидаги Италиядаги воқеалар, ўша йили февраль ойи охирида қирол Луи Филиппнинг Франция тахтидан ағдарилганлиги тўғрисидаги хабарлар Австрия империясида ҳам инқилобнинг бошланишига туртки бўлди.

Инқилоб 13 мартда Венада бошланиб, кўчаларда баррикадалар пайдо бўлди. Қўзғолон иштирокчилари ҳунармандлар, зиёлилар, талабалар ва ишчилардан иборат эди. Улар ҳукуматни алмаштиришни талаб қилиб чиқдилар. Қўшинлар билан тўқнашув бошланди. Ғазабланган оломон, ҳатто, қаттиқ қўриқланадиган император Франц I саройига бостириб киришга муваффақ бўлди. Воқеаларнинг бундай ривожидан чўчиган ҳукумат қўзғолончиларга ён босишга мажбур бўлди.

Меттерних истеъфога чиқарилди ва у ўз жонини сақлаб қолиш учун аёллар кийимида қочиб кетди. Баъзи вазирлар алмаштирилди. Талабаларнинг ўз қуроли отряди – “Академик легион” тузилди, ўрта табақа намояндалари эса Миллий гвардия ташкил этишга муваффақ бўлдилар.

Император Франц I сайловчилар учун мулк цензини белгиловчи Конституция чиқаришга ваъда берди. Ишчилар сайлов ҳуқуқини олмасликлари алоҳида таъкидланди. Аммо миллий гвардия ва “Академик легион”ни тарқатиб юбориш тўғрисидаги ҳукумат қарори оломоннинг қуроли зарбасига дуч келди. Император ва ҳукумат аъзолари пойтахтдан Тирол шаҳрига қочишди. Инқилобий ҳаракат деҳқонларни ҳам қамраб олди, улар ўз мажбурий хизматларини тўхтатиб, оброк тўламай қўйдилар. Ўрмондаги дарахтларни ўзбошимчалик билан кеса бошладилар. Венада бошланган инқилобдан сўнг икки кун ўтгач, яъни 1848 йилнинг 15 мартда Венгрияда ҳам инқилоб бошланди. Инқилобни марказий шаҳар Пешт зиёлилари, ҳунармандлари, талабалари ва ишчилари бошлаб бердилар. Улар намойиш уюштириб, Венгрия учун маҳаллий Сейм олдида масъулиятли бўлган ҳукумат барпо қилиниши ва баршчина бекор қилинишини талаб қилдилар.

Император Франц I Венгрия учун алоҳида ҳукумат тузишга мажбур бўлди. Бу ҳукуматга венгерларнинг дворян зодагонлари орасидан чиққан либералларнинг бир қисми раҳбарлик қилди.

Австрия империясида славян халқлари ҳам миллий, ҳам синфий зулмга қарши бош кўтардилар. Чехияни зиёлилар, ишчилар ва деҳқонларнинг ғалаёнлари қамраб олди. Ҳукумат Прагага катта қўшин юборди. Талабалар, зиёлилар, ишчилар бу армиянинг олиб чиқиб кетилишини талаб қилдилар. 12 июнда талабалар ва ишчиларнинг тинч намойиши ҳукумат қўшинлари томонидан ўққа тутилди. Бунга жавобан халқ кўтарган қўзғолон деярли бир ҳафта давом этди. Шаҳарда баррикадалар қурилди. Қўзғолончилар умумий сайлов ҳуқуқи ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи берилишини талаб қилдилар. Қўзғолончиларга қўшни қишлоқлардан чалғи, ўроқ кўтарган деҳқонлар ёрдамга келишди. Қўшинлар шаҳар чеккасидаги тепаликка чекиниб, шаҳарни ўққа тутди бошладилар. Пиёда аскарлар шаҳар кўчаларига кириб, 17 июнда қўзғолонни бостирдилар.

Прагадаги кўзғолон бостирилгач, Париж ишчиларининг июнь кўзғолони ўққа тутилганлиги ва уларнинг мағлубияти ҳақидаги хабар келгандан кейин, аксилинқилобий кучлар Европа бўйлаб ҳужумга ўтдилар. Австрия кўшинлари Миланни ишғол қилди. Сўнгра император Венгрияни “бир ёқли” қилишга ва Вена инқилобини узил-кесил бостиришга қарор қилди.

Венгрияга қарши Австрия кўшинларини юбориш йўлидаги уриниш пойтахтдаги халқ оммаси томонидан барбод қилинди. Ўн мингларча зиёлилар, ҳунармандлар, ишчилар ва талабалар Венада қуролли кўзғолон кўтардилар.

Кўзғолончилар “ҳаракатчан гвардия” отрядларини туздилар ва 4 ҳафта давомида, яъни 6 октябрдан 1 ноябргача шаҳарни ўз қўлларида сақлаб турди. Венани кўп сонли ҳукумат кўшинлари қуршаб олиб, ўққа тутди. Кўзғолон зўр қийинчилик билан бостирилди. Кўзғолончилар шиддатли қаршилик кўрсатиб, 5 минг кишини қурбон бердилар. Кўплари жанглардан кейин отиб ташланди.

Вена кўзғолони бостирилгач, Франц I ҳукумат кўшинларини Венгрияга юбориб, унинг ўзини ўзи бошқариши бекор қилинганлигини эълон қилди. Бунга жавобан, Венгрия парламенти 1849 йилда мамлакатни мустақил деб эълон қилди, Лайош Кошут раҳбарлигида инқилобий ҳукумат тузилди.

Венгриянинг кучли армияси Австрия кўшинларини ҳайдаб чиқарди.

Император Франц I Венгрияда мағлубиятга учрагач, Россия подшоси Николай Iга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Николай I маъмурияти “Европа жандарми” ролини ўз зиммасига олиб, фельдмаршал Паскевич бошчилигидаги 200 минг кишилиқ армияни венгер ҳукуматига қарши урушга юборди. Бир неча қаҳрамонона жанглардан сўнг Венгрия армияси мағлубиятга учради ва чоризм кўшинларига таслим бўлди.

Австрия империясида 1848–1849 йиллар инқилобидан сўнг ҳукумат бир қанча ислохотлар ўтказишга мажбур бўлди. Икки палатали парламент ташкил этилди. Ҳукумат маъмурияти катта мулк цензини сақлаб қолган ҳолда чекланган конституцияни империя ҳудудида жорий этди. Дехқонлар феодал мажбуриятларни пул эвазига сотиб олишлари мумкинлигини билдирувчи қонун чиқарилди. Помешчикларнинг суд ва полиция ҳукумати бекор қилинди. Австрия империясидаги миллатлар ва элатларга ўзини ўзи бошқариш юзасидан бир қанча эркинликлар берилди.

2. 1848–1849 йилларда Европа мамлакатларидаги халқ кўзғолонларининг халқаро муносабатларга таъсири.

1848 йилни одатда Европада кўзғолонлар йили деб аташади. Кўпгина мамлакатларда кўзғолонлар бўлиб, улардан баъзилари муваффақиятли тугади, аммо аксарият мамлакатларда кўзғолонлар мағлубиятга учради. 1848–1849 йилларда Европа мамлакатларида кўтарилган ушбу

қўзғолонларнинг ҳар бири қандай тугашидан қатъи назар, улар катта тарихий аҳамият касб этди.

Биринчидан, ушбу ғалаёнлар айнаи бир пайтда деярли барча Европа мамлакатларини қамраб олиб, бозор иқтисодиёти ва саноатлашаётган янги жамиятнинг тўла ғалабасини таъминлашга қаратилган эди. Шунингдек, инқилоблар, қитъадаги мамлакатлар тараққиёт даражаси жиҳатдан бир-бирларига тобора яқинлашиб бораётганини ҳам кўрсатди.

Иккинчидан, Европадаги 1848–1849 йиллардаги ғалаёнлар умуман феодализм тизимига қарши қаратилган бўлмай, балки унинг қолдиқларини бартараф этишгагина қаратилган эди. Ўз хусусиятларига кўра бу инқилоблар бир неча ўн йиллар олдин бошланган ислохотларни ниҳоясига етказиш, янги-янги ислохотлар ўтказиш йўли билан жамият тараққиёти истиқболини таъминлашни кўрсатди.

Учинчидан, 1848–1849 йиллардаги қўзғолонларнинг тарихий аҳамияти тўғрисида гап кетар экан, энг аввало, бу инқилоблар миллий-озодлик инқилоблари эканлигини унутмаслик керак. Польшадаги қўзғолон Пруссияга қарши қаратилган бўлса, Чехия, Шимолий Италия, айниқса, Венгриядаги қўзғолон ва миллий-озодлик ҳаракатлари Австрия империясининг миллий, ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий зулми ҳамда зўравонликларига қарши қаратилган эди. Шу жиҳатдан 1848–1849 йиллардаги инқилоб ана шу миллий зулм ғояларини олиб ташлашда дадил қадам бўлди.

Тўртинчидан, бу жараёнларнинг аҳамияти яна шундан иборатки, улар демократик эркинликлар: умумий демократик сайловлар ўтказиш йўли билан парламент ва давлатнинг бошқарув органларини сайлаш, виждон ва эътиқод эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги, фуқаролик жамиятига асосланган давлат барпо этиш, миллий мустақиллик ва бошқа бир қанча муаммоларни кун тартибига қўйди. Уларнинг баъзилари ижобий ҳал этилди.

Бешинчидан, 1848–1849 йиллардаги Европада бўлган инқилоблар ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятга эга эди. Масалан, Франциядаги инқилоб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлса, Италия ва Германияда ижтимоий масалалар билан бир қаторда, энг аввало, миллий муаммоларни ҳал қилишни тақозо этар эди. Бу мамлакатлар сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлиб, улар бир неча кичик давлатлар ҳамда ўзга давлатларга қарам ўлкалардан иборат эдилар. Инқилоб олдида кўндаланг турган асосий вазифа ана шу сиёсий жиҳатдан тарқоқ бўлган мамлакатларни яхлит миллий мустақил давлат атрофида бирлаштиришдан иборат эди. Ўз навбатида, Австрия империясига тобе бўлган бир қанча халқлар ўз олдиларига мустақил давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Ва ниҳоят, олтинчидан, 1848–1849 йиллардаги ғалаёнлар узил-кесил ғалаба қилган бўлмаса-да, бироқ улар қитъада капитализмнинг жадал

ривожланиши, ислохотлар ўтказилиши ва янги сиёсий тизимларнинг вужудга келиши учун зарур имкониятларни яратди. Пруссияда, Австрия империяси ва Пьемонтда конституциялар жорий этилди. Деҳқонларнинг помещикларга қарамлиги анча сусайди.

6. XIX асрнинг 50–60 йилларидаги халқаро муносабатлар.

Режа:

- 1. 1853–1856 йиллардаги Крим уруши ва унинг оқибатлари.***
- 2. Буюк давлатлар ҳамда Германия ва Италиянинг бирлашиши.***
- 3. 1861–1865 йилларда АҚШдаги фуқаролар уруши. Англия, Франция ҳамда Россия ўртасида кучлар мутаносиблиги.***

1. 1853–1856 йиллардаги Крим уруши ва унинг оқибатлари.

1840 йилларнинг охиридан бошлаб, Усманийлар империяси билан боғлиқ бўлган “Шарқ муаммоси” янги босқичга кўтарилди. Бу вазият Россиянинг 1849 йилда Австрия императори Франц Iнинг илтимосига биноан, рус подшоси Николай Iнинг фармонида мувофиқ 200 000 кишилиқ рус армияси Венгрияда юз берган миллий-озодлик ҳаракатининг фельдмаршал Паскевич қўмондонлигида бостирилганидан сўнг яққол намоён бўлди. Бироқ халқаро микёсда Франция, Австрия ва Пруссияда 1848–1849 йилларда юз берган инқилоблар сабабли уларнинг мавқеи анча сусайди. Бундан фойдаланган Россия Усманийлар империясини парчалаш ва заифлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Аммо 1840–1841 йиллардаги Лондон конвенциясига мувофиқ, Европа буюк давлатлари Усманийлар империяси ҳудудининг бутунлигига кафолат берган эдилар. Рус подшоси Николай I ана шу конвенция қарорларини кўриб чиқиш ва ўзгартиришни талаб қила бошлади, чунки Россиянинг Ғарбда нуфузи ошиб бораётган эди. Бу муаммони ечиш учун баҳона ҳам топилди. Николай I баҳона сифатида католиклар билан православ черковлари ўртасидаги можаро, яъни: муқаддас жойлар кимга тегишли бўлиши керак – католикларгами ёки православларгами, деган масала ҳамisha манфаатдор доираларнинг диққат марказида бўлиб келган. Салиб юришлари давридан бошлаб “Муқаддас жойлар” Рим папаси ва Константинополнинг православлар патриархи назоратида бўлган.

XVI асрдан бошлаб “Муқаддас жойлар” Қуддусдаги католик руҳонийларининг назорати остида бўлган, аммо XVIII асрдан бошлаб бу жойларнинг назорати православ руҳонийлари ихтиёрига ўтган, чунки эндиликда россиялик православларнинг қўли баланд келган.

Ана шу масала юзасидан Николай I Россияси билан Наполеон III Францияси ўртасида дипломатик можаролар бошланиб кетди. Туркия султонлиги эса, Россия ва Франция орасида оғир аҳволга тушиб қолган,

чунки бу “мукаддас жойлар” Усмонийлар империяси худудида жойлашган эди.

Николай I Туркияни 1774 йилда тузилган Кучук Кайнаржи битими моддаларини бузишда айблади ва 1853 йил январь ойида ўз миссиясини ҳарбий фрегат ёрдамида Стамбулча жўнатди. Миссия ўз ультиматумини турк султонлигига билдириши зарур эди. Инглизларнинг сиқувига кўра Туркия Россия подшолиги ультиматумига рад жавобини берди.

1853 йил октябрь ойида Россия Туркияга қарши уруш эълон қилди. Рус адмирали Нахимов бошчилигидаги рус эскадраси турк флотини бутунлай мажаклаб ташлади. 1854 йил январь ойидаги Англия, Франция ва Туркия ўртасидаги келишувга кўра, бу учала давлат биргаликда Россияга қарши уруш ҳаракатларини олиб бордилар. Натижада рус чоризми қажатқич зарбага учради ва ўзининг енгилганлигини тан олди.

1856 йил 25 февралда Парижда Қрим уруши қатнашчиларининг конгресси очилди. Париж шартномаси 1856 йил 30 март куни имзоланди. Мазкур шартномага кўра, Қора денгизда Россия ўз ҳарбий денгиз флотини сақлаши тақиқланган эди. Аммо Париж сулҳ конгрессининг аҳамияти анча кенг маъно касб этди. У, биринчидан, Европа “Вена система”сига катта зарба берган бўлса, иккинчидан, Россиянинг Европадаги ҳукмронлиги мавқеига чек қўйди. Россиянинг Қрим урушида енгилганлиги ҳамда Париж сулҳ конгресси Европада янги кучларнинг мутаносиблигини юзага келтирди. Қрим уруши Россиянинг халқаро нуфузини сусайтириб юборди. Қрим уруши натижасида Австрия ва Пруссия ўртасидаги иттифоққа ҳам чек қўйилди. Эндиликда, Наполеон III Франция ҳудудларини Шарқда Бельгия, Люксембург, Жанубда Ницца ва Савойя ҳисобига кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шу билан бир қаторда, бу уруш натижасида собиқ иттифоқчилар бўлмиш Англия ва Франция давлатлари ўртасидаги зиддиятлар янада кескинлашди, чунки дунёни тақсимлаб олиш масаласи ҳали ниҳоясига етмаган эди. Ҳар бир давлат ўз мустамлакаларини кенгайтириш имконига эга эди.

Қрим урушидан сўнг Пруссия ва Сардиния қироллигининг халқаро муносабатлардаги мавқеи анча ошди.

2. Буюк давлатлар ҳамда Германия ва Италиянинг бирлашишлари.

Пруссия ва Сардиния қиролликлари, дарҳақиқат, Германия ҳамда Италияни бирлаштиришда асосий марказлар ролини ўйнадилар. Германиянинг Пруссия атрофида бирлашиши, Италиянинг Сардиния қироллиги атрофида бирлашиши Австрия империясига ниҳоятда кучли зарба эди. Ҳар икки миллий давлатнинг шаклланиш жараёни маълум маънода Австрия империясининг ҳисобидан кечмоқда эди. Австрия Пруссия билан бўлган курашда ўз мавқеини йўқота бошлади. Вена

системасининг барбод бўлиб бориши ҳам, ўз навбатида, Германия ҳамда Италия мамлакатларининг бирлашиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳар иккала мамлакатнинг бирлашиши ҳукмрон доиралар томонидан уларнинг инқилобий йўл орқали эмас, балки юқоридаги ислохотлар асосида бирлашишлари халқаро муносабатларда бир неча буюк давлатларнинг ўзаро тортишувларига сабаб бўлган. Бу ҳоҳ давлатлараро дипломатия бўлсин, ҳоҳ сиёсий тортишувлар бўлсин, шаксиз, ўз аксини топган.

Маълумки, Сардиния қироллиги ҳам Қрим урушида Англия ва Франция тарафида туриб урушга катнашган эди. Шу сабабли, Париж сулҳ конгрессида Сардиния қироллигининг бош вазири Камилло Бензо Кавур, Парма ва Модена герцогликларини Сардиния қироллигига беришни талаб қилиб чиқди. Аммо Англия ва Франция давлатлари Париж сулҳ конгрессида бу масалани кун тартибига қўйишга ҳали эрта деб ҳисобладилар. Шундан сўнг Камилло Бензо Кавур ўз умид кўзларини Францияга тика бошлади. Дарҳақиқат, халқаро аҳволдаги вазият Франция кўмагида Италияни бирлаштиришни тақозо этмоқда эди. Энди Россия илгаригидай бу жараёнларга тўсқинлик қила олмас эди. Пруссия ҳам, ўз навбатида, Германияни бирлаштиришда ўз вариантини, яъни юқоридан туриб бирлаштиришни ишлаб чиққан эди. Шундай қилиб, 1850 йилларнинг охиридан бошлаб, Франция ва Сардиния қироллиги Австриянинг Европадаги мавқеини сусайтиришга бел боғладилар. 1858 йил июль ойида Наполеон III билан К.Б. Кавурнинг яширинча учрашувлари амалга оширилди. Бу келишувга кўра Австрия империяси таркибига кирувчи Ломбардия, Венеция ҳамда Тирол Сардиния қироллигига, аҳолиси французлардан иборат бўлган Савойя ва Ницца Францияга топширилиши керак эди. 1859 йил 19 январда Франция ва Сардиния қироллиги ўрталарида махфий битим имзоланди. Бу иттифок Австрия империясига қарши қаратилган эди. 1859 йил апрелида Австрияга қарши уруш ҳаракатлари бошланиб кетди. Бироқ Франция императори Наполеон III Италиянинг тез орада бирлашувини истамас эди. Шу сабабли, 1859 йил 8 июлда Наполеон III Австрия билан урушни тезда тўхтатиб, Австрия императори Франц I билан сулҳ битимини тузди. Ҳатто, императорлар бир-бирлари билан махфий тарзда учрашдилар ҳам. Бу сулҳ эвазига Австрия Ломбардияни Францияга топширди, Франция Ломбардияни Сардиния қироллигига “ҳадя” қилди ва эвазига Сардиния қироллиги Савойя ва Ниццани Францияга қўшиб берди. Аммо К.Б. Кавур Наполеон III дан бундай хоинликни кутмаган эди. Шу сабабли, Сардиния қироллиги бош вазири К.Б. Кавур “Ўзинг учун бўл етим, ўзинг учун ўл етим” қабилида иш тутди. Тажриба шуни кўрсатдики, Наполеон IIIнинг II Империясисиз ҳам Италия бирлашиши мумкин. Бутун Италия ҳудудида миллий-озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди. 1860 йил Франция ва Сардиния қироллиги ҳукуматлари ўртасидаги келишувга кўра, Марказий

Италия ва Ломбардия Сардиния киролигига қўшилди ва, ўз навбатида, Савойя ва Ниццада плебисцит ўтказилиб, улар Францияга қўшилишди.

Пруссия Австрияни мағлубиятга учратиш учун янги ташкил этилган Италиянинг кироли Виктор Эммануил II билан 1866 йил апрель ойида ҳарбий иттифоқ тузди. 1866 йил июль ойида Пруссия Австрияни мағлубиятга учратгач, Бисмарк Венеция вилоятини Италия киролигига топширди. Энди кун тартибига Италияни узил-кесил бирлаштириш учун Рим муаммоси турар эди. Папа вилояти Римда жойлашган бўлиб, унинг Италияга қўшилишига Пий IX тиш-тирноғи билан қарши эди. Папа Пий IXнинг пушти-паноҳлари барча католик давлатлар: Австрия, Испания, Бельгия ва, айниқса, Франция ҳисобланар эдилар. Франция 1849 йилдан буён Римда ҳарбий гарнизон сақлаб, папани ҳимоя қилиб келар эди. 1860 йилдан 1870 йилга қадар 10 йил давомида халқаро муносабатлар кун тартибида Римнинг Италияга қўшилиш муаммоси турар эди. Наполеон III нинг Пруссия билан бўлган жангида Франция енгилгач, Италия Римни ўзига қўшиб олишга муваффақ бўлди, чунки Францияда республика тизими ўрнатилгач, ҳарбий француз гарнизони Римдан олиб чиқиб кетилди ва 1870 йил 20 сентябрда Италиянинг доимий армияси Римни эгаллади. Шундай қилиб, Рим Италияга қўшилгач, Италиянинг бирлашиши ўз ниҳоясига етди.

Италиянинг бирлашиш жараёни Германиянинг бирлашуви билан деярли бир вақтда содир бўлди.

Агар Италия Сардиния киролиги раҳнамолигида бирлаштирилган бўлса, Германия мамлакати кучли Пруссия атрофида бирлаштирилди.

1860 йиллар давомида халқаро вазият Германиянинг Пруссия атрофида бирлашиши учун кенг имкониятлар яратди.

Ғайратли ва шижоатли, XIX асрнинг энг буюк давлат арбобларидан бири Отто фон Бисмарк Германияни Пруссия атрофида бирлаштириш ғоясини ёқлаб чиқди. У 1862 йил Пруссиянинг бош канцлери лавозимини эгаллади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас 1863 йилда Польша ерларида кўзғолон кўтарилди. Англия ва Франция полякларни ёқлаб чиқсалар-да, аммо Бисмаркнинг ташаббуси билан Пруссия ва Россия ўртасида махфий ҳарбий конвенция ишлаб чиқилди. У полякларга қарши қаратилган эди. Икки давлат биргаликда полякларнинг кўзғолонларини раҳмсизларча бостирдилар. Пруссия ва Россиянинг яқинлашуви ҳамда Пруссиянинг Австрияга қарши урушида Россиянинг бетарафлиги Пруссия учун зарур эди. Ҳатто, Пруссиянинг Австрияга қарши олиб бораётган урушларида Франция ҳам Пруссияни қўллаб-қувватлади. 1866 йил июль ойида Пруссия ва Австрия ўртасидаги урушда Австрия қақшатқич зарбага учради. 1866 йил 24 августда Прагада бўлиб ўтган Австрия ва Пруссия ўртасидаги битимдан сўнг Германияда бутунлай бошқа вазият вужудга келди. Вена конгрессида ташкил этилган ва 1859 йил Олмоуц учрашувида тасдиқланган Австрия бошчилигидаги Германия иттифоқи тарқатиб

юборилди. Унинг ўрнига Пруссия атрофида бирлашган князликлар ва эркин немис шаҳарларидан иборат бўлган **Шимолий Германия иттифоқи вужудга келди**. Бу Иттифокқа кирмаган жанубий немис давлатларидан Бавария, Вюртемберг, Баден ва бошқалар қолган эдилар.

1860 йилларнинг 2-ярмида ҳам Италия, ҳам Германиянинг бирлашишларига бўлган асосий тўсиқ – бу Франциядаги II империя тизими ҳисобланар эди. Энг муҳими, Франция ва Пруссия ўртасидаги қарама-қаршилик 1860 йилларнинг сўнгида ниҳоятда кескинлашди. Наполеон III нинг Италия ва Германиянинг бирлашишига қарши олиб борган сиёсати ҳам яхши натижа бермади. Франция тобора яккаланиб қола бошлади. Айниқса, бу яққалик 1870 йил июль ойида бошланиб кетган Франция – Пруссия урушида яққол намоён бўлди. Европанинг бирон-бир етакчи давлати бу урушда Пруссияга қарши Францияни қўллаб-қувватламади. Барча Европа давлатлари бу уруш давомида Бетараф давлатлар иттифоқига бирлашдиларки, уларнинг ташаббускорлари Россия ва Италия давлатларидан иборат эди.

3. 1861–1865 йилларда АҚШдаги фуқаролар уруши. Англия, Франция ҳамда Россия ўртасидаги кучлар мутаносиблиги.

1860 йиллар давомида жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори ғарбий ярим шарнинг шимолига қаратилган эди. Чунки у ерда, аниқроғи, АҚШда фуқаролар уруши кетаётган эди. Бу воқеа ҳам АҚШ – Англия ўртасидаги савдо-саноат масалаларидаги қарама-қаршиликдан иборат эди. 1861 йилда АҚШ ўз савдо-денгиз флотига юк ташиш ва унинг миқдори бўйича Англияни қувиб етаётган эди. Ҳатто, АҚШ ўз кемаларида юкларни ташиш миқдори бўйича Англиядан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди.

АҚШдаги фуқаролар уруши Испания ва Франция каби давлатларни ҳаракатга келтирди, чунки улар вазиятдан фойдаланиб, Шимолий Америкада ўз мавқеларини тиклашга уринаётган эдилар.

Европа давлатлари Америка қитъаси ишларига фаол аралашуш учун Мексикага нисбатан интервенция ташкил этдилар, чунки Мексикада 1854–1860 йиллар давомида инқилобий ҳаракат юз берган эди. Мексика давлати Европа давлатларидан қарздор эди. Ана шу баҳона асосида 1861 йил октябрь ойида Англия, Франция ва Испания Лондонда конвенция қабул қилишди. Бу шартномага мувофиқ, ҳар учала давлат Мексиканинг Атлантика океани қирғоғидаги ерларини ишғол этишлари керак эди. Бу демарш Мексикадан қарзни ундириш кафолати бўлиши керак эди.

1861 йил декабрь ойида Мексика ҳудудига Испания аскарлари, сўнг 1862 йил январь ойида Англия ва Франция қўшинлари келтирилди. Бироқ озгина вақт ўтгач, босқинчилар ўртасида нифок пайдо бўлди. Наполеон III Лотин Америкасида Лотин империясини ташкил этиш учун Мексикани ўзининг ҳарбий қароргоҳига айлантиришга қаттиқ ҳаракат қилди. Испания ва Англия давлатлари эса Франциянинг Лотин Америкасида етакчи

давлатга айланишини истамас эдилар. Шу сабабли, 1862 йил февраль ойида Англия ва Испания давлатлари Мексика инқилобий ҳукуматининг бошлиғи Хуарес билан битим имзолаб, қарзларни тўлашни кечиктиришга рози бўлдилар ва 1862 йил март ойида ўз қўшинларини Мексикадан олиб чиқиб кетдилар. Аммо Наполеон III Хуарес ҳокимиятига қарши урушни давом эттиришга қарор қилди. Франциянинг Мексикага қарши босқинчилик уруши то 1867 йилгача давом этди ва у француз қўшинларининг Мексикани шармандаларча ташлаб чиқиши билан якун топди.

1862 йилда Англия ва Франция АҚШда фуқаролар уруши кетаётган бир даврда унинг ички ишларига аралашини режалаштирдилар.

Шимолий штатлар билан жанубий штатлар ўртасида кетаётган жангда Англия ўз бетарафлиги тўғрисида баёнот берган бўлса-да, амалда у жанубий штатларни қўллаб-қувватлаётган эди, ҳатто, жанубий штатлар томонида туриб урушга киришни мўлжаллаётган эди. Англия бош вазири Пальмерстон бу ишни Англия, Россия ва Франция давлатлари билан биргаликда амалга оширмоқчи эди. Дарҳақиқат, Франция бу ишга тезда розилик билдирди. Бироқ Россия Қрим урушида (1853–1856) енгилган бўлиб, Англия ва Франциядан ўч олиш мақсадида АҚШдаги фуқаролар урушида Шимолий штатларни қўллаб-қувватлади. АҚШдаги фуқаролар урушига нисбатан Россия ўзининг ҳарбийлашган бетарафлигини эълон қилди. Ҳатто, 1853–1856 йилларда бўлиб ўтган Қрим урушида ҳам АҚШ Россияга нисбатан дўстона муносабатда бўлиб, Россия маъмуриятини Англия ва Франциянинг Туркия томонида туриб урушга тайёргарлик кўраётганлиги тўғрисидаги маълумотларни етказиб турди. Полякларнинг 1863 йилдаги кўзғолонларига нисбатан ҳам Англия ва Франция Россияга нисбатан қарама-қарши позицияда турган эдилар.

1. 1848–1849 йиллардаги инқилобий ҳаракатлар ва уларни бостиришга фаол қатнашган рус чоризмининг халқаро муносабатлардаги роли анча ошди. Бироқ рус чоризми бу билан кифояланмасдан, Англия ва Франция билан тўқнашишга ошиқди. Бундай баҳона ҳам топила қолди, яъни: Яқин Шарқдаги “Муқаддас жойлар”нинг калити қайси мазҳабдаги давлатга тегишли бўлиши керак? Англия билан Франциягами ёки Чор Россиясигами?

2. Қрим уруши ва бу урушда рус чоризмининг мағлубияти туфайли халқаро микёсда унинг обрўси тушиб кетди. Бу мағлубиятдан кейин рус чоризми Қора денгизда ўз мавқеини йўқотди ва, ҳатто, крепостной ҳуқуқини Россияда бекор қилишга мажбур бўлди. Бинобарин, ана шу сабабларга кўра ҳам, Россиянинг жуғрофий-сиёсий мавқеига катта зарба берилган эди.

3. 1850–1860 йиллар давомида халқаро муносабатлардаги энг муҳим воқеа — бу Германия ва Италия давлатларининг миллий давлатлар сифатида бирлашишидан иборат эди. Улар ўртасидаги маълум

тафовутларга қарамасдан, бу ходисада умумий бир муштараклик мавжуд. Агар Италия Пьемонт қироллиги атрофида бирлашган бўлса, Германия Пруссия атрофида бирлашди.

Италиянинг бирлашувида уч тарихий шахс бир-бирларига умуман ўхшамасалар-да, катта роль ўйнадилар. Булар – Сардиния қироллиги бош вазири Камилло Бензо Кавур, буюк мутафаккир Жузеппе Мадзини ва ҳарбий ватанпарвар Жузеппе Гарибальди.

Германиянинг бирлашувида эса Пруссиянинг бош канцлери, бранденбурглик юнкер, XIX асрнинг буюк тарихий шахсларидан бири, етук истеъдодли сиёсатчи, “темир канцлер” Отто фон Бисмарк хал қилувчи роль ўйнади.

4. XIX асрнинг 60 йилларида халқаро муносабатларда АҚШдаги фуқаролар уруши муҳим аҳамият касб этди. Бу уруш илғор саноатлашадиган шимолий штатларнинг колоқ-қулдорликка асосланган жанубий штатлари устидан ғалабасини таъминлади. 1861–1865 йилларда юз берган фуқаролар уруши натижасида Чор Россиясининг АҚШ пахтасига бўлган эҳтиёжи унинг Туркистон ҳудудларини тезда босиб олишига олиб келди, чунки Туркистон фақат пахтагина эмас, балки бошқа кўпгина бойликларга ҳам эга бўлган қадимий ўлка эди.

Мозийдан яхши маълумки, 1853–1856 йиллардаги Қрим урушида рус чоризми, охир-оқибат, мағлубиятга учради. Европа жандармига айланган рус чоризмига қарши Англия, Франция, Пруссия ҳамда Италиянинг Пьемонт қироллиги Усманий туркларга ёрдам қўлларини чўздилар. Ўрта Осиё давлатлари ҳам дипломатик нуктаи назардан ва амалда Туркияни қўллаб-қувватладилар.

Николай I вафотидан сўнг тахтга ўтирган Александр II (1855–1881 йй.) Қрим уруши тугалланиши билан ўзининг ислохотчилик фаолиятини бошлаб юборди ва 1861 йилда Чор Россиясида крепостной ҳуқуқи бекор қилинди. АҚШда 1861 йилда бошланиб кетган фуқаролик уруши туфайли рус саноати учун Америкадан келаётган пахтани тўхтатиб қўйди, Россиянинг пахта хомашёсига бўлган эҳтиёжи ортиб борди ва, шу сабабли, Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олишга жон-жаҳди билан тайёргарлик кўра бошлади. Германия ва Италия ҳудудларида ички урушлар мавжуд бўлиб, улар миллий давлатларга бирлашиш жараёнларини ўз бошларидан кечирмокда эдилар. Франциянинг II империяси эса Лотин Америкаси мамлакатларини ўз таъсир доирасига олиш учун урушлар олиб бораётган эди.

Англия 1858–1859 йилларда Ҳиндистон аҳолисинг миллий-озодлик урушини бостирган бўлса-да, инглиз-афғон можаролари билан банд эди.

Ана шундай халқаро вазиятда Россия империясининг кенг босқинчилик фаолиятини Туркистонда давом эттириш учун қулай шароит вужудга келди. 1863 йилдаги Польша, Литва, Белоруссия ва Украинадаги кўзғолонлар Рус чоризми томонидан аёвсиз бостирилди. 1864 йилда

Чеченистон рус кўшинлари томонидан забт этилди. Узоқ йиллар чечен халқининг рус мустамлакачиларига қарши курашига раҳбарлик қилган имом Шомил ҳам таслим бўлди. Шундай қилиб, 1864–1865 йилларда Туркистоннинг юраги бўлган Тошкент руслар томонидан забт этилди ва Туркистоннинг бошқа ҳудудлари бирин-кетин босиб олинди. “Бу ҳақда гапирганда, – деб айтган эди И. Каримов, – XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёнинг забт этилишига қаратилган ҳаракатларнинг дастлабки зарбасига айнан Тошкент дуч келгани ва шаҳар аҳли ўз юртини ҳимоя қилишга бутун куч-қувватини сафарбар қилгани тарих саҳифаларида муҳрланиб қолганини эслаш жоиз”¹⁴.

Савол ва топшириқлар

1. Шимолий Америкадаги мустақиллик курашлари қандай оқибатларга олиб келди?

1. АҚШнинг ташкил топиш жараёнини сўзлаб беринг.

2. Англиядаги саноат тўнтариши нималарга олиб келди?

3. Буюк француз инқилобининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

2. Наполеон шахси ва унинг халқаро муносабатлардаги ўрни ҳақида нималар дея оласиз?

4. Вена конгресси қарорларининг моҳиятини тушунтириб беринг.

5. 1815–1847 йилларда халқаро вазият қайси жиҳатлари билан характерланади?

6. Лотин Америкаси мамлакатларининг мустақилликка эришиши ҳақида маълумот беринг.

7. Францияда II Республика ва унга асос солиниши ҳақида гапиринг.

8. Францияда Муваққат ҳукумат нималар билан шуғулланди?

9. XIX аср ўрталарида халқаро сиёсий вазият қай аҳволда эди?

10. Нега Чор Россияси Туркистон ўлкасини 1860 йилларнинг иккинчи ярмида босиб олишга киришди?

¹⁴ Халқ сўзи, 2009 йил 2 сентябрь.

III БОБ. XIX АСРНИНГ 60 ЙИЛЛАРИДАН ТО БИРИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ТУГАГУНГА ҚАДАР БЎЛГАН ДАВРДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

1. Бисмарк дипломатияси ва унинг халқаро муносабатлардаги роли.

Режа:

1. XIX аср ўрталарида Германияни бирлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар.

2. Германия бирлашувидан сўнг Европада кучлар мувозанатининг ўзгариши.

1. XIX аср ўрталарида Германияни бирлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар.

Бисмарк ҳокимият тепасига келганида нима ишлар қилишини аниқ режалаштириб олган эди. Ана шу режани амалга ошириш учун жуда қатъиятлилиқ билан иш кўрди ва режани оғишмай ижро этишга киришди. Қисқа вақт ичида улкан муваффақиятларга эришди. У Пруссия ёрдамида Германияни бирлаштириш ва Германиянинг Европадаги ҳукмронлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Ўша пайтда Европа қитъасида Наполеон III императорлигидаги Франция энг қудратли мамлакат ҳисобланар эди. Австрия ҳам Пруссиянинг кучли рақиб бўлиб, немис давлатлари ичида етакчи ўринлардан бирида турарди. Бисмаркнинг дипломатик ўйинининг асосий моҳияти ҳар икки рақибни ишга солган ҳолда, уларни чарчатиб асосий ўйиндан чиқариш эди. Германияда қайси давлат етакчи бўлиши керак: Пруссиями ёки Австрия? Бисмарк ана шу муаммони ҳал қилишга киришди. Унинг фикрича, муаммо Пруссия фойдасига ҳал қилиниши керак, Австрия эса – Германияда етакчилиқ қилиш эмас, балки иккинчи даражали ролни ўйнаши жоиз. Ундан сўнг Бисмарк ўз олдига Францияни Европада иккинчи даражали давлатга айлантириш вазифасини қўйди.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Бисмарк ўз ҳарбий машинасини мустаҳкамлади. Бу пайтда Бисмаркнинг қистови билан Наполеон III армияси Австрияга ҳужум қилди ва уни мағлубиятга учратди. Ўз навбатида, Австриянинг мағлубиятга учраши Жузеппе Гарибальди кучларини Жанубий Италиянинг озод бўлиши ва бирлашувига олиб келди. Рус Польшасида поляклар кўзғолон кўтарганларида Бисмарк рус чоризмига ёрдам беришини айтди. Кейинчалик, Бисмарк Австрия билан иттифок тузиб, Данияни мағлубиятга учратди ва ундан Шлезвиг ҳамда Гольштейн мавзеларини тортиб олди. Кўп ўтмай Бисмарк Франция ва Италия кучларига таяниб, Австрия билан урушга тайёргарлик кўра бошлади. 1866 йилнинг июль ойи бошларида қисқа вақт ичида Бисмарк Австрияни тор-мор қилиб, Германия иттифоқининг канцлерига айланди.

1866 йилнинг июлида бир неча соат ичида Бисмарк ўз ёрдамчиларига янги конституция матнини ёздирди. Бу Шимолий Германия Конституцияси эди. Мазкур Конституция кичик тузатишлар билан 50 йил давомида амал қилди ва 1918 йилда Германия Республика деб эълон қилинган, 1919 йилдаги Веймар конституцияси билан алмаштирилди.

Бисмарк ўз олдида қўйган яна бир вазифа – Францияни енгиш ва унинг Европадаги нуфузини пасайтиришдан иборат эди. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида Бисмарк немис давлатлари ҳамкорлигига таяниб урушга пухта тайёргарлик кўрди. Бундан ташқари, у Европа давлатларининг Пруссияга нисбатан мойиллиги ва бетарафлигини таъминлашга муваффақ бўлди. Ҳатто, яқиндагина Пруссиядан енгилган Австрияга нисбатан ҳам Бисмарк илиқ муносабатлар ўрнатди. Англия ҳам Наполеон III нинг гегемонлик сиёсати ва манманлигига қарши бўлганлиги боис, Пруссиянинг Францияга қарши урушида унинг тарафида бўлди. Боз устига, Пруссия урушга тўла тайёр бўлган, Бисмарк кутган воқеа юз берди: Франция империяси Пруссияга қарши уруш эълон қилди. Натижада, жамоатчилик наздида Франция империяси босқинчи давлат сифатида, “айбсиз” Пруссия эса – унинг қурбони сифатида гавдаланди. Наполеон III оғиз кўпиртириб, тезда Пруссияни мағлубиятга учратиб, Берлинга ғолибона кириб боришини эълон қилди. Бироқ амалда бунинг бутунлай тескарисини бўлиб чиқди. Бисмаркнинг яхши тайёргарлик кўрган армияси Франциянинг шимоли-шарқида жонбозлик кўрсатиб, француз армиясини сиқиб чиқарди. Бир неча ҳафтадан сўнг, 1870 йил 3 сентябрда Наполеон III ўз армияси билан Седанда мағлубиятга учраб, асирга олинди.

Шундай қилиб, Франциядаги Наполеон III бошчилигидаги II империя шармандаларча барҳам топди. 1870 йил 4 сентябрда Франция Республика деб эълон қилинди. Парижда “Миллий мудофаа” ҳукумати вужудга келди. Ушбу ҳукумат Бисмаркка тинчлик битими таклиф қилган бўлса-да, Бисмарк Франция олдида французларни шунчалик таҳқирловчи шартлар қўйган эдики, “миллий мудофаа” ҳукумати мазкур шартларга кўнгандан кўра урушни давом эттиришни афзал кўрди. Парижнинг қамал қилиниши узоқ вақт давом этди. Париж атрофидаги мавзелар, жумладан, Версаль немислар қўлига ўтган эди. Охир-оқибат, Франция Республикаси ўз мағлубиятини тан олди ва Бисмаркнинг шартларига рози бўлди. Франция Германияга жуда катта тўлов тўлаши ва иккита катта ҳудуд – Эльзас ва Лотарингияни Германияга топшириши керак эди. Эльзас ва Лотарингия Людовик XIV давридан бери, яъни 200 йил давомида Франция таркибида бўлиб келган эди.

Айнан Версаль саройи немислар қўлига ўтган пайтда Германия империяси вужудга келди. Агар Иккинчи империя 1870 йил сентябрь ойида барҳам топган бўлса, 1871 йил январь ойида Версалнинг Людовик XIV номли залида Германиянинг бирлашганлиги эълон қилинди. Барча немис монархлари ва намояндалари Пруссия қиролини ўзларининг

императорлари ёки кайзерлари деб эълон қилдилар. Пруссия қиролигининг Гогенцоллернлар сулоласи – императорлик сулоласи деб, Германия эса – дунёнинг буюк давлатларидан бири деб эълон қилинди

Версалда немислар шод-хуррамлик билан Германиянинг бирлашувини нишонлаётган бир пайтда, Парижда французлар орасида мотам ва тушкунлик кайфияти ҳукм сурмоқда эди. Французлар жуда катта қийинчиликни бошдан кечирмоқда эдилар: ҳукмдорларнинг тез-тез алмашиб туриши, очлик, 1870–1871 йиллардаги қаҳратон қиш, тинимсиз урушлар аҳолининг тинка-мадорини қуритган эди. Республика эълон қилинган бўлса-да, Франция монархистлари душман билан тил бириктириб, француз халқини, унинг ватанпарвар кучларини қатағон қилмоқда эдилар. Француз миллий гвардияси республикачилардан иборат бўлгани боис мажбурий равишда қуролсизлантирилди. Бунга қарши демократик ва инқилобий кучлар қўзғолон кўтариб, Париж коммунасини ташкил этдилар. Париж коммунаси муниципал ҳукуматдан иборат бўлиб, атиги 72 кун давомида Париж шаҳрини бошқарди, холос.

1871 йилдан сўнг Францияда узил-кесил республика тизими жорий этилди ва бошқарувда президентлик институти қайта тикланди.

Бу даврда яна бир оламшумул халқаро воқеа юз берган бўлиб, бу Италиянинг бирлашуви эди. Франция–Пруссия урушидан сўнг Австро-Венгрия Германия империяси билан тобора яқинлашиб борди.

2. Германия бирлашувидан сўнг Европада кучлар мувозанатининг ўзгариши.

Германия бирлашгандан сўнг унинг тобора юксалиб борган иқтисодий қудрати, унинг тез суръатлар билан ривожланиши ҳамда янги мустамлакалар учун олиб борган экспанцияси Англия–Германия муносабатларини кескинлаштириб юборди. Дунё бозорларида ҳукмронлик қилаётган Буюк Британия ўз мустамлакаларига Германиянинг суқилиб кириши ва унинг ўлжаларини бўлиб олишини сира истамас эди.

Шундай қилиб, 1870–1871 йиллардаги Франция–Пруссия уруши ва Германия империясининг вужудга келиши Европада янги кучлар мутаносиблигини вужудга келтирди ҳамда халқаро муносабатларнинг янада кескинлашувига олиб келди.

Германия империясининг асосчиси, унинг биринчи канцлери Отто фон Бисмарк бу пайтда 55 ёшда бўлиб, машҳурлик чўққисига кўтарилган эди. Немислар буржуазиянинг энг машҳур ва севимли давлат арбобига айланган Бисмаркдан янгидан-янги муваффақиятларни кутмоқда эдилар. Бисмарк яхши билардики, кучли Германия ўзига қарши Европада янги коалицияни вужудга келтириши мумкин ва Франция, табиий равишда, Германияга қарши қаратилган коалицияга биринчи бўлиб аъзо бўлади. Бисмарк, айниқса, Россия ва Франциянинг ўзаро яқинлашмаслиги учун кўз-қулоқ бўлиб туришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу сабабли, Бисмарк вазиятни тўғри баҳолаб,

Германия бошчилигида ҳарбий сиёсий коалиция тузишни режалаштирди. Кўплаб тарихий ҳужжатлар шундан далолат берадики, Бисмарк Германияси, унинг ҳарбий штаби Франция Учинчи республикасига қарши превентив уруш режасини ишлаб чиққан. Эльзас ва Лотарингияни Франциядан тортиб олгач, Бисмарк Германияси нафақат иқтисодий, балки стратегик мақсадни ҳам кўзлаган. Лотарингия водийси Парижга қарши ҳарбий плацдармга айланиши керак эди. Францияга қарши сиёсат маҳсули бўлган уч императорлар иттифоқи ҳам Бисмаркнинг ташаббуси билан вужудга келди. Париж коммунаси бостирилгач, Бисмарк Франция республикасини изоляция, яъни ихота қилиш учун Германия, Россия ва Австро-Венгриядан иборат монархистик давлатлар иттифоқини вужудга келтирди. Монархияга асосланган давлатларнинг ҳамкорлик қилиш ғояси ҳам айнан Бисмарк ташаббуси билан пайдо бўлди. Бу ғоя Париж коммунаси бостирилгач ўртага ташланди. Мазкур ғоянинг асосини:

- ишчиларга қарши биргаликда кураш олиб бориш;
- ҳар учала давлатдаги монархияга асосланган муштараклик;
- ниҳоят, ҳар учала давлатнинг бир-бирига ўзаро яқин жойлашган жуғрофий ҳудудлари ташкил этар эди.

1872 йил сентябрь ойида ҳар учала императорлар Берлинда учрашдилар ва “Муқаддас иттифоқни” янгидан ташкил этишга келишиб олдилар. 1873 йил май ойида Германия ва Россия ўртасида ҳарбий конвенция имзоланди. 1873 йилда Вильгельм I Австрия ва Россия битимига қўшилди. Айнан шу йил уч император иттифоқини тузишда катта аҳамият касб этди. Уч император ўртасидаги мазкур иттифоқ туфайли Франция яқкаланиб қолди. Ўз навбатида, Германиянинг халқаро миқёсдаги роли ошиб борди. Уч император иттифоқи 1887 йилгача давом этди. Бироқ, шундан сўнг, дастлаб Австрия ва Россия ўртасида, сўнгра Россия ва Германия ўртасидаги ўзаро зиддиятлар ниҳоятда кучайиб кетди. Шу сабабли, уч император иттифоқи 1887 йилда ўз фаолиятини тўхтатди.

Россия уч император иттифоқининг аъзоси ҳисобланса-да, бироқ Францияни қўллаб-қувватлашда давом этди, чунки Россия Франциянинг заифлашуvidан манфаатдор эмас эди. Россия канцлери А.М.Горчаков қайта ва қайта бир гапни такрорлар эди: “Европа учун ҳам, Россия учун ҳам, авваламбор, кучли Франция зарур”.

Асрлар давомида халқаро муносабатларда Россия ва Франция яхши ҳамкорликни йўлга қўйиб келдилар. Ўз навбатида, Россия ва Франциянинг умумий чегаралари бўлмаганлиги сабабли, улар ўртасидаги дўстона алоқалар ҳар икки тарафнинг манфаатларига мос келар эди. Англия эса, ўз жуғрофий-сиёсий мавқеига кўра, 1815 йилдан буён “Европада кучлар мутаносиблиги” мавжуд бўлишини истар эди. Шу билан бирга, Англия Европада Германияга ўхшаш давлатнинг гегемон бўлишига бутунлай қарши эди.

1875 йил Германиянинг Францияга уруш хавфини туғдириши муносабати билан лорд Дерби бошчилигидаги инглиз ҳукумати Бисмаркка

“яхши мулозамат” билдирди ва харбий сафарбарлик эълон қилишнинг олди олинди. Бисмарк Францияга қарши янгидан уруш олиб бориш ғоясидан воз кечди.

2. XIX асрнинг 70–90 йилларида халқаро муносабатлар.

Режа:

- 1. XIX асрнинг 70–80 йилларида Европада кучлар нисбати.***
- 2. “Учлар иттифоқи”нинг ташиқил топиши ва уруш таҳдидларининг пайдо бўлиши.***

1. XIX асрнинг 70–80 йилларида Европада кучлар нисбати.

Франция ва Германия ўртасидаги 1875 йилги уруш хавфи билан бир вақтнинг ўзида Яқин Шарқ танглиги вужудга келди. 1875 йилда Туркия ҳукмронлигига қарши Босния ва Герцеговина ҳудудлари аҳолиси кўзғолон кўтаришди, кейин озодлик ҳаракати Сербия, Болгария ва Черногорияда авж олди. Болқон ярим оролидаги ушбу вазият Россия – Австрия, Россия – Англия ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириб юборди. Бу қарама-қаршиликлардан Бисмарк Россия ва Туркия ўртасида урушни келтириб чиқариш йўли билан Францияни яккалаб қўйишни истар эди.

1877–1878 йиллардаги Россия –Туркия ўртасидаги уруш арафасида Чор Россияси Австро-Венгриянинг бетарафлигига эришди, чунки бир қанча ҳудудлар ҳар икки давлат ўртасида тақсимланган эди. 1876 йилги Рейхштадт шартномасига биноан, Россия 1856 йилда қўлдан берган Бессарабиянинг бир қисмини қайтариб олиши керак эди. Россия ва Австро-Венгрия Болқон ярим оролида кучли славян давлатини барпо этмасликка қарор қилишди. Чор Россияси шу йўл билан Австро-Венгрия ва Англиянинг бетарафлигига эришмоқчи бўлди. Рус армиясининг Туркияга қарши муваффақиятли уруши ва рус қўшинларининг Стамбулча бостириб бориши Туркияни 1878 йил 3 мартда Сан-Стефан битимини имзолашга мажбур қилди. Бу битимга кўра Болгария мухторияти ташкил этилди. Сербия, Черногория, Руминия мустақилликни қўлга киритдилар ва ўз ҳудудларини бирмунча кенгайтиришга муваффақ бўлдилар. Жанубий Бессарабия Россияга қайтарилди. Россия эндиликда Карс, Батум, Ардаган ва Боязидга ҳам эгалик қиладиган бўлди. Сан-Стефан битими Болқон ярим оролида Россия позициясини анча кучайтирди. Бунга жавобан, Австро-Венгрия ҳамда Англия чор Россиясига қарши уруш очиш ниятида эканликларини билдирдилар.

1878 йилги Берлин конгресси Сан-Стефан битимини қайтадан кўриб чиқди. Немис дипломатияси бу конгрессда ташаббусни ўз қўлига олишга муваффақ бўлди. Бисмарк бу конгрессда мен “ҳалол даллоллик” қилдим, дейишга қарамасдан, амалда у Австро-Венгрия ва Англияга ён босди. Берлин конгрессида яккаланиб қолган Россия Сан-Стефан битими шартномаларини ҳимоя қила олмади. Берлин конгресси шартномалари 1878

йил 13 июлда имзоланган эди, унга кўра Болгария Болқон тоғ тизмалари асосида иккига бўлинди, Шимолий Болгария Туркияга қарам князликка айлантирилди ва Туркияга хирож тўлаш мажбурияти унга юклатилди. Жанубий Болгария Шарқий Румелия номи билан мухторият сифатида Туркия таркибига қўшилди. Австро-Венгрия бўлса, Босния ва Герцеговинани ўз ҳудудларига қўшиб олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Берлин конгресси қарорлари Черногория, Сербия ва Руминия мустақиллигини эълон қилди, аммо Черногория ҳудуди Сан-Стефан битимига кўрсатилганидан кўра анча қисқартирилган эди. Россияга Карс, Ардаган ва Ботум қолдириладиган бўлди. Англия бу конгрессда турк султони манфаатларини “ҳимоя” қилганлиги учун Кипр оролини ўз тасарруфига олди.

1877–1878 йиллардаги Россия–Туркия уруши ҳар икки тарафдан босқинчилик уруши бўлишига қарамай, Болқон ярим ороли аҳолиси учун ижобий аҳамият касб этди ва бир неча мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Россия ва Туркия уруши ҳамда Берлин конгресси уч император иттифоқининг заифлашиб қолганлигини кўрсатди ва Россия, Германия, Австро-Венгрия давлатлари ўртасидаги муносабатларни совуқлаштирди.

Бисмарк яна вазиятдан усталик билан фойдаланмоқчи бўлди. У 1866 йилдан бошлаб Австриянинг Шарқдаги салоҳиятини немис давлати деб билар ва Яқин Шарқ масалаларида икки немис давлатини авангард деб ҳисоблар эди. Ғарбий Европа масалаларида эса Австро-Венгрия Германиянинг иттифоқчиси сифатида Германиянинг манфаатларига бўйсунishi керак эди. Германия ва Австро-Венгрия империялари ўртасида иттифоқчилик шартномасини ишлаб чиқиш учун Бисмарк Венага ташриф буюрди. У “Мулоҳазалар ва хотиралар” номли китобида ўзининг бу ташрифи тўғрисида тўлқинланиб ёзади. Унинг ёзишича, Венада австрияликлар уни жуда яхши кутиб олишган. Ҳатто, император Франц Иосиф Бисмаркдан хабар олиш учун у яшаган меҳмонхонага ташриф буюрган. Бисмаркнинг ўз китобида таъкидлашича, ўша даврда австрияликлар ва пруссияликлар ўртасидаги дўстлик халқаро муносабатларда шухрат қозонган. Германия ва Австро-Венгрия музокараларида Австро-Венгрия ташқи ишлар вазири Андрашига Бисмарк бу иттифоқ ҳам Россия, ҳам Франция билан бўлган урушларда амал қилиши керак, деб таъкидлади. Андраши бўлса, бу иттифоқ фақат Россияга қарши қаратилган, деди. Германия ва Австро-Венгрия ўртасидаги бу махфий битим ҳар иккала томондан 1879 йил 7 октябрда имзоланди.

2. “Учлар иттифоқи”нинг ташкил топиши ва уруш таҳдидларининг пайдо бўлиши.

Шундай қилиб, Бисмаркнинг жиддий уринишлари натижасида Францияни яқкалаб қўйиш мақсадида “Учлар иттифоқи” тузилди. 1882 йилда Бисмарк Туниснинг Италия томонидан босиб олиншини қўллаб-қувватлади ва шу йўл билан Италияни ўзининг сиёсий иттифоқчилиги

томон етаклади. Италия, бир томондан, Германия билан иттифок тузишни истаса-да, бироқ иккинчи томондан, унинг Австро-Венгрия билан ўзаро зиддиятлари мавжуд эди. Чунки Триест ва Тринтино ҳудудлари Австро-Венгрияга қарар эди. Аммо Бисмарк италияликларга, Берлин билан яқинлашиш Вена орқали амалга оширилади, деб таъкидлади. Германия, Италия ва Австро-Венгрия ўртасидаги 1882 йилги битим 5 йилга мўлжалланган эди, бироқ бу битимнинг амал қилиш муддати бир неча марта узайтирилиб, 1915 йилгача давом этди. Янги тузилган коалиция бир томондан, Францияга, иккинчи томондан – Россияга қарши қаратилган эди.

Шу билан бирга, Бисмарк Россия билан дўстона муносабатда бўлиб, унинг Франция билан яқинлашишига йўл қўймасликка ҳаракат қилди. Шу сабабли, у уч император иттифоқини ҳам эсдан чиқармас эди. Бироқ – 1885–1886 йиллар давомида Россия–Австрия ўртасидаги муносабатлар ниҳоятда кескинлашди. Ўз навбатида Россия томонидан Ўрта Осиёда Марв шаҳрининг босиб олиниши, Россия қўшинларининг Туркменистон ҳудудларига суқилиб кириши ҳамда русларнинг Англия тасарруфида бўлган Афғонистон чегараларига яқинлашиши Россия–Англия муносабатларини ҳам ёмонлаштирди. Ана шундай вазиятда Россия–Германия–Австрия ўртасидаги уч император иттифоқи барҳам топди. Бисмарк Россия ҳукуматиغا Германия билан икки томонлама махфий битим тузишни таклиф қилди. Халқаро вазият Россиянинг шундай битим тузишини тақозо этмоқда эди. 1887 йилда Россия ва Германия ўртасида тузилган битим ўз-ўзини суғурталаш номини олди. Унга биноан, агар Франция Германияга ҳужум қилиб қолгудек бўлса, Россия Германияга нисбатан бетараф бўлиши керак эди, ўз навбатида, Англия Яқин Шарқда Россияга нисбатан душманлик сиёсатини олиб борса, Германия бу ҳудудда Россияни қўллаб-қувватлаши лозим эди. Шу йўл билан Россия Қора денгиз ҳудудидаги ўз чегараларини инглизлар флоти ҳужумидан ҳимоя қилишни кўзда тутган эди.

Франция ва Россия ўртасидаги яқинлашув сиёсий ва стратегик аҳамият касб этмоқда эди. Эльзас ва Лотарингиянинг немис ерларига қўшиб олиниши ҳамда Германия империясининг вужудга келиши халқаро миқёсда Франция мавқеини пасайтириб юборди. Франция ташқи сиёсат масалаларида яққаланиб қолди. Шу сабабли, Франция Россия билан ўзаро иттифок тузишга ҳар томонлама мухтож эди, чунки Германия Францияга истаган пайтда ҳужум қилиши мумкин эди. Франция шундай пайтда Россияга таяниши ва ундан ёрдам олиши мумкин эди. Ҳар иккала давлат ўртасида ўзаро умумий чегаралар ҳам, жиддий қарама-қаршиликлар ҳам йўқ эди. Ҳар иккала давлат учун умумий хавф – бу Германия империяси томонидан бўлган умумий таҳдид эди.

1. Энг муҳими, ҳар икки давлат ўртасидаги иқтисодий омиллар бўлиб, сўнгги пайтларда Германия ва Россия ўртасида ғалла масалаларида

бож ундириш ғавғоси кўндаланг турар эди. Бисмарк рус ғалласини немис бозорига олиб киришга тўсқинлик қилаётган эди. Чор Россиясининг протекционизмга асосланган сиёсати, ўз навбатида, немис буржуазиясига катта зарар келтираётган эди. Шунга жавобан, Германия Россияга қарз – кредит беришни тўхтатиб қўйди, ҳолбуки, Россия кредит олишга жуда муҳтож эди. Шу сабабли, 1887 йилдан бошлаб Россия Франциядан кредит ола бошлади, кейинчалик Франция Россиянинг асосий кредиторига айланди.

2. Франция ва Россиянинг ўзаро яқинлашувида 1887 йилги ҳарбий хавф катта роль ўйнади. Бу пайтда Бисмарк Францияга ҳужум қилишни режалаштирган эди. Англия ва Франция ўртасидаги муштамлақчилик сиёсати шунчалик кескинлашдики, натижада Англия ҳам Бисмаркни Францияга қарши гиж-гижлаётган эди.

1891 йилда Россия ва Франция ўртасида маслаҳатлашув пакти имзоланди. 1892 йилда эса, ҳар икки томон махфий ҳарбий конвенция қабул қилишди. Бу конвенцияни 1893 йилда ҳар икки давлат ҳам ратификация қилишди. Бу битим Францияни ҳам, Россияни ҳам Германия тажовуздан ҳимоя қилишни кўзда тутар эди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг сўнгида Европанинг етакчи давлатлари икки қарама-қарши лагерга бўлинганларида, Англия бу блоклардан холи равишда, “чиройли изоляция” сиёсатини давом эттирди. Бу сиёсатнинг асосчиси ва амалда уни қўлловчи Англиянинг бош вазири, консерваторлар партиясининг раҳбари, лорд Солсбери эди. У ақлли, узоқни кўзлаб иш юритувчи моҳир дипломат эди. Солсбери Бисмаркнинг ҳақиқий муносиб рақиби эди. Лорд Солсбери Бисмарк дипломатияси санъати, унинг замиридаги режаларини олдиндан кўра билувчи зийрак ва ёш давлат арбоби эди. Солсбери Бисмаркнинг Англияни Россия билан уриштириб қўйиш мақсадидан ҳам хабардор эди.

Солсбери Россия ва Францияни Англиянинг асосий рақиблари деб ҳисобласа-да, аммо бу давлатлар билан ҳарбий тўқнашишга йўл қўймаслик лозим, деб ҳисоблар эди. У Россия ва Францияга қарши Учлар иттифоқидан унумли фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Лорд Солсберининг “чиройли изоляция” сиёсати Англиянинг иқтисодий қудрати, унинг “жаҳон устахонаси” ҳамда саноат соҳасидаги устунлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, буларнинг бари Англиянинг денгизлараро ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилар эди. Лорд Солсбери Англия бирон-бир давлат билан узоқ муддатли иттифоқ тузмаслиги керак, деб уқтирар эди. «Англиянинг доимий иттифоқчилари ҳам, доимий душманлари ҳам мавжуд эмас, балки унинг доимий ва устувор манфаатлари мавжуд», деб қайта-қайта такрорлар эди лорд Солсбери.

Англия Британия оролларида жойлашган бўлиб, инглиз дипломатияси Европа қитъаси мамлакатлари ўртасидаги қарама-қаршиликлардан моҳирона фойдаланар эди. Бу ҳақда лорд Солсбери қиролича Викторияга

1888 йилда шундай деб ёзган эди: “Франция ҳамisha Англия учун энг хавфли рақиб бўлиб келган ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолаверади. Аммо бу омил унчалик хавфли эмас, чунки Франция билан уларнинг қўшнилари бўлган Германия ва Италия мавжуд. Франция билан бу икки давлат ўртасида рақобат бор экан, Франциядан чўчимаса ҳам бўлади”.

Шундай қилиб, Англия дипломатияси Франция–Германия ва Россия–Австрия–Германия ўртасидаги зиддиятдан усталик билан фойдаланар ва алоҳида масалалар бўйича бу давлатлар билан айрим битимлар тузар эди. Бироқ инглизлар ўз зиммаларига бирор-бир ҳарбий мажбуриятни олмаган ҳолда, “эркин қўллар” сиёсати асосида иш кўрар эдилар.

3. XIX аср охири – XX аср бошларида халқаро муносабатлар.

Режа:

- 1. Бўлинган дунёни қайтадан тақсимлаш учун курашнинг авж олиши.***
- 2. Антанта иттифоқининг вужудга келиши.***
- 3. Уруш хавфини юзага чиқарган омилларнинг вужудга келиши.***

1. Бўлинган дунёни қайтадан тақсимлаш учун курашнинг авж олиши.

XIX асрнинг сўнгги чораги Англия томонидан янги ва янги мустамлакаларни қўлга киритиш даври ҳисобланади. Франциянинг имкониятлари Англияга нисбатан озроқ бўлишига қарамай, Франция III Республикаси ҳам янги ерларни босиб олиш жабҳасида Англиядан кейин иккинчи ўринда турар эди.

Бисмарк канцлерлик қилган сўнгги йилларда Германия ҳам жаҳон сиёсати майдонида янги мустамлакаларни эгаллаш учун қатъий киришди.

XIX асрнинг 90 йилларида Германия ҳукмрон доиралари Англия, Франция ва бошқа давлатлар қатори ўз мустамлакаларига эга бўлиш учун кенг миқёсли тарғибот ишларини олиб бордилар. Германия билан бир қаторда тез суръатлар билан ривожланиб бораётган яна икки давлат – АҚШ ва Япония ҳам янги мустамлакаларни қўлга киритиш учун тажовузорлик сиёсатини бошлаб юбордилар. Шундай қилиб, XIX асрнинг охирида дунё ҳудудлари Европа давлатлари томонидан тақсимлаб бўлинган эди, бир гуруҳ ёш давлатлар: Германия, АҚШ, Япония, Италия бўлинган дунёни қайтадан тақсимлаш учун уринмокда эдилар.

XIX асрда ашаддий қарама-қаршилик мустамлакалар бўйича Англия ва Франция ўртасида кечаётган эди. Бу икки давлат ўртасидаги Миср учун бўлган кураш 1882 йилга келиб Англия фойдасига ҳал бўлди ва Миср Англия томонидан забт этилди. Сувайш канали, Мальта ва Кипрнинг Англия тасарруфига ўтиши натижасида Ўрта ер денгизининг шарқий қисми Англия учун стратегик аҳамият касб этди ва унинг Яқин Шарқдаги ҳукмронлигини таъминлади.

Англия Мисрни босиб олишидан 1 йил олдин, яъни 1881 йилда Ал-Жазоир билан чегарадош бўлган Тунис Франция томонидан босиб олинди.

Судан учун Англия ва Франция ўртасидаги кураш авж олди. Инглизларнинг Гордон бошчилигидаги экспедицион корпуси 1885 йилда Хартумда араблар томонидан куршаб олинди ва йўқ қилинди. 1896–98 йиллардаги иккинчи инглиз экспедицияси арабларнинг енгилиши ва Суданнинг Англия томонидан босиб олиниши билан ўз ниҳоясига етди. Франциядаги оғир ички аҳвол, «Дрейфус иши» ва Англия денгиз кучларининг Франциядан яққол устунлиги француз ҳукмрон доираларини Англия билан муросаю мадора қилишга мажбур этди. Ҳар иккала томон ўртасидаги 1889 йилги битимга кўра, Франция бутун Нил водийсидан Англия фойдасига воз кечди ва Суданнинг Ғарбий қисмига ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Англия ва Франция атрофидаги чегаралар ойдинлаштирилди.

Англиядан ташқари, Франциянинг мустамлакалар бўйича рақиби Италия ҳисобланар эди. 1895–96 йиллар давомида Италия Ҳабашистонга қарши уруш олиб борди, ҳабашлар ўз мустақилликларини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Италия Ассат кўрфази ва Эритреяни босиб олди. Англия ва Франция ўртасидаги мустамлакалар учун бўлган кураш яна бир ҳудуд – Жануби–Шарқий Осиёда юз бермоқда эди. XIX асрнинг 60 йилларидан бошлаб Франция Тонкин, Аннамни босиб олиб, Узоқ Шарққа кириб боришни мақсад қилиб қўйган эди.

1883–1885 йиллар давомида Аннан, Тонкин, Кохинхан ва Кампучия Ҳиндихитой Иттифоқига киритилиб, Франция мустамлакасига айлантирилди. 1898 йилда эса Ҳиндихитой таркибига Франция томонидан босиб олинган Лаос ҳам киритилди.

Англия Ҳиндистон ҳудудидан туриб, 1885 йилда Бирмани босиб олди, 1887 йилда эса Малайя ярим оролини қўлга киритди. 1896 йилга келиб Синам Англия ва Франция мустамлакалари ўртасидаги буфер ҳудудга айланди.

Марказий Осиё ҳудуди эса Англия ва Россия ўртасидаги кураш майдонига айланди. Эрон ва Афғонистон ҳудудлари, Англия нуқтаи назаридан Ҳиндистонга кирувчи стратегик йўл ҳисобланганлиги боис, инглизлар бу ҳудудга бошқа давлатларни йўлатмасликка уринаётган эдилар.

Рус чоризми 1873 йилда Хива хонлигини босиб олиб, уни ўз мустамлакасига айлантирди, 1876 йилда эса Кўқон хонлиги тугатилиб, унинг ерлари Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб олинди. 1880 йилда катта уринишлардан сўнг Англия Афғонистонда ўз протекторатини ўрнатди. Бунга жавобан чор Россияси 1884 йилда катта қурбонликлар эвазига Марвни эгаллади.

XIX асрнинг сўнгги йилларида Англия ва Россия ўртасидаги мустамлакалар учун бўлган кураш, айниқса, Узоқ Шарқда яққол намоён бўлди. Янцзи дарёси водийси билан бирга Шанхай инглизларнинг яқка ҳукмронлик минтақасига айлантирилди.

Хитой Корея мустақиллигини тан олди, аммо Кореяда Япония таъсири кучайди. Шунга қарамай, Россия, Франция, Германия тазйиқи остида Япония Ляодун ярим оролидан воз кечишга мажбур бўлди.

1894 йил Япония Хитойга қўқисдан ҳужум қилиб, ундан Фармозу, яъни Тайвань оролини, Пескадор ороллари хамда Ляодун ярим оролини тортиб олишга муваффақ бўлди.

Япония–Хитой урушидан сўнг босқинчи империалистик давлатлар Хитойни ўз таъсир доираларига киритиш учун кураш олиб бордилар. 1899 йилда АҚШ давлат котиби Александр Хей Хитойга нисбатан “очиқ эшиклар” доктринасини эълон қилди. Шундай қилиб, Хитойда инглиз-рус, рус-япон, инглиз-герман қарама-қаршиликлари авж олди. Англия ва АҚШ рус чоризмига қарши Японияни молиялаштирдилар.

АҚШ Хитойга нисбатан олиб борган “очиқ эшиклар” сиёсати билан бир қаторда, Тинч океани ҳудуди ва Лотин Америкаси мамлакатларига нисбатан “Монро доктринаси”даги “Америка – америкаликлар учун” шиорини ўз байроғига айлантирди.

1898–1899 йилларда АҚШ ва Испания ўртасидаги ҳар икки томондан босқинчилик кайфиятига эга бўлган империалистик уруш бўлиб ўтди. Бу уруш АҚШ томонидан Куба оролини Испаниядан тортиб олишга қаратилган эди, 1899 йилда Куба АҚШ томонидан оккупация қилинди. Куба шакарқамишга бой бўлиб, АҚШга жуда катта фойда олиб келарди. Шундай қилиб, АҚШ–Испания уруши бўлиб олинган дунёни қайтадан тақсимлаш йўлидаги биринчи империалистик уруш эди. 1890 йиллардаги Англия ва Германия ўртасидаги қарама-қаршиликлар дунё мамлакатларининг нотекис тараққиётидан далолат бермоқда эди. Германия 1871 йилда бирлашгандан кейин 25 йил ичида унинг экспорт ҳажми 50% дан ошди. Англиянинг экспорти бу давр ичида деярли ўзгармади. Ҳар икки давлат ўртасидаги савдо-саноат рақобати натижасида Англия ва Германия ўртасида зиддият ниҳоятда кескинлашди. Бу ҳақда “Сатердей Ревю” журнали шундай деб ёзган эди: “Европада бир-бирига қарама-қарши кучлар мавжуд бўлиб, улар икки буюк мамлакатдан иборат. Ушбу мамлакатлар бутун дунё халқларини ўзларига қарам деб ҳисоблайдилар. Миллионлаб кичик тўқнашувлар мисли кўрилмаган жаҳон урушини келтириб чиқариши мумкин. Агар Германия ер юзидан эртага йўқ қилинадиган бўлса, эртаси куни бойимаган бирон-бир инглиз қолмайди”.

Немис буржуазияси ўз саноатининг ривожланиши билан янгидан-янги мустамлакаларни қайтадан тақсимлаб олиш учун кураш олиб борди. Бу босқинчилик сиёсати пангерман ғоясида ўз аксини топган эди. Пангерманлар иттифоқини немис монополистлари молиялаштирмоқда эдилар. Улар дунё миқёсида Империя тузиб, унинг таркибига Африка, Жанубий Америка ва Усмонийлар империясини киритишни режалаштирган эдилар. Улар Бельгия, Португалияга ўхшаш кичик давлатларнинг мустамлакаларини босиб олишгина эмас, балки Англия ва Франция мустамлакаларини қайтадан

таксимлаб олишни ҳам кўзда тутган эдилар. XIX асрнинг охирида Англия ва Германия ўртасидаги рақобат Жанубий Африкада кечмоқда эди.

Бурлар, яъни голландларга мансуб бўлган Трансваал Республикаси ҳудудида олтин конлари захираси мавжудлиги аниқлангач, Лондон ва Берлин ҳукмрон доиралари бу ерларни ўз қарамоғларига киритишни мақсад қилиб қўйдилар. Англияга қарашли бўлган Жанубий Африка компанияси директори Сесиль Родс Трансваалнинг катта қисмини ўз назоратига олди. Сесиль Родс Кап мустамлакасининг бош вазири, унинг тасарруфидаги ерлар Бельгияга мансуб бўлган Конгогача чўзилган эди. Сесиль Родсга замондошлари “Африка Наполеони” деб ном беришган эди. Жанубий Африканинг барча бошқарув тизими Сесиль Родс қўлида эди.

Англияда мустамлакалар вазири Жозеф Чемберлен бўлиб (1895 йилдан бошлаб), бош вазир эса, юқорида таъкидлангани каби, лорд Солсбери эди.

Бошқа давлатларга нисбатан Германиянинг мустамлакаси жуда оз эди, лекин тез орада немис капитани Симменс ўз банки орқали Жанубий Африкага кириб келди. Мазкур банк темир йўл магистралларини молиялаштирар эди. Шу банк ёрдамида пойтахт Претория Делагоа кўрфази билан темир йўл орқали туташтирилди, аммо темир йўл инглиз мустамлакаларини четлаб ўтган эди. Шундай қилиб, немис банкирлари Трансваалнинг молиявий тизимини ўз назоратларига олишга муваффақ бўлдилар. Германиянинг Трансваал ва Оранжея билан савдо алоқалари тобора кенгайиб борди. Германия бурларга ёрдам бериб борди. 1895 йилнинг декабрь ойида Сесиль Родс томонидан тузилган отряд Жексон бошчилигида Трансваалга хужум қилгач, Берлин ўз норозилик нотасини юборди. Инглизлар бурлар томонидан тўхтатилгач, Германия кайзери Вилгельм II Трансваал президенти Крюгерга табрик телеграммасини жўнатди. Бу ҳолат Сесиль Родсга истеъфога чиқишга мажбур қилди.

Айнан шу даврда немис капитали Яқин ва Ўрта Шарққа оқиб кела бошлади. Шу муносабат билан, немис ҳукмрон доиралари Усмонийлар империяси ҳудудида ўз таъсир доираларини кенгайтириб, у ердан Англия, Франция, Россияни четлаштирмоқни режалаштирмоқда эдилар. Шу сабабли, Берлин ҳукмдорлари, бир йўла икки фронтда кураш олиб бориш хавфи, деб билдилар ва Жанубий Африка ҳудудидаги можародан воз кечдилар. Бундан фойдаланган Англия 1899–1902 йилларда бурлар билан бўлган урушда ғалаба қозонди ва бу ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди.

2. Антанта иттифоқининг вужудга келиши.

Англия ва Германия ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви натижасида ҳар икки давлатда курол-яроғ ишлаб чиқариш авж олди. Германияда пангерманларнинг тарғиботлари империалистик характерга эга эди. Бу тарғибот нажотпарастлик характерида бўлиб, дунёда немисларнинг ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган эди.

Империализм, пангерманизм, гегемонлик, айниқса, адмирал фон Тирпитцнинг дунёда Германиянинг ҳукмрон бўлиши лозимлиги ғояси инглиз

хукмрон доираларини даҳшатга солди. Инглиз хукмрон доиралари Португалиянинг Африкадаги мустамлакаларини бўлиб олиш ҳисобига Рейх билан битим тузишни мўлжалладилар, улар ҳар икки ҳарбий блокдан бирортасига кирмай, бетараф сифатида ушбу блоклар ўртасида воситачилик қилишни немисларга таклиф қилдилар. Аммо Германия канцлери фон Бюлов Англиянинг Учлар иттифоқига киришини қаттиқ талаб қила бошлади.

Ана шундай вазиятда Париж ҳам фурсатдан фойдаланиб, ўз мавқеини мустаҳкамламоқчи бўлди. Француз хукмрон доиралари Англия–Германия ва Англия–Россия зиддиятларидан Франциянинг дунёдаги мавқеини мустаҳкамлаш йўлида фойдаланмоқчи бўлдилар, бироқ Эльзас ва Лотарингия муаммолари Францияни барибир Англия билан яқинлашишга ундар эди. Шу муносабат билан, қирол Эдуард VII Францияга, президент Лубе эса Англияга ташриф буюришлари натижасида, жамоатчилик фикри бироз ўзгарди. 1904 йилда Англия ва Франция ўртасида “*entente cordiale*”, яъни «самимий келишув» битими вужудга келди, унга кўра Марокаш–Францияга, Миср–Англия қарамоғига ўтди.

Англия ва Франция ўртасида мустамлакалар учун бўлган курашлар ва зиддиятларга қарамай, иккала давлат ҳам энг кўп мустамлакаларга эга эдилар. Ҳолбуки, Германиянинг мақсади дунё хукмронлигига интилиб, Англияни ҳам, Францияни ҳам маҳв этиш, уларнинг мустамлакаларини қайтадан тақсимлаб олишдан иборат эди. Биз юқорида Узоқ Шарқда ўз мавқеини тобора кучайтираётган Япония тўғрисида гапирган эдик. Россия–Япония урушида Япониянинг ғалабасидан сўнг Жанубий Сахалин, Порт-Артур японлар қўлига ўтди. Улар Маньчжурияда ҳам катта нуфузга эга бўлиб, Корея ярим оролига таъсир ўтказа бошладилар ва 1910 йилда уни ҳам босиб олдилар. Аста-секин японлар Хитойда ўз таъсир доираларини кенгайтириб бориб, АҚШга қарашли бўлган Гавай ва Филиппин оролларига кўз тика бошладилар. Узоқ Шарқда Япониянинг кучайиши Россия мавқеининг пасайишини назарда тутар эди, шу сабабли, Россия олдин Франция билан, кейинчалик Буюк Британия билан тобора яқинлаша борди. Шу тариқа, 1905 йилдан бошлаб, уруш ва тинчлик ўртасидаги мутаносибликда кескин ўзгаришлар юз бера бошлади. Уруш хавфи омили жадаллашди. Афсуски, ушбу даврда Европада бор йўғи уч мамлакат, яъни Франция, Швейцария ва Португалия республика тизимига эга, қолган мамлакатларда эса – монархия тизими хукмрон эди. Республикачилар, социалистлар, касаба уюшмалари ўз кучларини тинчликни сақлашдан кўра кўпроқ капитализмга қарши курашга қаратдилар: II Интернационал, касаба иттифоқлари, В. Ленин, А. Бебель, К. Каутский, Р. Люксембург шулар жумласидан эдилар. Улар орасида, айниқса, Жан Жорес алоҳида ажралиб турар эди. Ўз навбатида, бундай кучлар орасида якдиллик йўқ эди.

3. Уруш хавфини юзага чиқарган омилларнинг вужудга келиши.

Бу даврда уруш хавфини юзага чиқарган энг асосий омиллардан бири – бу миллатчилик бўлиб, миллий-этник хусусиятларнинг таъсири тобора ошиб бормоқда эди. Россия, Австро-Венгрия, Туркия империялари кўпмиллатли давлатлар ҳисобланар, улар таркибидаги миллий бирликлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила бошладилар. Хусусан, поляклар ва жанубий славянлар бирлашишга ҳаракат қилаётган эдилар. Хитойлар ва японлар эса, бир томондан, оқ танли европаликларни ёмон кўрсалар, иккинчи томондан, ўзаро ҳудудий, иқтисодий, ҳарбий мустамлакавий масалалар юзасидан қарама-қарши турар эдилар. Европа эса икки блокка ажралган бўлиб, фақат кам сонли давлатларгина уларнинг таъсиридан холи бўлишга интиломда эдилар. Масалан, Швейцария, Бельгия, Швеция ёки АҚШ ва Лотин Америкасидаги айрим давлатлар шулар жумласидан эдилар. Эрон, Хитой каби давлатлар эса Европа мамлакатлари томонидан ишғол этилишдан талвасада эдилар.

1908–1909 йилларда Босния инқироzi вужудга келди. “Ёш турклар” инқилоби таъсири остида Босния ва Герцеговинада миллий ҳаракат авж олди. Бу ҳаракат 1878 йилдан буён Австрияда ҳукмронлик қилаётган кучлар томонидан бостириб келинади. Сербия Россияга мурожаат қилди. Германияни қўллаб-қувватлаётган Австрия Россия ва Сербияга ультиматум жўнатди. Россия Францияга мурожаат қилди, Франция Россияни ҳам, Сербияни ҳам қўллаб-қувватлашдан воз кечди. Шу тариқа, бу можарода Австриянинг қўли баланд келди. 1912–1913 йиллар давомида бу қарама-қаршиликка Туркия ҳам тортилди. Туркиядаги ёш туркларнинг мағлубияти бу давлатни анча заифлаштириб юборди. 1912–1913 йилларда “Болқон иттифоқи” деб ном олган Сербия, Болгария, Греция 1912 йил мартда уруш бошлаб, октябрда Туркияни мағлубиятга учратди. Натижада, Туркия Европада фақат Истамбулгагина эгалик қиладиган бўлиб қолди. Аммо Болқон иттифоқи аъзолари ўртасида ўлжани бўлиб олиш учун ўзаро уруш бошланди, ниҳоят бу сафар Болгария мағлубиятга учради.

1913 йилдан бошлаб Германия, Австрия, Россия зўр бериб урушга тайёргарлик кўришди. Бутун Европада уруш хавфи авж олди. Иккала ҳарбий блок: 1882 йил 20 майда вужудга келган Учлар иттифоқи ва 1907 йил 31 августда ташкил топган Антанта ўртасида зиддиятлар янада кучайди. Учлар Иттифоқи – Германия, Австро-Венгрия ва Италиядан ташкил топган бўлса, Антанта – Буюк Британия, Франция, Россиядан иборат эди. 1912 йил Англия ва Франция ҳукуматлари ўзаро ёзишмалари орқали Германияга қарши бирга ҳаракат қилиш мажбуриятини олдилар. Ҳарбий денгиз штаблари орасида ҳам келишув имзоланди. Атлантика соҳилидаги Франция чегараларини Англия ҳарбий флоти ҳимоя қилиши керак эди. Ўрта денгизда Франция Англия манфаатларини ҳимоя қилиши керак эди. Ҳар икки томонда ҳам ҳарбий курул-яроғларнинг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Илк танк Англияда ясалди. Германияда кимёвий захарловчи моддалар ишлаб

чиқарилди. Барча мамлакатларда пулемётлар ишлаб чиқарилди, уларнинг энг янги турлари пайдо бўлди. Илк бор ҳарбий самолётлардан фойдаланишга ҳозирлик кўрилди. Қурулганида Германия 1914 йил март ойига келиб, Россия ва Францияни ортда қолдирди. Темир йўлларининг ҳарбий иш жадвали ишлаб чиқилди. Пулемётлар ва узоққа ўқ отувчи тўплар пайдо бўлди. Германия жаҳон урушига тайёр эди.

Агар Россия 40 кун ичида армиясини жанговар ҳолатга келтиришга муваффақ бўлса, бу жангда Германия Францияни тор-мор келтириши мумкин эди. Германия шошмоқда эди.

Австрия императори Франц Иосиф (1830–1916) анча кекса бўлиб, у 60 йил мамлакатни бошқарди. У авторитаризм, яккахукмронлик тарафдори эди. Унинг вориси этиб, жияни Франц Фердинанд қилиб белгиланган эди. У Сербияни тор-мор қилиш ва уни босиб олиш тарафдори эди. 1914 йил июнь ойида Сербияга бостириб киришга ҳозирлик кўраётган Австрия кўшинлари кўригида қатнашиш учун у Боснияга ташриф буюрди. Сараевода Франц-Фердинанд ва унинг хотини серблар томонидан тузилган “Қора қўл” таълимоти аъзолари томонидан ўлдирилди. Бошқа шароитда ушбу мудҳиш воқеа оқибатларини дипломатик йўл билан ҳал қилиш мумкин эди. Бироқ эндиликда бу машъум ҳодиса уруш хавфини муқаррарлаштирди. 1914 йил 23 июлда Сербияга Австро-Венгрия ультиматум эълон қилди. Россия Австро-Венгрия ва Германияни тинчлантириш учун ваъдалар берган бўлса-да, аммо ғишт қолипдан кўчган эди.

1914 йил 29 июлда Николай II ҳарбий сафарбарлик тўғрисидаги буйруққа имзо чекди. 31 июль куни эса Парижда Жан Жорес отиб ўлдирилди. 1 августда Германия ҳарбий сафарбарлик эълон қилди ва шу куни Россияга қарши уруш бошлади. 1914 йил 3 августда Германия Францияга қарши уруш очди. 1914 йил 23 августда Туркия Германияни қўллаб-қувватлади. 1914 йил 2, 5, 6 ноябрда Россия, Англия ва Франция Туркияга уруш эълон қилдилар.

4. Биринчи жаҳон уруши ва унинг оқибатлари.

Режа:

1. Биринчи жаҳон урушининг келиб чиқиши ва унинг тарихий босқичлари.

2. Биринчи жаҳон урушининг оғир оқибатлари.

1. Биринчи жаҳон урушининг келиб чиқиши ва унинг тарихий босқичлари.

I жаҳон уруши 1914 йил 1 августда бошланиб кетди, бу Европада вужудга келган ҳар иккала ҳарбий блок – Антанта ва Учлар иттифоқи ўртасидаги қарама-қаршилиқ ва дунёни қайтадан тақсимлаб олиш учун бўлган уруш эди. Германия қўмондонлиги ҳарбий ҳаракатлар режасига мувофиқ, 4 август куни Бельгияда асосий ҳужумни бошлади. Германия

ҳарбий қўмондонлигининг режасига мувофиқ, бу ерда Антанта қўшинлари мудофаасини ёриб ўтиш ва Европанинг ҳарбий аҳамиятга эга бўлган районларини эгаллаб, бир ҳамла билан урушни якунлаш назарда тутилган эди. Шиддатли ҳужум натижасида Германия қуролли кучлари бир неча ҳафта мобайнида деярли урушсиз Бельгия ҳудудини босиб олдилар ва Франция ҳудудига кириб, Сена дарёсининг ирмоғи бўлган Марна соҳилларига чиқдилар.

1914 йил 5-12 сентябрь кунлари Марна дарёси бўйида француз ва немис қўшинлари ўртасида жанглар бўлиб ўтди. Унда немис қўшинлари мағлубиятга учради, чунки Шарқий Пруссия орқали рус аскарлари немис қўшинларининг мағлубиятида ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Рус армиясининг ҳужуми дастлаб муваффақиятли бошланган бўлса-да, бироқ Шарқий Пруссиядаги уруш рус қўшинларининг оғир мағлубияти билан якун топди. Бироқ Франция қутқариб қолingan эди.

1914 йил октябрда Туркиянинг урушга кириши муносабати билан Жанубий Кавказ, Месопотамия, Сурия ва Фаластиннинг шарқий чегарасида янги фронтлар вужудга келди. Аммо Туркиянинг Жанубий Кавказда урушга тайёр эмаслиги туфайли, у Чор Россиясидан мағлубиятга учради.

1915 йил 23 майда Италия Антантага қўшилди. 1915 йил октябрда Болгария Германия –Австрия иттифоқи тарафидан урушга кирди.

Марнада мағлубият аламини тортган Антанта қўшинлари Германиянинг шериги бўлмиш Туркияни урушдан чиқариш учун денгизда бир қатор операциялар ўтказдилар.

1915 йил февралда инглиз-француз флоти Туркиянинг Дарданелл бўғозидаги истехкомларини бомбардимон қилди. Аммо бу ҳужумлар кўзланган натижаларни бермади. Бу операция давомида 200 мингдан ортиқ инглиз аскарлари ҳалок бўлишди. Англия ҳарбий флоти раҳбари У. Черчилль ўз лавозимидан четлаштирилди, унинг сиёсий фаолиятида 25 йиллик танаффус бошланди ва у 1915 йилдан то 1940 йилгача истеъфода бўлди. Шу тариқа, урушда турғунлик бошланди. Ҳеч бир томон бир йил давомида вужудга келган вазиятни бузишни истамас эди. Аммо дипломатлар фаол иш олиб бордилар.

1915 йил мартда Англия Россияни фаоллаштириш мақсадида унга Истамбулни бериш мажбуриятини олди. Россия Босфорнинг шарқий соҳиллари, Жанубий Фракия, Имброс ва Тенелос ороллариини ҳам олиши керак эди. Россия бу жойларни уруш тугагандан кейин, Англия ва Франция Усманийлар империясининг Осиёдаги ерларини тақсимлаш режасини амалга оширган тақдирда олиши кўзда тутилган эди. Инглизлар Эрондаги бетараф ҳудудни ҳам инглиз таъсир доирасига киритишни талаб қилдилар. Россия шартномага рози бўлди. 1915 йил 10 апрелда бу шартномага Франция ҳам қўшилди.

Германиянинг иттифокчилари ҳам урушдан сўнг дунёни қайтадан тақсимлаш режасини тузмокда эдилар. Германия Франциянинг бир қатор

шимолий туманларини, Болтикбўйи мамлакатларини ва Польшанинг бир қисмини ўзига қўшиб олмоқчи эди. Украина, Белоруссияни қўлга киритиш ҳамда Осиё ва Африкадаги баъзи мамлакатларни босиб олишни мақсад қилган эди. Германия Франция зиммасига катта ўлпон юклашни мўлжаллаган эди. Франция ҳеч қачон уни тўлай олмас ва Германиянинг абадий қарздори бўлиб қолар эди. Австро-Венгрияга бутун Болқон ярим ороли, Болгарияга эса Македония ва Сербиянинг бир қисмини бериш Германия томонидан ваъда қилинган эди.

Дарданелл бўғозидаги операция барбод бўлди. Антанта ғарбдаги жанговар ҳаракатларини қайтадан бошлади. Германия эса Францияга, унинг энг мустаҳкам мавзеси бўлган Верден қалъаси орқали ҳужум уюштиришга аҳд қилди.

1916 йил 21 февралда Германия ўзининг 5-армияси орқали ҳарбий операцияни бошлади.

Ҳужумдан олдин француз истехкомлари тўплардан шиддатли ўққа тутилди. Крупп ҳамда унинг қизи номидаги “Катта Берта” деб аталган ўта кучли тўплар (850та) ишга тушди. Жангда Европанинг энг қудратли икки армияси юзма-юз келди. Миллий ғурур туйғуси жунбушга келди. Француз қўмондони бир қадам ҳам чекинмасликка буйруқ берди, аскарлар сўнгги нафасларигача жанг қилдилар. Верден француз армияси руҳини кўтарди. Бу жанг Верден остоналаригача 1916 йил 21 февралдан то 1916 йил 21 декабргача, яъни роппа-роса 10 ой давом этди. Ҳар икки томонга ҳам катта талафотлар келтирган бу урушда Франция ва Германия 700 мингдан ортиқ аскар ва зобитларни йўқотдилар.

Верден жанги сўнггида Россия катта роль ўйнади. Бу жангнинг ҳал қилувчи босқичида генерал А.А. Брусилов (1853–1926 йй.) бошчилигидаги рус армияси Жануби-Ғарбий фронтда ҳужум бошлади ва Германия ҳам Австрия қўшинларини ёриб ўтди. Бу операция Австрия қўшинларини тор-мор қилди. 1,5 млн. аскар ва зобитлар йўқ қилинди. Австро-Венгрия қўшинлари жанговар уруш олиб бориш қобилиятини йўқотди. Германия эса тезда бу фронтга ўзининг асосий захира кучларини ташлашга мажбур бўлди.

Верден остоналарида жанг кетаётган бир пайтда Антанта иттифоқчилари Сомма дарёси бўйида ва Ла-Маншдан 90 мил масофада бўлган инглиз мудофаа секторида ҳужум бошладилар. Британия тўплари 7 кун герман қўшинларини ўққа тутди. 1916 йил 1 июлда Британия кўнгилли аскарлари ҳужумга ўтдилар, улар 100 мингдан ортиқ эдилар, аммо улар ерга чуқур қўмилган немис пулемётларининг шиддатли оловига дуч келдилар. Жуда кўп немис аскарлари қурбон бўлдилар, бироқ инглизлардан ўлган ва яраланганлар сони 50 мингга ташкил этди. Бу урушда ҳеч ким ғалаба қозонмади. 1916 йил Европада 2 млн.дан ортиқ киши ҳалок бўлди, бироқ урушда ўзгариш бўлмади. Германия ва Австро-Венгриянинг моддий манбалари тугаб борар эди. Инглиз флотининг кучлари туфайли денгиз томонидан қилинган қамал ниҳоятда самарали бўлди. Қамал туфайли Германия ўзидаги захиралар, озиқ-овқатлар

билан кифояланиши керак эди. Бу эса сурункали уруш учун етарли эмас эди. Антантага эса АҚШ ёрдам берар, бунинг устига Антанта ўз мустамлакалари манбаларидан эркин фойдаланиш имконига эга эди.

Россияда ахвол оғир эди. Унинг хомашёси ва одамлари етарли бўлса-да, иқтисодий қолоқлик улардан самарали фойдаланиш имконини бермасди. Боз устига, транспорт тизими ишдан чиққан, ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий тузилмалар эскирган бўлиб, ҳарбий идоралардаги ўғирлик ва тартибсизлик Россияни инқирозга олиб келди.

2. Биринчи жаҳон урушининг оғир оқибатлари.

Биринчи жаҳон уруши анчага чўзилди. 1917 йилда барча урушаётган давлатларда инқироз бошланди. Урушни бошлаган раҳбарлар ва партиялар обрўларини йўқотдилар. Ҳокимиятга янги раҳбарлар келди. Францияда радикал Жорж Клемансо (1841–1929 йй.), Англияда либерал Давид Ллойд-Жорж (1863–1945 йй.) бош вазир бўлдилар. Германия канцлери Бетман-Голвейг (1856–1921 йй.) 1917 йилда истеъфога чиқди. Россияда 1917 йил февралда ва октябрда инқилоб юз берди ва подшоҳ Николай II тахтдан ағдарилди. Тарихий ҳақиқат яна бир карра ўз исботини топди: урушни бошлаган ҳукмдорларнинг умри қисқа бўлади. Биринчи жаҳон уруши бу ҳақиқатни яна бир бор юзага чиқарди.

Урушда 38 мамлакат иштирок этди. Ҳаракатдаги армияларнинг аскарлари сони 30 млн.га яқин, барча сафарбар қилинганлар сони эса 74 млн.га яқин эди. Жангда 10 млн.дан ортиқ киши ҳалок бўлди, 20 млн. киши яраланди, минглаб шаҳар ва қишлоқлар, завод-фабрикалар вайрон қилинди, ўн минглаб км темир йўллар сафдан чиқди, озиқ-овқатларга чекловлар жорий этилди.

Агар биз Биринчи жаҳон уруши оқибатларини, айниқса, кишиларнинг ҳалок бўлиши, яраланиши ва асирга тушишини рақамлар орқали ифодаласак, қуйидаги ҳолатни кузатишимиз мумкин:

Ҳарбий кишиларнинг фронтда ҳалок бўлиши.....	10.000.000
Қўшимча ҳалок бўлганларнинг тахмин қилиниши....	3.000.000
Уруш натижасида бевосита урушга қатнашмаган фуқароларнинг ўлими.....	13.000.000
Ярадор бўлганларнинг сони.....	20.000.000
Асирга тушганлар.....	3.000.000
Уруш натижасида етим қолганлар.....	9.000.000
Уруш оқибатида бева қолган аёллар.....	5.000.000
Қочоқлар.....	10.000.000 ¹⁵

Биринчи жаҳон уруши барча халқлар каби, Чор Россияси таркибида мустамлака бўлган Туркистон генерал-губернаторлигига мансуб бўлган ерли аҳолига ҳам жуда катта зарар келтирди. Император Николай II имзо чеккан ва 1916 йил 25 июнь куни эълон қилинган “Империядаги рус бўлмаган эркак

¹⁵ Дж. Перу. Взгляд на всемирную историю. 2. – М., 1989. – С. 460.

аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида”ги фармонга кўра, Туркистон, Сибирь ва Кавказ халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларнинг сафарбар қилиниши кўзда тутилган эди. Бу тарихга мардикорчилик номи билан кирди.

Ана шу мардикорчилик учун Сирдарё вилояти зиммасига 87 минг, Самарқандга – 88 минг, Фарғонага – 50 минг мардикор юбориш вазифаси юклатилди¹⁶.

Мардикорликка олинганларнинг кўпчилиги азоб-уқубатда, совуқ об-ҳаво шароитида, очлик-юпунлик натижасида ҳалок бўлишди. Мардикорликка қарши Туркистон генерал-губернаторлигида кўзғолон бошланиб, у миллий-озодлик ҳаракатига айланди. Бундай миллий-озодлик ҳаракати Чор Россиясини ларзага солди, бу ҳаракат аёвсиз бостирилди.

Шундай қилиб, Биринчи жаҳон уруши инсоният бошига мисли кўрилмаган фалокатни келтирди, инқилоблар юзага келди, ижтимоий ларзалар юз берди, зиддиятлар ниҳоятда кескинлашди. Дунё аҳолисининг катта қисми қашшоқлашди.

5. XIX аср охири – XX аср бошларида алоқа воситаларининг такомиллашуви.

Режа:

1. XIX аср охири – XX аср бошларида фан-техника ривожининг жадаллашуви.

2. Халқаро муносабатларда коммуникация омилининг юксалиши.

1. XIX аср охири – XX аср бошларида фан-техника ривожининг жадаллашуви.

XIX асрнинг охиридан бошлаб саноатлашган цивилизациянинг ривожланиши натижасида бир қанча кашфиётлар содир бўлди. Фан-техниканинг жадал суръатлар билан тараққий этиши натижасида механик энергия, сув қуввати, буғ кучи ва электр энергиясидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилди. Айниқса, электр энергиясидан универсал соҳаларда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этди. Бундай ҳолатда эски касб эгалари ўз ўринларини янги касб-кор билан шуғулланувчи кишиларга бўшатиб беришига тўғри келган эди. Капиталистик саноатнинг ривожланиши туфайли аҳолининг турмуш тарзи ҳам яхшиланиб борди, рақобат кучайди, янги ва янги кашфиётлар оммавий аҳамият касб этди. Масалан, Россиянинг Пермь шаҳри яқинида туғилган Александр Попов муҳандислик касбини эгаллаб, 1895 йилда электр орқали ишлайдиган

¹⁶ Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи 1. Туркистон Чор Россияси мустамлакалиги даврида. – Т., 2000. – Б. 415-416.

радио аппаратини кашф қилди. 20 аср бошларидаёқ бу кашфиёт, биринчи навбатда, ривожланган мамлакатларга тарқалди. Биринчи жаҳон уруши даврида радио тўлқинларидан фойдаланиш оммавий тус олди. Транспорт воситаларидан фойдаланиш ривожланган мамлакатларда кенг йўлга қўйилди. Енгил машиналар ишлаб чиқариш, мотоцикллардан фойдаланиш, юк машиналари қатновининг йўлга қўйилиши инсонларнинг турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатди.

XIX аср тугаши билан жуда кўп нарсалар ўзгариб кетди. Халқаро муносабатларда, энг муҳими, янги алоқа воситалари, яъни коммуникацияларнинг ривож томон туб бурилиш ясалди. Темир йўллар кенгайди, пароходларнинг кўплаб ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Электр токи, телеграф, телефон, автомобилларнинг ишлаб чиқарилиши ва улардан фойдаланиш кишиларнинг кундалик эҳтиёжига айланиб борди. Буларнинг барчаси дунёнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Одамлар ўртасидаги алоқа кучайди, илгариги тўсиқларга чек қўйилди. Кишилар, гуруҳлар, халқлар, давлатлар ва китъалар ўртасидаги мулоқот кучайди, жумладан:

- 1) муштарак ғоялар пайдо бўлди;
- 2) симсиз телеграф кашф этилди;
- 3) самода инсоннинг парвоз қилиши реал воқеликка айланди.

1903 йилда АҚШ фуқаролари ака-ука Уилбур ва Орвиль Райтлар аэроплан орқали, қисқа муддатга бўлса ҳам, самога кўтарилишга муваффақ бўлдилар.

1909 йилда француз Блерио Ла-Манш бўғози орқали Франциядан Англияга учиб ўтди. Кўп ўтмай аэроплан Эйфель минораси орқали учиб ўтди. 1927 йил май ойида АҚШ фуқароси Чарльз Линдберг Атлантика орқали Франциянинг Ла-Бурже ҳарбий аэродромига келиб қўнди. Бундай парвозларни француз учувчиси ва ёзувчиси Сент-Экзюпери ҳам амалга оширди ва ўз парвози тўғрисида “Тунгги парвоз”, болалар учун “Кичик шаҳзода” каби асарларини ёзди.

Айнан 1928 йилда Тошкент шаҳрида ойнаи жаҳон – телевизор кашф этилди. 1930 йилларда АҚШ ва Европада телевизорлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

2. Халқаро муносабатларда кооператив ва коммуникация омилининг юксалиши.

Бу даврда иқтисодий рақобатнинг кучайиши Ғарбда индивидуализмнинг ривожланишига олиб келди. Алоқа воситаларининг мукаммаллашуви натижасида ўзибўларчиликка қарши Ғарбда жамоа ҳамкорлиги юзага келди. Кооператив ҳаракат индивидуализмга қарши қаратилган бўлиб, Шимолий Европа мамлакатларида, айниқса, Данияда кенг қулоч ёзди.

Индивидуализм нуқтаи назаридан олиб қараганда кучли рақобатда ҳар бир киши бошқа кишидан ўзиб кетиши ва уни орқада қолдириши

керак. Кооператив ҳаракат эса, кишилар жамоасидан иборат бўлиб, бирлашиб меҳнат қилиш, буюмлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини биргалашиб ишлаб чиқариш, харид қилиш ва муомалага чиқаришдан иборат эди.

Юқорида айтганимиздек, кооператив ҳаракат Ғарбий Европада, айниқса, унинг шимолида XX аср бошларида тез ривожланди. Шу сабабли, Шимолий Европада ижтимоий-сиёсий ғоялар, айниқса, социал-демократик ғоялар кенг тарқалди.

Бу даврда ижтимоий-сиёсий ғоялар, айниқса, умумхалқ сайловларига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун кураш авж олди. 20 аср бошларига келиб, хотин-қизларнинг ҳам сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини қўлга киритиш учун кураши кенг ёйилди.

Шундай қилиб, алоқа воситаларининг такомиллашуви демократик ғояларнинг ривожланишига туртки бўлди. Қолаверса, дунё сиёсий харитаси ҳам ўзгариб борди. Агар XX аср бошида мустақил давлатлар сони 50га яқин бўлса, аср ўрталарига келиб, уларнинг сони 60 дан ошиб кетди.

Савол ва топшириқлар:

1. Бисмарк дипломатиясининг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.
2. Бисмаркнинг фикрича, Германия бирлашгач, Германия–Австрия муносабатлари қандай бўлиши керак эди?
3. XIX асрнинг 60 йилларида содир бўлган асосий воқеалар нималардан иборат эди?
4. XIX асрнинг охиридаги халқаро сиёсий аҳвол ҳақида гапириб беринг.
5. Нега XIX аср охирида Франция–Россия иттифоқи вужудга келди?
6. Лорд Солсбери даврида Англия ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумот беринг.
7. Биринчи жаҳон урушининг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат эди?
8. “Бўлинган дунёни қайтадан бўлиб олиш” деганда нима назарда тутилади?
9. Нима сабабдан Биринчи жаҳон уруши Европа заминида бошланди?
10. Биринчи жаҳон урушининг оқибатлари ҳақида сўзлаб беринг.
11. Техника тараққиёти қай даражада ривожланди?
12. Биринчи жаҳон урушидан сўнг халқаро вазият қандай аҳволда эди?
13. “Мардикорчилик” ҳақида нималар биласиз?

IV БОБ. 1918 ЙИЛДАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ТУГАГУНГА ҚАДАР БЎЛГАН ДАВРДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

1. 1918–1923 йилларда халқаро муносабатлар.

Режа:

1. Биринчи жаҳон урушидан сўнг халқаро муносабатларнинг ўзига хослиги.

2. Париж сулҳ конференцияси ва унинг яқунлари.

3. Вашингтон конференцияси ва унинг яқунлари.

4. Лозанна ва Генуя халқаро конференциялари ва уларнинг урушдан кейинги дунё учун аҳамияти.

5. 1918–1923 йилларда Марказий Осиёда халқаро муносабатлар.

1. Биринчи жаҳон урушидан сўнг халқаро муносабатларнинг ўзига хослиги.

Биринчи жаҳон уруши мобайнида Россия империясидаги 1917 йил февраль ойидаги инқилоб ва эски сана билан 1917 йил 25 октябрда юз берган большевикларнинг давлат тўнтариши натижасида бирмунча фурсатда Германия Россиянинг Европадаги катта ҳудудларини босиб олди. Аммо Совет Россияси Германия билан битим тузишга муваффақ бўлди, Брест-Литовскдаги Германия ва Россия ўртасидаги бу сулҳ Россия учун катта йўқотишлар эвазига тузилган эди. Ўз навбатида, 1918 йил АҚШ президенти Вудро Вильсон эълон қилган 14 моддадан иборат бўлган доктринанинг 6 моддаси Совет Россиясини парчалаб юборишни назарда тутган эди. Бу ҳужжатни тузишда қатнашган В.Вильсоннинг дўсти ва кўмакдоши полковник Хаузинг фикрига кўра, Россиядан фақатгина Польша ва Финляндияни эмас, балки Болтиқбўйи, Украина, Кавказ ҳамда Ўрта Осиёни ҳам ажратиб олиш назарда тутилган...

1918 йилда Германия ва Совет Россияси ўртасидаги Брест сулҳ шартномасига биноан Финляндия, Литва, Латвия, Эстония, Польша Германияга ўтди. Украина Германияга қарам бўлиб қолди. Совет Россияси Германия фойдасига 6 млрд. олтин марка миқдорида тўлов ҳамда армия ва флотидagi аскар ва денгизчиларни демобилизация қилиш мажбуриятини олди. Брест сулҳ битими 1918 йил 9 мартда ҳар икки тараф томонидан имзоланди. Бироқ уруш Антанта ва Германия иттифоқчилари ўртасида давом эттирилди.

1918 йил 29 сентябрда Болгария, 30 октябрда – Туркия, 9 ноябрда – Австро-Венгрия Антанта олдида таслим бўлдилар. 1918 йил 5 октябрда Германия АҚШ президенти В.Вильсонга мурожаат қилиб, ундан яраш битимини тузишни сўради.

1918 йил 11 ноябрда Франциянинг шимоли-шарқида Компьен ўрмонида Ф.Фош вағонида Германиянинг Эрцбергер бошчилигидаги делегацияси Антанта кўмондонлиги таклиф этган шартларга биноан таслим актига қўл қўйди. 1918 йил 9 ноябрда Германияда революция бошланиб кетди ва Германиянинг Биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учраганлиги туфайли 13 ноябрда Совет Россияси Брест сулҳ шартномасини бекор қилди.

2. Париж сулҳ конференцияси ва унинг яқунлари.

Биринчи жаҳон урушида ғолиб чиққан АҚШ, Англия, Франция, Италия, Япония ва бошқа давлатларга таслим бўлган Германия, Австрия, Венгрия, Туркия ва Болгария билан сулҳ шартномаларини ишлаб чиқиш учун 1919 йил 18 январда Парижда Сулҳ конференцияси очилди. Бу конференция 1920 йил 21 январгача давом этди.

Конференцияда В. Вильсон (АҚШ президенти), Л. Ллойд-Жорж (Англия бош вазири), Ж. Клемансо (Франция бош вазири), В. Орландо (Италия бош вазири) асосий роль ўйнадилар ва улар ўртасида “тўртлар кенгаши” вужудга келди. Бу тўртлар кенгаши Совет Россиясига қарши 1 млн. армияга эга бўлган оқ гвардиячилар ва уларнинг кўмондонлари Колчак, Деникин, Юденич, Врангель ва бошқаларни қўллашни режалаштирдилар. Бу конференцияда Франция Германияни заифлаштиришни мўлжаллади, АҚШ ва Англия эса, аксинча, буни истамас эдилар, чунки улар Германиядан Совет Россиясига қарши фойдаланишни назарда тутган эдилар.

1919 йил 28 июнда Антантанинг Германия билан Версаль сулҳ шартномаси, 1919 йил 10 сентябрда Австрия билан Сен-Жермен, 1919 йил 27 ноябрда Болгария билан Нейи, 1919 йил 4 июлда Венгрия билан Трианон, 1919 йил 10 августда Туркия билан Севр сулҳ шартномалари тузилди. Буларнинг ҳаммаси халқаро муносабатлар тарихида Версаль системаси номини олди.

Версаль сулҳ шартномасига мувофиқ, Германия ва унинг иттифоқчилари уруш айбдорлари, деб топилдилар. Германиянинг барча мустамлакалари тортиб олиниб, ўзаро тақсимланди. Эльзас ва Лотарингия Францияга қайтарилди. Франция 15 йил давомида Германиянинг Саар вилоятидаги кўмир қазиб чиқаришга эгалик қиладиган бўлди.

Германиянинг ҳарбий денгиз флоти қисқартирилди, Германияда артиллерия ва ҳарбий авиация бўлишига рухсат берилмади. Германия 20 млрд. олтин марка миқдорида олтин ва турли моллар тўлаш мажбуриятини ўз бўйнига олди. Шу билан бирга, Германия зиммасига 40 минг от, 140 минг қорамол ва бир неча минг вагонлар бериш шarti юклатилган эди. Германиянинг Рейн худуди мана шу қарзларни ундириш мақсадида оккупация қилинди.

1919 йилги Париж сулҳ конференциясида айнан Версаль қасрида Германия билан имзоланган битимда “Миллатлар лигаси” ташкил топди.

Унинг фаолияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топгунга қадар давом этди. 1919 йил 19 февралда Париж сулҳ конференциясининг ялпи мажлисида “Миллатлар лигаси”нинг низомномаси қабул қилинди. Бу иттифоққа, АҚШдан ташқари, 43 давлат аъзо бўлиб кирди, дастлаб АҚШ ҳам аъзо бўлди, бироқ Париж сулҳ конференциясининг қарорлари Англия ва Франция фойдасига ҳал бўлганлиги туфайли, АҚШ Конгресси Версаль шартномасини ҳамда унинг таркибий қисми бўлган “Миллатлар лигаси” низомини тасдиқламади. “Миллатлар лигаси” ўз фаолиятини Ассамблея, бешта доимий ва 4 та доимий бўлмаган аъзолардан иборат кенгаш орқали ва Бош котиб бошчилигидаги Котибият орқали олиб борди. “Миллатлар лигаси”нинг асосий бошқарув органлари Женевада жойлашган бўлиб, уларга, асосан, Англия ва Франция раҳбарлик қилар эдилар. Бу халқаро ташкилот, барқарорлик ва дунёда ҳавфсизликни таъминлашга хизмат қилиши назарда тутилган. “Миллатлар лигаси” низомида қуролларни қисқартириш, давлатлар ҳудудларининг яхлитлигини сақлаш, агрессор давлатларга нисбатан тазйиқ ўтказиш чоралари кўзда тутилган эди.

3. Вашингтон конференцияси ва унинг яқунлари.

Мустамлакачиликнинг янги шакли бўлган мандат системаси жорий этилди. Фаластин ва Ироқ мамлакатларига Англиянинг мандати, Сурия ва Ливанда – Франция мандати, Марианн оролларида – Япония мандатлиги жорий этилди. Дунёнинг етакчи давлатлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар сақланиб қолаверди. АҚШ ҳукмрон доиралари Тинч океани ва Узоқ Шарқда ўз позицияларини мустаҳкамлашга, Англия ҳамда Япониянинг ҳарбий денгиз флотидаги муваққат устунлигини йўқотиш ҳамда зўр бериб қуролланиш учун вақтдан ютишга уриндилар. Улар Англия ва Япониянинг денгиз қуролларини чеклаш, Париж сулҳ конференциясининг Узоқ Шарққа доир қарорларини қайта кўриб чиқиш, Париж сулҳ конференциясидаги мағлубият учун қасос олишга киришдилар. 1921 йилдаги президентлик сайловларида Вудро Вильсон мағлубиятга учради, унинг ўрнига республикачи Гардинг президентликка сайланди.

АҚШ Англиянинг денгиздаги ҳукмронлигига чек қўйиш Англия ва Япония ўртасидаги иттифоққа барҳам беришни ўз олдида мақсад қилиб қўйди. Шу билан бирга, АҚШ Япониянинг Хитойда кучайган позициясига чек қўйиш мақсадида Японияни Хитойда “очиқ эшиклар ва тенг имкониятлар” принципига риоя қилмасликда айблади. Шу йўл билан АҚШ Хитойни ўз таъсир доирасига олишни мўлжаллаган эди.

АҚШ ўзининг иқтисодий ва молиявий қудратига таяниб, етакчи давлатларнинг Узоқ Шарқдаги зиддиятларидан унумли фойдаланди. АҚШнинг ташаббуси билан янги халқаро конференция, яъни Вашингтон конференцияси чақирилди. Бу конференция 1921 йил 12 ноябрдан 1922 йил 6 февралгача давом этди. Конференцияда, асосан, Биринчи жаҳон

урушида 9 та ғолиб чиққан давлатлар: АҚШ, Англия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия, Португалия, Япония ва Хитой қатнашди. Аммо барча қарорлар кўпроқ АҚШ фойдасига ҳал қилинди. Бу конференцияга Совет Россияси ҳам, 1920 йил 6 апрелдан 1922 йил 13 ноябргача мавжуд бўлиб, кейин РСФСР таркибига қўшилган Узоқ Шарқ Республикаси ҳам, Сунь Ятсен бошчилигидаги Жанубий Хитой ҳам қатнашмади.

Мазкур конференцияга Шарқий Хитойдаги ҳарбий темир йўл устидан АҚШ, Англия, Франция ва Япониянинг “Тўрт давлат шартномаси” номли қарори асосида назорат ўрнатилди, бу қарор 1921 йил 13 декабрда 4 давлат вакиллари томонидан имзоланди. Мазкур қарорда Тинч океандаги оролларнинг дахлсизлиги ҳам ўз ифодасини топди.

Ўз навбатида, АҚШнинг талаби билан Англия–Япония шартномаси бекор қилинди. Конференциянинг яна бир якунловчи ҳужжатларидан бири – АҚШ, Англия, Франция, Япония ва Италиянинг 1922 йил 6 февралда қабул қилинган “денгиз қурулларини чеклаш тўғрисида шартнома” деб номланган “Беш давлат битими” қабул қилинди. Бу шартномага мувофиқ, катта ҳарбий денгиз флоти, яъни линкорлар ва авиаташувчиларнинг ўзаро пропорционал нисбати қуйидаги шаклда бўлиши назарда тутилган эди: АҚШ: 5, Англия: 5, Франция: 3, Италия: 1,75, Япония: 1,75.

Конференциянинг яна бошқа ҳужжатларидан бири Хитойга нисбатан сиёсат тўғрисидаги “Тўққиз давлат шартномаси”дан иборат эди. Бу ҳужжатга кўра, бошқа давлатлар Хитойга нисбатан “Тенг имкониятлар” принципига амал қилишлари зарур эди. Амалда бу ҳужжат АҚШнинг Хитой доирасида ўз устунлигини ўрнатишига қаратилган эди. Бу давлатлар, айниқса, АҚШнинг Хитойдаги ҳукмронлигига қарши Хитойда халқ норозилиги юзага келди ва узоқ йиллар давомида Хитойда фуқаролар уруши, норозилик ҳаракатлари давом этди. Бироқ чет эл кўшинлари Хитойдан чиқиб кетмади.

Вашингтон конференциясида қабул қилинган шартномалар халқаро муносабатлар тарихида “Вашингтон системаси” номини олди.

4. Генуя ва Лозанна халқаро конференциялари ҳамда уларнинг урушдан кейинги дунё учун аҳамияти.

1922 йил январь ойида Антанта олий кенгаши Марказий ва Шарқий Европа иқтисодиётини тиклаш дастурини ишлаб чиқиш учун Генуяда халқаро иқтисодий конференция чақиришга қарор қилди. Конференция ишига Биринчи жаҳон уруши ғолибларидан ташқари, Совет Россияси, Германия, Австрия, Венгрия ва Болгария ҳам таклиф этилди.

Генуя конференцияси 1922 йил 10 апрелдан то 19 майгача давом этиб, унда 34 давлат вакиллари иштирок этди. Конференцияда Англия ва Франция давлатлари асосий роль ўйнадилар. Бу конференцияда Антанта олий кенгаши Совет Россиясидан 18 млрд. рубль тўлов ундириб олмоқчи бўлди, бироқ Совет Россияси делегациясининг бошлиғи Чичерин бу

тўловларни инкор этди. Ана шу халқаро конференция давомида 1922 йил 16 апрелда Генуя яқинидаги Рапалло шаҳрида РСФСР делегацияси билан Германия делегацияси ўртасида учрашув бўлди ва ҳар икки давлатнинг позицияси анча мустаҳкамланди.

Аммо Генуя халқаро иқтисодий конференциясида Антанта давлатлари ўз мақсадларига эриша олмадилар. Шу сабабли, музокаралар 1922 йил 15 июндан 20 июлгача Гаага конференциясида давом эттирилди, аммо бу конференция ҳам деярли ҳеч қандай натижасиз тугади.

1918–1922 йиллар давомида Туркияда Миллий озодлик ҳаракати авж олди. Бу Англия ҳукмронлигига қарши қаратилган эди. Туркиянинг Мустафо Камол бошчилигидаги янги ҳукумати Севр сулҳ шартномасини тан олмади. Антанта аъзолари, хусусан, Англиянинг Туркияга қарши уюштирилган ҳарбий интервенцияси 1922 йил август-сентябрда тор-мор этилди. 1922 йил 11 октябрда Антанта билан Туркия ўртасида яраш битими имзоланди. Англиянинг Яқин Шарқдаги сиёсати мағлубиятга учради. Антанта давлатлари Туркия билан янги сулҳ шартномасини ишлаб чиқиш учун ва Яқин Шарқ инқирозини бартараф этиш мақсадида Лозаннада халқаро конференция чақирдилар. Конференция 1922 йил 20 ноябрдан 1923 йил 24 июлгача танаффуслар билан давом этди. Конференцияда Англия, Франция, Италия, Япония, Греция, Руминия, Югославия ва Туркия вакиллари иштирок этдилар. АҚШ вакили кузатувчи сифатида қатнашди.

Совет ҳукуматининг талаблари натижасида Антанта давлатлари кўрфазлар масаласини муҳокама қилиш учун Совет республикалари (РСФСР, Украина, Грузия) вакиллари конференцияга таклиф қилишга мажбур бўлдилар.

Конференцияда Босфор ва Дарданелл бўғозлари режими тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Англия, Франция, Италия ўз ҳарбий кемаларининг ҳамма вақт, яъни тинчлик даврида ҳам, уруш жараёнларида ҳам бўғозлардан бемалол ўтиб туришини таъминламоқчи бўлдилар. Аммо Совет республикалари ва Туркия бунга қарши чиқдилар. Бироқ Англия, Франция ва Италия давлатлари ўз манфаатларига мос келадиган конвенция қабул қилишга муваффақ бўлдилар. Бу битимга кўра, бўғозлар демилитаризация қилинди. Тинчлик даврида ва уруш пайтида барча мамлакатларнинг савдо ва ҳарбий кемалари бўғозлардан бемалол ўта оладиган бўлди.

Совет давлати Лозаннада қабул қилинган конвенцияга қўшилмади.

Конвенция охирида Лозанна сулҳ шартномаси тузилди. Унга кўра, капитуляция режими, Туркия молиясининг буюк давлатлар томонидан назорат қилиниши ва унинг қуролли кучларини чеклаш бекор қилинди. Шарқий Фракия, яъни Адрианополь билан бирга Арманистоннинг турклар яшайдиган қисми, Курдистон ва бир қатор ўлкалар Туркияга қайтарилди.

Конференцияда Туркия халқаро микёсда ўз суверенитетини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди.

1919 йилда Англиянинг Афғонистондаги мавқеига ҳам кучли зарба берилди. Англия Омонуллохон бошчилигидаги “Ёш афғонлар” ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди. Афғонистон ўз мустақиллигига эришган бўлса-да, бироқ Қўқонда ташкил этилган Туркистон мухторияти большевиклар томонидан бостирилди ва 1918 йилда Фарғона водийсида бошланган миллий озодлик ҳаракати 1920 йиллар охиригача давом этди.

5. 1918 – 1923 йилларда Марказий Осиёда халқаро муносабатлар.

Чор Россияси босқинига қадар Бухоро амирлиги Марказий Осиё минтақасидаги учта давлатдан бири эди. Қолган икки давлатлардан Хива хонлиги Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган бўлиб, қадимги Хоразм ҳудуди унинг марказини ташкил этар эди. Яна бир давлат – Қўқон хонлигидан иборат бўлиб, унинг маркази Фарғона водийсида жойлашган эди.

XIX асрга келиб, Марказий Осиё ҳудудидаги бу давлатлар нисбатан кам ривожланган бўлиб, Амир Темур давридаги гуркираб ривожланган давр ёки ўрта асрдаги Хоразмшоҳлар равнақидан асар ҳам қолмаган эди. Бунинг асосий сабаби XV-XVI асрларда денгиз йўлларининг очилиши натижасида Буюк ипак йўлининг ўз аҳамиятини йўқотганлиги эди ва XVI–XVII асрлардан бошлаб Европа ва Осиё қитъалари ўртасидаги савдо-сотиқ европаликлар қўлига ўтди ҳамда савдо ва тижорат ишлари денгиз йўллари орқали амалга оширилар эди.

Марказий Осиёдаги ҳар учала давлатларнинг раҳбарлари ўзбек сулоласидан бўлиб, учала давлат орасида Бухоро амирлиги алоҳида мавқега эга эди. Бухоро амирлиги таркибига бугунги Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Шарқий Бухоро номи билан юритилган бугунги Тожикистон Республикаси ерлари, Шимолий Афғонистоннинг Ҳиндикуш тоғларидан то Панж дарёси қирғоқларигача бўлган ҳудуд кирган. Ҳокимиятни XVIII аср ўрталаридан бошлаб ўзбекларнинг манғитлар уруғига мансуб сулола вакиллари бошқарган. Ҳарбийлар ҳам ўзбеклар уруғларига мансуб аҳолидан иборат бўлиб, улар турк ва форс тилларида мулоқот қилишган. 18-19 асрлар давомида Манғишлоқ ҳудудидан сиқиб чиқарилган ва эрсари уруғига мансуб бўлган туркманлар ҳам Бухоро амирлигининг сараланган ҳарбий қўшинлари таркибига кирган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Чор Россияси билан бўлган тўқнашувларда Қўқон хонлиги тугатилди ва унинг ҳудудлари Россия таркибига қўшиб олинди. Хива хонлиги эса бутунлай Чор Россиясига қарам бўлиб қолди. Бухоро амирлиги 1868 йилда Самарқанд яқинидаги Зирабулоқ жангида Россиядан енгилди ва бир қанча мавзеларини, шу жумладан, Самарқандни ҳам Россияга беришга мажбур бўлди. Хива

хонлигидан фаркли ўлароқ, Бухоро амирлиги Россиянинг ярим мустамлакасига айланди ва маълум мухториятга эга эди. Шундай қилиб, 1917 йилги инқилобга қадар Бухоро амирлиги Чор Россиясининг протекторати ёки ҳомийлигида эди. Бухоро ҳудудида рус аҳолиси истиқомат қилувчи қишлоқлар барпо этилди ва бу аҳолига нисбатан амирликнинг қонун ва тартиботлари жорий этилмас эди. Бухоро амирлиги ҳудудида Россия капитали етакчи мавқега эга бўлиб, асосан пахтачилик саноати ва савдоси тармоқларини қамраб олган эди. Бухоронинг сўнгги амири Сайид Олимхон чор Россиясининг Санкт-Петербург шаҳридаги имтиёзли ўрта ҳарбий ўқув юрти – Пажлар корпусини тугатган бўлиб, генерал ҳарбий унвонига эга эди.

1917 йил инқилоб натижасида Бухоро амирлигининг чор Россиясига қарамлиги барҳам топди. Аммо 1918 йил март ойидаёқ Туркистон халқ комиссарлари раиси авантюрист Федор Колесов кизил армия отряди воситасида Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳужум уюштирди. Бу босқинчилик уруши ҳар иккала томонга ҳам катта зиён келтирди ва жуда кўплаб тинч аҳоли нобуд бўлди. Кейинчалик Сайид Олимхон, Буюк Британиянинг катта ваъдаларига қарамасдан, Совет Россияси билан уруш очишга ошиқмади. Совет Россиясининг Сибирь ҳамда Каспий бўйи фронтларидаги оғир аҳволига қарамасдан, Сайид Олимхон большевикларга қарши уруш ҳаракатларини олиб бормади. Бироқ Совет Россияси Бухоро амирлигининг тинчликсевар сиёсатини инобатга олмади. 1920 йил март ойида Совет кўшинлари Хива хонлигига бостириб кириб, уни ағдариб Хоразм Совет Республикасини эълон қилди. Ўз навбатида, Бухоро амирлигига нисбатан оппозицияда бўлган “Ёш бухороликлар” ҳам Бухоронинг руслар яшайдиган ҳудудларидан келиб бошпана топишди. Рус Туркистонида “Жадидлар” номи билан машҳур бўлган модернист ислохотчилар Бухорода “Ёш бухороликлар”, Хивада “Ёш хиваликлар”, Афғонистонда “Ёш афғонлар” номи билан юритилган. Жадидлар жамиятни модернизация қилиш тарафдори бўлиб, Бухорода – амир, Хивада – хон тарафдорларига қарши кураш олиб борганлар. Улар ўзларининг сиёсий қарашларига кўра Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон давлатларининг XX асрдаги асосчилари Омонulloҳон, Али Жинна ва Жавоҳарлал Неруга яқин бўлган. Бироқ Туркистон жадидлари британияликлар асос солган суд тизими, армия институти ҳамда университетлар тизимини қабул қила олмас эдилар. Шу билан бирга, улар анъанавий, эски зодагонларга қарши курашда заифликлари учун рус инқилобчиларига кўз тиккан эдилар.

Советлар “Ёш бухороликлар”ни қўллаб-қувватлашди, шу билан бирга амир Олимхонга катта ваъдалар бериб, “дўст бўлиш” ниқоби остида сиёсат юргизаётган эди. Советларнинг Бухородаги вакиллари Аксельрод ва Гуревич Сайид Олимхонга “дўстлашиш вақти келди” деган бўлсалар, 1920 йил 30 мартда М. Фрунзе Сайид Олимхон билан бўлган шахсий

учрашувида: “Россия ҳар қачонгидан кўра, Бухоро ҳудудларининг дахлсизлигидан манфаатдордир” – деди. Бу большевикларнинг навбатдаги найрангидан бошқа нарса эмас эди. Ҳолбуки, Совет Россияси раҳбарлари Бухоронинг руслар яшайдиган ҳудудларида гарнизонларни кучайтириш тўғрисида махфий директивалар берди. 1920 йил 7 майда Россиянинг Бухородаги вакили Аксельрод “Бухоро ҳукуматига нисбатан ўта юмшоқ сиёсат юритишда” айбланиб, Бухородан чақиртириб олинди. Аксельрод Бухоро муаммосини ҳарбий усул билан ҳал қилиш тарафдори бўлган Луцевич-Зарембе билан алмаштирилди. 13 май куни Совет Россияси ташқи ишлар халқ комиссарлигининг Туркистондаги вакили Гопнер “Бухорога нисбатан сиёсий ёндашув тезисларини ишлаб чиқиш” тўғрисида қатъий топшириқ олди. Россия компартияси МКнинг сиёсий бюроси 1920 йил 22 май куни Қорахоннинг ахборотиغا биноан, Бухоро инқилобчилари, яъни “Ёш бухороликлар”ни қўллаб-қувватлашга қарор қилди. Бундан 4 кун олдин, 18 май куни Совет кўшинлари Шимолий Эронни эгаллаб, у ерда “Форс Совет Республикаси” номли кўғирчоқ ҳукумат туздилар. Айнан шу пайт 31 май куни Совет–Британия савдо алоқалари ўрнатилди. Россия ҳудудларида фуқаролар уруши давом этаётган бир пайтда, Лондон большевикларнинг душманларини қўллаб-қувватлаб келарди, бироқ 1920 йил май ойида Совет Россияси билан келишиб олишга аҳд қилди. Гап шундаки, Совет кўшинлари Осиё ҳудудига кириб бориб у ердаги халқларни “шўролаштираётган” эди, “шўролаштириш” сиёсати маълум маънода Буюк Британиянинг Марказий ва Жанубий Осиёдаги манфаатларига тўқнаш келаётган эди. Ленин ва Троцкий Лондон билан музокаралар олиб бориш тарафдорлари эдилар, аммо кўпчилик коммунистлар бу масалада қатъиятли бўлишни талаб қилиб чиқдилар. Масалан, Сокольников, Совет Россиясининг асосий вазифаси Форс кўрфазига чиқиш, деб ҳисобласа, Геллер, биринчи навбатда Бухорони, кейин Эронни ва сўнгра Ҳиндистонни қўлга киритиш керак, деб ҳисоблар эди.

Бухоро амири Сайид Олимхон бу вазиятдан яхши хабардор эди. Шу сабабли, Бухоро британияликлар ва афғонлар билан алоқага киришган эди. Асосий мақсад, деб ҳисоблар эди амир, Совет Россияси билан тўқнашмаслик ва, имкони борича, Лондон ва Москва ўртасидаги музокараларни чўзишдан иборат. Амир Олимхон Совет Россияси билан низо қилмаслик мақсадида Тошкентдаги Туркистон АССР раҳбариятининг барча талабларини қондирди ва 1920 йил июль ойида шошилиш тарзда Москвага ўз элчиларини жўнатди. Амирлик элчилари большевикларнинг “Ёш бухороликлар”ни қўллашларига қарши эмасликларини билдиришди. Аммо Ленин бошчилигидаги большевикларнинг Бухорога нисбатан позициялари қатъийлашди. Ва, ҳатто, британияликлар билан бўлган музокараларда, Бухорони осонликча қўлга киритамиз, деб ҳисоблар эдилар.

1920 йил июль ойидан бошлаб, рус Туркистони матбуотида Бухоро амирлигига қарши иғво ва бўҳтонлар кучайди. Амир ҳокимиятининг легитимлиги шубҳа остига олиниб, рус Туркистонидида истиқомат қилаётган бухоролик муҳожирлар номидан мактублар матбуотда чоп этилди. Тошкентда чоп этиладиган “Известия” газетасида “Бухоро амирлигининг кирдикорларига чек қўйиш керак” қабилидаги мақолалар эълон қилинди. Худди шу пайт М. Фрунзе Москвага мактуб йўллаб, унда, барча можароларда Бухоро ҳукумати айбдор эканлигига кўпчиликти ишонтириш учун барча воситалардан фойдаланиш керак, деган уйдирмани илгари сурди. 1920 йил 30 июль Тошкентдаги ҳарбий бюро мажлисида Фрунзе нутқ сўзлаб, “Бухорога қарши ҳарбий операцияни 15-20 август кунлари амалга ошириб, Бухоро амирлигини 1 кун ичида ағдариш керак”, деди.

Вазият ниҳоятда кескинлашди. Қизил гвардиячилар амирлик ҳудудида ва унинг чегараларидаги муҳим стратегик мавзеларни эгалладилар. Ўз навбатида, Бухоро ҳудудида аҳоли ўртасида ватанпарварлик ҳиссиёти кучайди, тез-тез қизил гвардиячилар ва аҳоли ўртасида тўқнашувлар бўлиб турди. 10 август куни Москвада Куйбишев ва Фрунзеларнинг мактублари асосида Россия компартиясининг Сиёсий бюроси Бухородаги ва унинг чегараларидаги рус аҳолиси ҳамда Россия маҳкамаларини ҳимоя қилишга қарор қилади. Ҳолбуки, Аксельрод ва Гопнер бу қарорга қарши чиқади.

1920 йил 12 август куни Бухоро чегарасидаги муҳим позицияларни эгаллаш учун Фрунзе қизил гвардиячиларга буйруқ беради, бу демарш гўёки Бухоро инқилобчилари, яъни “Ёш бухороликлар” нинг амирликка қарши ҳужумини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Фрунзе бошчилигидаги қизил гвардиячиларнинг Бухоро амирлигига қарши босқини 1920 йил 29 августда бошланган эди.

29 август куни эрталаб соат 5.00 да Эски Чоржўй эгалланди ва шу заҳотиёқ “Ёш бухороликлар”дан иборат ревком ташкил этилди. Ревком ёки инқилобий қўмита қўзғолон бошланганлигини эълон қилди ва Совет Россиясидан амирликка қарши урушда ёрдам беришни сўради. Шундан сўнг 2,5 минг аскарлардан иборат қўшин дивизия қўмондони Белов бошчилигида Бухорога ҳужум бошлади. Эслатиб ўтиш жоизки, Белов бошчилигидаги бу қўшин Фурманов билан биргаликда ўша йилнинг май ойида Верний (ҳозирги Олма-Ота)даги исённи бостирган эди. Белов қўшини таркибида еттисувлик қизил гвардиячилар ҳам бир талай бўлиб, улар Бухоро амирлиги армияси томонидан қаттиқ қаршилиikka учради. Амирлик армияси 15 минг сарбозлардан иборат бўлиб, уларга ватанпарвар кўнгиллилар кўмаклашди. Вазият ниҳоятда оғир бўлиб, оз сонли қўшин билан Бухорони эгаллаш амри маҳол эди. Фрунзе артиллерия ва авиациядан фойдаланиш тўғрисида буйруқ берди. Ҳаммаси бўлиб 12 минг, шу жумладан, кимёвий снарядлар отилди. 11 та самолёт шаҳарга тинимсиз

бомба ёғдирди ва бу ҳолат уч кун давом этди. Шаҳар маркази бутунлай вайрон қилинди. Босқинчи аскарлар томонидан шаҳар бойликлари талон-торож қилинди, кўпгина масжидлар сайисхона (отхона) ва казармаларга айлантирилди. Ҳатто, ҳарбий фронт штабидан Москвага жўнатилган мактубларда “Бухорони талон-торож қилиш ваҳшийларча амалга оширилмоқда ва уни тўхтатишнинг имкони йўқ”, дейилган эди.

Армия шаҳарни тўрт кун давомида талади, ҳатто тўрт кундан сўнг Фрунзе таловчиларни отиб ташлаш тўғрисида фармон берган бўлса-да, талончилик яна давом этди. Москва вакили Машицкийнинг ёзишича, аскарлар, уларнинг командирлари Регистон атрофидаги биноларни шип-шийдон қилдилар, шаҳар аҳолисини, шаҳарга яқин бўлган қишлоқлар аҳолисининг бойликларини зўравонлик билан тортиб олишди. Куйбишев кундаликларида “15 сентябрь куни аскарлар талончилик билан шуғулландилар, 16 сентябрь куни улар 24 қутилик қимматбаҳо бойликларни тортиб олдилар, 17 сентябрь куни махсус бўлимга таловчиликка қарши курашни кучайтиришни таклиф қилиш керак”, деб ёзилган эди.

Амир Сайид Олимхоннинг қўлга олинishiга бир баҳя қолди, лекин карвонда ортиб кетилаётган бойлик унинг жонига ора кирди. Амир Гиждувон тоғларига яқинлашганида 2-байналмилал Кавказ полкининг аскарлари етиб келишди ва карвондаги бойликларни талашга тушишди. Полк командири ва унинг комиссари “бир қути қимматбаҳо тақинчоқлар, бир қоп олтин, тилла камарлар, зардан ясалган ва қимматбаҳо тошлар билан безалган қурол-яроғлар, жавоҳирлар билан безатилган олтин юлдуз нишони ва бошқа нарсаларни ўзлаштириб олишди”. Бронепоезд командирлари ўзларининг улушлари сифатида 2-байналмилал Кавказ полки командиридан тилла камарни тортиб олганликлари учун қамоққа олиндилар. Кейинчалик, қўмондонлик таркибидаги офицерлар барча бойликлар инқилобий қўмита ва аҳоли томонидан инъом этилди, деган миш-миш тарқатдилар. Ҳатто, Фрунзенинг ўзи амирнинг ёзги қароргоҳи – Ситораи Моҳи Хосадан бир жуфт олтин қилични эгаллаб олди. Амирлик хазинасидан ташқари, юзлаб дўконлар, заргарлик устaxonалари, мактаб ва мадрасалар вайрон этилди. Балжувонлик мадраса талабаси Муҳаммадали бу бедодликларни ўз кўзи билан кўрган эди. Унинг ёзишича, Бухоронинг 34 гузари ёниб, ер билан яксон этилди. Қарийб мингта дўкон, савдо расталари, 30 масжид ва 300 атрофидаги катта иморатлар нобуд этилди¹⁷.

Янги ҳукумат раҳбарлари Бухорода қўлга киритилган бойликлар рўйхатини тузишди ва қўлга олинган қимматбаҳо буюмларни Тошкентга жўнатишди. Бу рўйхатдан олтин ҳамда қумушлардан ташқари, “1007та эркаклар қўйлаги, 1174та зар тўн, 596та кўрпа, 1 дона пальто ва 13та палос” жой олган эди. Бундан ташқари, Бухородан жуда катта миқдорда

¹⁷ Қаранг: Аюбзод С. Тожиқлар йигирманчи асрда (тожиқ тилида). – Прага, 2002. – Б. 77.

мол ва матолар олиб чиқиб кетилдики, бу ҳолатни “Ёш бухороликлар” нинг ўзлари “иқтисодий талон-торожлик” деб атадилар. Охир-оқибат, Бухоро олтинларининг катта қисми изсиз, дараксиз йўқолди. 1925 йилда Ф. Дзержинский ўз ёрдамчиси Кацельсонга 15 млн. олтин рублига тенг Бухоро олтинларининг қаяққа кетганлигини аниқлаш учун топшириқ берди. 1921 йил Фрунзенинг генерал Врангель устидан қозонилган ғалабасидан сўнг, РКП (б) Сиёсий бюроси Фрунзени Бухоро амирининг олтин ҳассаси, олтиндан ясалган жавоҳирли юлдуз нишони ва олтин револьверини ўз командирларидан совға сифатида олганликда айблади, аммо биров фурсатдан сўнг “фуқаролар уруши қаҳрамони”га нисбатан айблов иши тўхтатилди.

1920 йил октябрь ойида совет қўшинлари Шарқий Бухорога юриш бошлади. Эндиликда Бухоро амира Сайид Олимхон Душанбе яқинидаги қалъадан бошпана топган эди. Фарм, Кўлоб, Ҳисор аҳолиси қизил гвардиячиларга қарши жиддий қаршилик кўрсатдилар. I Туркистон отлик дивизияси қўмондони Спасскийнинг маълумотига кўра, “ҳарбий полкларнинг аскар ва офицерлари партизанларга ёки йўлтўсар қароқчилар, бандитларга айландилар”.

1921 йил ёзида Шарқий Бухорода оммавий қўзғолон бошланди. Қўзғолончилар томонига милиционерлар, I Бухоро ҳарбий мактаби курсантлари, Бухоро Республикаси Марказий Ижроия қўмитаси раиси Усмонхўжаев ва Республика ҳарбий вазири жаид Орипов ўтиб кетдилар. Ориповнинг халққа қарата ёзган мурожаатномасида шундай дейилган эди: “Менинг фикримча, босмачилик коммунистик ахлоқсизлик ва большевикча золимликка қарши қўзғолондир. Бизнинг шиоримиз — демократик республика, кенг ваколатли Туркистон мухторияти ҳамда Бухоро ва Хиванинг мустақиллигидан иборат”.

Шарқий Бухоронинг тоғли ҳудудларида уруш 1930 йилларгача давом этди. 10 йил ичида Совет қўшинларидан 30 минг аскар ва зобитлар ҳалок бўлди, аммо маҳаллий аҳолидан қанча киши нобуд бўлганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, 1 млн. дан ортиқ аҳоли Афғонистонга ва бошқа хорижий мамлакатларга муҳожир бўлиб кетишди. Совет ҳокимиятининг Афғонистондаги 10 йиллик босқини, унинг Бухородаги кирдикорларини эса солади. Бу сиёсат ҳам Афғонистонни “шўролаштириш”дан иборат бўлиб, 10 йил давомида советлар Афғонистоннинг ички ишларига аралашиши натижасида 15 мингга яқин собиқ СССР аскарлари ва зобитлари ҳалок бўлишди, уларнинг кўпчилигини марказий осиёликлар ташкил этар эди. Аммо афғонлардаги йўқотиш ўн мартадан ҳам кўп бўлди. Бу босқинчилик уруши оқибатида 1,5 млн. афғонлар нобуд бўлди, 1,5 млн. аҳоли ногирон бўлиб қолди. 5 млн.га яқин аҳоли эса хорижий мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлди.

2. Барқарорлашув йилларида халқаро муносабатлар.

Режа:

1. Халқаро муносабатларда Германия қарзлари масаласи.

2. Шарқда давлатлараро зиддиятларнинг кескинлашуви.

1. Халқаро муносабатларда Германия қарзлари масаласи.

1924 йилга келиб, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам инқилобий ҳаракатлар бирмунча пасайди, кўпгина жаҳон мамлакатларида бошқарув тизими либерал методлар асосида олиб борилди. Халқаро муносабатлардаги кескинлик бирмунча юмшади, айнан 1924–1929 йилларни халқаро муносабатлар тарихида барқарорлашув йиллари деб номлашади. 1924 йилдаёқ Францияда, 1927 йилда Германиядаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Биринчи жаҳон урушидан олдинги даражага етди. Англияда саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши бирмунча суст даражада эди. Англиядан фарқли ўлароқ, АҚШда ривожланиш тез суръатлар билан бормокда эди. Шу сабабли, дунё миқёсида АҚШ етакчи мавқега эга бўлди. Ташқи бозордаги рақобат, асосан, етакчи давлатлар ўртасида кечаётган эди.

Жанубий Америка, Хитой, Канада, Австралия бозорларида АҚШ билан Англия ўртасида кучли рақобат кечаётган бўлса, Тинч океан ҳудудида жойлашган мамлакатларда АҚШ билан Япония ўртасида зиддият кучайди.

Европа бозорларида эса Германия Англия, Франция, АҚШ ва бошқа давлатлар билан муваффақиятли рақобат олиб бормокда эди. 1924 йилнинг февраль-октябрь ойлари мобайнида собиқ СССР Англия, Италия, Норвегия, Австрия, Греция, Швеция, Хитой, Дания, Мексика, Венгрия, Франция томонидан тан олинди. 1925 йилда эса собиқ СССР билан Япония ва Канада ўртасида алоқалар ўрнатилди.

Ўша даврдаги халқаро муносабатларда Германия масаласи мураккаб муаммолардан бири эди. 1921 йилда Германиянинг Антанта мамлакатларига бўлган қарзи 132 млрд. олтин маркада белгиланган бўлса-да, бироқ бу қарзни қандай йўл билан ундириш масаласи белгиланмаган эди.

1923 йил январь ойида Парижда чақирилган конференцияда Англия янги ташаббус билан чиқди, унга кўра репарация тўловларини 4 йилга кечиктириш ва тўлов суммаларини 50 млрд. олтин марка қилиб белгилаш назарда тутилган эди. Бу режа англиялик эксперт Бонар Лоу томонидан ишлаб чиқилганлиги боис, у “Бонар Лоу режаси” номини олди. Бироқ Франция бу режага қарши чиқди ва у конференцияда қабул қилинмади.

1923 йил 11 январь куни репарация комиссияси аъзоларининг розилиги билан Франция ва Бельгия кўшинлари Германиянинг Рур

вилоятини ишғол қилдилар. Шу воқеа туфайли Германия–Франция муносабатлари нихоятда кескинлашди, собиқ СССР ҳам Франция ва Бельгиянинг бу сиёсатиға қарши чиқди. Ўз навбатида, халқаро муносабатларда Франция–Англия, Франция–АҚШ, Англия–АҚШ ўрталаридаги муносабатлар ёмонлашди. Аммо Германиядаги инқилобий кучлар дунёнинг етакчи давлатларини жипслашишга мажбур этди.

Антанта кенгаши очикдан-очик Германиянинг ички ишларига аралаша бошлади. Экспертлар қўмитаси АҚШ вакили Чарльз Дауэс бошчилигида янги репарацион режа ишлаб чиқди. Айнан ана шу режанинг ишлаб чиқилиши давомида 1924 йилнинг июль-август ойларида Франция ва Бельгия қўшинлари Рур вилоятидан олиб чиқилди.

Чарльз Дауэс режасига биноан, Германияга 1925 йилдан 1929 йилгача ҳар йили репарация тўловини 1 млрд. олтин маркадан 2,5 млрд. маркага ошириб бориш, 1929 йилдан бошлаб ҳар йили 2,5 млрд. маркадан тўлаш мажбурияти юклатилди.

Чарльз Дауэс режасига мувофиқ, АҚШ ва бошқа Антанта мамлакатлари Германия иқтисодиёти назоратини ўз қўлларига олишлари ва немис халқи бўйнига оғир қарзни юклаш ва уни ундириш назарда тутилган эди.

1924 йилги Лондон конференциясидан сўнг Европа сиёсатидаги устунлик Франциядан Англияга, сўнг Ч.Дауэс режаси туфайли АҚШга ўтди. Германия 1924–1929 йиллар давомида чет мамлакатлардан, асосан, АҚШ ва Англиядан 21 млрд. марка кредит олди. 1928 йилга келиб Германиянинг иқтисоди бирмунча барқарорлашди. Айнан 1928 йил кузида Германия ҳукумати Рейн ҳудудининг оккупация қилинишини ва Чарльз Дауэс режасининг қайтадан кўриб чиқилишини талаб қилди. АҚШнинг ташаббуси билан америкалик банкир Оуэн Юнг бошчилигида АҚШ, Англия, Франция, Италия, Япония, Германия ва Бельгия молия экспертлари қўмитаси “Оуэн Юнг режаси”ни ишлаб чиқдилар. Бу режа 1929 йилда Гаага халқаро конференцияси иштирокчилари томонидан маъқулланди ва 1930 йил январь ойида бўлиб ўтган Гаага конференцияси томонидан тасдиқланди.

Ушбу режага мувофиқ, АҚШ капитали учун Европада янги муҳит яратилиши ва келгусида Германиянинг СССРга қарши кураш олиб бориши учун уни қўллаб-қувватлаш назарда тутилган эди. Оуэн Юнг режасига кўра, Германиянинг репарация тўлови 59 йилга чўзилиши ва 1988 йилгача давом этиши керак эди. Бу даврда Германия 113,9 млрд. марка репарация тўлаши ва яқин 37 йил мобайнида репарациянинг йиллик тўлови 2 млрд. марка қилиб белгиланди. Эндиликда Германиянинг темир йўлларида келадиган фойдалар репарациянинг бирдан-бир мақсади қилиб белгиланди. Шундай қилиб, Германия иқтисодиёти устидан ўрнатилган назорат АҚШ ташаббуси билан бутунлай бекор қилинди. Шу муносабат билан, Чарльз Дауэс режаси Оуэн Юнг режаси билан алмаштирилди. Бу Германия халқига анча енгиллик келтирди ва репарация тўловларини йиғиш иши Германия ҳукуматиға топширилди.

1925 йил 5–16 октябрь кунлари Швейцариянинг Локарно шаҳрида Германия масаласи бўйича халқаро конференция чақирилди. Унинг ишида Англия, Франция, Италия, Германия ва Бельгия вакиллари иштирок этдилар. Конференция охирида Чехословакия ва Польша вакиллари ҳам чақирилдилар. АҚШ вакиллари бу конференцияда қатнашмаган бўлса-да, бироқ унинг қарорлар қабул қилиш жараёнида четдан туриб катта таъсир кўрсатдилар. Конференцияда аҳднома қабул қилиниб, унда Германиянинг Версаль сулҳ шартномаларини бажариши ва Рейндаги демилитаризация зонасини бундан кейин ҳам бузмаслиги таъкидлаб кўрсатилди.

Аҳднома шартларига мувофиқ, Англия билан Италия Франция ва Бельгияни Германия ҳужумидан, Германияни эса – Франция ва Бельгия армияси ҳужумидан кўриқлайдиган бўлдилар. Рейн аҳдномасидан ташқари, арбитраж тўғрисида Франция–Германия, Германия–Бельгия, Германия–Польша, Германия–Чехословакия шартномалари тузилди.

Бир неча йиллар Франция бош вазири ва ташқи ишлар вазири бўлиб ишлаган Аристид Бриан Франция позициясини мустаҳкамлаш ва АҚШ билан ўз ташқи сиёсатини мувофиқлаштириш мақсадида, АҚШ давлат котиби Александр Келлогга мурожаат қилди ва ўзаро уруш қилмаслик тўғрисида битим тузишни таклиф этди. Бу таклиф 1927 йил апрель ойида илгари сурилди ва ҳар икки томондан имзоланди. 1928 йилнинг 27 августида “Бриан-Келлог аҳдномаси”да миллий сиёсатнинг қуроли сифатида урушдан воз кечиш, можароли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш ғояси илгари сурилган эди.

2. Шарқда давлатлараро зиддиятларнинг кескинлашуви.

Бу даврда халқаро зиддиятлар кучайиб бормоқда эди. Германияда “Мустамлакачилик империяси амалий ҳамкорлиги”, “Рейхстагнинг мустамлака кўмитаси” ва бошқа реваншист, урушқоқ ташкилотлар тузилган бўлиб, улар Версаль системаси шартномалари ва қарорларини қайтадан кўриб чиқишни талаб қилаётган эдилар.

1927 йилда яна бир муҳим воқеа юз берди. Афғонистонда истиқомат қилаётган собиқ Бухоро амири Сайид Олимхон “Миллатлар лигаси” қароргоҳи жойлашган Швейцариянинг Женева шаҳрига ўз вакили генерал Муқимбой орқали махсус ҳужжат жўнатди. Унда Бухоро амирлиги ҳудудини большевиклар томонидан зўравонлик билан босиб олинганлиги ва энди Бухоро бир неча вилоятга бўлинганлиги ҳамда собиқ Бухоро амирлигининг аҳолиси, табиий бойликлари, маъмурий тузилиши ҳақида батафсил маълумот берилган эди. Сайид Олимхон бу мактубида “Миллатлар лигаси”дан Бухоро амирлиги мустақиллигини тиклаш учун ёрдам сўраган эди. Бухоро давлатини тиклашда “Миллатлар лигаси” ёрдам беришга ваъда берган бўлса-да, бу ишни амалга ошириш жуда мушкул эди.

1927 йил Японияда “Танака меморандуми” ишлаб чиқилди. Бош вазир Танака Тинч океан ҳудудида янги ва янги мустамлакаларни қўлга киритиш учун “Қилич ва қон сиёсати”ни юргизиш ғоясини илгари сурди.

1926–1927 йиллар давомида Шарқда, айниқса, Осиёда миллий-озодлик ҳаракати авж олди. Индонезия аҳолиси Голландияга қарши, Ҳиндихитой халқлари Францияга қарши озодлик ҳаракатларини олиб бордилар. Ҳиндистонда эса Англияга қарши антиимпериалистик ҳаракат авж олди. Марокашда Франция ва Испания мустамлакачилигига қарши кураш бошланди. Сурия ҳам ўз мустақиллиги учун кураш олиб бораётган эди. 1924 йилда бошланган инқилобий ҳаракат миллий-озодлик ҳаракатига айланди ва бу ҳаракат тобора юксалиб борди. Хитойда 1924 йилда бошланган инқилобий ҳаракат миллий-озодлик ҳаракатига айланди ва бу ҳаракат ҳам юксалиб борди. 1925 йил май ойида Англия, АҚШ полициялари Шанхай ишчилари ва талабаларининг тинч намойишларини ўққа тутди. Бу ёвузлик Хитой халқини ёппасига курашга чорлади. Хитой халқи Ғарб давлатларининг Хитойдаги барча имтиёзлари ва тенгликка асосланмаган барча шартномаларнинг бекор қилинишини, чет эл қуроли кучларининг Хитойдан олиб чиқиб кетилишини талаб қилди.

1927 йил баҳорида АҚШ, Англия, Япония ва Франция Хитойга қарши очиқ интервенция эълон қилдилар. Нанкин ва бошқа шаҳарларнинг аҳолиси ўққа тутилди. хорижликларнинг 170та ҳарбий кемаси Хитой соҳилларида пайдо бўлди. Хитой халқига қарши ўтказилган зуғум, дўк, пўписа барча мазлум Шарқ халқларига ҳам қаратилган эди.

Аммо Хитойдаги миллий-озодлик ҳаракати кучайган сари Ғарб давлатларининг Хитойдаги мавқеи сусайиб борди. Шундай қилиб, 1924-1929 йиллар давомида Ғарб давлатларида вазият анча барқарорлашди, аммо бу ҳолат зиддиятларни ҳал қилолмади. Шу билан бирга, Шарқ халқларининг миллий-озодлик кураши Ғарбнинг етакчи давлатларидан Шарқнинг мазлум аҳолиси талаблари билан ҳисоблашишга, шунингдек, уларни бошқарувнинг “юмшоқроқ”, замонавий усуллари жорий қилишга мажбур эта бошлади.

3. Жаҳон иқтисодий инқирози ва уруш ўчоқларининг вужудга келиши

Режа:

- 1. Жаҳон иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари.***
- 2. Узоқ Шарқда ва Европада вужудга келган урушнинг “икки ўчоғи”.***
- 3. Собиқ СССР халқаро муносабатларининг мураккаблашуви .***

1. Жаҳон иқтисодий инқирози ва унинг оқибатлари.

1929 йилнинг охирига келиб, барқарорлашув тугади ва жаҳон иқтисодий инқирози бошланди. Бу инқироз Биринчи жаҳон урушидан кейин юзага келган бўлиб, дунё хўжалигининг барча жабҳаларини қамраб

олди ва 1933 йилга қадар, айрим минтақаларда эса 1934 йилгача давом этди. Дунёни ларзага келтирган ушбу инқироз оқибатларини Биринчи жаҳон уруши оқибатлари билан қиёслаш мумкин. Ривожланган мамлакатларда саноат маҳсулотлари 36 фоизга, пўлат ва чўян эритиш 60-65 фоизга қисқарди. 1933 йилга келиб, дунё миқёсидаги ишсизлар сони 30 млн.дан ошиб кетди. Инқирознинг аграр сектордаги оқибатлари натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш танқисликка учради. Озиқ-овқат танқислиги, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги рецессия бутун дунё халқлари ўртасида норозилик ва инқилобий чиқишларга олиб келди. Англия–АҚШ, АҚШ–Япония, Франция–Италия, Англия–Франция давлатлари ўртасидаги зиддиятлар кескинлашиб борди. Шу билан бирга, метрополиялар ва мустамлакалар ўртасидаги зиддиятлар ҳам авж олди. Собиқ СССР ва Ғарб давлатлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳарбий авиация, ҳарбий денгиз кучлари ва қуруқликдаги ҳарбий кучлар сонининг ошиб боришига сабаб бўлди.

1931–1932 йилларга келиб, АҚШнинг ҳомийлиги ва, энг аввало, жаҳон иқтисодий инқирозининг оғир кечиши натижасида Германия ҳукумати репарация тўловларини тўлашдан бош тортди. Оуэн Юнг режаси ўз кучини йўқотди. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, 1929 йилга келиб Германия ўзини анча тиклаб олган эди. 1929–1930 йиллар мобайнида собиқ СССРда юз берган ички кураш авж олди. Айнан 1929 йилда Сталин томонидан Янги иқтисодий сиёсат барбод этилди. Собиқ СССРда қулоқлаштириш ва жамоалаштириш авжига чиқди ҳамда режали иқтисодиёт, яъни “беш йилликлар режаси” амалга жорий қилина бошлади. Ўз навбатида, қулоқлаштириш ва жамоалаштириш даҳрийлик шиори остида олиб борилди: бир қанча черковлар, масжидлар, ибодатхоналар, тарихий ёдгорликлар бузиб ташланди. Буларнинг барчаси “маданий инқилоб” шиори остида олиб борилди. Шу билан бирга, собиқ СССР ҳудудидаги ислом цивилизациясига мансуб халқлар, шу жумладан, ўзбекларнинг имлоси араб ёзувидан лотин ёзувига ўтказилди. 1929 йилдан бошлаб жаидлар таъқиб остига олинди, уларга нисбатан кенг қамровли ва шафқатсиз қатағон сиёсати бошлаб юборилди.

Афғонистонда эса 1919 йилдан бери мамлакатни бошқариб келаётган, “ёш афғонлар” ҳаракатининг амири бўлган Омонуллохон ички низолар туфайли тахтдан ағдарилди. Натижада, Афғонистонда у ўтказётган илғор ислохотлар тўхтаб қолди.

Собиқ СССРда олиб борилаётган даҳрийлик сиёсати Рим папаси Пий ХІни диндорларга мурожаат қилишга ундади. Рим папаси ўз мурожаатида собиқ СССРдаги олиб борилаётган даҳрийлик сиёсатини қоралади ва барча христианларни СССРга қарши “салиб юриши”ни ташкил этишга чақирди.

1930 йил май ойида Франция ташқи ишлар вазири Аристид Бриан жаҳон иқтисодий инқирозидан халос бўлиш учун европаликларни

хамкорлик қилишга даъват этди. Унинг фикрига кўра, Европа давлатлари федерация асосида бирлашишлари лозим эди.

Франциянинг “федерация иттифоқи” ғоясини фақат Польша ва Чехословакия раҳбарлари ёқлаб чиқдилар. Франциянинг “федерация иттифоқи” ёки паневропеизм сиёсатига Англия қаттиқ қаршилик кўрсатди. Бошқа Европа давлатлари ҳам Франция ташқи ишлар вазири А.Брианнинг бу ғоясини қўллаб-қувватламадилар.

Жаҳон иқтисодий инқирози йилларида дунёни яна қайта тақсимлаб олиш сиёсати кенг авж олди. Узоқ Шарқда, Хитойда бозорларни ва хомашё манбаларини кўпроқ эгаллаш ҳамда шу йўл орқали бу мамлакатларда ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун курашда Япония, АҚШ ва Англия ўртасида рақобат кучайди. Япония ўзи учун қулай вазиятдан фойдаланди, чунки Хитойда фуқаролар уруши давомида Гоминдан раҳбарларининг Хитой инқилобчиларига қарши кураши авж олган эди. Шу билан бирга, Ғарб давлатлари ва собиқ СССР ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланган Япония давлати “Танака меморандуми” асосида ўзининг кенг босқинчилик режаларини амалга оширишга киришди. Япония биринчи бўлиб Версаль–Вашингтон системасини қайта кўриб чиқишга уринди. Япония ўз мустамлакаси бўлган Кореянинг шимолий қисмини ҳарбий плацдармга айлантирди.

2. Узоқ Шарқда ва Европада вужудга келган урушнинг “икки ўчоғи”.

1931 йил сентябрь–1932 йил февралда Япония Хитойнинг шимоли-шарқида жойлашган Маньчжурия ҳудудини босиб олди ва у ерда кўғирчоқ ҳукумат шаклида бўлган Маньчжоу-Го давлатини тузди. Хитойнинг шимоли-шарқий қисми Япониянинг тажовузкор плацдармига айлантирилди. Шу тариқа, 1931–1932 йиллар давомида Узоқ Шарқда урушнинг биринчи ўчоғи вужудга келди.

Албатта, Япониянинг Хитойдаги экспансияси Ғарб давлатлари ва, айниқса, АҚШ манфаатларига зид келар эди. Бироқ АҚШ Япониянинг бу хатти-ҳаракатларининг олдини олмади, чунки у Япониядан собиқ СССРга қарши фойдаланиш мақсадида эди.

Тўғри, АҚШ Япония агрессиясини юзаки қараганда гўё қоралади ва Япония билан Хитой ўртасида воситачилик қилди. Бироқ у Япония агрессиясини шимолга йўналтиришга уринаётган эди. АҚШ Япония ва Хитой қўшинлари орасида “бетараф ҳудуд” тузиб, у ерга АҚШ, Англия, Франция қўшинларини киргизишга ва шу йўл билан Узоқ Шарқда ўз позициясини мустаҳкамлашга уринаётган эди.

Хитой Япония агрессиясига эътироз билдириб, Миллатлар лигасига мурожаат қилди. Миллатлар лигаси Япониянинг Хитойдаги агрессиясини қоралади, бироқ унга қарши бирон-бир чора кўришга ожиз эди.

1931–1933 йиллар давомида Япония, фурсатдан фойдаланиб, ўзининг Хитойдаги босқинчилик режаларини амалга оширди, Япониянинг Хитойдаги ҳудудлари кенгайтирилди. Бу агрессия АҚШ, Англия ва Франциянинг Хитойдаги таъсир доираларини анча заифлаштирди. Натижада, уларнинг манфаатларига қарши жиддий хавф туғилди.

АҚШ ва Англия вакиллари инглиз Литтон бошчилигидаги Миллатлар лигаси ҳузурида комиссия тузишди. 1933 йил февраль ойида Миллатлар лигаси Литтон комиссиясининг иши тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорга кўра, Япония бутун Хитой ҳудудида “Очиқ эшиклар ва тенг имкониятлар” принципага риоя қилиши керак эди. Шу билан бирга, Япониядан Маньчжурияни Хитойга қайтариб, уни Хитой томонидан мухториятга айлантиришни Миллатлар лигаси талаб қилди. Ўз навбатида, Миллатлар лигаси Хитой ҳудудидан япон қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини таклиф қилди. Бироқ Япония Миллатлар лигасининг бу қарорларини қабул қилмади ва, ниҳоят, 1933 йилнинг март ойида Япония Миллатлар лигасидан чиқиб кетди. Шундай қилиб, 1931–1932 йиллар давомида АҚШ, Англия ва Франциянинг пассивлиги туфайли Хитойда Япония босқинчилиги юз берди. Версаль – Вашингтон системаси туфайли юзага келган халқаро тизим барбод бўла бошлади. Узоқ Шарқда вужудга келган уруш ўчоғи тамомила шаклланиб бўлди.

Бир вақтнинг ўзида Германияда реваншистик гуруҳларнинг фаолияти авж олди ва, айниқса, Гитлернинг национал-социалистик партияси уруш ғояларини кенг тарғиб қилмоқда эди.

1932 йил кузида Германияда навбатдаги президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Унда собиқ президент Гинденбург қайта сайланди ва сайловларда қатнашган А. Гитлер иккинчи ўринни олди. 1933 йил январь ойида президент Гинденбург Гитлерни рейхсканцлерлик лавозимига тайинлади. Орадан бир йил ўтгач, яъни 1934 йилда президент Гинденбург вафот этди. Гитлер Германиянинг энг олий ҳукмдори деб эълон қилинди. Шу тариқа, Гитлер Германияда ўзининг нацистик диктатурасини ўрнатишга муваффақ бўлди. Бу диктатура реакцион, террористик диктатура бўлиб, урушқоқ, этник шовинизмга асосланган диктатура эди. Нацизм ва фашизм 20 аср маҳсули бўлиб, Европадаги реакцион кучларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий таянчи ҳисобланар эди.

Фашизм ва нацизм АҚШ, Англия, Франция каби демократик анъаналар бирмунча ривожланган мамлакатлар тепасига келишга муваффақ бўлолмади. Фашизм ва нацизм янги барпо бўлган мамлакатлар ва демократик анъаналар унча ривожланмаган Италия, Япония ва Германияга ўхшаш мамлакатларда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга муваффақ бўлди.

Гитлер ҳали ҳеч бир ҳукмдор амалга оширолмаган мақсадни, яъни дунёга яқка ҳукмрон бўлиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Гитлернинг режасига кўра, аввало, Францияни қийин аҳволга солиш,

Англия мустамлакаларини қўлга киритиш, Лотин Америкаси халқларини, сўнгра АҚШни ўзига бўйсундириш, Африкани эгаллаш, собиқ СССРга қарши уруш очиб, уни тезда енгиш назарда тутилган эди.

“Ирқий назария”, Шарққа юриш ёки “Дранг нах остен”, “Тотал уруш” ғоялари ҳамда Германия давлат аппаратининг асосий иш услублари жосуслик ва қўпоровчилик ишларидан иборат эди. 1933 йил июль ойида Римда тўрт давлат – Англия, Франция, Германия ва Италия ўртасида “якдиллик ва ҳамкорлик” аҳдномаси тузилди. Унга кўра, Германияга урушдан кейинги мажбуриятларини енгилаштириш учун ёрдам кўрсатиш назарда тутилган эди. 1933 йил июнь ойида Лондонда бўлиб ўтган халқаро иқтисодий конференцияда Германия делегациясининг бошлиғи Гуттенберг мустамлакалар масаласини қайта кўриб чиқиш ва собиқ СССР худуди ҳисобидан Германия территориясини кенгайтиришни талаб қилди. Ғарб давлатлари ва Совет ҳукумати гитлерчиларнинг бу талабларига ўзларининг жиддий эътирозларини билдирдилар. Бунга жавобан, Гитлер ўз вакилини Лондондан чақириб олди.

1933–1934 йиллар давомида Женевада қуролсизланиш муаммолари бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Германия бу конференцияда қуролсизланиш соҳасида бошқа мамлакатлар билан тенг ҳуқуқлилиқни талаб қилди, лекин Версаль шартномаси ва Локарно битимларининг ҳарбий масалаларга оид моддаларини бекор қилишга эришолмади. 1933 йил октябрь ойида нацистлар Германияси Миллатлар лигасини тарк этди.

1934 йил Германия билан Польша ўртасида ўзаро хужум қилмаслик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу битим шунчаки ниқоб бўлиб, гитлерчилар Польшани босиб олиш пайида эдилар. Польша ҳукмрон доиралари гитлерчилар билан шартнома тузиб, Польша миллий манфаатларига ва Шарқий Европа халқлари миллий манфаатларига хиёнат қилдилар.

1931 йилда немис нацистлари Австрияни босиб олишга киришдилар. Австрия аҳолисининг норозилиги, халқаро вазиятнинг бунга йўл қўймаслиги ҳамда Италиянинг эътироз билдириши туфайли Австриянинг Германия томонидан босиб олинishi орқага сурилди.

1935 йил январь ойида Версаль шартномасига биноан, Саар вилояти аҳолиси ўртасида плебисцит (референдум) ўтказилди. Гитлерчилар плебисцитда кўпроқ овоз олишга муваффақ бўлдилар ва Саар вилояти Германияга қўшиб олинди.

1935 йилдан бошлаб гитлерчилар ҳарбий-ҳаво, ҳарбий-денгиз ва қуруқликдаги қуролли кучларни кўпайтиришга астойдил киришдилар. Германияда умумий ҳарбий мажбурият жорий қилинди ва бош штаб тикланди.

1935 йил 18 июнда Германия билан Англия ўртасида денгиз битими тузилди. Унга кўра, ҳарбий денгиз флоти Англия сув усти ҳарбий денгиз флотининг 35 фоизини ва сув ости ҳарбий денгиз флотининг 45 фоиз

хажмида куриш, кейинчалик Германия сув ости флотининг Англия сув ости флотига тўла тенглаштириш ҳуқуқи кўзда тутилди. Бу битим Версаль сулҳ шартномасига қарама-қарши Германиянинг ҳарбий денгиз қуrollанишига тўла имкон яратди. Англия–Германия ҳарбий денгиз шартномаси Англиянинг Германия ҳарбий кучларини собиқ СССРга қарши йўналтиришга умид боғлади ва Франция флотига қарши қаратилган куч деб ҳисоблади. Англия ва Франция ўртасидаги алоқалар ёмонлашди.

3. Собиқ СССР халқаро муносабатларининг мураккаблашуви.

Узоқ Шарқда ва Марказий Европада уруш ўчоқларининг вужудга келиши халқаро вазиятни бутунлай ўзгартирди ва кескинлаштирди. Германия ва Япония ҳукмрон доиралари жаҳонга ҳукмрон бўлишга даъво қила бошладилар. Англия ва Франциянинг етакчи доиралари ўзларини мудофаа қилиш позициясига тушиб қолдилар.

Шу тариқа, бир томондан – Германия, иккинчи томондан – Англия, Франция ва АҚШ ўртасида денгиз ва мустамлака масалалари бўйича Япония, АҚШ ва Англия ўртасида Узоқ Шарқ ва Тинч океанда зиддиятлар кучайиб кетди. СССРнинг халқаро вазияти мураккаблашди.

1932 йил июль ойида узоқ музокаралардан сўнг СССР билан Польша, 1932 йил ноябрь ойида СССР билан Франция ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида шартномалар имзоланди.

СССР билан Латвия, Эстония ва Финляндия ўртасида ҳам шундай шартномалар тузилди. 1932 йил февралда, 1934 йил май ойларида Женевада чақирилган халқаро конференцияда қуrollсизланиш масаласи кўрилди. СССР делегацияси М.М. Литвинов бошчилигида халқаро миқёсда ялпи ва батамом қуrollсизланиш таклифини киритди. Аммо Ғарб давлатлари бу таклифни рад этдилар.

Франция делегацияси Миллатлар лигаси ҳузурида халқаро армия тузишни, Германиядан келадиган хавфнинг олдини олиш учун АҚШ ва Англия томонлари кафолат беришларини сўради. Шу билан бирга, Франция Ғарб давлатларига қуrollли кучларни камайитишни таклиф қилди.

Англия делегацияси Германия кўшинлари сонини 100мингдан 200мингга кўпайитишни, Франция армияси сонини 500мингдан 200мингга туширишни, СССР кўшинлари сонини эса 500мингдан оширмаслик талаби билан чиқди.

Германия делегацияси бўлса, бошқа давлатларнинг қуrollли кучларини немис қуrollли кучлари даражасигача қисқартиришни ёки немис қуrollли кучларини бошқа йирик давлатлар даражасигача етказишни таклиф қилди. Амалда эса, Германия ўша пайтда ўз қуrollли кучларини яширин суратда қайта тузиб чиқишга улгурган ва халқаро миқёсда қуrollланишнинг тенг ҳуқуқлилигини талаб қилмоқда эди. Конференцияда музокаралар кескин тус олди. 1932 йил 26-29 апрель

кунлари АҚШ, Англия ва Германия вакиллари иштирокида Женева ёнидаги Бессен шаҳарчасида Германиянинг қуролланиши билан боғлиқ масалалар бўйича махфий кенгаш бўлиб ўтди. Бу кенгашда Германия қуролланиш бобида “тенг ҳуқуқли”ликни, шунингдек, ҳарбий хизмат муддатини Германияда 12 йилдан 2–3 йилга келтиришни талаб қилди. Бунга АҚШ ва Англия вакиллари рози бўлди. Германияда реваншизм авж олганлиги туфайли Францияда норозилик кучайди. Шу сабабли, Франция делегацияси Германия таклифига рад жавобини берди. Лекин Англия ва АҚШнинг бу масаладаги назарияси Германиядаги реваншистик кучларни қўллашдан бошқа нарса эмас эди.

1933 йил ноябрда СССР билан АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида битим имзоланди. Шу битим туфайли АҚШ собиқ СССРни тан олди.

1935 йил 2 майдан СССР билан Франция ўртасида ўзаро ёрдам шартномаси тузилди. Ўша йили 16 майда СССР билан Чехословакия ўртасида ҳам шундай шартнома имзоланди.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодий инқироzi Европа ва Америка мамлакатларини ларзага солди. Бу танглик ва жаҳон иқтисодий инқироzi натижасида Япония ва Германияда энг реваншистик, жангари, шовинистик кучлар ҳокимият тепасига келди ва улар урушга қизган тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар. Жаҳон иқтисодий инқироzi охирида узоқ Шарқ ва Европада икки уруш ўчоғининг вужудга келиши халқаро вазиятни кескинлаштириб юборди.

4. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги халқаро вазият.

Режа:

1. Ишлаб чиқаришнинг ҳарбийлашуви ва урушга тайёргарликнинг авж олиши.

2. “Мюнхен фитнаси” ва Чехословакиянинг қурбон қилиниши. Агрессияга нисбатан лоқайдлик ва бепарволик сиёсати.

1. Ишлаб чиқаришнинг ҳарбийлашуви ва урушга тайёргарликнинг авж олиши.

1933–1937 йиллар давомида узоқ давом этган депрессия – саноат турғунлигидан иборат бўлиб, 1937 йилнинг иккинчи ярмига келиб, мамлакатларнинг саноат маҳсулоти 1929 йил даражасига етиб улгурмасдан, яна иқтисодий инқироз бошланиб кетди. 1938 йилда АҚШ саноат маҳсулоти 1937 йилдагидан 23 фоизга камайди ва 1929 йилда ишлаб чиқилган саноат маҳсулотининг 81 фоизини, Франция саноат маҳсулоти бир йилда 7,2 фоизга камайиб, 1929 йилги саноат маҳсулотининг 76 фоизини ташкил этди.

Англия саноат маҳсулотининг индекси 1937 йилда 1929 йилдагига нисбатан 123,6 фоиз бўлса, 1938 йилда 115,7 фоизни ташкил этиб, 1937 йилдагига нисбатан 7 фоизга камайди.

Агрессив давлатлар – Германия, Япония ва Италияда иқтисодиёт ҳарбийлаштирилганлиги ва халқларни талаш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетишига йўл қўйилмаган бўлса-да, аммо инқироз бу давлатларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Тоталитар тизим ва авторитар системасига асосланган ишлаб чиқариш фақатгина тажовузор давлатлар – Германия, Япония, Италия учунгина хос бўлиб қолмай, балки собиқ СССР учун ҳам характерли эди.

Германия, Италия, Япония зўр бериб урушга тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Иқтисодий ривожланиш нотекис бўлиб, Германияда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Англия ва Франциянинг саноат маҳсулотларидан ошиб кетди. 1938 йилда Япония саноат маҳсулотлари 1929 йилдагига нисбатан 135 фоизни ташкил этди, Германияда эса бу кўрсаткич 121 фоизни ташкил этди.

Япония, Италия, айниқса, Германия ҳукмрон доиралари янгидан-янги бозорларни эгаллаш, хомашё захираларини қўлга киритиш ва мустамлакаларни қайта тақсимлаб олишни талаб қилмоқда эдилар.

Дарҳақиқат, 1930 йилларнинг иккинчи ярмида дунёда Германия АҚШдан кейин иккинчи кудратли давлатга айланди. Германия саноатнинг баъзи тармоқлари (синтетика маҳсулотлари, металл ишлаш ускуналари, алюминий ишлаб чиқариш ва ш.к.) бўйича дунё мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллади. Машиналар экспортида ҳам Германия АҚШдан кейинги иккинчи ўринга чиқиб олди. Европанинг Шарқида Германиянинг иқтисодий мавқеи мустаҳкамланди. Бу йилларда Англия, Франция ва АҚШнинг иқтисодий ўсиш суръатлари анча пасайиб кетди. Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам Германиянинг иқтисодий мавқеи кучайди. Германиянинг Лотин Америкаси мамлакатлари билан ташқи савдоси 1933 йилда 11,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1938 йилга келиб, бу кўрсаткич 171 фоизни ташкил этди. Германия бу мамлакатларнинг импортида иккинчи ўринни, Бразилия, Уругвай каби мамлакатларда – биринчи ўринни эгаллади ва, шу аснода, Лотин Америкаси мамлакатларида АҚШ ва Англия позицияларини заифлаштириб борди.

Бир томондан, Германия, Италия, Япония ва, иккинчи томондан, АҚШ, Англия, Франция давлатлари ўртасидаги зиддиятлар кескинлашиб борди. АҚШ, Англия, Франция ўз мавқеларини сақлаб қолиш учун зўр бериб уринмоқда эдилар. Уларга қарама-қарши Германия ва Япониянинг босқинчилик сиёсати давом эта борди. Германия, Италия ва Япония дунёни СССР, Хитой, Шарқий Европа мамлакатлари ҳисобига қайтадан тақсимлашга уринмоқда эдилар.

1935 йил октябрь ойида Италия уруш эълон қилмасдан туриб, Ҳабешистон (Абиссиния)га бостириб кирди. Италия ўзининг бу ҳужуми билан Англия ва Франция ҳукмрон доиралари манфаатларига зарар келтирди,

чунки Европадан Осиёга борадиган денгиз йўллари учун бу ҳаракат катта хавф туғдирар эди. Аммо Англия ва Франция ҳукмрон доиралари Ҳабашистонни Италия билан бирга “қайта тақсимлаб олиш” пайида эдилар. “Миллатлар лигаси” Италияни босқинчи давлат сифатида қоралади. АҚШ ҳукумати бўлса, 1936 йилда “бетарафлик” ниқоби остида Италия босқинчиларини амалда қўллаб-қувватлади. Италия бу вазиятдан фойдаланиб, 1936 йилнинг май ойида деярли бутун Ҳабашистон ҳудудини босиб олди ва ўз мустамлакасига айлантирди.

1936 йил март ойида Германия Версаль ва Локарно шартномаларини бузиб, Рейндаги демилитаризация қилинган зонага ўз қўшинларини киритди. Англия, Франция, АҚШ ва бошқа давлатлар Германиянинг бу сиёсатиغا нисбатан пассив равишда норозилик билдириш билангина чекланиб қолдилар.

1936 йил июль ойида генерал Франко бошчилигидаги испан фашистлари Германия ва Италия ёрдамида испан инқилобчилари ва республикачиларига қарши исён кўтардилар. Тез орада Германия ва Италия Испания республикачиларига қарши чиқиб, ҳарбий интервенция уюштирдилар.

1936-1939 йиллар давомида Испанияга Италия томонидан 150 минг, Германия томонидан эса 50 минг аскар ва зобитлар юборилди. Шу билан бирга, Италия ва Германия Испания фашистларини қурол-яроғ, техника ва авиация кучлари билан таъминлаб турди. Германия нацистлари ва Италия фашистлари Англия ва Франциянинг Африка ҳамда Осиёга борадиган денгиз йўлларини эгаллаб ола бошладилар. Шундай қилиб, урушнинг яна бир учкуни вужудга келди. Бундай мураккаб халқаро вазиятда Англия ва Франция “аралашмаслик”, АҚШ эса “бетарафлик” сиёсатини олиб бордилар. Уруш алангаси ер юзида тобора кенг ёйилмоқда эди. Аммо Англия, Франция ҳукмрон доиралари нацистлар ва фашистларнинг зўравонликларига қаршилик кўрсатмай, аксинча, улар мавқеларининг ошиб боришига мойиллик кўрсатдилар ва ёрдам бердилар. Ллойд-Жорж Франкога юқори баҳо берди: “Биз генерал Франкони буржуа тартиблари, буржуа мулки ва динининг ҳимоячиси деб биламиз”.

Франция социалистик партиясининг лидери, ўша вақтдаги Франциянинг бош вазири Леон Блюм 1936 йил август ойида Англиянинг Болдуин бошчилигидаги консерватив ҳукумати билан тил бириктириб, давлатларни Испаниядаги урушга “аралашмасликка” чақирди. Бир қанча давлатлар, ҳатто, Германия ва Италия ҳам бу сиёсатни оғизда гўё қўллаб-қувватлаган бўлсаларда, амалда франкочилар сиёсатини ёқлашда давом этдилар.

1936 йил 9 сентябрда Лондонда Англия дипломати Лорд Плимут бошчилигида 27 давлат вакилларида иборат “Аралашмаслик қўмитаси” тузилди. Бу қўмита ҳар бир давлатга уни ўз ҳудудидан Испанияга қурол-яроғ ўтказмаслик мажбуриятини юклади. Бироқ бу сиёсат кўп ўтмай барбод бўлди. Ғарб давлатларининг “аралашмаслик” ва “бетарафлик” сиёсатидан фойдаланган Германия ва Италия Испания фашистларига қўллаб-қувватлаб қурол-яроғ

ва озуқа захираларини етказиб берди. АҚШ бўлса, Португалия орқали Испанияга қурол-аслаҳа етказиб берди.

1936–1939 йиллар давомида Испанияда юз берган фуқаролар урушида АҚШ, Англия, Франция ва бошқа давлатлар Испания республикачиларига хиёнат қилдилар ва Франконинг бу урушда ғалаба қозонишига имкон яратдилар. Улар Франко ҳукуматини 1937 йилдаёқ тан олдилар. Расмий равишда Франко ҳукумати Англия, АҚШ, Франция ва бошқа давлатлар томонидан 1939 йил февраль-апрель ойларида тан олинди.

1936 йил октябрь ойига келиб, Германия–Италия ҳарбий сиёсий блоки вужудга келди ва у “Берлин–Рим ўқи” номи билан халқаро муносабатлар тарихига кирди. Бу иттифокқа биноан, Германия Италиянинг Ҳабашистонни босиб олганлигини тан олди ҳамда унинг Далмация, Албания ва Грецияни босиб олиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Италия, ўз навбатида, Германиянинг Австрияни қўшиб олиш мақсадини ёқлаб чиқди. Италия ва Германия Испания масаласида ҳам бир хил позицияда эканликларини баён қилдилар.

1936 йил ноябрда Германия билан Япония ўртасида “Коминтернга қарши ахднома” тузилди, 1937 йил ноябрда Италия ҳам бу ахдномага қўшилди. Ана шу ниқоб остида уч тажовузкор давлат – Германия, Япония ва Италия дунёни қайтадан бўлиб олиш режасини ишлаб чиқдилар.

Собиқ АҚШ президенти Гувер 1937–1938 йиллар давомида Европа бўйлаб сафарга чиқди. Ўз сафари давомида у Англия раҳбари Галифакс ҳамда Гитлер билан учрашди. Шунингдек, у 1937 йил ноябрь ойида Гитлер билан бўлган суҳбатда Англиянинг Германия билан битим тузишга тайёр эканлигини билдирди. Ҳатто, Гувер 1937 йилда Англия ҳукумати номидан Германия, Италия, Англия ва Франциядан иборат СССРга қарши блок тузишни ҳам таклиф этди. Бироқ Ғарб ҳукмрон доиралари орасида соғлом фикрловчи, кейинчалик сиёсат бобида шухрат қозонган Ф.Д. Рузвельт, У. Черчилль, Шарль де Голль сингари атоқли давлат ва жамоат арбоблари ҳам бор эди.

1937 йил июль ойида Япония Хитойга уруш эълон қилди. Япония қўшинлари Шимолий, Марказий ва сўнгра Жанубий Хитойга бостириб кирдилар. Япон босқинчилари бу урушни “яшин тезлигида” амалга оширмоқчи эдилар. Япониянинг босқинчилик уруши Хитойда гоминданчиларни коммунистлар билан 1937 йил сентябрь ойида иттифок тузишга ундади. Хитойда фуқаролар уруши тўхтатилди. Японияга қарши урушда Хитойда бирлашган Миллий фронт ташкил этилди. Собиқ СССР Хитойга катта ёрдам берди. Ғарбий Европа давлатларидан гитлерчилар Германияси ва фашистик Италия билан Мюнхенда тузган битимларидан руҳланган милитаристик Япония 1938 йил ноябрь ойидаёқ Шарқий Осиёда “янги тартиб” эълон қилди, бу “янги тартиб” Шарқий Осиёда фақат Япониянинг мустамлакавий ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат эди.

Англия, АҚШ ва Франция Япония сиёсатидан норози эдилар. 1937 йил ноябрь ойида Брюсселда халқаро конференция чақирилди. Бу конференция Япония ва Хитой ҳукуматларига қарата мурожаатнома қабул қилиш билан чекланиб қолди. Япония ҳукумати бу мурожаатномага қулоқ солмай, ўзининг босқинчилик сиёсатини давом эттирди.

1937–1938 йиллар давомида собиқ СССРда олиб борилган қатағон сиёсати тарихимизнинг қонли саҳифаларини ташкил этади. Миллионлаб зиёлилар, ҳарбийлар, давлат ва жамоат арбоблари қатағон қурбонига айландилар. Улар “халқ душманлари” тамғаси остида отиб ташландилар ёхуд Сибирдаги лагерларга сургун қилиндилар. Собиқ СССРнинг тажрибали маршал ва генералларининг отиб ташланганлиги, олим, ёзувчи ва тадбиркорларнинг қатағон қилиниши натижасида СССРнинг ҳарбий ва мудофаа салоҳияти заифлашиб кетди. Бу ҳолат Иккинчи жаҳон уруши даврида унинг урушга тайёр эмаслигини кўрсатди. Оқибатда, уруш йилларида собиқ СССР энг кўп талафот кўрган давлат бўлди.

1939 йил 24 июлда Токиода Англия билан Япония ўртасида битим имзоланди. Бу битимни Япония ташқи ишлар вазири Арита билан Англиянинг Япониядаги элчиси Крэйги имзоладилар. Крэйги-Арита битими Япониянинг ташаббуси ва унинг босқинчилик манфаатларига тўғри келганлиги учун халқ орасида “Узоқ Шарқ Мюнхени” номини олди. Англия ва Япония Хитойда бир-бирларининг манфаатларига қарши ҳаракат қилмаслик тўғрисида келишиб олдилар. Ҳар икки давлат Хитойдаги миллий-озодлик ҳаракатларини ҳам биргаликда бостиришлари керак эди.

АҚШ ва Англиянинг Узоқ Шарқдаги асосий мақсади Хитой халқини талаш, уни қарам қилишдан иборат эди. Шу билан бирга, уларнинг дипломатияси Япония билан собиқ СССРни уриштириб қўйиш ва, шу орқали, ҳар иккала давлатни заифлаштириш йўли билан Узоқ Шарқда ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида эди.

Япония–СССР муносабатлари кескинлашди ва 1939 йил май-август ойларида японлар Мўғулистонга ҳужум қилишди. Собиқ СССРнинг ёрдами туфайли Халхингол мавзесидаги жангда японлар мағлубиятга учради. Бу жангда совет зобити, бўлғуси саркарда Г.К.Жуков ўз ҳарбий маҳоратини намоён этди.

2. “Мюнхен фитнаси” ва Чехословакиянинг қурбон қилиниши.

Агрессияга нисбатан лоқайдлик ва бепарволик сиёсати.

Европада Гитлер ўзининг босқинчилик сиёсатини давом эттирди. 1938 йил 11 мартда Австрия Германия томонидан босиб олинди. Англия ва Франциянинг “аралашмаслик”, АҚШнинг “бетарафлик” сиёсати ҳам Гитлерга Австрияни ими-жимида босиб олишда жуда қўл келди.

Австрия босиб олингач, Чехословакияга қарашли бўлган Судет вилояти устида Германия–Чехословакия тортишувлари “Судет инқирози”ни келтириб чиқарди. Судет вилоятида немис миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилар,

улар миллатчилик кайфиятида бўлиб, Германияга “бирлашишни” талаб қилдилар.

1938 йил 28-29 апрель кунлари Лондонда Англия ва Франциянинг бош вазирлари ҳамда ташқи ишлар вазирлари йиғилиб, кенгашда Судет вилояти муаммосини “тинч йўл билан ҳал қилиш”га келишиб олдилар. 1938 йил май ойидаги “Судет инқироzi” натижасида Германия ва Чехословакия ўртасида уруш бошланишига бир баҳя қолди. Бу қарама-қаршилиқда АҚШ, Англия ва Франция амалда Чехословакияни эмас, балки Германияни қўллаб-қувватладилар. Улар қандай қилиб бўлмасин, Германиянинг Шарққа, яъни СССРга томон юришини рағбатлантириш ниятида эдилар.

1938 йил ёзида Англия вакили Ренсимен Европа давлатларига ташриф буюриб, Чехословакиядан Судетни Германияга топширишни ва СССР–Чехословакия ўртасида имзоланган ўзаро ёрдам битимини бекор қилишни талаб қилди.

Франция ҳукмрон доиралари 1938 йил февраль ойидаёқ Чехословакия билан 1935 йилда тузилган шартнома ўз кучини йўқотди ва Франция Англиясиз Чехословакияга ёрдам беролмайди, деб баёнот бердилар.

Гитлернинг Судет тўғрисидаги талаби жиддий тус олди. 1938 йил 13 сентябрда Судетда фашистик исён юз берди. Исён Чехословакия ҳукумати томонидан бостирилгач, Гитлер ғазабланиб, ўз чегара қўшинларини жанговар ҳолатга келтирди.

1938 йил 29-30 сентябрь кунлари Мюнхенда Гитлер, Муссолини, Чемберлен ва Даладье учрашдилар. Мюнхенда гитлерчилар талаб қилган Судет ва бошқа ҳудудларни Чехословакиядан Германияга топшириш тўғрисида келишиб олинди. Мюнхен битими амалда Иккинчи жаҳон урушини тезлаштирган, ўтакетган қабиҳ ва мудҳиш битим эди. Англия ва Франция бош вазирлари Чемберлен билан Даладье мақтаниб “биз тинчлик келтирдик” деб, Лондон ҳамда Парижга қайтишди. Бироқ кейинчалик тарихда ушбу битим “Мюнхен фитнаси” номини олди.

1938 йил 30 сентябрь Чехословакия ҳукумати аъзолари ва президент Бенешнинг Мюнхен конференцияси қарорларини қабул қилишдан бошқа чоралари қолмаган эди. Чехословакия таслим бўлди.

АҚШ ҳам Чехословакияни қурбон қилиш ҳисобига Германияга ён босди. 1935 йил май ойида СССР, Франция, Чехословакия ўртасидаги битимлар ўз-ўзидан барбод бўлди.

1938 йил октябрь ойида Германия Чехословакиянинг Судет ва бошқа чегара ҳудудларини босиб олди. Чехия ва Моравия Германиянинг “протекторати” деб эълон қилинди. Словакия номигагина “мустақил” деб эълон қилинди.

1939 йил март ойида Испанияда генерал Франко бошчилигида фашистик тартибот ўрнатилди. Руминия ва Венгрия гитлерчилар блокига аъзо бўлиб кирди. 1939 йил апрель ойида Италия Албанияга ҳужум қилди ва уни босиб олди. 1939 йилдан бошлаб, Гитлер Даниянинг Германияга топширилишини ва

Польша йўлаги (коридори) орқали Шарқий Пруссияга қадар темир йўл ўтказишни ҳамда автострада қуришга рухсат берилишини қатъий талаб қилди.

Шу муносабат билан, Германия ва Польша ўртасида вазият кескинлашди. АҚШ, Англия ва Франция давлатларининг “бетарафлик” ва “аралашмаслик” сиёсати натижасида Германия Австрия ва Чехословакияни босиб олгач, Европадаги сиёсий аҳвол ва стратегик вазият Гитлер Германияси фойдасига ўзгариб кетди.

1939 йил 12-21 августда Москвада бўлиб ўтган Англия, Франция ва СССР ўртасидаги ҳарбий музокараларда ҳам Англия ва Франция собиқ СССРнинг таклифларини эътиборсиз қолдирди.

Собиқ СССР халқаро миқёсда яққаланиб қоладиган бўлди. 1939 йил 23 августда Москвада СССР ва Германия ўртасида ўзаро 10 йиллик муддат давомида бир-бирларига қарши уруш қилмаслик тўғрисида пакт имзоланди. Бу пакт “Молотов-Риббентроп пакти” номини олди. Бу битимдаги махфий моддаларга биноан собиқ СССР Латвия, Литва, Эстония ҳамда Польша таркибидаги Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссияни ўз тасарруфига олиши, Германия эса Польшанинг барча қолган ерларини босиб олиши назарда тутилган эди. “Молотов-Риббентроп пакти”нинг ана шу моддалари узоқ йиллар давомида халқдан махфий тарзда яшириб келинди. Ушбу пактнинг ягона нусхаси 1989 йилдагина топилди ва унинг тўла мазмуни дунё жамоатчилигига ошкор этилди.

Шундай қилиб, 1938 йил сентябрь ойининг охиридаги “Мюнхен келишуви” ва 1939 йил 23 августда Москвада имзоланган “Молотов-Риббентроп пакти” гитлерчиларга Иккинчи жаҳон урушини бошлаш учун қулай замин яратди.

5. Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқаро муносабатлар.

Режа:

1. Тақсимланган дунёни қайтадан тақсимлаб олиш сиёсати ва унинг оқибатлари.

2. Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқаро муносабатларнинг асосий босқичлари ва хусусиятлари.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил топиши. Нюрнберг маҳкама жараёни.

1. Тақсимланган дунёни қайтадан тақсимлаб олиш сиёсати ва унинг оқибатлари

Иккинчи жаҳон уруши тоталитар сиёсий тизимлар, нацизм ва фашизмнинг маҳсулидир. Ўз моҳиятига кўра, бу уруш империалистик ва босқинчилик уруши эди. Уни тайёрлашда ва бошлашда Гитлер Германияси бошчилигидаги нацистлар етакчи роль ўйнадилар. Аммо

урушнинг келиб чиқишида иккала карама-қарши томон ҳам бирдек айбдордир. Иккинчи жаҳон урушининг бошланишида собиқ СССР раҳбарияти ҳам жавобгар эканлигини биз юқорида кўрсатиб ўтган эдик.

Таксимланган дунёни қайтадан тақсимлаб олишни Гитлер Германияси, Муссолини Италияси ва Танака Японияси талаб қилаётган эдилар. Улар, ҳатто, уруш ҳаракатларини бошлаб юборган эдилар. Биринчи жаҳон урушидан кейинги вазият ғолиб давлатлар фойдасига ҳал қилинган эди, ана шу ҳолатнинг ўзи яна қайтадан дунёни тақсимлаб олиш муаммосини келтириб чиқарди.

Фашистик блокка мансуб давлатлар ўз халқларини камситилган деб билиб, ўзлари учун “*lebensraum*”, яъни “зарур ҳаётий майдон” талаб қилмоқда эдилар. Гитлерчиларнинг асл мақсади Европада ўз ҳукмронликларини ўрнатиб, славянлар устидан ҳукмронлик қилиш, Яқин ва Ўрта Шарқни эгаллаш, шунингдек, Шимолий Африкада янги мустамлакаларга эга бўлишдан иборат эди.

Италия эса Ал-Жазоир, Тунис, Миср, Суданни эгаллаш ва бу жойлардан Англия ва Францияни сиқиб чиқаришга интилоқда эди.

Япония бўлса, ўз навбатида, Узоқ Шарқ, Сибирь, Хитой, Ҳиндихитой, Ҳиндистон, Бирма, Таиланд, Индонезия, Филиппин ороллари эгаллаш орқали АҚШ ва Англияга қарашли мустамлакаларни эгаллаш пайида эди.

Фашистлар блоккага қарши Англия, Франция, АҚШ давлатлари тўдаси турар эди. Улар ўз мавқеларини сақлаб қолиш ва ўз рақибларини бу урушда мағлубиятга учратиш ниятида эдилар. Улар бу мақсадга эришиш учун собиқ СССРни ҳам урушга тортиш пайида эдилар ва унинг ёрдамида ҳам фашистлар блоккага мансуб давлатларни, ҳам собиқ СССРни заифлаштирмоқчи эдилар. Бизга маълумки, АҚШ Германияни қайта куроллантириш ва милитаризациялашда маълум роль ўйнади. АҚШ собиқ СССРга қарши Гитлер Германиясидан фойдаланмоқчи эди. Ўз навбатида, Англия ва Франция ҳам собиқ СССР билан биргаликда янги хавфсизлик тизимини барпо этишни истамадилар.

1939 йил июлида Англия Японияга нисбатан ён босди. Амалда Англия Япония босиб олган Хитой территориясини тан олди.

Иккинчи жаҳон уруши 1939 йил 1 сентябрда Германиянинг Польшага ҳужум қилиши ва 2–3 сентябрь кунлари Англия ва Франциянинг Германияга уруш эълон қилиши натижасида бошланиб кетди. Англия, Франция ва АҚШ халқ оммаси фашистик блокка мансуб босқинчиларга қарши қатъий чоралар кўришни талаб қила бошлади.

Гитлерчиларнинг ҳисобига кўра, Ғарбда нацистларнинг ғалабаси Шарқдан кўра енгилроқ кечади. Ғарбда Англия ва Франция мағлуб бўлгач, бу ердаги инсон омили ва энергия ресурсларидан гитлерчилар СССРга қарши фойдаланишни режалаштирдилар. Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон уруши Европанинг Шарқида эмас, Ғарбида бошланиб кетди.

2. Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқаро муносабатларнинг асосий босқичлари ва хусусиятлари.

Халқаро муносабатлар тарихида Иккинчи жаҳон уруши беш даврга бўлиб ўрганилади.

I давр – 1939 йил 1 сентябрдан 1941 йил 22 июнгача.

II давр – 1941 йил 22 июндан то 1942 йил 19 ноябргача бўлган босқични қамраб олади.

III давр – 1942 йил 19 ноябрдан то 1943 йил охиригача чўзилди.

IV давр – 1944 йил бошидан то 1945 йил 9 майгача, яъни Германиянинг узил-кесил мағлубиятигача бўлган босқични ўз ичига олади.

V давр эса – 1945 йил 9 майдан то милитаристик Япониянинг тўла мағлубиятигача, яъни 1945 йил 2 сентябргача бўлган вақтни, Иккинчи жаҳон уруши ўз ниҳоясига етган даврни, қамраб олади.

1939 йил сентябрда уруш бошлангач, на Англия, на Франция Германияга қарши Ғарбда қатъий уруш олиб бормадилар, шу сабабли, 1939–1940 йилги уруш ҳаракатлари замондошлар томонидан “ғалати уруш” номини олди.

Кейинчалик бу ҳақда Нюрнберг маҳкамаси жараёнида иштирок этган немис генерали Йодль шундай деган эди: “Биз 1939 йил мағлубиятга учрамаганлигимизнинг сабаби шунда эдики, ўшанда 110 та инглиз ва француз дивизиялари атиги 23 немис дивизиясига қарши қатъий уруш олиб бормади”. Англия ва Франциянинг Германия босқинчиларига қарши қатъий уруш олиб бормаганликлари сабабли, 1940 йилда немис кўшинлари Дания, Норвегия, Голландия ва Люксембургни босиб олдилар. 1940 йил баҳор фаслида Болқон ярим ороли ҳам Германия томонидан ишғол этилди.

Бир томондан – Германия, иккинчи томондан – Англия, Франция ўрталарида уруш бошланиб кетгач, Италия танҳо ғолиблар томонида уришишга тайёр бўлиб турарди. Уинстон Черчилль Италиyani ўз томонига ағдариб олишга уринаётган эди.

1940 йил 24 май куни Черчилль ташқи ишлар вазири Галифаксга топшириқ бериб, агар Италия уруш давомида бетараф турса, урушдан сўнг унинг тинчлик конференциясида ғолиблар қаторида бўлишига ваъда беришини тайинлаган эди. Аммо Б. Муссолини бошчилигидаги Рим ҳукмдорлари бошқача фикрда эдилар. Улар Германияга қарши урушда Франция таслим бўлгач, Англиянинг мағлубиятга учраши муқаррардир, деб ўйлаган эдилар. Шу сабабли Галифакснинг таклифи Муссолини ва унинг атрофидагилар томонидан рад этилди.

Уинстон Черчилль раҳбарлигида инглиз ҳарбий денгиз флоти ва қуrollи кучлари, Францияни мудофаа қилиш билан бир қаторда, ўз кўшинларини Франция ҳудудидан олиб чиқиб кетиш тараддудини кўра

бошладилар, чунки бу урушда немисларнинг қўли баланд кела бошлаган эди.

1940 йил 22 июнда Франция ҳукумати нацистларнинг шартларига рози бўлди. Франция таслим бўлгач, Англия Европа қитъасида яккаланиб қолди. Германия аскарлари Ла-Манш қирғоқларига яқинлашди. Агар ҳавода туман бўлмаса, Франциянинг Ла-Манш қирғоқларидан Британия қирғоқлари яққол кўзга ташланади. Немис нацистларининг Британия оролларига ҳужум қилиш хавфи туғилди.

Ана шундай мураккаб вазиятда инглиз халқи жуда қаттиқ синовларга дуч келди, у ўзи учун барча талафотларга тайёр туриб, Британия ороллари нацистлардан сақлаб қолишнинг барча чораларини кўрди. Инглиз халқининг қатъиятлилиги мустаҳкам иродали Уинстон Черчиллни, Англия Германия олдида таслим бўлмайди ва то сўнгги дақиқаларгача курашни давом эттиради, деган баённомани изҳор этишга ундади. Англия ҳукумати урушда қатъий чора-тадбирларни кўрди ва душманни улоқтириб ташлаш учун барча вазифаларни бажарди. Уинстон Черчилль жуда яхши нотик эди, унинг ўз халқи олдида радио орқали чиқишлари инглизларни Ватан ҳимоясига отлантирди.

Мамлакатдаги сиёсий раҳбарлик Черчиллга юклатилган бўлиб, у нафақат бош вазир, балки, ўз навбатида, мудофаа вазири ҳам эди. Ҳарбий вазир А. Иден, авиация вазири Синклер, ҳарбий денгиз флоти вазири Александер амалда Черчиллнинг ёрдамчилари эдилар. Шундай қилиб, Черчиллнинг қўлида барча вазирлар тизимининг жиловы жамланган эди.

Ана шундай вазиятда уруш Англия учун Ватанни ҳимоя қилиш урушига, миллий урушга, адолатли урушга айланди. Ўз навбатида, бу уруш Англия иқтисодиётини ҳарбий изга солишни ва нацизмга қарши курашаётган кучларни бир жабҳага йиғишни тақозо этмоқда эди. Мамлакатнинг табиий ресурслари, инсоний омил ва барча чора-тадбирлар Ватан ҳимоясига қаратилди. Шу пайтгача ташқи ишлар вазири вазифасини эгаллаб келган “мюнхенчи” Галифакс ўрнини А. Иден эгаллади. “Ҳарбий шароитда, – деб ёзган эди А. Иден, – дипломатия ва стратегия бир-бири билан ўзаро эгизаклар ролини бажаради”.

Грецияга Италия ҳужум қилганлиги учун, у Англия билан иттифок тузиш тарафдори эди. Туркия бўлса, Германияга қарши Англиянинг бардош беришига ишонмас, аксинча, Югославия ҳам Туркия каби, Англия билан эмас, балки Германия билан яқинлашишга интилмоқда эди. Шу сабабли, А. Иденнинг ташқи ишлар вазири сифатидаги вазифаси анча мушкул эди. А. Иден Черчиллдан фарқли ўлароқ, ювош, иккинчи даражали ролларни бажаришга муносиб давлат арбоби эди. А. Иден, Трухановский айтганидек, унчалик бўшанг шахс эмас, балки Черчиллнинг яқин шериги, ҳатто, айрим масалаларда қатъиятли ва ўз мустақил фикрига эга шахслардан бири бўлган.

Собиқ СССР билан Германия ўртасида бўладиган уруш Англия учун ҳаводек зарур эди, чунки Франция мағлубиятидан сўнг Англия Европада бутунлай яккаланиб қолганди.

1941 йил 10 июнда А. Иден шўроларнинг Англиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси И.М. Майскийга шундай деган эди. “Агар Германия Россияга ҳужум қиладиган бўлса, биз Ғарбда Германия босиб олган ерларга авиация воситасида ҳужумга ўтамыз”. Шу муносабат билан, У. Черчилль “Совет ҳукумати катта хавф-хатарни бошдан кечираётганлигини яхши биламиз. Ўз навбатида биз унинг ёрдамига муҳтожмиз”, – деган эди.

1941 йил 22 июнда Германиянинг СССРга ҳужум қилиши муносабати билан У.Черчилль радио орқали катта нутқ сўзлади: “Агар Германия Россия устидан ғалабага эришса, Шарқдаги барча ҳарбий кучларини йиғиштириб, Британия оролларига ташлайди. Унинг Россияга ҳужуми Англияга ҳужум қилишнинг бошланишидир. Гитлер то киш бошлангунча Россияни босиб олмоқчи ва кўп ўтмай Англияни ҳам тиз чўктирмоқчи. Шу сабабли, Россияга келган хавф, ўз навбатида, бизга ва АҚШга ҳам келган хавфдир”.

1941 йил 9 ноябрда АҚШ президенти Ф.Д. Рузвельт октябрь инқилобининг 24 йиллиги муносабати билан М.И. Калининга табрик телеграммаси йўллади. Унда шундай сўзлар битилган эди: “Бугун сизнинг инқилобингизни нишонлаш даврида сизнинг жасур, мардонавор халқингиз Ватан ҳимоясида жонбозлик кўрсатмоқда. Сиз билан бирга нацизмга қарши курашда турли ирқларга мансуб бўлган халқлар қатнашмоқдалар, улар турли диний ақидаларга мансуб бўлсалар-да, мақсадлари муштарак. Биз сизнинг тарафингиздамиз, нацизмга қарши курашда сизни қўллаб-қувватлаймиз”. Дарҳақиқат, 1941 йил ноябрь ойидан бошлаб, АҚШ ва СССР ўртасида битим тузиш ва нацизмга қарши биргаликда курашишни сиёсий вазиятнинг ўзи тақозо қилмоқда эди.

Аммо АҚШда нацизм ва фашизмга қарши курашда бутунлай носоғлом, деструктив кучлар ҳам мавжуд эди. Масалан, Гитлер Германиясининг собиқ СССРга ҳужум қилишидан сўнг икки кун ўтгач, 1941 йил 24 июнда сенатор Гарри Трумен – бўлғуси АҚШ президенти – шундай деган эди: “Агар урушда Германиянинг қўли баланд келса, у ҳолда биз Россияга ёрдам қиламиз, агар урушда Россия енга бошласа, биз Германияга кўмак берамиз. Шундай қилиб, улар ўзаро бир-бирларини қанчалик нобуд қилишса, биз учун шунчалик яхши”.

Бундай носоғлом деструктив кучлар нацизм ва фашизмга қарши курашаётган барча Ғарб давлатларида ҳам мавжуд эди. Бироқ уруш авжига чиққан сари нацизм ва фашизмга қарши урушаётган халқлар ўз ҳокимиятлари тепасига соғлом фикрли, қатъиятли раҳбарларни сайлашга муваффақ бўлдилар.

1941 йил 7 декабрда Япония АҚШга қарашли Гавай оролларидаги ҳарбий денгиз базаларига бостириб кирди ва шу муносабат билан АҚШ

хам урушга тортилди. 1941–1942 йиллар давомида нацистлар ва фашистлар босиб олган ҳудудлар, яъни Югославия ва Грецияда халқ озодлик армиялари тузилди. Фашизм ва нацизм босқинчиларига қарши “Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатлари” Франция, Польша, Албания ва, кейинчалик, Италияда авж олди.

1941 йил охирига келиб, СССР, Англия ва АҚШ давлатлари ҳамкорлигидаги нацизм ва фашизмга қарши курашда Учлар иттифоқи вужудга келди. Шу даврдан бошлаб, ушбу давлат раҳбарлари ўртасида учрашувлар, конференциялар ва ёзма мулоқотлар бўлиб турди. Ф. Рузвельт, И. Сталин ва У.Черчилль ўрталаридаги конференциялар ва ёзишмалар Иккинчи жаҳон урушидаги собиқ СССР, АҚШ ва Англия позицияларини яққол намоёниш этди.

Нацизм ва фашизмга қарши кураш олиб бораётган халқлар турли тарихий шароитда бу вазифани амалга ошираётган эдилар. Фашистлар босиб олган мамлакатларда, яъни Польша, Франция, Греция, Югославия, Шимолий Европа ҳамда Япония босиб олган Осиё мамлакатларидаги кураш ўзига хос хусусиятларга эга эди.

Фашистлар ҳукмронлик қилаётган Германия, Италия, Япония каби мамлакатларда халқларнинг озодлик учун олиб бораётган кураши ниҳоятда мураккаб эди.

Фашистларга қарши коалиция тузилган СССР, Англия ва АҚШ каби давлатларда бу иш очик-ойдин амалга оширилаётган эди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1940 йил 22 июнда Франция Германияга таслим бўлди ва 70 йил давом этган Франция III Республикаси қулади. Париж немислар томонидан забт этилди. Франция пойтахти Виши деган шаҳарчага кўчирилди, ҳукумат бошлиғи маршал Петэн бўлиб, у немислар билан ҳамкорлик қилгани сабабли, мазкур ҳукумат “коллорабационистлар”, яъни “ҳамкорлик қилувчилар” номини олди. Бу ибора амалда “сотқинлар” ёки “хоинлар” маъносини англатар эди.

50 ёшни қаршилаган генерал де Голль ўз дивизияси орқали нацистларга қарши қаҳрамонларча курашган бўлса-да, бироқ бу Францияни мағлубиятдан қутқара олмас эди. У У. Черчилль билан дўстлашиб, унинг ёрдамида Франциядан Англияга учиб кетди ва Лондон радиоси орқали француз халқини нацистлар босқинига қарши курашни давом эттиришга чорлади. Унинг 1940 йил 18 июнда радио орқали сўзлаган нутқи тарихий аҳамият касб этди: “Франция, – деб айтган эди Ш. де Голль, – мағлубиятга учради, аммо у ҳали енгилган эмас. Уруш жаҳон уруши характериға эга бўлиб, бу урушнинг тақдири Франция билан бўлган жангда эмас, балки Англия, АҚШ ва СССР билан бўлган урушда ҳал бўлади... Қандай бўлмасин, француз халқининг қаршилиқ кўрсатиш алангаси душманга қарши ўчмаслиги керак ва унинг ўчмаслигига мен аминман”.

Маълумки, 30 йиллар давомида АҚШ маъмурияти Европа ва Узоқ Шарқда кечаётган жараёнларга нисбатан бетарафлик позициясини эгаллаб келди. Бироқ 1932 йилда президентликка сайланган Ф. Рузвельт нацизм ва фашизмнинг бошданоқ инсоният тақдирига солаётган хавфини биринчилардан бўлиб тушуниб етди. Аммо АҚШ халқининг бу хавфни тушунишига анча вақт керак бўлди. Ф.Д.Рузвельт АҚШнинг Германиядаги элчиси Додга 1942 йил шундай деб ёзган эди: “Гитлернинг ҳокимият тепасига келишидан бошлаб ва Рейн вилоятининг ремилитаризация қилиниши мен учун мутлақо аниқ бўлган нарса, тинчликнинг хавф остида қолганлиги аён бўлиб қолган эди. Мамлакат ана шундай масъулиятни ўз гарданига олишга тайёр эмас эди. АҚШ халқи аста-секин ана шу хавфни тушуниб етди”.

1941 йилда АҚШ Японияга уруш эълон қилди. 11 декабрда эса Япониянинг иттифоқчилари Италия ва Германия АҚШга уруш эълон қилди. Тинч океанда ҳам уруш бошланди. АҚШ урушга тайёр эмас эди. Унинг саноати ҳарбий изга туширилмаган эди. Японлар АҚШ флотининг заифлигидан фойдаланиб, тезда муваффақият қозондилар.

Японларнинг мақсади урушнинг дастлабки босқичида Жануби-Шарқий Осиёни Англиядан тўсиб қўйиш эди. Японлар шиддатли ҳужумлар қилиб, 2 ой мобайнида Сингапурга кирдилар. 1942 йил 15 февралда Сингапур деярли жангсиз таслим бўлди. Кучли истехком ва қурол-аслаҳага эга бўлган қудратли инглиз гарнизони урушсиз оқ байроқ қўтарди. 100 минг кишилик инглиз эскадрильяси асир олинди. Японлар 744та тўп, 2500та пулемёт ва 200та танкни қўлга киритдилар. Сингапурнинг тор-мор қилиниши Тинч океанидаги муҳофаа тизимининг барпо бўлишига олиб келди. 1942 йил май ойига келиб, Япония Малайзия, Индонезия, Янги Гвинея, Бирма, Филиппин, Гонконг, Гуам, Сулаймон ороллари, яъни 400 миллион аҳоли яшайдиган ҳудудни босиб олди. Эндиликда, Ҳиндистон ва Австралияга ҳам хавф туғилди. АҚШ ҳалокат ёқасига келиб қолди. Бироқ 1942 йил ёзида Европа Шарқида Иккинчи жаҳон урушининг асосий воқеалари содир бўлмоқда эди.

Собиқ СССР ва Германия ўртасида Сталинград учун олиб борилган жанглар олти ой, яъни 1942 йил 17 июлдан 1943 йил 3 февралга қадар давом этиб, у Иккинчи жаҳон урушида кескин бурилиш ясади. Нацистлар Германиясининг Сталинград жангидаги умумий талафоти 1,5 млн.га яқин кишини ташкил этди. 91 минг аскар, 26 минг офицер, 24 генерал, 6-армия қўмондони фельдмаршал Паулюс бошчилигида қўлга олинди. Бу Гитлер Германиясининг ҳалокатга юз тутганидан далолат берарди. Германияда 3 кунлик мотам эълон қилинди. Сталинград жангидан сўнг яна бир қатор оғир зарбалар берилди ва улардан сўнг Гитлер Германияси қайта ўнгланди.

1942 йил 23 октябрь – 4 ноябрь кунлари Италия–Германия қўшинларининг Ал-Аламайн (Миср)даги мағлубияти туфайли, стратегик ташаббус Англия армиясига ўтди.

1942 йил январда Вашингтонда АҚШ, Англия, СССР, Хитой ва яна 22 давлат вакиллари Вашингтон декларациясини имзоладилар. Имзо чеккан давлатлар фашизмга қарши курашга ўзларининг барча иқтисодий ва ҳарбий манбаларини сарфлашга ҳамда Гитлер Германияси ва унинг иттифоқчилари билан сепарат битим ёки сулҳ шартномаси тузмаслик мажбуриятини олдилар.

1943 йил 28 ноябрдан 1 декабргача уч давлат раҳбарларининг Техрон конференцияси бўлиб ўтди. Унда Сталинград жанги ва Ал-Аламайн яқинидаги жангдан сўнг, фақат ҳарбий масалалар эмас, балки дунёнинг урушдан кейинги тақдири борасидаги масалалар кўндаланг қилиб қўйилди. “Мамлакатларимиз фақат уруш давомида эмас, ундан кейинги тинч даврда ҳам ҳамкорлик қилишларига ишонч билдирамиз”, деб айтилган эди уч давлат баённомасида. Ф. Рузвельт, У. Черчилль ва И. Сталин “Биз Германия қуrolли кучларини тор-мор қилиш режасини келишиб олдик”, – деб қайд этдилар. Шу билан бирга, конференция 1944 йил май ойидан кечикмай, Францияда иккинчи фронтни очиш ҳақида қарор қабул қилди. Конференция қарорлари Гитлерга қарши коалициянинг жипслашиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашди.

СССР, АҚШ ва Англия давлатлари ўртасидаги ҳамкорликларни ривожлантириш мақсадида 1945 йил февралда бўлиб ўтган уч буюк давлат раҳбарларининг Қрим (Ялта) конференцияси муҳим босқич бўлди.

Уч давлат раҳбарлари нацизмни, унинг қуrolли кучлари, бош штаби, барча идораларини йўқ қилиш, фашистлар Германияси раҳбарларини жазога тортиш ҳамда нацизмнинг немис халқининг маданий ва иқтисодий ҳаётига ҳар қандай таъсирини бартараф этишга келишиб олдилар.

1945 йил 9 майда Берлин яқинидаги Карлхорстда АҚШ, СССР, Англия ва Франция қўшинлари кўмондонлиги вакиллари нацистлар Германиясининг сўзсиз таслим бўлиши тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар.

1945 йил 14 августда Япония таслим бўлгач, ўша йили 2 сентябрда “Миссури” линкорида Япония вакиллари таслим бўлиш тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар. Иккинчи жаҳон уруши Германия нацизми, Италия фашизми ва Япония милитаризмининг тўлиқ тор-мор қилиниши билан тугади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил топиши. Нюрнберг маҳкама жараёни.

Қрим конференцияси ишлаб чиқилган БМТ низоми лойиҳасини маъқуллади ва 1945 йил 25 апрелда Сан-Францискода БМТнинг таъсис конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

1945 йил 25 апрелда Сан-Францискода БМТ таъсис конференцияси иш бошлади. Унга Бирлашган Миллатлар декларациясини имзолаган ва Германияга 1945 йил 1 мартгача уруш эълон қилган 42 давлат вакиллари таклиф этилди. 1945 йил 26 июнда конференция БМТ низомини қабул қилди. У БМТнинг энг муҳим вазифаси тинчлик ва хавфсизликни сақлашдан иборат эканлигини эълон қилди.

БМТнинг низоми бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим ҳужжатларидан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, БМТ эндиликда халқаро муносабатларнинг энг муҳим устувор омили ва халқаро ҳуқуқнинг бош субъекти ҳисобланади.

1945 йил 17 июндан 2 августгача Берлин яқинидаги Потсдамда, собиқ Гогенцоллернлар саройида уч буюк давлат бошлиқлари Г. Трумен (АҚШ), И. Сталин (СССР), У. Черчилль (Буюк Британия), кейинроқ унинг ўрнини эгаллаган К. Эттли иштирокида конференция ўтказилди. Конференция “герман милитаризми ва нацизми тикланишининг ёки қайта ташкил этилишининг абадий олдини олиш учун” барча нацистик ташкилотларни денацификация қилиш ва ҳарбий муассасаларни тугатиш ҳақида қарор қабул қилди. Барча нацист жинойтчилари қамоққа олиниши ва жазоланиши зарур эди. Кенигсберг шаҳри ва унинг яқинидаги ҳудуд СССРга берилди. Эндиликда Польшанинг Одер ва Ниса дарёлари бўйлаб ўтадиган ғарбий чегаралари белгиланди.

Нюрнбергда 1945 йил 20 ноябрдан 1946 йил 1 октябргача Халқаро трибунал нацист ҳарбий жинойтчиларнинг биринчи гуруҳини суд қилди. Жавобгарликка тортилганлар орасида Г. Геринг, В. Кейтель, Э. Кальтенбруннер, И. Риббентроп, А. Йодль, А. Шпеер ва бошқалар бор эди. 12 киши ўлим жазосига ҳукм этилиб, қатл қилинди.

Национал-социалистик партия, СС, Гестапо, СД – жинойтчи ташкилотлар деб эътироф этилди. Нюрнберг жараёни герман нацизмининг ғайриинсоний моҳиятини, унинг кўплаб халқлар ва давлатларни йўқотишга қаратилган режаларини фош этди. Нюрнберг судининг қарорига кўра, агрессия инсониятга қарши энг оғир жинойт деб эътироф этилди. Бу ҳақиқий халқлар суди, тарихнинг аёвсиз, аммо адолатли суди бўлди.

Шундай қилиб, Европа, Осиё, Африка, Американинг 61 давлатини ўз домига тортган Иккинчи жаҳон уруши олти йил давом этди. Уруш Шимолда Янги Ер ва Аляска соҳилларига, Шарқда Курил ва Гавайи ороллариغا, Жанубда Миср, Ҳиндистон ва Австралия чегараларига қадар етиб борди. Ҳарбий ҳаракатлар 40та давлат ҳудудини қамраб олди. Уруш 50 млн.дан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди.

Савол ва топшириқлар

1. XX аср бошларидаги халқаро муносабатлар қайси воқеликлар билан ўзига хос ҳисобланади?
2. Миллатлар лигаси нима мақсадда тузилди?
3. Париж сулҳ конференцияси ва унинг қарорлари тўғрисида маълумот беринг.
4. Версаль–Вашингтон системаси деганда нима назарда тутилади?
5. 1918–1923 йилларда Бухоро амирлиги ва халқаро муносабатлар.
6. Барқарорлашув йилларида нималар содир бўлди?
7. Жаҳон иқтисодий инқирозининг асосий сабаблари нималардан иборат эди?
8. Нега айнан Италия ва Германияда тоталитар тузум ўрнатилди?
9. Уруш ўчоқлари қайси мамлакатларда вужудга келди?
10. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги халқаро вазиятга таъриф беринг.
11. “Мюнхен фитнаси” деганда нима назарда тутилади?
12. Иккинчи жаҳон уруши даврида халқаро муносабатларнинг босқичлари ва хусусиятларини изоҳлаб беринг.
13. Нацистик ва фашистик ғоялар асосини нималар ташкил этарди?
14. Дунёни бўлиб олиш қай тарзда давом этди?
15. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил топиши ҳақида нималарни биласиз?
16. Нюрнберг жараёни ҳақида сўзлаб беринг.

**V БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДАН
КЕЙИНГИ ДАВРДА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР.
ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ВА УНИНГ ЖАҲОН
ҲАМЖАМИЯТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ**

**1. Совуқ урушнинг келиб чиқиш сабаблари ва 1946–1960
йилларда халқаро муносабатлар.**

Режа:

- 1. Совуқ урушнинг келиб чиқиш сабаблари.***
- 2. 1946-1960 йилларда халқаро муносабатлар.***

1. Совуқ урушнинг келиб чиқиш сабаблари.

Иккинчи жаҳон уруши натижасида фашистик блока мансуб давлатлар мағлуб этилди. Гитлерчилар Германияси ва империалистик Японияни мағлубиятга учратишда собиқ СССР халқлари катта жонбозлик кўрсатдилар, аммо бу уруш миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритди, сон-саноксиз шаҳар ва қишлоқлар харобага айлантирилди.

Урушдан сўнг Марказий Европа, Жануби-Шарқий Европада, шунингдек, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда бир қатор мамлакатлар мустақилликка эришдилар.

Инқилобий ва умумдемократик ҳаракатлар натижасида мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларда халқларнинг миллий-озодлик, миллий мустақиллик курашлари кучайиб кетди. Шарқ халқлари ўз тақдирларини ўзлари мустақил ҳал қиладиган, халқаро муносабатлар янги қудратли омилга айланадиган давр бошланди. Иккинчи жаҳон уруши натижасида Германия, Италия, Япония тор-мор этилди. Англия ва Франция анча заифлашди. АҚШ капиталистик дунёнинг етакчи кучига айланди. АҚШ ўзининг иқтисодий, молиявий, сиёсий, ҳарбий куч-қудратига таяниб, халқаро миқёсда ўз ҳукмини юрита бошлади. Ғарб давлатлари ўртасидаги зиддият янада кучайди: бу зиддият ғолиб давлатлар ва енгилган давлатлар ўртасида кечаётган бўлиб, ўз навбатида, АҚШ ва Англия, АҚШ ва Франция, Англия ва Франция ўртасида ҳам қарама-қаршиликлар мавжуд эди. Қарама-қаршиликлар метрополия ва мустамлака мамлакатлар ўртасида кучайди.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг, энг муҳим воқеалардан бири, бу халқаро муносабатларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вужудга келиши ва унинг халқаро миқёсдаги нуфузи бўлди. Унинг низоми ишлаб чиқилди, ихтисослашган ташкилотлари фаолият юрита бошлади. БМТ нинг дунёда хавфсизликни сақлаш ва барқарорликни таъминлашдаги ролига катта эътибор қаратилди. БМТ хавфсизлик кенгаши 5 та доимий аъзолар АҚШ, собиқ СССР, Англия, Франция, Хитой ҳамда 10 та

сайланадиган аъзо давлатлардан иборат эди. БМТнинг қароргоҳи Нью-Йорк шаҳрида жойлашган бўлиб, мустақил давлатларнинг сони ошиб бориши ва уларнинг БМТга қабул қилинишлари жараёнида бу халқаро ташкилотнинг дунёдаги нуфузи ҳам ошиб борди.

1945 йил май ойида халқлар урушда эришган ғалабани қайта нишонлаётган кунларда Америка иттифоқчилари ўзларининг 57-конференциясини ўтказиб, совуққонлик билан, янги уруш Америка капитализми учун керак, деган фикрга келдилар.

Ўз навбатида, Иккинчи жаҳон уруши кечган 1944–1945 йилларда Европа, Лотин Америкаси ва Осиё халқлари орасида коммунистларнинг обрўи ва нуфузи ошиб борди. Ҳатто, Италия, Франция, Чили, Эрон ва бошқа бир қатор мамлакатларда коммунистлар ҳукуматлар таркибига кириб, “пролетар инқилоби” ўтказишни режалаштирдилар.

1946 йил март ойида Англиянинг собиқ бош вазири Уинстон Черчилль, АҚШ президенти Гарри Трумен иштирокида Фултон шаҳрида (АҚШ) нутқ сўзлади. Ўз нутқида Черчилль АҚШ ва Англиянинг дунёга ҳукмрон бўлиш дастурини илгари сурди. Бу дастур ғояси АҚШ ҳукмрон доираларига манзур бўлди. Улар жаҳонга ҳукмрон бўлишга, собиқ СССР ва халқ демократик мамлакатларида капитализмни қайта тиклаш ҳамда дунёдаги кучлар нисбатини ўз фойдаларига ҳал қилишга зўр бериб уриндилар. Натижада, “зўравонлик сиёсати”, “совуқ муносабатлар уруши” вужудга келди. “Совуқ муносабатлар уруши” аслида “коммунизмга қарши уруш”дан иборат эди. Шундай қилиб, “Совуқ уруш”нинг келиб чиқишида ҳар иккала томон – собиқ СССР ва коммунистлар билан бир қаторда, АҚШ, Англия ҳамда капиталистик Ғарб дунёси масъулдирлар.

АҚШ зўр бериб қуролланиб, дунёнинг турли ҳудудларида ҳарбий базалар яратди ва ҳарбий блокларни тузди. Атом қуролини пеш қилиб, АҚШ “атом дипломатияси”ни ишга солди. Аммо собиқ СССР ҳам АҚШ билан бир қаторда қуролланиш пойгасини бошлаб юборди.

2. 1946–1960 йилларда халқаро муносабатлар.

1946 йил июль–октябрь ойларида Парижда бўлиб ўтган тинчлик конференциясида собиқ СССР Италия, Венгрия, Руминия, Болгария ва Финляндия билан сулҳ шартномалари тузиш учун кураш олиб борди. Бу давлатлар илгари фашистик блокка мансуб эдилар. 1946 йил декабрь ойида БМТ раҳнамолигида Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Нью-Йорк сессияси сулҳ шартномаларини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказди. Бу сулҳ шартномалари 1947 йил 10 февралда имзоланди ва ўша йилнинг 15 сентябридан бошлаб кучга кирди. Территория масалалари, репарация (тўлов) муаммоси, қуролли кучлар ва фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари сингари масалалар ушбу мамлакатларнинг миллий манфаатларига мувофиқ равишда ҳал этилди. Фашистик типдаги партия ва ташкилотлар фаолияти тақиқлаб қўйилди.

Дунай дарёси бўйлаб кема катнови тартиби тўғрисидаги масала бўйича чақирилган Белград конференциясида (1948 йил август) 1921 йилги Конвенция бекор қилиниб, унинг ўрнига янги Конвенция қабул қилинди. Янги Конвенцияга мувофиқ, Дунай зонасида бўлмаган мамлакатлар ҳарбий кемаларининг Дунай дарёсида юриши тақиқланди, аммо барча мамлакатлар савдо кемаларининг бемалол юриш принципи қабул қилинди. Шу тариқа, Дунай мамлакатларининг позицияси бирмунча кучайди.

1948 йил собиқ СССР ва Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномасининг тузилиши тинчлик ва хавфсизлик учун қўшилган янги ҳисса бўлди. Бу шартномада Финляндия ташқи сиёсатининг хусусиятлари (буюк давлатлар ўртасидаги тўқнашувлардан четда туришга интилиш) ҳисобга олинди. Шартнома тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва ички ишларга аралашмаслик принципларига асосланган эди. Совет-Финляндия шартномаси Шимолий Европада тинчликни сақлаш учун хизмат қилди.

1949 йил апрель ойида АҚШ ва Англия ташаббуси билан Ғарб давлатлари Шимолий Атлантика битимига асос солдилар.

Бу битимга 12 давлат: АҚШ, Англия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия, Люксембург, Канада, Норвегия, Дания, Исландия ва Португалия аъзо бўлишди. Шимолий Атлантика битими инглизча бош ҳарфлари асосида НАТО деб юритилиб келмоқда. Унга 1952 йилда Греция ва Туркия, 1955 йилда эса ГФР аъзо бўлиб киришди. Бу битимга кўра, аъзо давлатлар, агар уларнинг бирортасига ташқаридан хужум уюштирилса ёки ички хавф туғилса, ёрдам қўлларини чўзишлари шарт эди. НАТО директивасига кўра, собиқ СССР унинг стратегик душмани деб эълон қилинган эди. Шунга кўра, НАТОнинг ҳарбий базалари коммунистик хавф ҳамда коммунистик партиялар таъсир доиралари кучли бўлган мамлакатларда жойлаштирилди. НАТОнинг бош қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашди.

Ғарб давлатларининг аралашуви ва собиқ СССРнинг фаол қатнашуви натижасида 1949 йил сентябрь ойида ГФР ва 1949 йил октябрь ойида ГДР тузилди. Шундай қилиб, “совуқ уруш” ва икки лагернинг қарама-қаршилиги туфайли Германия икки давлатга парчаланиб кетди.

1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикаси тузилди. Тез орада Хитой 26 давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатишга муваффақ бўлди.

1950 йил 14 февралда собиқ СССР ва Хитой ўртасида дўстлик, иттифоқчилик ҳамда ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома ва бир неча иқтисодий битимлар имзоланди.

1951 йил сентябрь ойида АҚШ томонидан Сан-Францискода чақирилган конференцияда Совет делегацияси Япония билан сулҳ шартномасини тузишга уриниб кўрди, бироқ икки томон бир битимга келишга муваффақ бўлишмади. Аксинча, АҚШ Япония билан сепарат

сулҳ шартномасини тузишга муваффақ бўлди. АҚШ дунёда ҳукмрон бўлишга интилни. 1947 йилда “Трумен доктринаси” эълон қилинди. Бу доктринага кўра, АҚШ бошчилигидаги Ғарб давлатларининг коммунистик ақидапарастликка қарши кураш олиб боришлари режалаштирилган эди. Бу доктрина халқаро миқёсда “қамчин ва кулчанон дипломатияси” номини олди.

1947 йил июнь ойида АҚШ давлат котиби Маршалъ Европа иқтисодини кўтаришга АҚШ уларга қарз – кредит беришини маълум қилди. Бу режа “Маршалъ режаси” номини олди. Мазкур режа Ғарбий Европа давлатлари томонидан қабул қилинди ва бу ҳолат уларнинг иқтисодини барқарор ривожлантиришга жуда кўл келди. Бироқ у Жануби-Шарқий Европа собиқ халқ демократик давлатлари томонидан бойкот қилинди, чунки “совуқ уруш” натижасида ҳар иккала лагер томонидан олиб борилаётган мафкуравий кураш авж олиб бораётган эди.

Айтиш жоизки, НАТО Ғарбий Европани “атлантиштириш” ёки “америкалаштириш”гагина эмас, балки уни интеграциялаштиришга ҳам қаратилган эди. Маълум маънода НАТОнинг сиёсати Ғарбий Европадаги миллий чегараларни тиклаш, миллий суверенитетни “атлантизм” билан алмаштиришга қаратилган эди.

Собиқ СССР бунга жавобан Шарқий Европада ҳарбий сиёсий блок тузиш режасини ишлаб чиқди. 1949 йилда Шарқий Европа ва СССР давлатлари ўртасида “Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига” асос солинди. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг биринчи аъзолари Албания, Болгария, Чехословакия, Венгрия, Руминия ва СССРдан иборат эди. 1950 йилда бу Кенгашга ГДР ҳам аъзо бўлди. Кейинчалик бу кенгаш собиқ социалистик мамлакатлар ҳисобига кенгайиб борди. 1950 йиллар ўртасида ГФРнинг НАТО таркибига кириши муносабати билан Шарқий Европа мамлакатларида норозиликлар кучайди, айниқса, бу ҳолат Гитлер Германияси босиб олган ҳудудларда авж олди. Шу сабабли, 1955 йил 15 майда Албания, Болгария, Чехословакия, ГДР, Венгрия, Польша, Руминия ва СССР намояндалари Варшавада Бирлашган Варшава битимига асос солдилар. Бу ҳарбий-сиёсий битим бўлиб, Шарқий Европадаги собиқ социалистик лагер аъзоларини ўз ичига олган эди. Эндиликда “совуқ уруш” авжига чиққан бўлиб, дунё давлатлари ҳарбий блоklarга ажралдилар. Аммо бу қарама-қаршиликларга қарамай, Ғарбий Европа иқтисодий жиҳатдан бирлаша бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг асосини Франция ва Ғарбий Германиянинг яқинлашуви ва ҳамкорлиги ташкил этди.

Ғарбий Европани модернизациялаш ва интеграциялаштириш ғояси 1945 йилдаёқ тажрибали иқтисодчи ва жамоат арбоби француз Жан Монне томонидан ишлаб чиқилган эди. 1950 йил Франция ташқи ишлар вазири Робер Шуман Италия, ГФР ва Бенилюкс (Бельгия, Голландия ва Люксембург) давлатлари раҳбарларига биргаликда кўмир ишлаб чиқариш

ҳамда пўлат эритиш лойиҳасини таклиф этди. 1951 йилда Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Голландия, Люксембург иштирокидаги “Европа кўмир қазилари ва пўлат эритиш бирлашмаси”ни ташкил қилди. Бундай иқтисодий ҳамкорлик саноат ривожини ва ишчиларнинг иш билан таъминланишига олиб келди. Европа ҳамкорлигини ва шерикчилигининг жонқуярлари Франция ташқи ишлар вазири Робер Шуман (1886–1963), ГФР канцлери Конрад Аденауэр (1876–1967), Италия бош вазири Алчиде Де Гаспери (1881–1954) ва Бельгия бош вазири Поль-Анри Спаак (1899–1972) эдилар. Шундай қилиб, Европадаги 6 давлатнинг иқтисодий ҳамкорлигини натижасида саноат жадал суръатлари билан ривожланди. 1955 йилга келиб, яъни тўрт йил ичида бу давлатлардаги кўмир қазилари олиш 23 фоизга, пўлат ва темир ишлаб чиқариш ҳажми эса 150 фоизга ошди. 1957 йилда бта ҳамкор давлат бирлигида янги ташкилот тузишга келишиб олдилар. 6 давлат вакиллари 1957 йилда Рим шаҳрида имзолаган ҳужжатларига биноан, “Европа иқтисодий ҳамкорлиги” ёки “Умумий бозор” ташкил қилди. Бу воқеадан бирмунча олдинроқ, айнан шу олти давлат 1957 йил март ойида “Атом энергияси бўйича Европа бирлашмаси”ни ташкил этган эдилар.

1959–1960 йиллар давомида эса Англия ташаббуси билан 7 давлат – Англия, Швеция, Норвегия, Дания, Австрия, Швейцария ва Португалия “Умумий бозор”га рақиб сифатида “Европа эркин савдо ассоциацияси”га асос солдилар. Бироқ бу ассоциация “Европа иқтисодий ҳамкорлиги” сингари самара бермади ва кейинчалик Англия “Умумий бозор”га аъзо бўлиш учун эшик қоқа бошлади.

Шу билан бирга, 1950 йилларда дунёнинг турли ҳудудларида “совуқ уруш” туфайли бир қанча ҳарбий иттифоқлар ташкил қилди. 1954 йил сентябрь ойида АҚШ, Англия, Франция, Австралия, Янги Зеландия, Филиппин ороллари, Таиланд ва Покистондан иборат “Жануби-Шарқий Осиё муҳофафаси тўғрисида шартнома” (СЕАТО)га асос солинди. Ўша йили октябрь ойида эса Париж битимларига мувофиқ, “Ҳарбий Европа иттифоқи” ташкил қилди.

1955 йил сентябрь ойида Англия етакчилигида Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудида СЕНТО ҳарбий иттифоқи ташкил қилди, бу битим Бағдодда имзоланганлиги учун “Бағдод пакти” номини олди. 1958 йил 14 июлдаги Ироқ қўзғолонидан сўнг Ироқ бу ташкилот таркибидан чиқиб кетди.

1956 йил сентябрь ойида АҚШ, Австралия ва Янги Зеландия ўртасида “Кичик Тинч океан пакти” ҳарбий блоки–АНЗЮС ташкил қилди.

1950 йилларнинг иккинчи ярмида Латин Америкаси, қолаверса, Кубада АҚШ истибдодига қарши оммавий чиқишлар авж олди. 1959 йил 1 январиди АҚШ қўллаб келаётган диктатор Батиста режими Кубада қулади ва Фидель Кастро Рус бошчилигидаги инқилобий кучлар ҳокимият тепасига келди. Натижада, Куба–АҚШ муносабатлари кескинлашиб кетди.

АҚШ ҳарбий йўл билан янги Куба ҳукуматини ағдаришга тайёргарлик кўра бошлади, бироқ собиқ СССР Куба инқилобий ҳукуматини қўллаб-қувватлади ва унга иқтисодий ҳамда ҳарбий кўмак берди. Қисқа вақт ичида Куба ўз армиясини модернизация қилишга муваффақ бўлди. 1959–1960 йиллар бошида Куба туфайли АҚШ–СССР ўртасидаги ҳарбий, сиёсий қарама-қаршиликлар ниҳоятда кескинлашди ва ядровий урушнинг келиб чиқишига бир баҳя қолди.

2. XX асрнинг 60-80 йилларида халқаро муносабатлар.

Режа:

- 1. Кариб ҳавзасида халқаро инқироз. Илк ядровий уруш хавфининг бартараф этилиши.***
- 2. Совуқ уруш сиёсати ва икки тизим ўртасида зиддиятларнинг кучайиши.***

1. Кариб ҳавзасида халқаро инқироз. Илк ядровий уруш хавфининг бартараф этилиши.

Кубанинг АҚШ таъсир доирасидан чиқиши ва Фидель Кастро ҳукумати бошчилигидаги инқилобий ўзгаришлар АҚШ маъмуриятига берилган навбатдаги қатъий зарба бўлди. АҚШ маъмурияти Кубага қарши жазо чораларини қўллади. 1961 йил январь ойида АҚШ Куба билан дипломатик алоқаларини узди, Кубага нисбатан иқтисодий бойкот эълон қилинди. Аммо АҚШнинг бу жазолаш учун қўллаган чора-тадбирлари ҳеч қандай натижа бермади, чунки собиқ СССР Кубага иқтисодий ёрдам кўрсата бошлади.

Шундан сўнг АҚШ маъмурияти Ф.Кастро ҳукуматини ағдаришга қарор қилди. АҚШнинг Марказий бошқарув разведкаси режасига кўра, АҚШдаги 1500 кубалик муҳожир Куба оролига жўнатилиши ва улар кубаликларнинг исён кўтаришлари учун замин ҳозирлашлари керак эди. Бироқ кубаликлар Ф. Кастро атрофида жипслашиб, Куба озодлигини ҳимоя қилдилар. АҚШнинг бу жазо чораси ҳам мағлубиятга учради, АҚШ томонидан юборилган кубалик муҳожирларнинг кўпчилиги ўлдирилди ва бир қисми асир олинди. Натижада, Фидель Кастронинг обрўси бутун Лотин Америкаси мамлакатларида ошиб кетди. АҚШ интервенцияси натижасида Куба ҳукумати СССРдан ҳарбий ёрдам сўради.

СССР раҳбарияти Кубага ҳарбий ёрдам кўрсатиш мақсадида барча чора-тадбирларни ишга солиди, ҳатто, Кубага ўртача оқимда учириладиган 42та ракета ҳам берди. Бу ракетаalarda каллакчалар мавжуд бўлиб, Куба ҳудудидан туриб, АҚШнинг исталган ҳудудига зарба бериш имконияти мавжуд эди. АҚШ президенти Жон Кеннеди Совет давлатининг раҳбари Никита Хрущевдан Кубадаги ракетаарни олиб чиқиб кетишини сўради. Совет раҳбарияти АҚШ талабига рад жавобини

берди. Ўз навбатида, АҚШ Куба қирғоқларига нисбатан блокада эълон қилди. Бу ходиса 1962 йил 26 октябрда юз берган бўлиб, ядровий уруш бошланиб кетишига бир баҳя қолди. Ҳар икки томон – АҚШ ва СССР раҳбарияти ўта эҳтиёткорлик билан олиб борилган музокаралар натижасида тегишли мурсага эришдилар.

1962 йил АҚШ маъмурияти Туркия ҳудудидаги ракетапарни олиб чиқиб кетди, ўз навбатида, собиқ СССР ҳам ракетапарини Куба ҳудудидан олиб чиқди. Шу билан бирга, АҚШ ҳукумати бундан кейин Кубага ҳужум қилмаслик масъулиятини ўз бўйнига олди.

Ҳар икки тараф бу урушда ҳеч ким ғолиб бўлмаслиги ва янги жаҳон уруши инсоният цивилизациясини йўқ қилиб юбориши мумкинлигини яхши англаб етдилар.

1962 йилги Кариб инқирозининг ечими совуқ урушни бир оз юмшатди. 1963 йил июнь ойида Москва ва Вашингтон ўртасида доимий мулоқот учун алоқа ўрнатилди.

Халқаро муносабатларда дунё миқёсида вужудга келган янги омиллар ҳар икки томон учун нисбатан ўзаро дахл қилмаслик позицияларини келтириб чиқарди.

2. Совуқ уруш сиёсати ва икки тизим ўртасида зиддиятларнинг кучайиши.

Собиқ СССР ва Хитой ўртасидаги муносабатлар социалистик лагердаги ажралишга ва айирмачиликка олиб келди. Ўз навбатида, АҚШ ва Франция ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди. Президент Шарль де Голль 1966 йилда Францияни НАТОнинг ҳарбий ташкилотидан олиб чиқиб кетди ва НАТО қароргоҳи (штаб-квартираси) Бельгия пойтахти Брюсселга кўчиртирилди. Шу билан бирга, 1967 йил бошланиб кетган Араб–Исроил урушида СССР ва Франция бир-бирига яқин бўлган позицияни эгалладилар.

АҚШ иттифокчиси бўлган Англиянинг мавқеи сусайиб борди, Франция 1960 йиллар давомида Англиянинг Европа иқтисодий ҳамкорлигига қўшилишига қаршилиқ кўрсатди. Англиянинг пул бирлиги бўлган фунт стерлинг инқирозга учради ва амалда Англия буюк давлатлар қаторидан тушиб кетди. Англия ўз ҳарбий харажатларини бир қадар қисқартиришга мажбур бўлди ва, натижада, аксарият ҳолларда Англия дунё ишларидаги ташаббусларидан воз кечиб, ўз ички ишларини тартибга келтириш билан овора бўлиб қолди.

АҚШнинг ҳам олтин захиралари анча камайиб кетди, чунки совуқ урушда жуда катта маблағларни сарфлашга тўғри келмоқда эди.

Ҳар икки томон АҚШ ва СССР совуқ уруш методларини модернизация қилишни излай бошладилар.

Р. Никсоннинг президентликка сайланиши муносабати билан АҚШ ўз ташқи сиёсатида СССР билан музокаралар олиб бориш йўлига ўтди. 1969

йилдан то 1979 йилгача бўлган ўн йиллик халқаро муносабатларда французча “detente”, яъни “юмшатиш” ёки икки томон ўртасида илиқлик номини олди. Халқаро муносабатлардаги таранглик бир оз бўлса-да, юмшади.

Ҳар икки тараф фақатгина музокаралар олиб бориш билан чегараланмай, маданият, иқтисод ва техника соҳаларидаги алоқаларни йўлга қўйдилар, имкон даражасида қарама-қарши туриш позицияларидан воз кечдилар. 1973 йилда Л. Брежневнинг Вашингтонга ташрифи амалга оширилди, ташриф давомида бир қанча ҳужжатлар имзоланиб, улар қишлоқ хўжалиги, савдо соҳаларида ҳамкорлик қилиш ва ядро қуролларини қисқартириш масалаларини ўз ичига олган эди.

1969 йилда ГФРдаги сайловлар натижасида ҳокимият тепасига келган ГСДП раҳбари Вилли Брандт ҳам собиқ СССР ва социалистик мамлакатлар раҳбарлари билан музокаралар олиб борди ва ГФР ҳамда собиқ социалистик давлатлар ўртасида муҳим ҳужжатлар имзоланди. Детант, яъни юмшатишнинг энг самарали натижаси – бу 1975 йил июль ойи охиридаги Хельсинки учрашуви бўлди, учрашув энг долзарб муаммо – Европадаги хавфсизлик масалаларига бағишланган эди. Бу Европанинг 33 давлати раҳбарлари ҳамда АҚШ ва Канада давлатларининг бошлиқлари билан биргаликда 35 давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлди.

Бу жараён Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик қилиш мажлиси номини олди. Мажлис сўнгида муҳим ҳужжат имзоланиб, унда ҳар икки томон ўртасидаги қарама-қарши туришдан сақланиш, иқтисодий ва техникавий соҳада ҳамкорлик қилиш, халқлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш масалалари ўз аксини топди. Бундай мажлислар ўтказиш анъанавий тус олди ва 1995 йилдан бошлаб, бу ҳаракат Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти номини олган. Détente, яъни юмшатиш жараёни ҳар икки томон ўртасидаги зиддиятларга қарамай, халқлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва уруш хавфини бартараф этишга хизмат қилади.

Бироқ “совуқ уруш” давом этмокда эди, ҳар икки тараф ўз рақибларининг камчиликларидан фойдаланишга ҳаракат қилар ва қўққисдан зарба беришга интилар эди.

1972 йилнинг май ойида АҚШ президенти Р.Никсон Хитойга махсус ташриф буюрди, ҳар икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди, янги Хитой ташкил топгач, орадан салкам 23 йил ўтгач, АҚШ уни тан олишга мажбур бўлди. Аммо АҚШнинг яна бир мақсади собиқ СССРга ҳам Хитой, ҳам Европа томонидан босим ўтказиш эди. АҚШ Яқин ва Ўрта Шарқдан СССРнинг таъсирини камайтириш учун Исроил ва Эрон давлатларини ўз ҳамкорларига айлантиришга уринди. 1970 йилда АҚШ Исроилга 700 млн. долларлик кредит ажратди. Ўз навбатида, Эрон собиқ совет республикалари билан чегарадош бўлиб, АҚШ Эронни

ўзининг яқин ҳамкори деб ҳисоблар эди. Эрон шоҳи Муҳаммад Ризошоҳ Паҳлавий қурул-яроғларни АҚШдан сотиб олар ва унинг АҚШ банкларида 12 млрд. долларлик маблағи мавжуд бўлиб, бу АҚШга катта фойда келтираётган эди, чунки қурул-аслаҳалар нақд пулга сотиб олинар эди. СССР бунга жавобан, Кубада сув ости қайиқлари базасини яратди, улар АҚШ қирғоқларигача бўлган масофада навбатчилик қилар эдилар. Бу жараён СССР ракеталари сонининг АҚШ ракеталарига тенглашишига олиб келди. Шу билан бир қаторда, Кубада СССРнинг ҳарбий ўқув бригадаси ташкил этилди.

Совет кўшинлари Вьетнамга ҳам АҚШга қарши курашда катта миқдорда ҳарбий ёрдам кўрсатди. Совет зобитлари Вьетнам армиясини модернизация қилишда ва доимий жанговар армияга айлантиришда фаоллик кўрсатдилар. Вьетнам армияси АҚШга зарба бериб, унинг Жануби-Шарқий Осиёдаги мажбурияти путур етказди. АҚШ Яқин Шарқдан ҳам СССРни чиқариб юборишга муваффақ бўлмади. Миср Араб республикаси президенти Анвар Садат АҚШ ҳомийлигида Исроилнинг араб давлатлари томонидан тан олиниши эвазига Синай ярим оролини қайтариб олишга муваффақ бўлган бўлса-да, 1981 йил у ўз аскарлари суиқасдининг қурбони бўлди.

АҚШ Хитойда ҳам муваффақиятга эришмади, чунки СССР–Хитой ўртасидаги зиддиятларга қарамасдан, икки мамлакат ўртасидаги барқарорликка Хитой раҳбарияти катта аҳамият берди. АҚШ президентлари Р. Никсон, Ж. Форд, Ж. Буш, Р. Рейганларнинг Хитойга ташриф буюришлари ҳамда Америка сенаторлари ва ишбилармонларининг Хитойда бўлишлари деярли самара бермади. АҚШ ва Хитой ўртасидаги бу келишмовчилик Тайвань муаммоси бўлиб қолаверди.

Аммо АҚШга нисбатан кутилмаган зарба Эронда содир бўлди. 1979 йил бошларида Эрон халқи шоҳ режимини қулатди ва Эрон Ислом Республикаси ташкил этилди. 1979 йил кузида Техрон университети талабалари АҚШ элчихонаси биносини босиб олиб, 63 нафар америкалик дипломатни гаровга олдилар. АҚШ десанти ёрдамида дипломатларни қутқариш операцияси барбод бўлди, фақатгина 1981 йил январь ойида АҚШнинг катта пул тўлови натижасидагина дипломатлар озод этилди. АҚШ ва Эрон республикаси давлатлари ўртасидаги муносабатлар то бугунги кунгача кескинлигича қолмоқда. Эроннинг ўша даврдаги диний пешвоси Оятулло Хумайний АҚШни “иблис” деб эълон қилган бўлса, АҚШ Эронни “халқаро террорчилик”да айблаб келмоқда.

АҚШ СССРга қарши Афғонистонда ўз хатти-ҳаракатларини бошлаб юборди. АҚШ афғон мужоҳидларини қурул-яроғ ва пул билан таъминлай бошлади, бунда Афғонистонда шўроларга қарши ташвиқот ишлари авж олдирилди. Совет кўшинлари босқинига қарши Покистон ҳам катта роль ўйнади. Мужоҳидлар АҚШдан қурул-яроғ, озиқ-овқат, дори-дармон олиб

туришди. СССРнинг Афғонистондаги босқини унинг халқаро миқёсда обрўсини тўқди. Ҳар икки томон – АҚШ ва СССРнинг қуролланиш пойгаси авж олди ва улар ўртасидаги паритет, яъни ядро қуролланишидаги тенглик 1980 йил ўрталаригача амалга оширилди. Ҳар икки тараф раҳбарлари ядро уруши инсон зотини умуман йўқ қилиб юбориши мумкинлигини теран англаб етдилар. 1987 йил декабрь ойида М. Горбачевнинг АҚШга қилган сафари чоғида икки томонлама муҳим бир ҳужжат қабул қилинди. Бу битимга кўра, ўртача ва яқин олисликда учадиган ракетапарни йўқ қилишга келишиб олинди. Унга кўра, 1572та совет ва 599та АҚШ ракеталари йўқ қилиниши режалаштирилди. Шу билан бирга, 50% ҳужумкор стратегик қуроллари қисқартиришга келишиб олинди. Ҳар икки тараф қирғинбарот уруш қуроллари демонтаж қилишни бошлаб юбордилар.

1986 йилда совет раҳбарияти Афғонистон тўғрисида муҳим бир қарор қабул қилди. Унга кўра, 1989 йилгача совет қўшинлари Афғонистонни тарк этишлари назарда тутилган эди. Шундай қилиб, совуқ уруш тугади. 1990 йилда НАТО раҳбарлари ўзларининг Лондондаги йиғилишларида совуқ уруш тугаганлигини эълон қилдилар. АҚШ президенти Ж.Буш ҳам ўзининг 1991 йил январь ойида Конгрессга йўллаган йўриқномасида, совуқ уруш тугади, деб эълон қилди. Совуқ урушнинг тугаши халқаро муносабатлар тарихида янги бир саҳифанинг очилишига олиб келди.

3. Мустамлакачиликнинг барҳам топиши ва империяларнинг қулаши.

Режа:

1. Осиё ва Африкада мустамлакачилик тизимининг барбод бўлиши
2. Сўнгги империялардан бири сифатида собиқ Совет Иттифоқининг парчаланиши. “Совуқ урушнинг” барҳам топиши.

*Шарқнинг азамат фили залвордор хартуми-ла,
Тўймас қари арслоннинг белини букажасқир!
Ғафур Ғулом*

1. Осиё ва Африкада мустамлакачилик тизимининг барбод бўлиши.

Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан энг долзарб муаммолардан бири – бу мустамлакачиликни тугатиш ва халқларнинг эркин яшаши ҳамда ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишлари бўлди. Энг кўп мустамлакаларга эга бўлган давлатлар Англия, Франция, Нидерландия, Бельгия, Италия ва Португалия ҳисобланар эди. Улардан бирортаси ҳам Осиё ва Африка ҳудудидаги халқларга эркинлик бериш ва ўз ихтиёрлари билан у ерлардан чиқиб кетишни истамас эдилар.

БМТ раҳнамолигида собиқ СССР ҳамда АҚШ мустамлакачиликка қарши кураш олиб бориш позициясини ёқлаб чиқдилар. Натижада, мустамлакачилик тизими инқирозга юз тутди. 1947 йилда Англия ҳинд халқининг озодлигини тан олишга мажбур бўлди. Бу ҳудудда иккита мустақил давлат – Ҳиндистон ва Покистон вужудга келди. 1948 йилда Англия ўзининг яна бир мустамлакаси – Бирманинг мустақиллигини тан олди. 1949 йилда Нидерландия Индонезия суверенитетини тан олди. Айрим мустамлакаларда халқлар ўз озодликларини қўлга киритишлари учун узоқ кураш олиб боришларига тўғри келди. Вьетнам халқи ўз озодлиги учун француз мустамлакачиларига қарши узоқ вақт давомида – 1945 йилдан то 1954 йилгача кураш олиб бордилар. 1954 йили французлар Вьетнамнинг Дьен Бьен Фу яқинида мағлубиятга учрадилар ва Вьетнамни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Ал-Жазоир халқи эса француз босқинчиларига қарши 1954 йилдан то 1962 йилгача қарши кураш олиб борди ва Франция V Республикаси президенти Шарль де Голль даврида Франция Ал-Жазоирнинг мустақиллигини тан олди.

1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикасининг ташкил топиши Ғарб мустамлакачилигига берилган қақшатқич зарба бўлди. Янги Хитойнинг ташкил топиши Осиё халқари миллий-озодлик ҳаракатида ҳал қилувчи босқич бўлди. 1955 йилда Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Цейлон (1972 йилдан бошлаб Шри-Ланка) давлатларининг ташаббуси билан Индонезиянинг Бандунг шаҳрида халқаро конференция бўлиб ўтди. Бу конференцияда Осиё ва Африка қитъаларидан 29та мустақил давлатларнинг вакиллари иштирок этдилар. Бу конференцияда Бандунг декларацияси номли ҳужжат қабул қилинди ва бу ҳужжатга кўра, мустамлакачилик, ирқчилик, миллатчилик каби ғайриинсоний сиёсат ва мафкуралар тақиқланадиган бўлди. Бандунг конференцияси миллий-озодлик ҳаракатининг ривожига ва мустамлакачиликнинг барҳам топишида катта роль ўйнади.

Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатларнинг ташаббуси билан 1960 йил 14 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси Мустамлакачиликка чек қўйиш ва халқларга эркинлик бериш декларациясини қабул қилди. Бир неча ўнлаб Африка мамлакатларининг истиқлолга эришиши муносабати билан 1960 йил “Африка йили” деб эълон қилинди.

Эндиликда Осиё ва Африка халқлари мустамлакачиликка қарши курашда оёққа туришди ва бу қитъалардаги ёш давлатлар халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектларига айландилар. Ирқчилик ва апартеид БМТ Низомига мувофиқ қатъиян ман қилинадиган бўлди. Жаҳон аҳли янги мустақил давлатлар тарафида бўлиб, зўравон давлатлар ўз ташқи сиёсатларида янгича мустамлакаларни қўлга киритишда қақшатқич зарбага учрадилар. Француз мустамлакачилари Вьетнамда мағлубиятга учрагач, 1961 йилда АҚШ Вьетнамда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга уриниб кўрди. АҚШ Конгресси 1964 йилда президент Л. Жонсон (1908–

1973)га Вьетнамга қарши куч ишлатиш ваколатини берди. АҚШ Вьетнам халқининг миллий-озодлик ҳаракатини бостириш учун авиация ёрдамида Вьетнамга бомбалар ёғдирди, америкаликларнинг ярим армияси бу мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларини харобага айлантирди. Аммо Вьетнам халқи таслим бўлмади, унга собиқ СССР ва Хитой давлатлари ёрдам қўлларини чўздилар. 1975 йил 30 апрелда АҚШ қўллаб-қувватлаб турган жанубий Вьетнамдаги Сайгон режими кулади. Шимолий ва Жанубий Вьетнам бирлашди, 1976 йил 24 июнда Вьетнам социалистик республикаси эълон қилинди. Шундай қилиб, АҚШ Жануби-Шарқий Осиёда қақшатқич зарбага учради.

Европа давлатлари Осиё ва Африкадан чиқиб кетган бўлсалар-да, бироқ бу қитъаларда ҳали ўз мавқеларини етарлича сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Айниқса, Европа давлатлари ўз техникавий устунликларига таяниб, ташқи савдо соҳасида собиқ мустамлакаларда етакчи ўринга эга эди. Осиё, Африка мамлакатлари Европа давлатлари учун хомашё ишлаб чиқариш базалари бўлиб қолаверди. Тайёр маҳсулотлар Европа давлатларида ишлаб чиқарилиб, хомашё Осиё ва Африка мамлакатларидан келтирилар эди ва бунда тайёр маҳсулотларнинг нархи хомашёдан кўра ўнлаб марта зиёд миқдорни ташкил этар эди. Бу Европа давлатларига катта даромад келтирар эди.

Европа давлатлари ўзларининг иқтисодий ва техникавий устунликларидан фойдаланиб, ғарб турмуш тарзини ҳамда унинг урф-одатларини шарқ халқларига сингдиришга уринмоқдалар. “Айниқса, бугунги кунда, – деб ёзади И.А. Каримов, – халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади... Табиийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган таҳдидлари одамни ташвишга солмай қўймайди”¹⁸.

2. Сўнгги империялардан бири сифатида собиқ Совет Иттифоқининг парчаланиши. “Совуқ урушнинг” барҳам топиши.

Собиқ Совет Иттифоқи сўнгги империялардан бири бўлиб, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг коммунистик партия ва унинг номенклатураси мамлакатда ўзларининг ҳокимлик монополияларини ўрнатдилар. Партиянинг юқори қатлами, яъни партиявий бюрократия ҳокимиятни ҳам,

¹⁸ Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т., 2008. –Б. 116–117.

матбуотни ҳам, ахборотни ҳам, ўз имтиёзларини ҳам кўпчилик билан баҳам кўришни асло истамас эди.

Шу сабабли, зиёлилар ичидан етишиб чиққан бир гуруҳ соғлом фикрловчи кишиларни КПСС пешволари “диссидентлик”, яъни бузғунчиликда айблаб, уларга қарши кураш кампаниясини авж олдирдилар. Уларни қатағон қилишди, қамоқларга, концлагерларга жўнатишди, бир қанчаси хорижга қувиб юборилди (А.И. Солженицин, И. Бродский ва бошқалар). Диссидентлар халқ ва давлат душманлари деб эълон қилинди. Мамлакат ичида уларнинг тарафдорлари ишдан ҳайдалиб, руҳий хаста деб беморхоналарга жойлаштирилиб, уларни кечаю кундуз махсус хизмат – КГБ ходимлари назорат қилиб турар эди. Бундай зиёлиларнинг асарлари чоп этилиши тақиқланганлиги учун мамлакатда “Самиздат” (бадий ва бошқа турдаги муҳолифат йўналишидаги асарларни яширинча чоп этиб, халқ орасига ёйиш усули) нашрлари кенг тарқалди.

Диссидентларни хорижда, айниқса, Ғарбда кенг қўллаб-қувватлашар эди. Ўз навбатида, Ғарб оммавий ахборот воситаларида собиқ СССР “полициячи давлат” сифатида кенг тарғиб қилинди. Ҳатто, АҚШ президенти Р.Рейган собиқ СССРни “ёвузлик салтанати” деб атаган эди.

1982 йил ноябрдан 1985 йил март ойигача, яъни тахминан 2 йилу 4 ой ичида бирин-кетин КПСС МК бош котибларидан Л. Брежнев, Ю. Андропов, К. Черненко вафот этишди. 1985 йил март ойида нисбатан ёш М.С. Горбачев КПСС МК Бош котиблигига сайланди. 1985 йил апрель ойида у ўз дастурини ишлаб чиқиб, уни “қайта куриш” деб номлади. “Қайта куришнинг” асосий қонун-қоидалари 1987 йил июнь ойидаги КПСС МК пленумида ишлаб чиқилди ва унга кўра меҳнат жамоаларига катта имтиёзлар берилди. Бу ўзгаришларга мувофиқ меҳнат жамоалари ўзини ўзи бошқариш, ўзини молиялаштириш ва бир қанча бошқа ҳуқуқларни қўлга киритдилар. Шунингдек, мазкур ўзгаришларда жамиятни либерализация қилиш ёки эркинлаштириш назарда тутилган эди. Ўз навбатида, иттифоқдош ва мухтор республикаларнинг ҳам ҳуқуқларини кенгайтириш масаласи кун тартибига қўйилди.

М.С. Горбачевнинг бу ташаббусларидан руҳланиб, собиқ социалистик лагерга қарашли Шарқий ва Жанубий Европа мамлакатларида ҳам озодлик ва эркинлик учун кураш авж олди. Бу мамлакатлардаги социалистик тузилмалар XX аср 40 йилларининг иккинчи ярмида совуқ уруш шароитида вужудга келган бўлиб, совуқ урушнинг чекиниши туфайли социалистик лагерь ҳам барҳам топди. Бу мамлакатлардаги социалистик структуранинг асосий таянчи коммунистик мафкура ва СССРдан иборат эди. СССРда кечаётган вазият унинг илгаригидек собиқ социалистик давлатларнинг ички ишларига аралашишига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Натижада, 1989 йилги “духоба инқилоби” натижасида Чехословакияда коммунистик режим қулади. 1989 йил баҳоридан то 1989

йил декабрь ойигача бўлган вақт давомида бирин-кетин ГДР, Польша, Венгрия, Югославия, Албания, Болгария ва Руминияда коммунистик партияларнинг ҳукмронлигига чек қўйилди. Бундай режимларнинг кулаши Руминия ва Югославияда қонли тус олди, кўп кишилар озодлик ва мустақилликнинг қурбони бўлдилар. Бу мамлакатларда миллий мустақиллик ғояси пролетар байналмилалчилиги устидан ғалаба қозонди.

Миллий мустақиллик ва эркинлик ғоялари собиқ СССРда кенг қулоқ ёйди. 1989 йилдан Шарқий Европа ва Болқон ярим оролидаги социалистик лагеръ қулагач, СССРда миллий республикаларнинг мустақилликка эришиш учун кураши авж олди.

Алмати, Вильнюс, Боку ва Тбилисидаги миллий-озодлик ҳаракатларига нисбатан СССР раҳбарлари эскича услублар асосида куч ишлатдилар, бу намоишлар зўравонларча бостирилди, бироқ миллий-озодлик ҳаракати янги-янги кучлар асосида такрорланаверди. Холбуки, намоишчиларнинг қурбонлари ортиб бормоқда эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига қарши кураш собиқ СССРнинг барча гўшаларида кенг қулоқ ёйди. РФ биринчи бўлиб собиқ Иттифоқ таркибидан чиқди. 1991 йил 12 июнда умумхалқ сайловлари асосида президентликка сайланган Б.Н. Ельцин Россия ҳудудида коммунистик партия фаолиятини тақиқлашга фармон берди. Бунга жавобан, собиқ СССРнинг раҳбарлари бутун мамлакат бўйлаб давлат тўнтариши ўтказишга уриниб кўрдилар. Унга кўра, ҳокимият тўлалигича ГКЧП, яъни Фавқулодда вазиятдаги давлат қўмитаси ихтиёрига ўтиши керак эди. СССР раҳбарлари 19 август куни ҳокимият ГКЧП қўлига ўтганлигини расман эълон қилишди.

Россия Федерацияси ҳукуматининг биноси олдида кўп минг кишилик митинг уюштирилди. Ҳарбий қисмлар ГКЧПга бўйсунибдан бош тортдилар ва ГКЧП аъзолари қамоққа олинди. Шундай қилиб, 70 йил давом этган, сўнгги империялардан бири бўлмиш собиқ Совет империяси кулади.

1991 йил декабрь ойида уч республика раҳбарлари – Б. Ельцин (РФ), Б.Кравчук (Украина) ва С.Шушкевич (Белоруссия) Брест-Литовск яқинидаги Беловежское Пушчада СССРни парчалаб юбориш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

1991 йил декабрь ойининг охирида собиқ ўн беш иттифоқдош республика раҳбарларидан 11таси иштирокида СССРни тарқатиб юбориш ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

СССРнинг кулаши натижасида совуқ уруш ҳам ўз ниҳоясига етди. Халқаро муносабатлар тарихида бутунлай янги давр бошланди.

4. Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.

Режа:

1. Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти.

2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.

1. Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Олий Кенгаши кўп миллатли республика аҳолисининг иродасини ифода этган ҳолда, Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилди. Бу қарорни 1991 йил 29 декабрда ўтказилган халқ референдуми қўллаб-қувватлади, референдумда қатнашганларнинг 98,2 фоизи Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва суверенитети учун овоз берди.

Ўзбекистон халқи ўз тараққиёт йўлида ва миллий давлатчиликнинг шаклланишида Президентлик Республикасига асосланган тамойилни танлади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистоннинг Шарқда жойлашганлиги, ислом цивилизациясига мансублиги, 130 йил давомида олдин Чор Россияси империяси таркибида, сўнгра шўроларнинг мустабид тузуми даврида унга қарамлиги айнан ана шу давлат шакли зарур эканлигини тақозо этди. Маълумки, собиқ СССР даврида, яъни 1990 йилнинг 24 мартида илк маротаба барча 15та республика ичида Ўзбекистонда президентлик институти таъсис этилди. У сиёсий тизимнинг ўзагига бўлди, давлат бошлиғи ва ижро этувчи ҳокимият раҳбари ваколатлари президентлик лавозимида мужассамлашди; президентлик тизими ўзбек давлатчилигининг асосий устунига айланди. Ана шундай кенг қамровли ваколат ва кучли ҳокимият жасур, доно сиёсатчи, ташаббускор, вазмин, иродали инсон шахси билан уйғунлашди. Чунки маъмурий буйруқбозлик ҳамда ўта мафкуралашган тизимдан – янги, миллийликка ва демократик тамойилларга асосланган жамиятга ўтиш даври ана шундай ваколатлар, иродали ва моҳир давлат арбобини талаб қилар эди. Собиқ Совет Иттифоқи парчаланиши юз бераётган ҳамда барча жабҳаларни қамраб олган чуқур инқироз кечаётган бир пайтда, СССРда миллатлараро зиддиятлар кескинлашган даврда, яъни 1989 йилда Ўзбекистон ўзига хос йўлни танлади. 1990 йил 20 июнда Олий Кенгаш “Мустақиллик декларациясини” эълон қилди.

1991 йил декабрь ойи охирида муқобиллик асосида президентлик сайлови ўтказилди, янги сайланган Президент И.А.Каримов 1989 йилда сайланган Олий Кенгаш билан ҳамкорликда иш кўриб, қатор бунёдкорлик

ишларини амалга оширди. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз ва халқимизнинг осойишталиги ҳамда тинчлигининг кафолати бўлди.

Ўтиш даврида зудлик билан янги миллий мустақил давлат шаклланди, 1991–1992 йиллар давомида давлат рамзлари: байроқ, герб, мадҳия ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. 1992 йил 8 декабрда Конституция қабул қилинди ва жорий этилди. 1994 йил декабрида Олий Мажлисга ҳам илк марта партиявий муқобиллик асосида умумхалқ сайловлари ўтказилди.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, бир қанча эски даврдаги вазирликлар ва маҳкамалар тарқатилиб, уларнинг ўрнига замонавий вазирликлар, маҳкамалар, қўмиталар, комиссиялар ташкил этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ислохотлар ўтказиш йўли орқали тадрижий тараққиёт йўлини танлади.

Мураккаб ўтиш даври қийинчиликлари ҳисобга олиниб, бир қатор мустақил давлатларда бўлганидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда давлат бошлиғининг тез-тез алмашиб туришига йўл қўйилмади ва бундай услубнинг айна муддао эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади; қаерда давлат бошлиғи қанчалик тез алмаштирилса, ўша ерда низолар вужудга келди, фуқаролар уруши юз берди. Шу маънода, Тожикистон, Грузия, Озарбайжон, Арманистон ҳудудларидаги можаролар, низолар фикримизнинг яққол далилидир.

Ўзбекистонда давлат бош ислохотчига айланди. Ўзбекистонда давлатнинг кучи ва қудрати ҳар бир фуқаронинг сиёсий фаоллиги, сиёсий онги, унинг жамиятдаги бунёдкорлик ишлари билан уйғунлашди. Ўзбекистонда кечаётган демократик жараёнларни жаҳон ҳамжамияти юқори баҳолади. Шу сабабли, 1992 йил июнь ойидаёқ Ўзбекистонни дунёнинг 120 давлати тан олди, кейинчалик, вақт ўтиши билан уларнинг сони 160 тага етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ички ва ташқи сиёсати мамлакатда барқарорликни таъминлади, жамиятда миллий қадриятлар, илғор анъаналар қайта тикланди, иқтисодий соҳада ислохотлар туфайли тез суръатлар билан ривожланиш юз берди.

2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида маҳаллий, минтақавий ва дунё миқёсидаги давлатлараро муносабатлар кенг йўлга қўйилди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг фаол субъектига айланди ва жаҳон ҳамжамиятидан нуфузли ўрин эгаллади.

1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон БМТнинг аъзоси бўлди, Ўзбекистон байроғи Нью-Йорк шаҳрида жойлашган БМТ қароргоҳида

баланд кўтарилди. Бу тарихий ҳодиса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлганлигидан дарак берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон БМТнинг ишларида фаол иштирок этмоқда, унинг позициясини, қарорларини ва ташаббусларини кенг қўллаб-қувватламоқда. БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси Президенти бир неча марта қатнашиб, бу халқаро ташкилотнинг иш фаолиятини ҳамда унинг ички тузилишини такомиллаштириш ғоясини илгари сурди. Шу жумладан, 1995 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган БМТнинг 50 йиллик юбилеи муносабати билан сессиясида Президент И.А.Каримов бу халқаро ташкилотнинг роли ва масъулиятини ошириш ташаббуси билан чиқди. Бу таклифлар қуйидагилардан иборат:

1. БМТ Хавфсизлик кенгаши аъзоларининг сонини ошириш, айниқса, доимий Хавфсизлик кенгаши аъзоларининг таркибини бугунги кунда халқаро муносабатларда етакчи ўринларни эгаллаган Германия ва Япония каби мамлакатлар ҳисобидан кенгайтириш.

2. БМТ Бош қотиби ваколатларини кучайтириш орқали ташкилот ишининг самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш.

3. БМТ ҳамкорлигини халқаро минтақавий ташкилотлар билан кучайтириш ва шу йўл орқали бу ташкилотнинг турли минтақалардаги шўъбалари фаолиятини жойлардаги тангликларни бартараф этишга қаратиш.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида изчил ва қатъий сиёсат олиб бормоқда. Айниқса, И. Каримов 1992–1993 йиллар давомида БМТ Бош қотиби Бутрос Ғолийга йўллаган мактубида Марказий Осиёдаги барқарорликни издан чиқариши мумкин бўлган Тожикистон ва Афғонистондаги ички низоларга жаҳон ҳамжамиятининг диққатини қаратиб, вазиятни ўрганиш ва зарур чоратadbирларни кўриш учун БМТнинг махсус комиссиясини жўнатишни илтимос қилган эди. Афғонистон бўйича Ўзбекистон раҳбарияти 6+2 ташаббусини илгари сурди, кейинчалик 2008 йили бу лойиҳа 6+3 лойиҳаси билан такомиллаштирилди. Бунга кўра, Афғонистон можароларини ҳал қилишда унинг 6 та қўшниси ва АҚШ, РФ, НАТО фаол иштирок этишлари керак.

Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммоси, аср вабоси ҳисобланган терроризм, диний экстремизм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, Марказий Осиё минтақасидаги экологик муаммолар юзасидан билдирган таклиф ва ташаббуслари халқаро ҳамжамият эътиборини доимо ўзига жалб қилиб келмоқда. Хусусан, Президент И.А. Каримовнинг 2010 йил 20-21 сентябрь кунлари Нью-Йорк шаҳрида ташкил этилган БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи ҳам кўзга кўринган сиёсатчилар, экспертлар ва қатор нуфузли

ташкilotларнинг вакиллари томонидан жуда юксак баҳоланди. Чунки ундаги фикр ва илгари сурилган ғоялар халқаро миқёсда долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг самарали ечими билан боғлиқдир.

И.А. Каримов мазкур чиқишида Афғонистон масаласига яна бир карра алоҳида тўхталиб ўтди. Сабаби, Афғонистон наинки Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёнинг энг ташвишли, чигал ва қарама-қаршиликка тўла муаммосидир. 30 йилдан буён ушбу заминда давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар кутилган натижани бергани йўқ ва бу афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини янада яққолроқ кўрсатмоқда. Шу ҳақда сўз юритган И.А.Каримов ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари топиш ғоят муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, очиқ халқаро ҳамкорликнинг Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган янги моделини таклиф этди: “Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафелигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига, авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. 6+3 мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади – бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қиладиган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроа асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур қафолатларни беришдан иборат”¹⁹.

Дарҳақиқат, 1997–2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият юритган 6+2 мулоқот гуруҳи каби, 6+3 гуруҳининг ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатишига ишонч билдириш мумкин. Чунки Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, мазкур давлатда қонли тўқнашувлар, инсон ресурслари ва моддий йўқотишларнинг олдини олиш, шунингдек, кўп миллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга қаратилган беш муҳим ташаббус (НАТО/СЕАП ташкilotининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Президент И.А. Каримов нутқида илгари сурилган беш ташаббус) ёрдамида афғон муаммосини

¹⁹ «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил 24 сентябрь.

бартараф этишнинг энг самарали ва мақбул услублари намоён бўлиши шубҳасиз.

Оддийроқ қилиб айтганда, ҳозирги шароитда афғон муаммосини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омили Президент И. Каримовнинг БМТ шафелигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил этиш бўйича дастурий ташаббусини изчиллик билан амалга оширишдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, Афғонистондаги вазиятнинг ҳарбий воситалар билан ҳал этилишига чек қўяди ва барқарорлаштириш жараёнига кенг қўламли халқаро ҳамкорликни фаол жалб этиш имконини беради.

Афғонистонга қўшни олти мамлакат – Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТОдан таркиб топадиган мазкур Мулоқот гуруҳи афғон муаммосини бартараф этиш йўллари топиш бўйича умумий принцип ва ёндашувларни муҳокама қилиш, Афғонистонда тинчлик ва тотувликка эришиш бўйича умумий англашув ва манфаатдорликни ишлаб чиқиш учун энг муҳим механизмга, яъни яхши музокара майдонига айланиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббуси билан чиқди. Минтақадаги давлатлар бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар ва 1997 йил 9 декабрда БМТ Бош Ассамблеясида “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш тўғрисида” резолюция қабул қилинди. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Орол муаммоси муҳим ўрин тутди. Президент И.Каримов БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан ва бошқа нуфузли минбарлардан туриб, Орол фожиасига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб, уни ҳал этиш чоратадбирларини ишлаб чиқишга даъват этмоқда. Бугунги кунга келиб, дунё жамоатчилиги Ўзбекистон даъватлари ва нуқтаи назарининг асосли эканлигини очиқ-ойдин эътироф этмоқда. БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг 2010 йил апрель ойидаги Ўзбекистонга сафари ва Орол фожиасини ўз кўзи билан кўриши ва И. Каримов билан бўлган мулоқоти ҳамда бу соҳада Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлик қилиши диққатга сазовор.

XXI асрда халқаро муносабатлар, шу жумладан, халқаро хавфсизлик тизимида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Янги давр халқаро тараққиётнинг янги қоидаларини ва, демакки, янгича қадрият ва баҳолаш мезонларини тақозо этмоқда. Хусусан, 2001 йил 11 сентябрь Нью-Йоркда юз берган фожа, Ўзбекистондаги террорчилик, Россияда, айниқса, болалар нишонга олинган Беслан фожиаси, Москва метросидаги қўпурувчилик, Европа ҳамда дунёнинг кўп ҳудудларида, хусусан, Ироқ ва Афғонистондаги хунрезликлар глобал, минтақавий ва миллий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш заруратини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг аъзоси сифатида ҳам бир қатор бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги тобора кенгайиб бормоқда. Икки томонлама муносабатларни тартибга солиб турувчи, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар (бугунги кунда уларнинг сони 27та) билан шериклик алоқаларини ўрнатадиган асосий ҳужжат 1999 йил 1 июлда кучга кирди.

Ўзбекистон–ЕИ доирасида 5 та қўшма орган: Ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкорлик Қўмитаси, парламент ҳамкорлиги қўмитаси ва 2та қуйи қўмита мавжуд.

2001 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган саммитда “Шанхай бешлиги” Ўзбекистон ташаббуси билан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) айлантирилди. Ўзбекистон ШХТ ҳеч қачон ҳарбий ёки ҳарбий сиёсий ташкилотга айлантирилмаслигига оид таклифларни илгари сурди. Ўзбекистон ШХТ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш халқаро терроризм ва минтақавий барқарорликка таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишга қаратилган ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. ШХТ доирасида иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ҳақида тўхталиб, Президент И. Каримов ушбу масалани ҳал этишнинг асосий йўли сифатида Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш зарурлигига эътибор қаратади.

ШХТ томонидан қабул қилинган даслабки ҳужжатлар “Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги Декларация”, «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш Шанхай конвенцияси» ҳамда «Шанхай бешлиги»га Ўзбекистоннинг қўшилиши ҳақидаги қўшма баёнот» бўлди.

ШХТ таркибига кирувчи давлатлар ҳудуди Евроосиё умумий ҳудудининг 61 фоизини, яъни 30,2 млн. кв. км.ни ташкил этади. Демографик жиҳатдан эса дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми ШХТга аъзо давлатлар ҳудудида истиқомат қилади.

Ташкилотнинг бош қароргоҳи Хитой пойтахти Пекин шаҳрида жойлашган. Расмий тиллари рус ва хитой тиллари ҳисобланади. ШХТнинг байроғида ташкилот герби акс этган. Унинг икки четида лавр (дафна) япроқлари, марказида эса шарқий ярим шарнинг иштирокчи мамлакатлар ҳудуди жойлашган рамзий тасвири акс этган. Пастки ва юқори қисмларида рус ва хитой тилларида: «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти» деган сўзлар туширилган.

ШХТда 6 иштирокчи давлатдан ташқари яна 4 та кузатувчи давлат (Ҳиндистон, Эрон, Монголия ҳамда Покистон) ҳам бор. Улар ичида биринчи бўлиб Монголия (2004 йили Тошкент саммитида) бундай номга лойиқ кўрилган бўлса, қолган уч давлат–Ҳиндистон, Эрон ҳамда Покистон бир йил кейин Астанада бўлиб ўтган саммитда кузатувчи мақомини олишган. Бугунги кунга келиб, Эрон ва Покистон давлатлари ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлишга интилишмоқда.

МДХ, АСЕАН давлатлари ва Афғонистоннинг ШХТ саммитларига таклиф этилиши ҳамда Белоруссия, Шри-Ланка давлатларининг мулоқот ҳамкори сифатида танилганлиги ташкилотнинг истикболидан дарак беради. Шунинг ҳам айтиш жоизки, Покистон, 2008 йилнинг мартда эса—Эрон Ислом Республикаси ШХТга аъзо бўлиш истагида расман мурожаат қилишган. 2009 йилнинг 15–16 июнь кунлари Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида ҳам давримизнинг долзарб масалалари муҳокама этилди.

Жумладан, минтақада кечаётган жараёнлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, бу борадаги кўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик, трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ўзининг стратегик манфаатларини такомиллаштириб бориб, дунёнинг турли жойларида, айниқса, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйди. Тажовуз ва таҳдидлар барча учун умумий эканлигини, Марказий Осиё ва унда яшовчи халқларнинг тақдири учун зиммасидаги масъулиятни англаб, мамлакатимиз 2001 йил июнь ойида ШХТга аъзо бўлиб, унинг муассиси ва тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланди.

Жаҳон тажрибаси умумбашарий ва минтақавий муаммоларга қарши курашишнинг самарали усули мустаҳкам ва ишончли ҳамкорликни йўлга қўйишдан иборат эканлигини кўрсатмоқда. ШХТнинг ўз олдига қўйган вазифалари эса барқарор тараққиёт ва фаровон истикбол учун ҳамкорликда кураш олиб боришдан иборатдир.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2009 йил 15–16 июнь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: “Шунинг ишонч билан айтиш мумкинки, ШХТнинг минтақада ҳамда дунёда хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга, сепаратизмга, экстремизмга ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш, Марказий Осиёдек стратегик жиҳатдан муҳим минтақада хавфсизликнинг бошқа таҳдидларига қарши кураш борасидаги ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга ўсиб бормоқда”.

Дарҳақиқат, ШХТ ўз олдига инсоният бошидан урушлар ва турли ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар хавфини бартараф этиб, абадий тинчликка ва фаровон ҳаётга эришишдек улуғ мақсадни қўйган.

ШХТнинг республикамиз манфаатлари билан ҳамоҳанглигини асосий жиҳати унинг халқаро терроризм, диний экстремизм ва миллий айирмачилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва уюшган жиноятчиликка қарши курашдан иборат фаолиятида намоён бўлади.

Бундан буён ҳам ушбу йўналиш ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолаверади.

Сўнгги йилларда ташкилот доирасида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шу ўринда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича ШХТ ҳузурида йигирмага яқин ихтисослаштирилган тузилма фаолият юритаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўз навбатида, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳам Ўзбекистон билан минтақадаги етакчи давлатлардан бири сифатида ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Бунинг асосий сабаблари, биринчидан, давлатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳияти ҳамда барқарор ривожланиш йўли, иккинчидан, Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамда глобал хавфсизликни таъминлашдаги сиёсий позицияси, учинчидан, мамлакатимизнинг минтақада ва шу орқали жаҳонда тинчликни таъминлашда қўл келадиган қулай геосиёсий жойлашуви ҳисобланади.

2009 йил июнь ойидан, яъни Екатеринбург саммитидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилишга киришди. Айтиш жоизки, ушбу раислик доирасида ШХТга аъзо давлатлар ўртасида самарали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўлида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

- ШХТнинг бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқаларини кенгайтириш;

- ШХТ Хартияси принциплари ҳамда ташкилотнинг мақсад ва вазифаларига тўлиқ мос келувчи меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ҳисобига унинг фаолият самарадорлигини янада юксалтириш;

- ШХТ доирасида минтақавий транспорт коммуникацияларини ривожлантириш вазифалари шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг нуқтаи назарига кўра, ШХТ фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири, бу шубҳасиз, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришдан иборат. ШХТ фаолияти доирасида амалга оширилаётган қатор саъй-ҳаракатлар, хусусан, терроризм, радикал экстремизм, сепаратизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш масалалари нафақат минтақавий, балки умумбашарий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Марказий Осиё худудидан ўтадиган ҳамда ШХТ аъзо давлатларининг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МХД), Европа Иттифоқи (ЕИ), Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, йўлак ва маршрутларни амалга оширишга қаратилган ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Марказий Осиё хавфсизлигига жиддий таҳдид солиб турган афғон омилига катта эътибор бериб келмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг АҚШнинг янги маъмурияти раҳбари Б.Обама билан Афғонистонни қайта тиклаш масалаларидаги ҳамкорлиги диққатга сазовор. Афғонистонни қайта тиклашда АҚШнинг янги маъмурияти Жорж Буш концепциясини қайта кўриб чиқиб, бу муаммони ҳал қилишнинг сиёсий, тинчлик йўлларини изламоқда. Афғонистон масаласида Ўзбекистон ва АҚШ позицияларида анча яқинлик кўзга ташланмоқда. Бугунги кунда афғон муаммосининг ечилишида Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантирмоқдалар. Келгусида афғон заминида тинчлик ўрнатилиши, ижтимоий соҳа ва иқтисодиётнинг тикланиши, Афғонистонда фуқаролик жамияти барпо этилиши асосида бу мамлакатнинг Марказий Осиё ҳамжамиятига қабул қилиниши эҳтимолдан холи эмас. Янги Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан интеграциялашуви натижасида шундай имконият барпо этилади. Ўз навбатида, Афғонистон нафақат энергетика ва транспорт коммуникациялари ўтган транзит давлат, балки глобаллашув шароитида изчил ва самарали ривожланиб бораётган давлатлараро иқтисодий ҳамжамиятнинг таркибий қисмига ҳам айланади. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Афғонистоннинг барқарорлашуви ва қайта тикланиши ҳамда бу заминда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан ҳар томонлама манфаатдордир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган тарихий санадан ҳозирги давргача 160 дан ортиқ давлатлар Ўзбекистонни суверен давлат сифатида тан олиб, ундан 100га яқини билан дипломатик алоқа ўрнатиш ҳақида розилик билдирган. Ўзбекистон Республикаси АҚШ, РФ, Франция, Буюк Британия, Япония, Хитой, ГФР, Исроил, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва бошқа кўплаб давлатлар билан дипломатик ва консуллик алоқаларини олиб бормоқда.

Савол ва топшириқлар

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги халқаро сиёсий вазият ҳақида гапиринг.
2. Совуқ урушга таъриф беринг.
3. Совуқ урушнинг келиб чиқиши ва асосий сабаблари нималардан иборат?
4. Икки қутбли дунёда қандай тартибот ўрнатилган эди?
5. Мустамлакачилик сиёсати нима ва у қайси давлатлар учун хос эди?
6. Кариб инқирози ҳақида нималарни биласиз?
7. Империяларнинг кулаши халқаро вазиятга қай тарзда таъсир қилди?
8. Икки қутбли дунёнинг кулаши нималар билан изоҳланади?

9. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида.
10. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида сўзлаб беринг
11. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувининг асосий босқичлари ҳақида нима дея оласиз?
12. Президент И.Каримов БМТнинг роли ва масъулиятини ошириш бўйича қандай таклифларни илгари сурди?
13. Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича 6+2 ва кейинчалик такомиллаштирилган 6+3 мулоқот гуруҳининг мазмуни нимадан иборат?
14. Ўзбекистон Республикасининг ШХТ даги фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
15. Ўзбекистон–АҚШ муносабатлари тарихи ва ҳозирги замондаги ҳамкорликлари тўғрисида нималарни биласиз?
16. Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқалари ҳақида гапириб беринг.

ХУЛОСА

Мазкур ўқув қўлланма халқаро муносабатларнинг тахминан сўнгги 650 йиллик воқеаларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, ўзбек давлатчилигини юксак чўққига олиб чиққан Амир Темурнинг халқаро ҳамжамиятда тутган тарихий ўрнидан бошланади. Айнан Амир Темур давридан бошланган Уйғониш, ўз навбатида, Европа Уйғониш даври учун туртки бўлган бўлса, бир вақтнинг ўзида Европада Гуманизм, Реформация ғоялари кенг илдиз ота бошлади. Ўрта асрлар сўнгида Ғарбий Европада юзага келган вазият натижасида аҳолининг “Янги дунё” – Америка қитъасига ёппасига кўчиб кетиш жараёни бошланди. Айнан шу даврда денгиз йўлларининг очилиши ёки кашф этилиши содир бўлди. XV аср нафақат денгиз йўлларининг кашф этилиши, балки Уйғониш, китоб чоп қилиш, фан-техника тараққиёти, адабиёт ва санъатнинг ривож, энг муҳими, иқтисодий юксалишга олиб келди. Тўғри, хануз Яқин ва Ўрта Шарқдан фарқли ўлароқ, Европада вазият бирмунча мураккаб эди. Аммо денгиз йўлларининг кашф этилиши натижасида Шарқдаги Буюк Ипак йўли ўз аҳамиятини йўқотди. Ҳатто, Буюк Ипак йўлининг асосий йўналиши ўша пайтда Рус подшолиги ёки Московия ҳудудлари орқали Европага чиқар эди. Айнан ана шу даврдан бошлаб темурийлар давлатлари таназзулга учраган бўлса, Рус князликлари Москва атрофида бирлашиб борди.

XVI аср Португалия ва Испания тарихида чуқур из қолдирди, чунки XVI аср Европа тарихида “Испания асри” ҳам деб аталади. Шу билан бир қаторда, XVI асрда Европада миллийликка асосланган мутлақ монархиялар шаклланди. Бундай марказлашган миллий давлатлар Англия, Франция, Испания, Португалия, Дания ва Швециядан иборат эди. Айнан XVI асрда нидерландларнинг мустақиллик учун испан босқинчиларига қарши курашида Бирлашган музофотлар республикаси ёки Нидерландия республикаси ташкил топди.

XVI асрдан фарқли ўлароқ, XVII асрни Европада ақл-идрок, ёки оқилона мулоҳазакорлик асри деб аташади. XVII асрнинг биринчи ярмида Англияда бозор иқтисодиётига ўтишда бурилиш юз берди. Ишлаб чиқаришнинг янгича усулларига таянган “янги дворянлар” инглиз парламенти депутатларининг кўпчилигини ташкил қилар ва парламентни Англия қироллигига қарши курашга чорларди. Бу инқилобий ҳаракат фуқаролар уруши тусини олди ва парламент қирол ҳокимияти устидан ғалаба қозониб, Англиянинг кейинги барқарор ривожланишини таъминлади. Деярли бир вақтнинг ўзида Европа давлатлари ўртасида Ўттиз йиллик уруш (1618–1648) бўлиб ўтди. 1648 йил Вестфалияда имзоланган тинчлик шартномаси бу урушга чек қўйди ва Европада кучларнинг янги мувозанатини вужудга келтирди. Вестфаль тинчлик битими халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини юзага келтирди.

Эндиликда халқаро муносабатларнинг асосий субъектлари суверен давлатлар ҳисобланар эди.

1688 йил Англияда бўлиб ўтган “шонли инқилоб” натижасида Нидерландиянинг штатгальтери Вильгельм Оранский Англия тахтини эгаллади ва шу даврдан бошлаб, Англия ташқи сиёсатида Францияга қарши кураш олиб бориш тенденцияси кучайиб борди. Халқаро муносабатлар ривожиди 1814–1815 йиллардаги Вена конгрессида қабул қилинган қонун-қоидаларга кўра, давлатлар ўртасида умумий тартиб жорий этилди ва доимий фаолият кўрсатадиган элчихоналарга асос солинди. Аҳоли сонининг ортиб бориши халқаро муносабатларга катта таъсир кўрсата бошлади. Шу билан бирга, Буюк француз инқилоби жараёнида кўпчилик французлар хорижий мамлакатларга кўчиб кетишди, бу кўчиш бир қитъа доирасида юз берган бўлса, кейинчалик Европадан Америка қитъасига кўчиш оммавий тус олди. Аҳоли АҚШ, Бразилия, Аргентина ҳудудларига кўчар эдилар. Ўз навбатида, “янги дунё”га кўчиб келган одамлар Европа илми, фан-техника ғояларини ўзлари билан олиб келишди. Тиббиётнинг ривожиди ва турмушнинг фаровонлашуви, ўз навбатида, халқаро муносабатларга жиддий таъсир кўрсатди.

XVIII аср охирида ташкил топган АҚШ ва Кунчиқар мамлакат – Япония бир мунча вақт давомида Европа давлатларидан узоқда бўлиб, халқаро муносабатларга деярли таъсир кўрсатмадилар. Жуғрофий жиҳатдан Европага яқин бўлган Россия XVIII асрдан бошлаб халқаро муносабатларнинг фаол субъектига айлана борди.

Халқаро муносабатлар тарихида диний омил ҳам, шубҳасиз, катта роль ўйнаган. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, диний омил ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлади.

Халқаро муносабатларда цивилизациялар ўртасидаги алоқалар муҳим ўрин тутди. Дунёда қанча халқ бўлса, шунча цивилизациялар мавжуд. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ҳар бир халқ ёки миллат бетакрордир. Шундай экан, цивилизация бу халқ ёки миллатнинг диний этиқоди, унинг ўзига хос менталитети ҳамда турмуш тарзини ўз ичига олиши табиий, албатта.

Масалан, Англия ва Франция ўртасидаги рақобатда Англия француз протестантларини молиялаштириб турган. Рим папасининг олиб борган сиёсати натижасида ислом цивилизациясига мансуб бўлган мамлакатларда диний ҳамжиҳатлик, диний Уйғониш юз бера бошлади.

Европа мамлакатларида миллий онг ҳам катта аҳамият касб эта бошлади, бу омил, айниқса, Буюк француз инқилоби даврида юқори чўққига кўтарилди.

XIX асрда Европада миллий онгнинг тез суръатлар билан ривожланиши кузатилди. Миллийлик, бошланғич маълумот олишга интилиш, матбуотнинг ривожланиши шунингдек, техникавий ва ғоявий тараққиёт ўзаро чамбарчас боғланиб кетди. Матбуот оммавий тус олди,

парламентлар ва партияларнинг фаолияти тобора юксалиб борди. Денгиз транспортининг такомиллашуви халқаро муносабатларда одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ҳамда ғояларнинг дунё бўйлаб ёйилишига катта таъсир кўрсатди. Халқаро муносабатлар тарихида биз имкон даражасида аждодларимизнинг роли ва ўрнини, уларнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган мавқеини ёритишга интилдик. Зотан, III бобнинг XIX асрнинг 60 йилларидан то биринчи жаҳон уруши тугагунга қадар бўлган даврни қамраб олгани бежиз эмас, чунки айнан шу 1860 йиллардан бошлаб, Ўрта Осиё халқлари ва давлатлари чор Россияси тобелигига тушиб қолди.

V бобда эса Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда халқаро муносабатлар, Ўзбекистон мустақиллиги ва унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви масалалари ёритиб берилди. Халқаро муносабатлар тарихи ўрта асрларнинг сўнгги, янги ва энг янги даврини ўз ичига олган.

Бугунги кунда глобаллашув жараёни халқаро сиёсий жараёнларга жиддий таъсир ўтказмоқда. Бу таъсир ва унинг натижасида юз бераётган ўзгаришларнинг даражаси ва ҳаракатларини турлича баҳолаш ва талқин этиш мумкин. Глобаллашувнинг таърифи, ўлчовлари, талқини ва таъсири ҳақида турли хил илмий гуруҳларга мансуб олимларнинг қарашлари бири-биридан жиддий фарқ қилади. Сабаби, биз эндиликда дунёда мутлақо янгича воқеалар тизимини бошдан кечирмоқдамиз.

Бугунги кун халқаро муносабатлари аввалги даврлардан кескин фарқланади. Эндиликда халқаро муносабатларнинг ривожланишига таъсир этувчи ҳудудсиз чегаралар ҳамда масофасиз омиллар ва воситалар юзага келмоқда.

Глобаллашув ҳокимиятни бошқариш тартиби ва шакллари ҳам таъсир этмоқда. Давлат жамиятдаги ижтимоий муносабатларни бошқарувчи етакчи куч бўлиб қолаётган бўлса-да, глобаллашув жараёни давлат суверенитети асосларини ташкил этувчи тамойилларнинг аҳамиятини сусайтирмоқда. Шунингдек, халқаро муносабатларда ҳокимиятга таъсир этишнинг янги кўринишлари – халқаро ижтимоий ҳаракатлар (мисол учун, Гринпис ёки Амнисти интернейшнл ташкилотлари), халқаро қонун нормалари юзага келиб, булар ҳам, ўз навбатида, давлат суверенитетининг сусайишига таъсир этмоқда.

Глобаллашувни бир томонлама, юзаки баҳоламасдан, унга амалий ёндашиш зарур. Бу жараён барчага турлича таъсир ўтказмоқда. Мисол учун, глобаллашувнинг ижобий тарафларидан Шимолий Америка аҳолиси Африкадагилардан кўра кўпроқ фойда кўрмоқда. Шунингдек, мазкур жараёнда шаҳар аҳолиси, хусусан, ёшлар, қишлоқдагиларга нисбатан кўпроқ иштирок этмоқдалар. Глобаллашув макон ва масофа тушунчаларига ҳам батамом барҳам бергани йўқ.

Кишилар ҳамон ўзларини маълум бир ҳудуд, ватан билан боғлашга ҳаракат қиладилар. Аҳоли ва маҳсулотларнинг ҳаракати учун масофа ҳамон асосий омил бўлиб қолмоқда.

Халқаро муносабатлар тарихининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳамиша ҳам уруш ва можаролар ҳамда низоларнинг олдини олиш учун самарали чоралар кўрилмаган. Инсоният, айниқса, унинг пешволари урушлар ва можароларнинг олдини олиш билан боғлиқ қатъий чораларни ҳар доим ҳам ишга солавермаганлар.

Халқаро муносабатлар тарихини ўрганиш ундан етарлича сабоқ олиш ва йўл қўйилган хатолардан хулоса чиқариш кераклигини уқтиради.

Халқаро муносабатлар тарихидаги муҳим саналар

1336 йил – Амир Темур дунёга келди.

1355–1356 йиллар – Амир Темурнинг сиёсат сахнасига чиқиши.

1370 йил – Амир Темурнинг ўз Ватани Туркистонни муғўллар истибдодидан озод этиб, пойтахти Самарқанд бўлган марказлашган давлат барпо этиши.

1370–1405 йиллар – Амир Темурнинг ҳукмронлик даври.

1394–1449 йиллар – Мирзо Улуғбек яшаган давр.

XIV–XV асрлар – Италияда бошланган Уйғониш даври.

1415 йил – Ян Гус черков руҳонийлари томонидан тириклай ўтда ёндирилди.

1441–1501 йиллар – Буюк шоир, давлат арбоби Алишер Навоий яшаган давр.

1445 йил – Немис ихтирочиси Иоганн Гутенберг китоб чоп этиш дастгоҳини яратди.

XV асрнинг иккинчи ярми – Флоренция дунёга уч буюк ижодкор – Леонардо да Винчи, Микеланжело ва Рафаэлни етиштириб берди.

1452 – 1519 йиллар – Леонардо да Винчининг яшаб ижод этган даври.

1453 йил – Турклар Константинополни эгалладилар.

1469–1527 йиллар – Никколо Макиавелли яшаган давр.

1473–1543 йиллар – Николай Коперник яшаган давр.

1483–1546 йиллар – Мартин Лютер яшаган давр.

1486 йил – Бартоломей Диаш Африканинг жанубий қисми Эзгу Умид бурунигача сузиб борди.

1492 йил – Христофор Колумб Американи кашф этди.

1493 йил – Рим папаси булла (қонуни)сига кўра, Шимолий ва Жанубий Америка – Испанияга, Ҳиндистон, Хитой, Япония ва бир қанча Осиё ҳудудлари – Португалияга бериладиган бўлди.

1498 йил – Васко де Гама Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳри ва Малабар қирғоғигача сузиб борди.

XV аср охири – XVI аср бошлари – Европа мамлакатларида китоб, газета, журнал, варақалар нашр этилиши кенг йўлга қўйилди.

1507 йил – Америго Веспуччи, Х. Колумб янги қитъани очганлигини исботлади.

1509–1564 йиллар – Жан Кальвин яшаган давр.

1519 йил – Немис князлари Муқаддас Рим империяси императорлигига Испан қироли Карл I ни сайладилар.

1519–1520 йиллар – Ф.Магеллан илк бор денгиз йўллари орқали 14 ой ичида Ер қуррасини айланиб чиқди.

1530 йил – Испанлар Жанубий Америкадаги инклар империсини ҳам босиб олдилар.

1564–1616 йиллар – Уильям Шекспир яшаган давр.

1575 йил – Испан босқинчиларига қарши курашган нидерландлар Лейден ҳимоячилари шарафига Лейден университетини таъсис этишди.

1576 йил – Португаллар Хитой қирғоқларига етиб бордилар.

1599–1658 йиллар – Оливер Кромвель яшаган давр.

1600 йил – Жордано Бруно ўзининг «Ер Қуёш атрофида айланади» деган фикри учун черков аҳли томонидан ўтда ёкиб ўлдирилди.

XVII аср – Халқаро муносабатлар тарихида ақл-заковат ёки рационализм асри деб аталади.

1607 йил – Шимолий Американинг Атлантика соҳилидаги ҳиндулар яшайдиган ерлар ўрнида илк инглиз мустамлакаларига асос солинди.

1609 йил – Голландия мустақилликка эришди.

1618-1648 йиллар – Европадаги Ўттиз йиллик уруш.

1625 йил – Қирол Карл I тахтга ўтирди.

1625 йил – Габсбургларга қарши протестантлик мазҳабига мансуб бўлган Дания ва унинг қироли Кристиан IV (1577-1648 йй.) уруш очдилар.

1629 йил – Дания мағлуб бўлди ва урушдан чиқди.

1632–1634 йиллар – Польша Россияга қарши уруш олиб борди.

1642–1648 йиллар – Англиядаги фуқаролар уруши.

1648 йил – Вестфаль сулҳ шартномаси имзоланди ва айнан шу йилдан бошлаб ҳар бир давлат халқаро муносабатларнинг субъекти ҳисобланадиган бўлди.

1649 йил 30 январь – Лондон шаҳрининг Уайтхолл қасрида ва парламент аъзолари иштирокида Карл I нинг боши танасидан жудо этилди.

1649 йил 19 май – Англия илк бор республика деб эълон қилинди.

1649 йил – Кромвель бошчилигидаги армия Дублинга етиб борди.

1652 йил – Кромвель армияси Шотландияга бостириб кирди.

1682 – 1725 йиллар – Пётр I нинг подшоҳлик даври.

1685 йил – Қирол Карл II нинг вориси, унинг укаси Яков II тахтга чиқди.

1688–1689 йиллар – Англияда “шонли инқилоб” натижасида қирол Яков II мамлакатдан қувиб юборилди.

XVIII аср – халқаро муносабатларда “Маърифатпарварлик асри” деб аталади.

XVII аср бошлари – Англияда романнывисликка асос солинди. Жонатан Свифт “Гулливернинг сайёҳатлари”, Даниэл Дефо “Робинзон Крузо” романларини ёздилар.

1715 йил – Франция қироли Людовик XIV вафот этгач, унинг набираларидан бири Людовик XV тахтга ўтирди.

1715–1774 йиллар – Людовик XV мамлакатни бошқарди.

1732–1799 йиллар – Жорж Вашингтон яшаган давр.

1733 йил – Жон Кей учар мокини ихтиро қилди.

1740–1786 йиллар – Пруссияни қирол Фридрих II бошқарди ва замондошлари орасида у “Буюк Фридрих” номини олди.

1743–1826 йиллар – Томас Жефферсон яшаган давр.

1756–1763 йиллар – Етти йиллик уруш.

1765 йил – Жеймс Харгрисс чарх ипини тортиш ва пишитишни айни бир вақтда таъминлайдиган механизм яратди ва уни ўз қизининг номи билан “Женни” деб атади.

1765 йил – Жеймс Уатт ўзининг буғ машинасини ихтиро қилди.

1769–1821 йиллар – Наполеон Бонапарт яшаган давр.

1774 йил – Қирол Людовик XV вафот этиб, унинг ўрнига набираси Людовик XVI тахтга ўтирди.

1775 йил – Англия билан унинг Америкадаги мустамлакалари ўртасида уруш бошланиб кетди.

1776 йил 4 июль – Америкада “Мустақиллик Декларацияси” қабул қилинди.

1783 йил – Парижда АҚШ ва Англия ўртасида сулҳ битими имзоланди.

1787 йил – Таъсис конвенцияси АҚШ Конституциясини қабул қилди.

1789 йил – Жорж Вашингтон АҚШнинг биринчи Президенти этиб сайланди.

1789 йил 5 май – Қирол Людовик XVI Версалда Генерал штатлар мажлисини очди.

1789 йил 14 июль – Париж аҳолиси Бастилия қамоқхонасини қўлга киритди ва у ердаги маҳбусларнинг барчасини озод қилди.

1789 йил август – Миллий мажлис “Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари Декларациясини” қабул қилди.

1791 йил – Миллий мажлис феодал, дворян ва бошқа барча имтиёзли унвонларни бекор қилиб, деҳқонларни барча қарамликлардан озод қилди.

1791 йил – Таъсис мажлиси ўз ўрнини Қонун чиқарувчи мажлисга бўшатиб берди, чунки ушбу мажлис парламент депутатлари 1791 йилда қабул қилинган Конституция асосида сайланган эдилар.

1792 йил – Француз қўшинлари мамлакатга хужум қилган пруссияликлар ва австрияликлар устидан Вальмида биринчи ғалабани қўлга киритдилар.

1792 йил 21 сентябрь – Миллий конвент ўз мажлисларини бошлаб юборди.

1792 – 1804 йиллар – Францияда I Республика даври.

1794 йил – Максимилиан Робеспьер бошчилигидаги якобинчиларнинг зўравонликка асосланган ўта сўл диктатураси ағдариб ташланди.

1795–1799 йиллар – Директория ҳукмронлиги даври.

1797 йил – Наполеон Австрияни таслим бўлиш сулҳини имзолашга ва Франциянинг ғалабасини тан олишга мажбур этди.

1798 йил – Наполеон 30 мингдан ортиқ кишилиқ армия билан 350 та кемада Мисрга йўл олди.

1804 йил 2 декабрь – Сенат Наполеон Бонапартни Наполеон I номи билан Франция императори деб эълон қилди.

1804 – 1814 йиллар – Биринчи империя даври.

1812 йил – Наполеоннинг Россиядаги уруши Биринчи империя армиясини ҳалокатга олиб келди.

1814 йил – Стефенсон паровози яратилди.

1814 йил – Наполеон устидан қозонилган ғалабадан сўнг Венада Европа давлатларининг конгресси чақирилди.

1814–1815 йиллар – Вена конгресси қарорига кўра давлатлараро доимий элчиликлар ташкил топди.

1815 март-июнь – Наполеоннинг қайта тахтга ўтириши ва 100 кунлик ҳукмронлиги.

1815 йил 18 июнь – Ватерлоо яқинидаги сўнгги катта жангда Англия ва Пруссия қўшинлари Наполеон армиясини тор - мор қилдилар

1819 йил – Венесуэла мустақил деб эълон қилинди.

1819 йил – Гренада энди Колумбия номи остида мустақил бўлди.

1821 йил – Туркияга қарашли бўлган Грецияда миллий-озодлик ҳаракати бошланиб кетди.

1825 йил – Боливия ташкил топди.

1822 йил – Бразилия Португалиядан ажралиб чиқди ва мустақил давлатга айланди.

1822 йил – Эквадор мустақилликни қўлга киритди.

1830 йил – Польша қўзғолони.

1830 йил – Жанубий Америкадаги барча халқлар ўз мустақилликларига эришдилар.

1830 йил – Францияда Июль инқилоби.

1830–1848 йиллар – Луи Филиппнинг қироллиги.

1830 йил – Европа ҳукмрон доиралари ичида кескин инқироз бошланиб кетди.

1832 йил – Англия парламенти ўз мустамлакаларида қуллар олди-сотдисини бекор қилди.

1841–1929 йиллар – Жорж Клемансо яшаган давр.

1848 йил февраль – Францияда инқилоб бошланиб кетди.

1848 йил – Франциядаги Муваққат ҳукумат ўз мустамлакаларида қуллар олди-сотдисини бекор қилди.

1848–1851 йиллар – Францияда Иккинчи Республика даври.

1848 йил декабрь – Муқобиллик асосида ўтказилган президентлик сайловларида Наполеон Бонапартнинг жияни, 40 ёшли Луи Наполеон Бонапарт Франциянинг биринчи президенти этиб сайланди.

1848–1849 йиллар – Италияда инқилоб даври.

1849 йил май – бир йил олдин сайланган Таъсис мажлиси ўз ўрнини Миллий мажлисга бўшатиб берди.

1851 йил 1 декабрдан 2 декабрга ўтар кечаси – Луи Наполеон Бонапарт томонидан содир этилган давлат тўнтариши туфайли Иккинчи республика кулади.

1853 йил октябрь – Россия Туркияга қарши уруш эълон қилди.

1853-1856 йиллар – Қрим уруши.

1856 йил 25 февралда – Парижда Қрим уруши қатнашчиларининг конгресси очилди.

1859 йил – Австрия бошчилигидаги Германия иттифоқи тарқатиб юборилди.

1859 йил – Пруссия бошчилигидаги Шимолий Германия иттифоқи ташкил топди.

1861 – 1865 йиллар – АҚШда фукаролар уруши.

1864 йил – Чеченистон рус қўшинлари томонидан забт этилди.

1864-1865 йиллар – Туркистоннинг юраги бўлган Тошкент руслар томонидан забт этилди.

1866 йил – Бисмарк Австрияни тор-мор қилиб, Шимолий Германия иттифоқининг канцлерига айланди.

1868 йил – Самарқанд яқинидаги Зирабулоқ жангида рус чоризми Бухоро амирлиги устидан ғалаба қозонди.

1870 йил июль – Франция – Пруссия уруши.

1870 4 сентябрь – Франция Республика деб эълон қилинди.

1870 йил 20 сентябрь – Италиянинг доимий армияси Римни эгаллади.

1871 йилдан сўнг – Францияда узил-кесил республика тизими жорий этилди ва бошқарувда президентлик институти қайта тикланди.

1873 йил май ойида – Германия ва Россия ўртасида ҳарбий конвенция имзоланди.

1873 йил – Рус чоризми Хива хонлигини босиб олиб, уни ўз мустамлакасига айлантирди.

1874-1965 йиллар – Уинстон Черчилль яшаган давр.

1876 йил – Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ерлари Туркистон генерал-губернаторлигига қўшиб олинди.

1879-1953 йиллар – Иосиф Сталин яшаган давр.

1880 йил – Катта уринишлардан сўнг Англия Афғонистонда ўз протекторатини ўрнатди.

1881 йил – Ал-Жазоир билан чегарадош бўлган Тунис Франция томонидан босиб олинди.

1882 йил – Учлар иттифоқи вужудга келди.

1882 – 1945 йиллар – Франклин Рузвельт яшаган давр.

1883-1885 йиллар – Аннан, Тонкин, Кохинхан ва Кампучия Ҳиндихитой Иттифоқига киритилиб, Франция мустамлакасига айлантирилди.

1885 йил – Англия Ҳиндистон ҳудудидан туриб, Бирмани босиб олди.

1884 йил – Чор Россияси катта қурбонликлар эвазига Марвни эгаллади.

1887 йил – Россия ва Германия ўртасида тузилган битим ўз-ўзини суғурталаш номини олди

1890 – 1970 йиллар – Шарль де Голль яшаган давр.

1891 йил – Россия ва Франция ўртасида маслаҳатлашув пакти имзоланди.

1895–96 йиллар – Италия Ҳабашистонга қарши уруш олиб борди.

1895 йил – А. Попов электр орқали ишлайдиган радио аппаратини кашф этди.

1899 йил – Куба АҚШ томонидан оккупация қилинди.

1903 йил – АҚШда ака-ука Уилбур ва Орвиль Райтлар аэроплан ясаб, самога кўтарилишди.

1904 йил – Англия ва Франция ўртасида “*entente cordiale*”, яъни «самимий келишув» битими вужудга келди.

1907 йил – Антанта вужудга келди.

1908–1909 йиллар – Босния инқироzi вужудга келди.

1914 йил 23 июль – Сербияга Австро-Венгрия ультиматум эълон қилди.

1914 йил 29 июль – Николай II ҳарбий сафарбарлик тўғрисидаги буйруққа имзо чекди.

1914 йил 31 июль – Парижда Жан Жорес отиб ўлдирилди.

1914 йил 1 август – Германия ёппасига ҳарбий сафарбарлик эълон қилди.

1914 йил 3 август – Германия Францияга қарши уруш очди.

1914 йил 2,5,6 ноябрь – Россия, Англия ва Франция Туркияга уруш эълон қилдилар.

1917 йил февраль – Россияда инқилоб юз берди ва подшоҳ Николай II тахтдан ағдарилди.

1917 йил – Бухоро амирлигининг Чор Россиясига қарамлиги барҳам топди

1918 йил – Германия Республика деб эълон қилинди.

1918 йил март – Германия ва Совет Россияси ўртасидаги Брест сулҳ шартномаси имзоланди.

1918 йил ноябрь – Германия республика деб эълон қилинди.

1918-1922 йиллар – Туркияда Миллий озодлик ҳаракати.

1918-1923 йиллар – Халқаро муносабатларда инқилобий юксалиш йиллари.

1919–1920 йиллар – Париж сулҳ конференцияси.

1919 йил – Париж сулҳ конференциясида айнан Версаль қасрида Германия билан имзоланган битимда “Миллатлар лигаси” ташкил топди.

1919 йил – Англия Афғонистоннинг мустақиллигини тан олди.

1920 йил февраль – Совет қўшинлари Хива хонлигига бостириб кириб уни ағдаришди ва Хоразм Совет Республикасини эълон қилди.

1920 йил 2 сентябрь – Бухоро амири С. Олимхон тахтдан ағдарилди ва Бухоро Халқ Совет Республикаси эълон қилинди.

1920 йил октябрь – Совет қўшинлари Шарқий Бухорога юриш бошлади.

1921 йил ёзида – Шарқий Бухорода оммавий кўзғолон бошланди.

1921–1922 йиллар – Вашингтон конференцияси.

1924–1928 йиллар – Халқаро муносабатларда барқарорлашув йиллари.

1927 йил – Японияда “Танака меморандуми” ишлаб чиқилди.

1927 йил баҳорида – АҚШ, Англия, Япония, Франция Хитойга қарши очик интервенция эълон қилдилар.

1928 йил – Тошкент шаҳрида ойнаи жаҳон – телевизор кашф этилди.

1929 йил – Жадидлар таъқиб остига олина бошланди.

1929–1933 йиллар – Жаҳон иқтисодий инқироzi йиллари.

1932 йил – Германияда навбатдаги президентлик сайловлари бўлиб ўтди.

1933 йил январь – Германияда президент Гинденбург Гитлерни рейхканцлерлик лавозимига тайинлади.

1933 йил – СССР билан АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги битим имзоланди.

1935 йил – СССР билан Франция ўртасида ўзаро ёрдам шартномаси тузилди.

1935–1936 йиллар – Италиянинг Ҳабашистонга уруш эълон қилмасдан бостириб кириши ва уни босиб олиши.

1936–1939 йиллар – Испанияда фуқаролар уруши.

1936 йил октябрь – Германия–Италия ҳарбий Сиёсий блоки вужудга келди.

1938 йил – “Мюнхен фитнаси”.

1939 йил – Япония ва Англия ўртасида имзоланган битим ва унинг “Узоқ Шарқ Мюнхени” номини олиши.

1939 йил 23 август – Москвада “Молотов-Риббентроп” пакти имзоланди.

1939 – 1945 йиллар – Иккинчи жаҳон уруши йиллари.

1940 йил 22 июнь – Франция Германияга таслим бўлди ва 70 йил давом этган Франция III Республикаси кулади.

1941 йил 22 июнь – Германия собиқ СССРга уруш эълон қилмасдан туриб бостириб кирди.

1941 йил декабрь – АҚШ Японияга уруш эълон қилди.

1943 йил 28 ноябрдан 1 декабргача – Уч давлат раҳбарларининг Техрон конференцияси бўлиб ўтди.

1945 йил 25 апрель – Сан-Францискода БМТ таъсис конференцияси иш бошлади.

1945 йил 26 июнь – Конференция БМТ низомини қабул қилди.

1945 – 1954 йиллар – Вьетнам халқининг озодлик уруши.

1946 йил – “Совуқ муносабатлар уруши” бошланди.

1949 йил 1 октябрь – Хитой Халқ Республикаси тузилди.

1949 йил апрель – НАТО ташкил топди.

1949 йил – Собик СССР ва Шарқий Европадаги социалистик давлатлар ўртасида “Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши” тузилди.

1951 йил – Европа кўмир қазиш ва пўлат эритиш бирлашмаси тузилди.

1957 йил – Европа Иқтисодий ҳамкорлиги – “Умумий бозор” вужудга келди.

1961-1962 йиллар – Кариб инқироzi ва унинг ечими.

1975 йил – Хельсинкида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича 35 давлат раҳбарлари мажлиси бўлиб ўтди.

1979 йил кузида – Техрон университети талабалари АҚШ элчихонаси биносини босиб олиб, 63 нафар америкалик дипломатни гаровга олдилар.

1979 йил декабрь – Совет қўшинларининг Афғонистонга бостириб кирди.

1981 йил январь – АҚШнинг катта пул тўлови натижасида дипломатлар озод этилди.

1989 йил – Совет қўшинлари Афғонистонни тўлалигича тарк этди.

1989 йил – Шарқий Европа ва Болқон яриморлидаги мамлакатларда социалистик лагерь қулади.

1990 йил – НАТО раҳбарлари ўзларининг Лондондаги йиғилишларида совуқ уруш тугаганлигини эълон қилдилар.

1990 йил 20 июнь – Ўзбекистон Олий Кенгаши “Мустақиллик декларациясини” эълон қилди.

1991 йил 31 август – Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди.

1991 йил декабрь – Беловежская Пушча учрашуви.

1991 йил декабрь – МДХ ташкил топди.

1992 йил 2 март – Ўзбекистон БМТнинг аъзоси бўлди.

1992 йил 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

1994 йил декабрь – Олий Мажлисга илк марта партиявий муқобиллик асосида умумхалқ сайловлари ўтказилди.

1995 йил – БМТнинг 50-йиллик юбилейида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов бу халқаро ташкилотнинг роли ва масъулиятини ошириш ташаббуси билан чиқди.

1997 йил – Ўзбекистон раҳбари Афғонистон масаласи бўйича 6+2 мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

1997 йил – БМТ Бош Ассамблеяси “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш тўғрисида”ги резолюцияни қабул қилди.

2001 йил июнь – Ўзбекистон ШХТга аъзо бўлиб, унинг муассиси ва тенг ҳуқуқли қатнашчисига айланди.

2001 йил 11 сентябрь – АҚШда террорчилик акти содир этилди.

2008 йил – Ўзбекистон раҳбари Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида БМТ шафелигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

2010 йил апрель – БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи амалга оширилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 2012.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., 1997.
3. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., 1998.
4. Каримов И. А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. –Т., 1998.
5. Каримов И. А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси, янги ҳаётни эскича қарашлар ва ёндашувлар билан кўриб бўлмайди. –Т., 2005.
6. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., 2008.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эритиш оstonасида. – Т., 2011.

Манбалар

1. Амир Темур. Темур тузуклари. –Т., 1991.
2. Бисмарк О. Мысли и воспоминания. Т. 1-2-3. –М., 1940–1941.
3. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. –Т., 1994.
4. Токвиль А. Демократия в Америке. –М., 1992.
5. Черчилль У. Вторая мировая война. В трех книгах. –М., 1991.

Илмий тадқиқотлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни мавзусидаги халқаро конференция тезислари. – Т., 1996.
2. Аҳмедов Б. Амир Темур (тарихий роман). – Т., 1995.
3. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур (ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти) (ўзбек, рус, инглиз тилларида). – Т., 1996
4. Аюбзод С. Тожиқлар ХХ асрда. (тожик тилида). – Прага, 2002.
5. Борисов Ю. Ш. М.Талейран. – М., 1986
6. Жўраев С. Замонавий халқаро муносабатлар. – Т., 2007.
7. Жўраев С. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси. – Т., 2007.
8. Жўраев С.А., Касимова Н.А. Актуальные вопросы современных международных отношений. – Т., 2008.
9. Загладин В.Н. Всемирная история. – М., 2006.
10. Зак Л.А. Монархи против народов. – М., 1966.
11. Ибрашев Ж. Демократия во Франции (очерки). – Алматы, 2009.
12. Киссинджер Г. Дипломатия. – М., 1997.
13. Манфред А.З. Наполеон Бонапарт. – М., 1972.
14. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. –Т., 1968.
15. Неру Дж. Взгляд на всемирную историю. –Т 1-2-3. М., 1989.
16. Протопопов А.С, Козьменко В.М. Елманова Н.С. История международных отношений и внешняя политика России.– М., 2006.
17. Трухановский В.Г. Уинстон Черчилль. – М., 1977.

18. Танин З. Афғонистон XX асрда 1900-1996 йй. (форс тилида). – Техрон, 1997.
19. Ўзбек дипломатияси тарихидан. – Т., 2003.
20. Ўлжаева Ш. М. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. – Т., 2005.
21. Ўринбоев А., Бўриев О. Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991.
22. Фармонов Р. Развитие общественно-политической мысли в годы Второй Республики (1848-1951). – М., 1992.
23. Фармонов Р., Содиков О. Жаҳон тарихи (янги даври – XVII-XIX асрлар.) – Т., 2001.
24. Фармонов Р., Тўлаганова Н., Жўраев Қ ва бошқалар. Замонавий сиёсатшунослик: назария ва амалиёт. – Т., 2008.
25. Хидоятлов Г.А. Дипломатия XX века. – М., 2010.
26. Хидоятлов Г.А. История дипломатии. – Т., 2003.
27. Хидоятлов Г.А., Гуламов Х.Г. Всемирная история. Новейший период. Европа и США после Второй мировой войны (1945-1995 г). – Т., 1999.
28. Черкасов П.П. Лафайэт. Политическая биография. – М., 1991.
29. Чернявский В. Гиммлер против Гитлера. – М., 2004.
30. Шпатов Б. Создание Конституции США и проблемы демократии М., 1977.
31. Эргашев Ш. Уч буюк француз. – Т., 2014.
32. Юнусов Ҳ. Европа Иттифоқи ҳуқуқи. – Т., 2007.
33. Яковлев Н. Дж. Вашингтон. – М., 1973.
34. Renouvin P. Histoire de relations internationales. En trois volumes. – Р., 1994.
35. Roy O. La nouvelle Asie Centrale ou la fabrication des nations. – Р., 1997.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

Раҳмон Фармонов

Қодир Жўраев

Муҳаррир: *З.Ю. Ташпулатова*

Оригинал-макет: *А. Деревянская*

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очик нашр этиш ман қилинган маълумотларни оммалаштиргани учун ўқув қўлланма муаллифлари жавобгардир.

ЖИДУ рухсатисиз қайта чоп этиш ман қилинади.

Формат 84x108 1/32. Ҳажми 11 б.т.

Нусха сони 100.

ЖИДУда чоп этилди.

100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54.